

Шарқ юлдузи

Адабий-бадний, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Сирожиддин Саййид
Муҳаммад Али
Кенгесбой Каримов
Иқбол Мирзо
Қаҳрамон Қуронбоев
Минҳожиддин Мирзо
Сайфиддин Рафиддинов
Фармон Тошев
Исажон Султон

Хайриддин Султонов
Маҳмуд Тоир
Гулистон Матёкубова
Шерзод Ирзоев
Нурбой Жабборов
Тоштемир Турдиев
Шухрат Маткарим
Адҳамбек Алимбеков
Жамолиддин Муслим

Бош муҳаррир – Сирожиддин Рауф

Бош муҳаррир ўринбосари – Азиз Саид

Масъул котиб – Дилором Муротова

Назм бўлими мудири – Икром Отамурод

Наср бўлими мудири – Саид Анвар

Адабиётшунослик бўлими мудири – Дилфуза Қўзиева



УШБУ СОНДА:

НАСР

Олмос АХМЕДОВА

ИТИ ЭТИКЛАГАН ОБИД



Дадамнинг Обид деган ўртоқлари Кўргонтагининг Қоратош маҳалласида жуда кўп эди. Дадам ҳар бирини феъл-атвори, эътиқодини, баъзилардан афзаллигини, ёхуд тарбиясидаги камчиликларини билатуриб, ёшликларидаги маҳалладошлари билан алоқаларини узмаганлар. Керак вақтда улардан ёрдамларини аямаганлар. Улар ҳам дадамдан бирор илтимослари бўлса, бемалол айтишарди. Баъзан маҳаллаларига бориб, болалик ўртоқлари билан ёшликдаги шўхликларини эслашиб, “отамлашиб” келарди.

НАЪМ

Баходир ИСО

ХАЁЛИЛАРАСИ



Қайдан келдим,
бораман қайга,
Ўй изғийди
чиқариб оёқ.
Бу соҳада мен билан
пойга
Ўйнолмайди
ҳеч қайси саёқ.

АДАБИЁТИ ВА ШАХС

Анвар НАМОЗОВ

ТОХИР МАЛИКНИНГ СЎНГИ КҲНАЛРИ



Кейинги вақтда шундай бўлдики, салгина яхши бўлсалар, иш столига бориб, шунини ёза қолай, деб ўтириб олардилар. Қандайдир бошқача бўлиб қолгандилар. Тезроқ ҳаракат қилиш керак, дердилар. Ҳозир эътибор билан эсласам, кўп нарсаларга белги бериб кетган эканлар. Билганлар.

Оғир хуруждан сал илгари, Тўлаган Исоқов деган қариндошимиз, футболчи бўлган, амакиларининг ўғли, етмиш ёшга тўлди. Юбилейга хабар қилдилар. Тоҳир акангиз ҳеч қаёққа бормаётгандилар. Ўша ёққа бораман, қариндошларимни кўраман, дедилар. Хаёлимга ҳам келмабди, нега бундай деётганлари...

Абдужалил АСИРИЙ

ҲАЁЛИНИНДА ЯСТАННАР ОЛИС

Оғочдай ёниб битдим,
На мевам бор, на соям.
На кўнглимни пок этдим,
На севгимни ҳимоя.

Соврилдими бу ҳаёт,
Куй-қанотсиз ҳисларда?
Шунча яшадим, нахот
Ўзимдан олисларда?



Рисолат ҲАЙДАРОВА

СЕБОР

1917 йилги инқилобдан кейин “Йўқолсин бойлар!” шиори олға сурилади-ю, Усмон оқсоқол янги ҳукумат билан зиддиятга бормасликни маъқул кўриб, бойликларини ўз хоҳиши билан давлатга топширади. Шу боис унга тегишмайди, бобомнинг ихтиёрида ичкари-ташқарили ҳовлиси қолади. Унга девор-дармиён бўлиб яшаган акаси Тўхтаюсуф эса ёзги дала ҳовлисига ичи ачиганидан Себордаги уйини ташлаб, Юнусободга кўчиб кетади. Йўқсиллар унинг ҳовли-жойида “Қизил чойхона” очишади.



ИНТИЛИМАС ХОТИРАЛАР

Оллоёр БЕГАЛИЕВ

Мен арузий вазндаги ғазалларимни ўқий бошлашим билан, Муҳаммад аканинг юзи бужмайди: “Бўлди, ўқима! Содда ёзсанг бўлмайдами? Мен зўрға тушуняпман-ку, халқ қандай қабул қилади? Содда ёз!” деди.

“Аруз соддаликни кўтармайди!” эътироз билдирдим.

“Унақада, Машраб-чи! Машраб содда ёзган-ку!”

Бирор ҳафталардан кейин ўзлари арузда ёзган ғазални (уни илгари ёзганми, яқиндами, билмайман) ўқиб берди:

*Богда бир гулзодага кўнгилни бердим, дўстларим,
Мен гариб, хонзодага кўнгилни бердим, дўстларим...*





Ватан маъноси боқий хотира

Эркин ВОҲИДОВ

Сенингдирман

Ватан, то танда жоним бор,
Сенингдирман, сенингдирман.
Таним ҳок ўлса ҳам сен ёр,
Сенингдирман, сенингдирман.

Жаҳон кенгдир, фалак кенгдир,
Юрак кенгдир, чу, сен борсан.
Сенингсиз икки дунё тор,
Сенингдирман, сенингдирман.

Менга бегона элларда
Насиб гар ўлса юз роҳат.
Чекай бағрингда минг озор,
Сенингдирман, сенингдирман.

Агар шодликларинг оздир,
Менингдирсан, менингдирсан,
Магарким ғамларим бисёр,
Сенингдирман, сенингдирман.

Эркин ВОҲИДОВ – (1936–2016) Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) ўзбек филологияси факультетини битирган. "Тонг нафаси", "Қўшиқларим сизга", "Юрак ва ақл", "Менинг юлдузим", "Ёшлик девони", "Муҳаббат", "Тирик сайёралар", "Шарқий қирғоқ", "Келажакка мактуб", "Бедорлик", "Қуй авжсида узилмасин тор", "Яхшидир аччиқ ҳақиқат" номли шеърӣ тўпламлари, "Рухлар исёни" достони, "Муҳаббатнома" ва "Садоқатнома" номли икки жилдлик сайланма, "Олтин девор", "Истанбул фожиаси" драмалари муаллифи.

Бугун бор, эртага йўқ жисмим,
Ва, лек руҳим учун мангу.
Сенинг мангулигинг даркор,
Сенингдирман, сенингдирман.

Сенинг ишқинг билан ёндим,
Кетар жонимда бу оташ,
Сенингдирман, яна такрор,
Сенингдирман, сенингдирман.

Тонг лавҳаси

Уфқларга қўйиб гулдаста,
Тоғ ортидан кўтардида бош,
Пастга бокди чўққидан аста
Олтин қалам тутган бир наққош.

Ҳар нуктага сайқал бериб у,
Водий узра чизди зар лавҳа.
Сўнг, куёш деб, имзо чекдию,
Тонг отар деб қўйди сарлавҳа.

Кузатиш

Маъсум кўзларингда севинч бир олам,
Мурғак кўнглинг ичра дунё ҳаяжон.
Бугун қўймоқдасан мактабга қадам,
Мустақил юртимга тенгдош болажон.

Отанг ғурурланар, онанг билмас тин,
Бувинг бўйларингдан юз бор айланди.
Янги ҳаёт сенга муборак бўлсин,
Озод Ватанимнинг озод фарзанди.

Биринчи сентябрь, биринчи наҳор,
Биринчи кўнғирок, биринчи таълим.
Осмонинг беғубор, дилинг беғубор,
Бахтли кун дунёга келган асалим.

Сени кузатаркан, ойижон эмас,
Фаришталар сочинг тараб турибди.
Хаёлимда шу бир хонадон эмас,
Олам йўлларингга қараб турибди.

Ойдин истиқболинг, иқболинг билан
Кўнглимнинг энг ширин хаёлидирсан.
Ниҳолсан, эртанги камолинг билан
Умидлар юртининг тимсолидирсан.

Кўнглим тўла сенга ҳавас ва зиё,
Ўзинг ўз, сўзинг сўз, мутелик абас.
Ўзига тил, бегона маслагу маъво
Энди сенга азиз, мукаррам эмас.

Хур мамлакат сенинг, хур юрак сенинг,
Буюк тарих сенинг, сенинг замонанг.
Инқилоб зурёди эмас Ватанинг,
Қуллукдан бошланмас миллий таронанг.

Шукур, шундоқ кунга етказди тақдир,
Ёруғ пешонангдан, кел, битта ўпай.
Юксакларни кўзла, қарчиғай ахир
Полапон бўлса ҳам, зоти қарчиғай.

Камтарлик ҳақида

Гарчи шунча мағрур турса ҳам,
Пиёлага эгилар чойнак.
Шундай экан, манманлик нечун,
Кибру ҳаво нимага керак?

Камтарин бўл, ҳатто бир қадам
Ўтма ғурур остонасидан.
Пиёлани инсон шунинг-чун
Ўпар доим пешонасидан.

Кимни этмас бу кўнгил шайдо

Дунё экан.
Ишқ деган савдо
Борми фақат менинг бошимда?
Кимни этмас бу кўнгил шайдо,
Ким шеър ёзмас менинг ёшимда?

Севги илк бор тушдию қалбга
Ҳаётимнинг бўлди мазмуни.
У қўлимга тутқазиб қалам,
Кўзларимдан олди уйқуни.

Олди бутун фикру хаёлим,
Кетди дилдан ором, ҳаловат.
Севги бутун боримни олиб,
Шеър завқини қолдирди фақат.

Борлиқ олам кўзимга минг-минг
Гўзалликка тўлиб кўринди.
Гуллар менга ошиқ булбулнинг
Шеър дафтари бўлиб кўринди.

Айб этмангиз,
Дўстлар бу савдо
Борми фақат менинг бошимда?
Кимни этмас бу кўнгил шайдо,
Ким шеър ёзмас менинг ёшимда?

Садоқат

Кекса қарағайнинг
Илдизин очиб,
Тортдилар кўш арқон солиб белидан.
Лекин, у тупроққа панжасин санчиб,
Сира кўзғалмасди
Унган еридан.
Ниҳоят,
Гурс этиб ерга кулади,
Бутаб,
Сўнг кўтариб кетдилар,
Бироқ –
У ўз панжасида олиб жўнади
Яшаган еридан
Бир сиқим тупроқ.

Ватан қадри

Чашма қошида тиниқ сув
Қадрини билмас киши,
Сайр этиб гулшанда гулни
Кўзига илмас киши.

Ваҳ, бу не ғафлатки инсон –
Кўксида тутмиш ватан,
Ким ватан ичра ватаннинг
Шукрини қилмас киши.

Юрт недир, юрт доғи недир,
Юртдан айрилган билар,
Англагувчи юрт фироқин
Юртда топилмас киши.

Эй, ватандошим, эшит:
Бобуру Фурқат ноласин,
Бесабаб андуҳ тиғида
Бағрини тилмас киши...

Айтиш қийин

Айтиш қийин, дўстим, дафъатан,
Ширинликда нима зиёда?
Гўдак учун она кўксидан
Ширин нарса йўқдир дунёда.

Йиллар ўтиб, ёшига монанд
Ўзгаради ҳар битта инсон.
Болаликда ширин бўлса қанд,
Қариликда ширин бўлар жон.

Боқий хотира

Ўйлайман, очилса ҳар йил навбаҳор
Мовий кенгликларда алвон лолалар,
Булар лола эмас, ёт элларда зор
Лолага айланган аскар болалар.

Ўйлайман, офтоб уйғониб саҳар,
Кунчиқар уфкига тикканда ялов,
Бу гулгун шафақмас, осмонга қадар
Бевалар оҳидан туташган олов.

Ўйлайман, ҳар кеч шамс етса заволга,
Борлиқнинг тугамас мотами ростдир.
Тун эмас, оналар эғнида қолган
То маҳшар ечилмас қора либосдир.

Юр, болам.
Майдонга борайлик бугун,
Қўлингда дона гул яноғингдек ол.
Бу гул сенинг бахтинг, шод кулгинг учун
Фидо бўлган бобонг қалбига тимсол.

Йўк, сен ўзинг гулсан,
Ватанинг – чаман,
Улғай, асил зотинг унутма сира.
Билки,
Қадр билмак аслида – Ватан,
Ватаннинг маъноси боқий хотира.

Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса...

Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса,
Олтин бошнинг калла бўлгани шудир.
Бедил қолиб Демян Беднийни суйса,
Қора сочининг малла бўлгани шудир.
Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса,
Дод демокқа палла бўлгани шудир.
Маърифатдан айру ўйнаса, кулса,
Аза чоғи ялла бўлгани шудир.
Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса,
Алдангани, алла бўлгани шудир.
Юлғич азиз бўлиб, билгич хор бўлса,
Пайтаванинг салла бўлгани шудир.
Эл комил бўлмаса юрт эмас улуғ,
Бекадр маҳалла бўлгани шудир.
Қалб тўла нур халқнинг ризқи ҳам тўлуғ,
Омбор тўла ғалла бўлгани шудир.
Ўзбек ўзлигини англаса бекам,
Унинг «Баракалла» бўлгани шудир.
Оламга Навоий наслиман деган
Овози баралла бўлгани шудир.

* * *

Эй, мен билган,
Билмаган дунё!
Заррадан то Коинот қадар,
Ҳам аён, ҳам тилсимот қадар
Фикрат бовар қилмаган дунё!
Мен ҳам сендан
Бир қисм бўлиб,
Ҳис, идрок, жон ва жисм бўлиб
Яралибман, яшамокдаман.
Оқар экан тириклик – дарё
Ҳаёт билан гоҳ тўлқин аро,
Хаёл билан гоҳ қирғокдаман.
Қуйламоқнинг шавқи ҳам – яшаш,
Ўйламоқнинг завқи ҳам – яшаш,
Қай бири чин ҳаёт – билмасман,
Элга очдим кучоқларимни,
Елга сочдим хуш чоқларимни,
Лекин тунги қийноқларимни
Ҳеч кимсага ҳадя қилмасман.



Олмос АХМЕДОВА

Тарихга айланган тут

Ҳаётий ҳикоялар



Ҳаётий ҳикоялар

Уйимиз дарвоза якинида бир туп азим тут дарахти ўсар эди.

Аямнинг айтишларича, 1944 йили бу уйга кўчиб келганмиз. Йилнинг охирига ойи, ҳаммаёқни қор қоплаганда бир чол уйимизга кириб, таҳорат сув сўраб:

– Қизим, намозим қазо бўлмасин, – дебди. Аям обдастада иссиқ сув қилиб берибдилар.

Чол намозини ўқиб бўлиб, аямга раҳмат айтиб:

– Қизим, мен сизга бир туп тут дарахти экиб кетаман, пишганда мени эслаб юрасиз, – деб аямдан кетмон сўраб, дарахтни экиб бериб кетган экан.

Тут ўниб-ўсиб ҳосилга кириб, уйимизга келганларнинг оғзи тегадиган, қўни-қўшни болаларни суйиб ейдиган баҳорий мевасига айланган.

Бувим тўкилганларини йиғиб, “Увол бўлмасин”, деб шинни қилиб, шиша идишларга солиб қишга сақлаб, 50-йилларгача талқонга қўшиб, шакар ўрнида ишлатар эди. Шинни жуда мазали бўларди. Бувим уни “шифобахш” дердилар.

Томдан қор эриб, совуқда сумалакка айланганда, уни қириб шинни билан аралаштириб “морожний” қилиб беришарди. Танчада оёғимиз иссиқда, мазза қилиб талашиб еб олардик...

Тут азим дарахтга айланди... Дадам тутни ёнига ҳовузча қовлатиб, атрофига арча экиб, товус, каклик, ўрдак, ғозлар боқтирди. Ёғоч сўри қурдириб, соя-салқинида дўстлари билан суҳбат қурадиган жой қилдилар. Аммо ўрдаклар гулларнинг ғунчаларини чўқиб пайҳон қилгани, товуснинг хунук сайрагани ёкмади. Товусни биттаси сирли равишда ё учиб кетди, ё бирортаси ҳавасга олиб кетган бўлса керак. Шундай қилиб дадам каклик, ўрдак-ғозлардан ҳам зерикдилар, шекилли, боғбонимиз Гарзантемир отага бериб юборишди. Ҳовузни ҳам укаларим каттароқ бўлишганда шўхлик қилиб тушиб кетмасин деб кўмиб юбордилар. Лекин сўри узок вақтгача тутни ёнида сақланиб қолди.

Олмос АХМЕДОВА – 1938 йилда тугилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тамомлаган. Унинг “Боланинг тили ширин”, “Шайдо”, “Бахт”, “Армонлар”, “Сайланма” каби китоблари нашр этилган.

Арпапоя кўчасидаги болалар тутнинг тепасидан тушишмасди. Аям ҳар доим кўз-қулок бўлардилар.

Раҳматли аммаларим келишганида жўртталикка уни оғзиларига солишлари билан, “Акагинам экиб кетган тут, жойлари жаннатда бўлсин!” дейишса, аям чол экиб кетганини айтар эдилар...

Тут 2007 йилга келиб, укам иморат бошлаганида, қариб қолганигами катта бир шохи синиб тушди. Баҳайбат дарахт мувозанатини йўқотиб, бир ёққа қийшайиб қолди. Ағанаб, бирортага зарар етказишидан қўриқиб, таги билан кестирилди.

Мана, тут кесилиб кетганига неча йил бўлди, лекин тут экиб кетган отахонни аям умрларининг охиригача унутмадилар. Ўша тутнинг тўнкаларидан стол-стуллар ясадик. Улар ҳалигача отамнинг музейида ҳизмат қилиб турипти...

Хатто дарахт ҳам тарих бўлиб қолар экан, ўша тарихни сизлар билан баҳам кўрдим...

МАНСУРАЛАР

Ўлим ҳақ

Ўлим, ватанидан узоқ Американинг Маямисига қочса-да, уни топди ва мақсадига етди...

У ерда узоқроқ яшарман, у мени топа олмас деб беркиниб юрган эди, шекилли.

Мардона чидаб, ўз уйи, ўз фарзандлари, халқи олдида Худонинг иродасига бўйсуниб, унга таслим бўлақолса бўлмасмиди?..

Тақдир-да...

Болам дейди ўзбек.

Ҳар куни эрталаб майналарга нон ушоғини сочиб, болаларимнинг соғлиғи, ишларининг ўнгидан келишини истаб, садақа бергандай бўламан. Айниқса ёмғир, қор ёққан кунлари қушларга дон берсам, бир фурсат кўнглим ёришади. Шу озод қушларнинг тўйганидан бироз роҳат қиламан. Озгина бўлса-да сочқиларим дуо ўрнига ўтсин деган умидим бор...

Мошкичири

Кеннойим чиройли, фарғонача шевада ширин қилиб гапирганлари учун ҳаммамиз у кишини яхши кўрамыз.

Уларнинг гапига тушуниб бўлмайдиган, ғудурлаб гапирадиган, уйга келиб ёрдам бериб юрадиган, тўлача, икки юзи қип-қизил тўқмоқдек қалин сап-сарик сочили, ёши ўтиб қолган қизлари бўлар эди.

Иш қилса, девлари бордек ҳаммаёқ чинни-ю чаман, қўллари катта-катта, кучли бўлганига бир пастда дунёнинг кирини оппоқ пахтадек қилиб ювиб, ҳовлини дорга тўлдириб юборарди.

Қўли ширин, келганида кеннойим кўпинча лағмонми, мантими ё хоним қилдириб, угра ҳам кестириб олардилар. Ўзи иш қилса, жон-жаҳди билан, кўнгилдагидек тоза қиларди. Оти Тожихон эди...

Нима бўлди-ю Тожихон анча вақт келмай қолди. Кеннойим ундан хавотир бўлиб:

– Юринг, уйига бориб, хабар олиб келамиз, – дедилар.

Ўша вақтда Қудрат акам (турмуш ўртоғим) билан Арпапояда яшар эдик. Ҳали фарзандларим туғилмаган... Уйдан чиққанимизда соат тўртлар...

Тожихонни қидириб-қидириб, эски шаҳарнинг калла гўшт сотадиган кўчасини топдик.

Кирсак, Тожихон уйда... Ойиси, дадаси, укаси ва холаси эскигина шолча, кичкинагина хонтахта атрофида ўтириб, кечки овқат ейишаётган экан.

Ҳаммалари хурсанд бўлиб, дарров янги кўрпача олиб чиқиб, тагимизга солишиб, темир лаганчада бизга ҳам мошкичири ва битта нонни иккига бўлиб олиб келишди. Овқат худди лаганчага суртиб қўйилгандек эди. Бизга қошиқ беришди. Мошкичирини гўшти йўқ, устида ёққа қовурган пиёз йилтиллаб турарди. Жуда мазалими, ё уйларини қидириб очиқиб кетган эдикми, бир зумда мошкичирини иккаламиз қошиқлаб еб қўйдик. Энди нима килишни билмас, бир-биримизга қарай олмас эдик. Уялардик... Чой олиб келишди, нон билан чой ича бошладик... Уй эгалари лаганни ҳали яримламаганди. Кеннойим билан кулгимизни зўрға босиб, эртага Тожихонни уйимизга боришини эшитиб, бир зумда хайр-маъзур қилиб, кўчага отилдик. Шу кулганимизча, аранг уйга етиб келдик ва воқеани аямга айтиб бердик, яна мазза килиб кулдик.

Аям бизга қўшилиб кулдилар-да:

– Юравериб росса очиқиб кетибсизлар-да! – деб қўйдилар.

Ёшлик экан-да, қани энди ўшандақа кулги... Ўшандай самимият билан бир-бирини қидириб боришлар...

Ит етаклаган Обид

Дадамнинг Обид деган ўртоқлари Қўрғонтагининг Қоратош маҳалласида жуда кўп эди. Дадам ҳар бирини феъл-атвори, эътиқодини баъзилардан афзаллигини, тарбиясидаги камчиликларини билатуриб, ёшликларидаги маҳалладошлари билан алоқаларини узмаганлар. Керак вақтда улардан ёрдамларини аямаганлар. Улар ҳам дадамдан бирор илтимослари бўлса, бемалол айтишарди. Баъзан ёшликларини эслаб, маҳаллаларига бориб, болалик ўртоқлари билан ёшликдаги шўхликларини эслашиб, “отамлашиб” келарди.

Аям ҳам уларникида бўладиган тўй-ҳашамларга ҳурмат қилиб борарди.

Шундоқ кўча юзида турадиган улфати қўшнисининг эшиги ёнига дарвоза кургандан кейин отига дарвоза қўшилиб айтиладиган бўлибди. Яна бири итни яхши кўргани учун лақаби “Итобид”га айланибди. Учинчиси 1916 йилги урушга боришдан қочиб, бутун тишларини суғуртириб ташлаб, “Энди урушга олмайди”, деса ҳам биринчилардан урушга олиб кетилган, “Обид катак” бўлган. Нега катак десангиз, тишларини суғуртиргач, ўрни катак-катак бўлиб битиб кетган экан. Яна бирларини битлаб кетгани учун Битобид деб аташаркан...

Бир куни (бу воқеа 50 йилларда содир бўлган) Итобид тўйиб ичиб, кучугини сайр қилдириб юриб, дадамини соғиниб, “Бир Ғафурни кўрай”, деб бизникига келибди. Уйдагилар:

– Кучугингизни ташқарига боғлаб қўяйлик, – дейишса, кўнмапти. Ити билан ичкарига кирипти.

– Кучугим гапга тушунади, айтганимни қилади, ўргатилган, – деб итидан ажралмапти.

Уйимизда кечки овқат ҳамма оила аъзоларимиз билан биргаликда ўтарди. Дадамнинг кайфиятлари яхши бўлса, ўтган-кетгандан ёки куни бўйи бўлиб ўтган воқеаларни айтиб берар эди. Эртанги қиладиган ишининг режасини, қаерда бўлишини, уйга қачон келишини билдиришарди. Бугунги кун ҳам шундай кунлардан эди.

Дадам меҳмон билан сўрашиб, уни кечки овқат емак учун столга таклиф қилди.

Дадам табиатан озода ва стол олдида ит туришидан ҳазар қиларди. Обид акага:

– Кучугинг нарироқ турсин, – деди.

Обид ака унамади. Столдаги емишларга интилаётган кучугига ювилмаган қўли билан бир нималарни олиб берди. Ит сакраб берганини ҳавода илиб, ютиб юборди. Уйимизда Юсуфжон Ҳамдам ҳам бор эди. У аям берган бир даста кумуш вилка-қошиқларни олиб келиб, дадамни тарелкалари ёнига қўйди.

Обид ака кучугини эркалаб бошини силаб қўйди. Ит эркаланиб, эгасини елкасига суркаланди, яхшиям итнинг занжири стулга илинган экан, бўлмаса у сакраб столдаги емишларга ташланарди.

Дадам ижирганиб:

– Кеч кирганда нима бало итинг билан тентираб юрибсан? – деб сўради.

– Кучугимни сайр қилдириб юриб, сени соғиниб, кўргим келди, – деди Итобид.

Шу чоғ аям бир лаган буғи чикиб турган ошни столдаги ачиқ-чучукни четрокка суриб, ўртага қўймоқчи эди, ит овқатга интилди. Аям итдан кўрқиб, лаганни ерга тушуриб юборишларига сал қолди.

Кўркув ва ҳаяжон билан Обид ака билан саломлашишни унутиб:

– Вой, ит ҳовлига бойланса бўлар экан, – деди.

Обид ака аямга:

– Муҳаррамхон, бу ит ўргатилган, жим ўлтиради, – деди.

Кучук хура бошлади. Обид ака:

– Муҳаррамхон, гапингиз кучугимга ёқмади, – деди.

Аям кучукнинг хуришидан уни гапини эшитмай, хонадан чикиб кетди.


Дадам вилка-қошиқларни овқат ейиш учун ҳаммага бермоқчи бўлиб турганди, кучук дадамнинг қўлига ташланиб қолди. Қўлларидаги вилка-қошиқлар ҳар ёкка сочилди. Биттаси Обид акага, иккинчиси итига санчилди. Кучук вангиллади. Дадамнинг тоқатлари-тоқ бўлди.

– Итинг билан чиқ уйимдан! – деди.

Обид ака мардланиб:

– Сендан хабар олгани келган эдим-ку! – деди.

– Мен сени соғингандим, аммо итингни эмас! Итинг ҳам мени кўргани келмаган! – деди дадам жиддий. – Шукрки, атрофимда сон-саноксиз итлар хураётган бўлса-да, ҳали улар билан ошначилик қилганим йўқ!



**Абдужалил
АСИРИЙ**

Хаёлингда ястанар олис

Илму одоб билан безанган зотлар

Умрлар кечади ким фақир, ким бой,
Юзда нур бўлади қалбдаги чирой.
Эл-юрт аро мисли ўн тўрт кунлик ой,
Илму одоб ила безанган зотлар.

Дейсиз: “Йўлни кўринг, фарқланг изларни,
Химмат тарк этмасин асло сизларни...”
Кулол каби чархда тобланг бизларни,
Илму одоб ила безанган зотлар.

Лойқа босиб тўлар – дунё бир арик,
Чумчуқлардан ортса, деҳқонга тарик,
Сизни суймаганнынг ранг-рўйи сарик,
Илму одоб ила безанган зотлар.

Сизни алқаган эл дўст-яқин бўлар,
Яхшилик соғинса, пок, амин бўлар,
Кўнгилларни овлаш гўзал дин бўлар,
Илму одоб ила безанган зотлар.

Тилак шу, Ҳақ сизга ажр индирсин,
Билдирибди, яна кўпроқ билдирсин,
Савоб ишда узоқ давом қилдирсин,
Илму одоб ила безанган зотлар.

Абдужалил АСИРИЙ – 1960 йилида туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини битирган. Унинг “Ҳорғин водий”, “Ғам чўғининг япроғи”, “Муборак муждалар” номли шеърий тўпламлари чоп этилган.

Тупроқдай хоксорлик сийратингизда,
Чўққилар ҳайиқар ҳайбатингиздан.
Қоим бўлолмадим хизматингизда,
Илму одоб ила безанган зотлар.

Илм дўст таниш, ёв енгиш яроғи,
Одоб улуғликнинг муаззам боғи,
Динимиз фаҳрисиз, уммат маёғи,
Илму одоб ила безанган зотлар.

* * *

Уфқларда оқ булут
Тек қотар, жим сузади.
Кўнглим кўкини сукут,
Тубин вулқон эзади.

Уфқларда оқ булут –
Сўлгин орзу ифори.
Йўқ экан сенда субут,
Хуш қол, гулсиз баҳорим...

Уфқларда оқ булут,
Гоҳ доғли, гоҳ зарифдир.
Дуо қил, хушхабар кут,
У кўнглимдай ғарибдир...

Зарафшон

Зарафшонни лойлатиб кечган...

Ҳамид Олимжон

Боғлар барқ урар доим, борганинг ҳар жойингда,
Хазиналар яширин пўртанангда, лойингда,
Самарқанду Бухоро бўй кўрсатди пойингда,
Асрлар довонида толмадингми, Зарафшон.

Гармселлар қўшиғи қўймас кўнгил ўртарни,
Сен қўймассан кунботар томонларга йўртарни,
Фидо бердинг Дарғомни, сўнгра Туятортарни,
Қайғулардан кичрайиб қолмадингми, Зарафшон.

Гоҳо тиниқ тортсангда, солмасангда сурон ҳам,
Ўприлиш, чўкишлардан тинч бўлсада Турон ҳам,
Боғларингга сиғмади, ҳатто, Соҳибқирон ҳам,
Тоғлар кўчди, бир назар солмадингми, Зарафшон.

Битик пешонамизда, чин дунёга сафарлар,
Тангри берган иймон бор, чекинади хатарлар.
Тортинма ҳеч, оғринма кутаркан хушхабарлар,
Мирзо Бобур бўйини олмадингми, Зарафшон.

Асалари

Минг хил гиёҳ кўқарган тепаликда бол терди,
Чучмомалар ялинди, айтмади сирларини.
Холсиз қоқиўтларни елпиди, шамол берди,
Ёмғирдай енгил куйлаб, олди оғирларини.

* * *

Бир майса каби титраб,
Бўронларда турдимми?
Мудом ҳасратни четлаб,
Севгидан лоф урдимми?

Нихоллардай ҳарир гул,
Япроқларга буркандим.
Меҳр-севгимас, нукул
Аврамоқни ўргандим.

Оғочдай ёниб битдим,
На мевам бор, на соям.
На кўнглимни пок этдим,
На севгимни ҳимоя.

Соврилдими бу ҳаёт,
Куй-қанотсиз ҳисларда?
Шунча яшадим, наҳот
Ўзимдан олисларда?

Кузак

Олтин кузак, кеч кузак,
Хувиллайди далалар.
Кўйлагингни еч, кузак,
Кийсин чумчуқ галалар.

Қуш бўлиб учар кўнги
Кўчаю кўйларида.
Болалигим кечган ул
Зарафшон бўйларида.

Сойга суқланиб боқар
Олис Равот қишлоғи.
Сойни тўлдириб оқар
Тол, тераклар япроғи.

Қишлоқнинг шўх қизлари
Ўт ёқади тандирга.
Қизарар гул юзлари
Кулчалар билан бирга.

Йўлларга кўз тикар жим,
Дов-дарахтла қуршовли.
Далли умрим баҳори,
Илдизлар отган ҳовли.

Йўллар эса кимсасиз,
Бош олиб кетар йироқ.
На бир шарпа, на бир из,
Ваъда этолмас, бироқ.

Қари-қартанг толларга
Чалдириб чанқовузлар,
Толар минг хаёлларга
Ҳасрат тўла ҳовузлар.

Ёруғ кунга талпиниб,
Тушларида ёз, баҳор.
Тупроқ қўрпа ёпиниб,
Ухлаб ётар узумзор.

Қалдиروقлар қаҳридан,
Титраб, аста шивирлар.
Қечки аёз заҳридан,
Қорга дўнган ёмғирлар.

* * *

– Гармселлар келмишдир етиб,
Бу хижронга қандоқ ярайман?
Сўзларингга дош бергум нетиб,
Кўзларингга қандоқ қарайман?

– Сен шаънингга муносиб яша,
Толма оғриқлардан, жабрдан.
Изтиробдан кемалар яса,
Бандаргоҳ куриб ол сабрдан.

Мангулик муҳри бор мўъжизаларда

Бул қосир тилим лол қолар сўз дерга,
Расулуллоҳ васфи сиғарми шеърга,
Ҳаттоки, сояси тушмабди ерга –
Мангулик муҳри бор мўъжизаларда.

Самовий шамсия боши узрадир,
Излари тоғларнинг тоши узрадир,
Қуёш – киприкдаги ёши узрадир –
Мангулик муҳри бор мўъжизаларда.

Мудом дили бедор, бўйи муаттар,
Қадами етган ҳар кўйи муаттар,
Ташрифидан олам уйи муаттар –
Мангулик муҳри бор мўъжизаларда.

Унинг ташлагани – жаҳолат ғули,
Унинг бошлагани – саодат йўли,
Унинг харжлагани – саховат қўли,
Мангулик муҳри бор мўъжизаларда.

Пешона теридан унди атиргул,
Эзгулиги бирла топди кадр ул,
Оламлар сарвари, Аллоҳга бир қул,
Мангулик муҳри бор мўъжизаларда.

* * *

Ҳамма мактайверса, қўшилсанг сен ҳам,
Ғалати сезмасанг ўзингни.
Инсофинг қошида чеккага бир дам
Олиб қочолмасанг кўзингни...

Мақтаганлар сийлансалар то,
Қутлайверсанг кўзларинг чақнаб.
Қалбингда қурибди азим бир дарё,
Сўлим боғлар қолибди чанқаб.

Не десамда, энди отингни,
Фикримга қўшилмас бўлақлар.
Шарт кесгандай, ҳур қанотингни,
Томди унга оғир сўлақлар.

* * *

Яширасан оғриқларингни,
Ўралашар тегрангда соғлар.
Хаёлингда ястанар олис,
Куз нелигин билмаган боғлар.

Тамшанасан сўлгин жавдираб,
Лабларингда ачқимтир томчи.
Бош устингда тик турганларнинг
Бари очкўз, бари ёлғончи.

Сен улар деб, чекма сира ғам,
Осмонларинг асра беғубор.
Улашгали меҳринг бир олам,
Фидо этсанг, бир дил – жоннисор.

Соғинч кўздан тўкилмоқда...



Захро ШАМСИЕВА

* * *

Билолмадим, ҳасрат кўзёш тўкиб борар,
Ҳайрат яна юрак томон шошиб борар,
Соғинчларим сарҳадлардан ошиб борар,
Нигоҳларим сиз томонда, биласизми,
Ҳеч йўқса, бир ҳолим сўраб келасизми?

Сиз билсангиз мактубингиз менга овунч,
Хув, йўллаган изҳорингиз менга овунч,
Эҳ, сезмасим, соғинчингиз менга овунч,
Ҳижронларга барҳам бериб еласизми,
Ҳеч йўқса, бир ҳолим сўраб келасизми?

Розимисиз кўзингизга чўкиб кетсам,
Юрагимни кафтингизга тўкиб кетсам,
Ишқ риштасин улаб ишқни тўкиб кетсам,
Умид тирик, тушларимга кирасизми,
Ҳеч йўқса, бир ҳолим сўраб келасизми?

Оҳ, илинжим олов олар, сўндирманг сиз,
Ҳижронларга мени асло кўндирманг сиз.
Қошларимга аламларни кўндирманг сиз.
Лабларимдан изҳорларни терасизми,
Ҳеч йўқса, бир ҳолим сўраб келасизми?

Захро ШАМСИЕВА – 1969 йилда тугилган. Шоиранинг “Исмсиз туйгулар” шеърий китоби нашр этилган.

Йўқласангиз бемор кўнглим соғдай бўлар,
Юрагимнинг титроқлари чоғдай бўлар,
Шивирларим бирам ширин охдай бўлар,
Сиз ишқ – шароб нелигини биласизми,
Ҳеч йўқса, бир ҳолим сўраб келасизми?

* * *

Ишқнинг дудоғидан тўкилди ҳасрат,
Куз ўпди севгининг ғамгин кўзидан.
Армон кўрпа ёйди минг битта қават,
Муҳаббат воз кечди айтган сўзидан.

Фақат шўрлик кўнгил ғарибдан-ғариб,
Ерга киргудайин букилди қадди.
Орзулар тўкилди сочи оқариб,
Узилди юракка илинган банди.

Ҳадиклар, ҳайратлар бариси бекор,
Ўткинчи кунларнинг қурбони – кўнгил.
Яна муҳаббатни етаклаб беор,
Баҳор келмоқдадир титраниб бедил.

Ишқнинг дудоғидан тўкилди ҳасрат,
Ҳасратга эга бир дил йўқдир фақат.

Йигит қўшиғи

Қирқ кокили белин қучган шалола қиз,
Кўзларида дунё кулган гуллола қиз.
Биз ошики ғарибдирмиз бўйингизга,
Ифорингиз дилни ёққан иболи қиз.

Хиромингиз кўз яшнатар, сарвинозим,
Янграб кетар ишқингиздан кўнгил созим.
Лаб қимтиниб сўз айтмайсиз, азоб бизга,
Титроқлардан айтолмайман дилда розим.

Бир кулсангиз, ёришгайдир бу кенг олам,
Ювиларди соғинчлару бари алам.
Оҳ, дилбарим, нигоҳлари жон олгучи,
Телбадирман, даллидирман манам-манам.

Қўл узатсам, қўл чўзсангиз, бахт эмасми,
Ишқ мулкида бизни қутган тахт эмасми?
Қуйдирмажон, гул санамим айтинг жавоб,
Лабингизда жилваланган аҳд эмасми?

Сиз келсангиз ё мен борсам, куйса ҳижрон,
Муҳаббатнинг ёноқлари кулса алвон.
Парирўйим, кўнглим тўшам йўлингизга,
Бахт йўлида йўловчимиз энди ҳар он.

Қирқ кокили белин кучган шалола қиз,
Ҳажрингизда куйиб битган девона биз.

* * *

Чиройлигим, кўрмадим юзинг,
Хастадирман ишқингда, аммо.
Ҳукм асли ҳар битга сўзинг,
Оздир қанча қилсам тавалло.

Қаҳринг сенинг энг олий жазо,
Муҳаббатинг – калити жаннат.
Вақтим тугаб қилганда қазо,
Раҳм қилгин жонимга фақат.

Истагим кўп, орзулар бисёр,
Ёлғон дунё аврайди тинмай.
Сен кўнглимда суюкли бир ёр,
Кел, иккимиз ичамиз ишқ-май.

Суюклигим, ишқи беминнат,
Раҳматингдан умидим ҳамон.
Сенинг учун яшамоқлик бахт,
Жўш урмоқда юракда иймон.

Бой эмасман, фақир ҳам эмас,
Икки дунё – бергин саодат.
Менга сенинг ишқинг бўлса бас,
Мендан юзинг ўғирма фақат.

* * *

Интиқ нигоҳ, туб-тубида суратингиз,
Сўз демакка етмагайдир журъатингиз.
Айтинг калом, ўтмасидан фурсатингиз,
Жон-жонимга пайвандмисиз, айтинг, бегим,
Юрагимга овунч бўлиб қайтинг, бегим.

На қишимда, на ёзимда ҳамроҳимсиз,
Лабларимдан тўкилмаган дил розимсиз,
Сизга етиб боролмаган дард-оҳимсиз.
Хаёлларим тортқилаган соҳибмисиз,
Ишқ жанггида ҳамма мағлуб, ғолибмисиз?

Сочларимни силаган ел-нафасингиз,
Тор келдими муҳаббатли қафасингиз,
Оҳ нақадар гўзал ҳою ҳавасингиз,
Орзуларга қанот берган ҳавомисиз,
Юрагимни чертиб ўтган навомисиз?

Асли ошиқ ўзимдирман бир девона,
Ўтаяпман ҳажрингизда минг бор ёна,
Манзил билмам ё Андижон, ё Фарғона,
Борар йўлни кўзга чизинг энди, бегим,
Севишимни бир бор сезинг энди, бегим.

Хаёлдами, тушдамиди илк учрашув,
Соғинч кўздан тўкилмоқда унсиз дув-дув.

* * *

Бугун кўзёшларим аримади ҳеч,
Бугун кечагини ўйлаш учун кеч,
Кел, табассум айла, сен учун ўтинч,
Кулгин, кулгуйингдан уйғонсин эрта.

Уйқу кўзларимни тарк этди ночор,
Юрагим ўртанар, юрагим бедор,
Бўйнимда соғинчдек ғамли сиртмоқ бор,
Кулгин, кулгуйингдан уйғонсин эрта.

Эси йўғинг ўзим, ўзим абгоринг,
Билолмайин қолдим ҳолу аҳволинг,
Дунё экан менга аслида боринг,
Кулгин, кулгуйингдан уйғонсин эрта.

Энди, кеча деган сўздан кечаман,
Энди, ҳижронларнинг қонин ичаман,
Ошиқлик ридосин энди ечаман,
Кулгин, кулгуйингдан уйғонсин эрта.

Аллоҳга қасамки, кечмайман сендан,
Майлига юз буриб, кетсанг ҳам мендан,
Азизим, умидим эртанги кундан,
Кулгин, кулгуйингдан уйғонсин эрта.

Ёзнинг биринчи кун

Ҳикоя



**Нормурод
НОРҚОБИЛОВ**

Кунчиқишдаги ярим курук, ўртача юксакликдаги тоғлар бағридан гоҳ энланиб, гоҳ торланиб, ора-орада турли кенгликдаги сайхонликлар ҳосил қилиб, адир дўнгликлари оралаб, олисдаги нимкулранг уфқ сари бўралиб-сўралиб кетган Қизилжар ўзани бўйлаб, кўкламда тошқинлаб, қолган пайт сокинлаб, худди улкан оқимлардек ёйилиб оқувчи дарёнинг сўл соҳилида, яъни Қизилжарнинг ўт-ўланларга бой, сийрак бутали кенг сайхонликларидан биридаги яшил майдонда тинчгина яшаб келаётган кичик юмронқозиклар тўдаси сардори – Тиртиққа ёзнинг биринчи кун жуда нотинч келди. Бунга ҳар йили саратон олдидан кузуви пичану сомон ташишга мослаб қайта таъмирланадиган “ГАЗ-53” русумли юк машинаси томонидан дарёнинг ўнг ёнидаги тошйўлда, қачон қарама, гўё маталгандек, дам бақамти, дам соядек бир-бирига эргашиб, суркалиб юрадиган икки эшакдан бирининг беҳос уриб юборилиши ҳам маълум даражада сабаб бўлди.

Машина сайхонликнинг шарқи-шимолий тарафидаги қияликдан қуйига эна бошлаганида, Тиртиқ синиб, эгилиб тушган новдаларидан биридаги яшил япроқлар сўлий бошлаган бута яқинидаги дўмпайган ини тепасида наридани-бери йўнилган оғоч қозик сингари қўнқайиб, чамаси, юз қирқ одимча шарқда, ўнгга қайрилган дарё бурилишидаги мошранг чимзорда чодир тиклашаётган йигитларни хавотир оғушида кузатиб турган эди. У елгир улов турткисидан коптокдай думалаб тушган қора, мода эшакнинг аянчли ҳолу ҳолатидан эмас, воқеага гувоҳ йигитлар бўғзидан беихтиёр равишда кўчган кескин сасдан ўтакаси ёрилиб, ҳук-ҳук қилганча инига шўнғиган, шўнғиш асносида, табиий йўриққа итоат этган ҳолда, жинсдошларини ҳам қочишга ундашга улгурган эди. У ини тўрида ўзини ўнглагач, курук ва салқин бошпанасида ҳар қандай хавф-хатардан ҳоли эканига гўё қайта ишонч ҳосил қилгандай, бир муддат ҳук-ҳуклаб, якунида кетма-кет енгилгина чийиллаб, тишга йўналганида, ёши қирқни қоралаган эса-да, қайнаб қуйилмаган, бу етмагандек, кайфи тарок кезлари ҳам рулга ўтиришдан тап тортмайдиган Содик

Нормурод НОРҚОБИЛОВ – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими. 1953 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тугатган. “Унутилган қўшиқ”, “Юзма-юз”, “Сариқ гул”, “Темур гори”, “Бекатдаги оқ уйча” каби ҳикоя ва қиссалар тўпламлари, “Дашту далаларда”, “Қорақўён” каби романлари нашр этилган.

ўпка бошқарувидаги темир улов сайхонлик ғарбидаги қияликка тирмашиб, жар тепасидаги ясси дўнглик ортида кўздан ғойиб бўлган, йигитлар эса, ҳеч қандай нохуш ҳодиса рўй бермагандек, чодир билан овора эдилар. Қора эшак тепасида яғринидаги яғир изларининг маълум қисми оқиш туклар билан қоплаган кулбет ханги, турақол энди, дегандай узун кулоқларини гоҳ диккайтириб, гоҳ шалпайтириб турар эди.

Ўтган арзимас бир неча йиллик умри давомида вақт-бевақт ажал топган майда жониворларнинг кесакдай тафтсиз, совуқ жисмига дуч келавериб, секин-аста ўлим нелигини англаш ва фарқлаш даражасига етган Тиртиқ дарё билан тошйўл оралиғидаги энсиз тошлоқда чўзилиб ётган қора эшак ҳақида бундай ўйга бормади. Боиси, шу дамгача бирон марта ҳам йирик жониворлар жасадига рўпара келмаган, наздида, ўлим дегани катта ҳайвонларга етти ёт бегонадек эди. Шунга кўра, туртиб йиқитган шовқунли уловдан аразлагандай, узала тушиб ётган қора эшак ҳадемай гинасини унутиб, оёқлайдиган ва узун кулоқли бошини бир-икки чайқаб, шериги ортидан йўлда давом этадигандек эди.

Бу жуфтлик Тиртиқ ва бошқа юмронқозикларга аввалдан яхши таниш.

Ўтган кўклам бошидан сайхонликка эна бошлашган: бири – кейинги сўл оёғи оксоқ қора мода эшак мажруҳлиги, иккинчиси – кулбет ханги жисмонан анча ночорланиб қолгани туфайли, эгалари томонидан кўчага ҳайдалган. Бу каби жониворлар, одатда, дуч келган ерда дайдиб, кўпинча қишда бўриларга ем бўлади, ёхуд овул яқинидаги бирор ўнқир-чўнқирда ажал топиб, итлар хуш кўрадиган лошга айланишади. Қисқаси, бир-бирига таянч бўлгани ҳолда яшашда давом этиб келаётган бу жониворлар ҳафтада, кўп эмас, жуда нари борса, икки-уч бор сайхонликка эниб, шарқи-шимолӣ қияликдан ғарбий қияликка қадар чўзилган ярим чақиримлик йўлдан у ён-бу ёнга ўтиб қолишар, баъзан эса, ёйилиб оққани туфайли, ёзда суви тиззадан ошмайдиган дарёни кечиб ўтиб, шимол томондан дарёга, жанубдан кўҳна қалъа деворлари каби савлат тўкиб турган қизғиш жигарранг тусли жарга туташ яшил майдонга, яъники сайхонликнинг жанубий қисмига оёқ қўйиб, дастлаб ердан бош кўтармай ўтланишган, сўнг ажриқзор четидаги илиқ қумликда роса ағнашган, якунида эса сув кечиби ими-жимида изларига қайтган бўларди. Бироқ ҳамиша эмас, гоҳида майдонга туташ жар оралиғидаги сўқмоқдан, йиллар давомида ёмғир сувидан ҳосил бўлган йўлакдан юқорига ўрлаб, адир бўйлаб санғиб кетишар эди.

Уларнинг бу хилдаги келиб-кетишлари яшил майдон эгаларига асло малол келмасди. Чунки юмронқозиклар хонаки ҳайвонларни ўзларига ғаним билишмайди ва улардан заррача чўчишмайди. Агар қўлидаги заранг таёғини белига кўндаланг тутган подачи кўздан нарироқда бўлса, пода оралаб, мол оёқлари остида тўзғиб юрган юмронқозикларни истаганча учратиши мумкин. Бу жонзотлар кенгликдаги бўри-ю тулки, кўкдаги узун қанот, эгри тумшук қушлардан кўрққандек, одамзотдан ҳам ҳайиқишади. Тиртиқнинг, эшаклар четда қолиб, чодир тикаётган йигитларга қадалиб туришининг асосий сабаби шу эди. Бундан ташқари, чимзор уларга қарашли ҳудуднинг шарқий қисми эди.

Бу яшил ҳудудда Тиртиқ ўз жамоаси билан икки йилдан бери умр суриб келади. Бунга қадар сайхонлик жанубидаги жарнинг кенг яғринида, янтоқ, чалов, қўйиткан сингари ўсимликлар сероб катта-кичик дўнгликлар оғушида, узоқ-яқин биродорлари орасида гоҳ худ, гоҳ бехуд умр кечириб келарди. Бундай дейишга сабаб, эсини танибдики, жангари бир биродари билан ҳеч сози чиқишмасди. Кўкламнинг илиқ кунларидан бирида унинг чегара билмас тазйикларига бардош бермоққа ортик

тоқати етмай, минг бир ҳадикда жардан қуйига эниб, сайхонлик жанубидаги ушбу майдонни ўзига макон тутган, ўнг жағи тепасидаги узун тиртиқ эса ўша кундан аччиқ хотира бўлиб қолганди. У майдонда қўним топаркан, бирор сабаб билан яккаланиб қолган баъзи бир жинсдошлари каби тирикликнинг ёруғ кунлари-ю, коп-қора тунларини ёлғиз ўтказишдан азият чекиб, ўтган йилги чирик хас-хашаклар орасига бош сукиб зорланмади, конталаш уфққа ғамнок термилганча, танҳолик шомини маъюс қаршиламади. Қайтага, икки дўнг нарида ёлғиз ўзи яшайдиган бўйни калта, кўзи катта, кўк тусдаги суғурдан ўрнак олиб, тириклик этагига тиш-тирноғи билан маҳкам ёпишганда, жароҳати жиддий бўлишига қарамай, биринчи галда ўзидан аввал яшаб ўтган юмронқозикдан қолган кўҳна инни апир-тапир эпақага келтириб олган. Бироқ суғурдайин танҳо яшашга ўзини ҳар қанча чоғламасин, унинг ёзмишига бу нарса битилмаган эканми, ёлғизликнинг аччиқ таъмини тотишга тўла улгурмай, тунги шиддатли жаладан кейинги қуёшли ҳавода энг яқин биродарларидан аввал бири, сўнг иккиси, кейин яна бири ҳуркибгина сайхонликка эниб келган ва уларнинг ташрифи Тиртиқ бош бўлган кичик жамоанинг юзага келмоғига сабаб бўлган.

Хуллас, юқорида бирров таъкидланганидек, ёғин кезлари тошқинлаб, қолган вақт соқинлаб оқувчи дарёни бағрига олган қўйи, кунботиш томонга бурмаланиб кетган ҳайбатли Қизилжар ўзанининг ҳар ўн-ўн беш чақиримида мавжуд бўлган турли кенгликдаги жар ичи саҳнларидан бири бўлмиш мазкур сайхонлик юмронқозик каби майда жониворлар учун энг қулай масканлардан бири эди. Бундан бир неча йил аввал дарёнинг ушбу қисмидан шағал олиш мақсадида жарнинг икки чети ушатилиб, уловлар қатнаши учун дарёнинг ўнг соҳили текисланиб, сўнг негадир паккос унутилган сайхонлик шимолидаги тошйўлдан Содиқ ўпкага ўхшаганлар онда-сонда уловини гуриллатиб ўтиб қолишини демаса, бу овлоқ саҳнга биров қадам босмас, энг яқин овул уч ярим чақирим нарида жойлашган эди. Келибоқ чодир тиклашга уннаган йигитлардан бири – Мардон ўша овулдан эди. У кечагина ўтказилган ўртанча ўғлининг суннат тўйида камарбаста бўлиб, биқинлаб ёнида туриб берган уч нафар қўшни овуллик қадрдон жўрасини табиат қучоғида меҳмон қилмоқ ўйида, ўз таъбири билан айтганда, улфати чор ҳолда, шомга қадар еб-ичиб, мириқиб қарта суриш ниятида эди. Тўғри, овули яқинида маъқул жойлар қаҳат эмасди. Аммо маъқул жойларнинг чатоқ жиҳати шунда эдики, ҳали у оғайниси, ҳали бу оғайниси келиб, давра ҳаддан зиёд кенгайиб кетиши мумкин эди. Бу ерда эса уларни ҳеч ким безовта қилмасди. Айни шу жиҳати билан сайхонлик жўраларига ҳам маъқул келиб, бири вақтинчага жойни чодир ёнига қилиб, бошқа бири ҳафсала билан дастурхон тузашга киришган, Мардон эса, овул шофёрлари “буханка” деб атайдиган тўқ яшил тусдаги “УАЗ” машинасида ўзлари ва керакли нарсаларни етказиб келган жияни Бўривойга кечга яқин келишини тайинлаб, тошўчоққа қозон осганди.

Шалвираган калта иштонда, ялангоёқ чим босиб, ўзлари айтмишли, бу йилнинг ҳисобидан илк бор қуёшда тобланаётган йигитлар қозон кавлаётган Мардоннинг қувноқ чорловига биноан, оқиш чодир соясига, тўкин дастурхон теваарагида жамланишар экан, кўп ўтмай, ҳануз улардан кўзини узмай турган Тиртиқнинг юрагига гўлгула солиб, дарёнинг бир маромдаги енгил ва ёқимли шовурига раҳна солган ҳолда, бор овозда шовқунлай бошлашди. Бу шовқунга қорачадан келган, бақбақаси осилган, чорпахил Акбарнинг, оғзидаги шўртанг газакни юта-юта, “қаранглар, ҳалиям турибди қаққайиб”, дея боши билан эшак томонга имо қилиши туртки бўлган, оқибат, жониворнинг қутилмаган бу қилиғидан ажабланган йигитлар бақир-чақир қилиб, ўз муносабатларини билдиришга тушгандилар.

– Қойил қолмай илож йўк! – деди ўрлиги, магар ҳақлигини сезса, баҳсга суяги йўклиги манглайи ва икки чеккасидаги майда тиришлардан сезилиб турган, оқ сарикдан келган, қотма жуссали Ботир, шерикларининг уни ўчгач, аввалдан дастурхон четига ташлаб қўйилган қартани қўлига олиб, ошиқмай чийлашга тушаркан, кўзи остидан бот эшакка назар ташлаб. – Болалигимда ўлган жуфти тепасида бир ярим кун туриб жон берган қушни ўз кўзим билан кўрганман. Ўшанда Собир амаким қушлар ёнига ҳеч кимни яқин йўлатмаган. Отам эса миждалари намланиб, “Яна садоқату, мана садоқат”, дея оқшом бизни кўзи эти билан сийлаган. Аммо шундан кейин ўлган жуфти тепасида ғамга чўмиб турган ёки туриб жон берган бирорта жонзотни учратмадим, айниқса, эшакни. Кўриб, тўғриси, кўзларимга ишонмаяпман. Шу-у... ҳозир миямга зўр бир фикр кеп қолди. Эшакнинг бу туришини Элёр ўланчига айтиб, тўрт оғиз айтув тўкитиб олсак, зап иш бўларди-да, лекин. Мавруди келганда, айтувни айтиб-айтиб, ғужури қийшайиб, одамийлиги тоб ташлаган баъзи бир жўра бўлмишларни тузлаб турардик-да, ҳечқурса эшакдан улги ол деб.

У гапини, сен нима дейсан, деган маънода Мардонга юзланиб яқунлади. Аммо сўнгги пайтда этланиб, тўлаликда Акбарга тенглашай деб қолган ва ҳар қандай ҳолатда ҳам юзидан табассум аримайдиган Мардон оғиз очиб, сўз қотгунча бўлмай, қўпол, беўхшов келбатига мос гулдурок овози туфайли ўз овулидаги тўймаъракаларнинг ягона айтувчиси бўлган, ичган кезларида эса Ботирнинг жигига тегиб, сўкишларини эшитиб туришни жуда хуш кўрадиган Баҳром гулдур қаҳ-қаҳ отиб, сўнг жиддий тортиб, деди:

– Қалланг жойидами ўзи? Эшакка, ҳаром бир жониворга айтув-пайтувинг нимаси? Ўйлайсанки... Бу туриши кўпга бормаиди, ҳадемай диконглаб жўнаб қолади у.

– Жўнамаса-чи? – Ботир манглай тириштириб, хўйланиб бокди.

– Жўнайди, – Баҳром гулдур мазах қилгандай, тагин сайхонликни қаҳ-қаҳга тўлдирди. – Жўнамай қаёққа ҳам борарди. Қорни тўқдирки, ҳозирча турибди серрайиб. Аммо қорни хуштак чалишни бошлаши билан, кўрасан, дарров қорасини ўчиради. Худди эшакларнинг феъл-хўйини билмайдигандай гапирасан-а.

– Қорасини ўчирмаса-чи? – Ботир ўрлана бошлади.

– Ўчиради, – Баҳром гулдур ёш болага қарагандай, унга нописанд назар ташлаб қўйди. – Чунки дунёда оч қориндан зўри йўк. Оч қорин ҳар қандай зўрни диконглатади. Ўзимдан қиёс, қорним очса...

– Сенга ўхшаб оч қоринга... нафсига қул бўлмаса-чи? – деди Ботир жуфти тепасида жон берган қушни кўз олдига келтириб. – Қораси ўчмаса-чи?

– Қораси ўчмаса... – қулбет ҳангининг бу туриши кўпга чўзилмаслигига ишончи қомил бўлган Баҳром гулдурнинг сепкил тошган буғдой ранг афтида бир лаҳзалик қувлик, сўнг қувонч аломати зухурланиб, ияк қашлаб илжайган бўлди-да, ўша гулдур овозда деди: – Агар тушгача... – Ҳар эҳтимолга қарши дарҳол эҳтиёт чорасини кўрди. – Йўк, кечгача туриб берса, эртан битта қўлинг ўргилсин зиёфат мендан. Акси бўлса, нима ҳам дердик, қуюқ зиёфат сендан.

Акбар оғзидагини ошиқмай ютиб, шишани қўлига оларкан, гўё йўғон гавдасини кўз-кўз қилгандай, оғир тебраниб, томоқ қириб, улфатлар диққат-эйтиборини дастурхондаги ноз-неъматларга тортган бўлди. Ботир у узатган пиёлага қия бокмай, яхна эт бўлагини яшил пиёзга қўшиб, зўр иштаҳа билан чайнашга тушган Баҳром гулдурга бир неча лаҳза синовчан тикилиб турди-да, сўнг ўнг кафтидаги қартани сўл кафтига олиб, “Ташла бешни!” дея унга қўл узатди.

– Фақат ўтган галдагидек эрта-индин дея, кейинга суриш йўқ, эртами эрта, тамом.

– Гап битта, – Баҳром гулдур унинг қўлини сиқаркан, ютқазиб бўлдинг, деган маънода сирли ва мамнун ишшайди. – Эртанги зиёфат учун биттадан олайлик энди.

Мардон, ҳеч ҳожати бўлмаса-да, мезбонлигини рўқач қилган бўлди.

– Эртан майли. Аммо бугун менинг куним.

– Бугун зиёфат, эртан тагин зиёфат... Оҳ-оҳ, тозагина маза қиларканмиз-да, – Акбар аввал севинган, сўнг иддао қилган бўлди. – Ҳай-й, ўладиган бу дунёда одамга ўхшаб бир яйрасак яйрабмиз-да. Аммо ўйиннинг хумори ёмон тутаяпти-да. Тезроқ қартани суз, Ботир! Қарагин, хумори зўрлигидан кафтим кичиб, бармоқларим ўйнаб кетаяпти. Яхшиямки, бу дунёда қарта бор, эмасам...

Қарта деса ўзларини томдан ташлайдиган, қўйиб берса, қоронғи тунни оппоқ тонгга, оппоқ тонгни қоронғи тунга улашдан тоймайдиган улфатлар ёзнинг қайноқ қуёши яғринларини куйдириб, ачиштирмагунча ўйиндан бош кўтаришни ўйларига келтирмадилар. Кейин...

Бу пайтда Тиртиқ чақирилмаган қўноқларни назардан қочирмаган ҳолда, дам қўнқайиб, дам қорин ғамида ўт-ўланлар оралашни бошлаган эди. Хавф-хатарни сезган ҳолда, нафс йўригига бўйсиниш жиддий хато эканлигини она табиат томонидан инъом этган шуури орқали ҳис этаётган эса-да, нафсини тиймоққа ожизлик қилмоқда эди. Сардорларидан улги олгандек, нари-берида ғимирлаб юрган юмронқозиклар ҳам айтарли даражада сергак эмасди. Бироқ ҳар қандай нотўғри гувранишнинг ўзига яраша жазоси бор деганидек, Тиртиқ ёни-беридаги жониворларга, ҳушёр бўлларинг, деган маънода норози боқиб, жағлари орасидаги емакни апил-тапил ютганича, тиканак новдалари орасида яшнаб турган яшил майсага эндигина тумшук чўзган ҳам эдики, сира кутилмаганда сайхонлик бағрини тилкалаб юборган “Вей-й!” деган кучли сасдан юраги ёрилиб, тумшуғини ўткир тиконга тилдириб олди. Аммо шунга қарамай, бошқа юмронқозиклар сингари бу дафъа ер қаърига шўнғимади, дуч келган инга бирров бош сукиш билан кифояланиб, кутилмаган садо эгасини тезроқ аниқламоқчидай, панжаси билан қон сизаётган қорамтир тумшуғини дам-бадам сийпалаганча, турган гапки, ҳар лаҳзада қочишга шай ҳолда чодир томон қадалганча туриб қолди.

Сайхонликдаги жонзотлар капалагини учуриб юборган кескин бу ун бир қарасанг – бинойидек сахий, бир қарасанг – ўлар даражада хасис Баҳром гулдурнинг “ҳалиям турибдими” деган маънодаги аламли ва ҳайратли нидоси эди. Бунинг сабабини зумдаёқ фаҳмлаган улфатлари, хасис бўлмай ўл, дея бошда устидан кулишди, кейин қуёш тафтидан қизиган вужудларини бироз салқинлатиб олиш учун наридан-бери чўмилган бўлишди. Кейин эса ташдаги жойни чодир ичкарисига кўчиришга киришишди.

Баҳром гулдур жуфти тепасида бошини солинтириб турган эшакдан кўз узмай, ҳали-ҳануз чодир биқинида михланганча ўтираркан, тўшамчаларни йиғиштираётган Ботирнинг тиззасига кафтининг сирти билан бир уриб, хўрсиниб деди:

– Шериги тирикка ўхшайди бунинг, Ботир.

– Нима деганинг бу? – Ботир у қадалган томонга ялт этиб қараб қўйди.

– Чунки униси ўлганида, буниси дарров қорасини ўчирган бўларди-да.

– Ўзингча фол очмай, не гаплигини аниқлаб келсанг бўлади-ку.

– Боришга борардим, эшак чўчиб кетиб қолар бўлса, атай ҳайдадинг, дея бўйнимга туҳматнинг зўрини иласан-да кейин.

– Алжирама!

- Айтиб бўладими, гаров нозик ўйинда ахир.
- Ҳай, унда ўзим бораман.
- Шундай қил.

Улфатлар орасида озғини ва эпчили бўлган Ботир қўлидаги тўшамчани ичкарида жой ҳозирлаётган Мардонга итқитиб, ўзи худди ёш йигитчалардай шатанглаб, суви ҳали тўла тиниқлашмаган дарёни тезгина кечиб ўтди-да, кирғоқ ёқалаб эшаклар томон жилди. Бироқ жониворлар ёнига етай деганда, одам шарпасини илғаши билан сергак тортиб, солиқ бошини даст кўтарган кулбет ханги шартта кетига қайрилди-да, узун кулоқларини чимириб, курак тишли жағларини иржайтириб, уни олдига солиб қувлаб қолди. Қизикишда атай қилинган кейинги бир неча уриниши ҳам шу йўсинда якун топгач, чодирга қайтган Ботирнинг гулдур жўрасига айтгани шу бўлди:

- Ишонмасанг, бориб кўр, шериги тарашадай қотиб ўлиб ётибди.

Бу жараён улфатларга қизиқ туйилиб, ер қаърида узоқламай, тезда юзага қалқиб чиққан юмронқозикларни, аксинча, анча жонсараклатиб қўйган – бир нечаси майдоннинг ур ер-бу ерида тик қотиб, тўрттаси сардорларига қувват бўладигандек, Тиртиқни тевараклаб туриб олишган эди. Бироқ бу ҳолат узоқ давом этмади, чодирга кўчган улфатлар кетма-кет томоқ ҳўллаб, газаклардан тотиниб, картани қўлларига олиб-олмаёқ, сардоримиз бор – нима ғамимиз бор, дегандай тагин майдон бўйлаб тўзиб кетишди. Ёлғиз ўзи бутун жамоага ҳам кўз, ҳам кулоқ бўлиб қолган Тиртиқ адирликда кечган кунларини эслаб, бири кўкдаги кирғийга чалғиб, бошқаси эса емак илинжида илдиз кавлаётган чоғида тулкилар ўлжасига айланган собиқ тўдабошилари хотирлар экан, сардорлик ғирт заҳмат эканини қайта туйгандек бўлди. Зеро, чодир ичида гоҳо жим, гоҳо ғувур-сувур қилишганча қарта сураётган улфатларнинг беэиёнлигига ўзини инонтирмоққа уринаётган эса-да, сардордан мудом хушёрликни талаб этувчи ботиний безовталиқ уни толиктириб қўйганди. У чалғимоқ истарди, чодир тикиб, ўт ёқиб, қозон кавлаб, сокин кечаётган кундалик ҳаёт тарзларига рахна солган улфатларни унутган ҳолда майдон бўйлаб тентишни, илдиз кавлаб, ўзига хуш ёқадиغان ўт-ўланларни чимдишни хоҳларди.

Аммо, назарида, бунинг сира иложи йўқдек эди.

Бу орада қушлар чуғури диққатини бўлиб, ўша томон назар ташлади ва кўзи жар тубида тепа шохлари қуриган бута новдаларига учиб кўнаётган чумчуқлар галасига тушди. Қушчаларнинг шўх-шодон чиркиллаб, патларини хурпайтириб шохдан-шохга сакраб ўйнашлари, жар бетидagi сўқмоқ янглиғ энсиз супачага кўтарилиб, тагин бутага келиб кўнишларини, ҳаваслангандек, диққат билан кузатаркан, ўн одимча нарида ўрмалаб бораётган катта тошбақа ва уни ёнлаб ўтиб, ўт-ўланлар орасида ғойиб бўлган бир жуфт типратиканни ҳам эътиборидан четда қолдирмади. Чунки қушларнинг чуғур-чуғури, турли майда жониворларнинг ғимир-ғимири яшил майдоннинг кундалик ҳаёт тарзи эди. Қачонки, кўзига Қўзигул орасидан биланглаб чиқиб келган сариқ илон, кулоғига дала сичқонининг енгил чийиллаши чалингандан сўнггина Тиртиқ теваракка чалғиб, хушёрликни унутганини фаҳмлаб қолди ва сергак тортиб, чодир томон юз бурди. Бу қилиғи учун ўзини койигандай, аввалига калта-калта, сўнг чўзиб-чўзиб ва узиб-узиб, ҳуқ-ҳуқлаб қўйди.

Қуёш ботишига бир терак бўйи қолганида, чимзор ортида савлатланиб турган жар тепасига келиб тўхтаган тўқ яшил машинадан тушиб, сўқмоқдан қуйига эна бошлаган Бўривойни синчковлик билан кузатаётган Тиртиқ кун бўйи тик туриб бутунлай ҳолдан тойган кулбет хангининг гурсиллаб қулаб тушганини илғамай қолмади. Аммо эшак томонга шунчаки кўз ташлаб қўя қолиб, тагин диққатини

йигитга қаратди. Чунки у жонивор эмас, кўнглида не борлигини билиб бўлмайдиган одам боласи эди-да.

Мардон айтган вақтда, чодирни йиғиштириб, кўноқларни олиб кетгани келган Бўривойнинг тўсатдан чодир оғзида пайдо бўлиши ва оқ сарик чехрасини табассумга тўлдириб, дам олишлар яхши бўлдими дея, ҳол-аҳвол сўрашлари ўйинга бутунлай муккасидан кетган улфатлар ҳаёлини пароканда қилиб, Баҳром гулдурни эсига эшакларни туширди. У кулбет хангининг аллақачон қораси ўчганига зиғирча шубҳа қилмаган ҳолда, чордана қуриб ўтирган ерида сўл ёнига тирсаклаб, чодир қаноти остидан ташқарига мўралар экан, тезда қаддини ростлаб, иддао билан гулдураб, деди:

– Айтдим-ку, ҳадемай изига кум сепеди деб!

Кейин гаровда ғолиб чиққанини гўё туйқусдан англаб етгандай, бирдан ўзида йўқ қувониб, завқи тошиб, ўй-хаёллари ҳануз ўйинда бўлган улфатлари не гаплигини идрок этишга улгурмай, қўлидаги қарта билан Ботирнинг бурни учига енгилгина уриб, хе-хелаб кулди.

– Ютқаздинг, жўражон, ютқаздинг!

Бу гап улфатларни ташга ундади.

Аммо чодир оғзидан узоқламай, қаншарига кафт тираб, эшаклар томон назар ташлаган Ботир ўрнидан қўзғалишга ошиқмаётган Баҳром гулдурнинг қувончига сув сепди.

– Кўзми, ё пўстакнинг йиртиғими? Ана, шеригининг қаватида чўзилиб ётибди-ку.

Бу гапдан Баҳром гулдурнинг ранги-қути учиб, апил-тапил ташқарилар экан, “Кўзга тушмай ўл-а”, дея юзига тушиб турган қуёшдан норозиланганча, кафтини пешонасига тутиб, бу дафъа жуда диққат билан бокди ва ҳақиқатдан ҳам энсиз тошлоқда бир эмас, бир-бирига яқин ётган икки эшакни кўргач, тарвузи қўлтиғидан тушиб, гўё ўта кимматли нарсасини йўқотган одамдай, шумшайганча туриб қолди. Аммо қўлидаги қарталарни соябон қилиб ҳануз эшаклар томон кўз тикиб турган Акбар унинг яланғоч кифтига шапатилаб, ярим чин, ярим ҳазил оҳангда: “Ўлмасидан бурун тезроқ кета қолганида эди, зиёфатгайм тушиб ўтирмасдинг”, дегач, дарров сергак тортиб, чиндан ҳам ўлганми, деган маънода ялт этиб Акбарга қаради ва ундан, “Кўрмайсанми, тошдай қотиб ётибди-ку”, деган жавобни эшитгач, енгил нафас олиб, ияк қашлаб Ботирга юзланди ва ҳар бир сўзини салмоқлаб, деди:

– Биз ўлган эшакнинг эмас, тиригининг кетиш-кетмаслиги ҳақида гаров ўйнаганмиз, Ботир жўра. Афсуски, бечоранинг куни калта экан... Назаримда, уни илон чаққан. Эсингдами, ўтган саратонда томдай жувонамни ҳам илон чақиб ўлдирган эди.

Ботир истехзоли кулимсиради.

– Кетга чоптиришни бас қил, тирик у.

Баҳром гулдур қизишмоқни бошлади.

– Қанақасига тирик? Ана, гуваладай қилт этмай ётибди-ку!

– Беридан туриб фол очмайлик-да, эринмай жониворлар ёнига борайлик, не гаплигини ўша жойда ойдинлатайлик. – Ботир тили тагига мўлгина нос ташлаб, лабларини кулгили тарзда чўччайтиб турган Акбар томон бет буриб, кинояомуз оҳангда деди: – Мана, Акбарни гувоҳликка олайлик.

Бу гапни жиддий қабул қилиб, унинг таклифини рад этган Акбар, “Қозон битта, ким ютиб, кимнинг ютқазгани билан сарик чақалик ишим йўқ”, дея чимга ёнбошлаган Мардоннинг биқинидан жой олгач Ботир, “Вой, танбаллар”, дея

койинганча сув кечиб, жониворлар томон юрди. Бўривой билан Баҳром гулдур унга эргашишди. Бўривой боя сўқмоқдан энаётганида эшакнинг оёқда турганини илғагандай бўлганига инониб-инонмай бораркан, ортидан гулдур-сулдур қилиб келаётган Баҳром гулдурнинг гаплари энсасини қотираётган эса-да, этироз билдирмоқдан андиша қилиб, оғзига тушов солиб олганди. Ботир эса аини тобда фақат биргина нарсани – жўралари томонидан ўлдига чиқарилган кулбет хангининг ўрнидан ирғиб туришини ва кулоқ чимириб, ҳар учаласини олдига солиб қувлашини истар ва шу умидда илгарилар эди.

Афсуски, йиқилаётиб боши жуфтининг сағрисига тўғри келиб қолган ва шу созда чўзилиб ётган жониворнинг туриб қувлашга на ҳоли, на мажоли бор эди. Ботир эшакни жонли кўриб, бошда қувонди. Бироқ салдан сўнг ғамдан гирди ёшланиб, ўта маъюс йилтиллаб турган йирик кўзларига нигоҳи тушгач, вужуди зирқираб, кўкси тўридан нимадир ўпирилиб тушгандай бўлди. У кулбет эшакнинг кўзларида ёнида жонсиз ҳолатда чўзилиб ётган жуфтига нисбатан чексиз меҳр-садоқат ёлқинини илғаш баробарида, бу ёлқиннинг муваққатлигини, жонивор нигоҳида аксланмиш илинжга кўра, ҳадемай шам каби липпа ўчиб, унинг жисми жони билан йўқлик қаърига сингиб кетишини туя олганди. Бу ҳолатни, жуфти сағрисига бош қўйган кўйи жон бераётган жонивор зотини умрида кўрмаган ва буни ўзича идрок этган Бўривойнинг эси оғиб, танглайи кўриқсиб қолганди. Баҳром гулдур эса, “Сени деб гаровда ютқазиб қўйдим!” дея гулдураб сўкинганча, шўрликни ҳинқиллатиб, яланғоч товони билан қорнига боплаб бир тепди. Қаҳри кўзир бўлса, тамом – ўзини босолмасди, ҳарбий хизматдан қайтган ҳафтаси арик бўйида чий-чий қилиб юрган бир талай жўжалардан бирига оғиз солган кўшни кучукни тепкилаб нобуд қилганидек, эшакни ҳам омон қолдирмоқчи эмасди. Аммо бу дафъа ўнг тирсаги кучли чангалга тушиб қолиб, иккинчи тепкиси беҳуда кетди. У ёнига илкис ўгирилиб, чангал эгасини – юзи ғазабдан буғриқиб кетган Бўривойни кўрди. Йигитнинг чўғдек ёник кўз қарашига бардош беролмай, шошиб ва довдираб деди:

– Одамга алам қилади-да, ахир...

– Алам қилмасин! – деди Бўривой тоға кадрдони, боз устига, меҳмон шаънига ножўя гап айтиб юбормаслик важдан зўр-базўр ўзини босиб. – Ўша зиёфат мендан!

Бу гапни кутмаган Баҳром гулдур қувончдан гул-гул яшнаб, тирсагини силаб-сийпалар экан, “Вой-бўй, бунча кўлинг каттик”, дея гулдураб, тиржайиб қўйди.

Ботир, “Одам бўлмай ўл!” дея четга туфларкан, бу кабиларга Элёр ўланчига айтиб тўқитган пирмаъно айтуви зиғирча ҳам таъсир этмаслигини хаёлидан ўтказиб, чуқур хўрсинди.

Тиртиқ эса, биқинида икки юмронқозик, уларнинг ҳар бир ҳаракатини тийраклик билан кузатишда давом этаркан, ора-сирада ботишга ошиқмаётган қуёшга норози боқиб, ҳуқ-ҳуқлаб кўярди. Чунки ёзнинг биринчи куни унга оғир келган, қуёш уфқ ортига яшириниб, кун тун билан алмашиниши билан инига шўнғиб, ҳаловат оғушида ором олиш илинжида эди.

У каттик, жуда каттик чарчаганди.

Хорғин руҳим, қанотларинг хўл...



Баҳодир ИСО

Илтимос

Юрагимни очиб кўринглар,
Ё унга тиғ санчиб кўринглар –
Қонларимни ерга аямай,
сочиб,
сочиб,
сочиб кўринглар –
Ерда
Қатра-қатра қонимдан
Қизғалдоқлар ўсиб чиқади.
Минг-минг бўлак бўлган жонимдан
Ватан деган ёзув чиқади...

Кўзимга кўз тикиб кўринглар,
Ё қўшбигиз тикиб кўринглар –
Парпираган ёғду чиқади...
Кейин...
Яна ўқиб кўринглар –
Ўша
дув-дув ёғду ичра ҳам
Ватан деган ёзув чиқади!

...Қилмасангиз бу ишни удда,
Илтимос, кўп сайраманг унда!

Баҳодир ИСО – 1956 йилда туғилган. Фарғона педагогика институтини (ҳозирги ФарДУ) тамомлаган. “Хайрли тун” шеърий тўплами чоп этилган.

Таажжуб

Бу дунёдан бир одам ўтса,
Тупрокқа жим ташлаб келамиз.
Юрагимиз тўлиқиб кетса,
Кўзимизни ёшлаб келамиз.

Аммо бир кун ўтмасдан туриб
Унутамиз ушбу азани.
Тириклик деб ҳар ён югуриб
Қочирамиз яна мазани...

Бошланади яна эски ҳол,
Ҳар кимсада ҳар ҳунар зоҳир.
Биров товуқ қувлаган шоқол,
Биров оху қувлаган қашқир...

Ёмонликнинг чанги қўзғалиб,
Ерда яна бошлайди тўзон.
Ажаб, биров бегона қолиб,
Жигарини йиғлатади қон...

Қўрқитмайди энди ҳеч кимни
Соясига айланган ўлим.
Кеча кафтга лим тўлган қумни
Унутади менинг ҳам қўлим...

Уч кун ўтиб, ўтиб ё тўрт кун,
Юлдуз учиб қолади тунда.
Таъзияга чорлайди маҳзун
Уста тушга бормасдан шунда...

Ғам қоплайди яна дунёни,
Айланади ҳамма мўминга.
Бирдан эсга олиб Худони,
Очилади қўллар “омин”га...

Одамларга ҳайрон қоламан...

Тинчликка нима етсин!

Тинчлик бўлса, қиличлар чалғига айланади,
Қўндоққа сим тортилиб, чолғуга айланади.
Тинчлик бўлса шерлар ҳам оҳуга айланади,
Э, уруш қуриб кетсин,
Э, уруш қуриб кетсин...
Қани, нима дедингиз,
Тинчликка нима етсин!

Тинчлик ҳам бир сўз билан,
уруш ҳам бир сўз билан,
Нимани талашамиз бу дунёда сиз билан?
Борайлик Ҳақ қошига фақат ёруғ юз билан!
Э, уруш куриб кетсин,
Э, уруш куриб кетсин...
Қани, нима дедингиз,
Тинчликка нима етсин!

Одам деганнинг қорни бурда нонга тўяди,
Пул куллари бунчаям дунёга ҳирс қўяди?
Кафаниям аслида насиб қилган кияди...
Э, уруш куриб кетсин,
Э, уруш куриб кетсин...
Қани, нима дедингиз,
Тинчликка нима етсин!

Худо бизни яратиб, Одам деб ном берибди,
Тинчгина яшасин деб, ерни тамом берибди,
Ҳазир бўлинг, шайтонлар фитна қилиб юрибди...
Шайтонлар куриб кетсин,
Дўзахга кириб кетсин...
Худого шукур қилиб
Яшашга нима етсин!

Кўнглимдан кечган бир ўй

Ҳозир
шоир билан
кимнинг иши бор,
Ҳамма
ашулага тўйса бўлди-да...
Ҳикмат кидиргани
қандай ҳуши бор –
Яллачи ҳам
шеърни
чайса
бўлди-да.

Сохта куйчиларнинг
“қўшиқ”ларига
Қулоқ бечоралар
роса тўлди-да...
Боплаб туширарди
Тумшукларига –
Муҳаммад Юсуф ҳам
эрта ўлди-да...

Ҳозир
шоир билан
кимнинг иши бор?
Ўлганми,
қолганми,
йўқдир кизиғи.
Тўлиб кетса нима
шоирнинг бемор,
мажруҳ юрагига
дарзлар чизиғи...

Майли,
Ўқилмасин
мен битган сатр.
Оғринган кимсанинг
кетмасин ҳақи.
Харидор йўқ жойда
бир пул-ку ахир
Тупроққа сочилган
тилланинг нархи...

Бунга ҳеч қуймайман,
аммо бир оғрик
Кўксимга ханжардай
туради ботиб –
Бу ҳам бир бозор деб
беҳаё тиррик,
Олмоқчи бўлганда
шеъримни сотиб...

Ҳозир
шоир билан
кимнинг иши бор?
Ахир
унда на пул,
на мансаб бўлса.
Умри жовидони
миллатга нисор.
Саҳарги насимдай
элга сарф бўлса...

Ҳозир
шоир билан
кимнинг иши бор?
У битган шеърни ким
Бойлик санайди?
Шоир қалби эса
Такрор ва такрор
Ўзига лоқайдлар учун
қонайди...

Эй сиз –
кўзи чакнаб турган ўғиллар,
Жамалаксоч қизлар –
миллатнинг жони,
Чўлпонлар руҳига
дуолар йўллаб,
Эҳтиёт қилинглари
Иқбол Мирзони...

Мен-ку нолиб қўйдим,
эртага келиб,
Бу каби изтироб
бўлмасин такрор –
Бир шоир айтмасин
юраги тўлиб:
“Ҳозир
шоир билан
кимнинг иши бор?”...

Ёмоннинг бир қилиғи...

Олишиб,
Тўшакка йиқитгач сени,
Айлантирай дея энди
мурдага,
Меҳрибон дўстингга ўхшаб,
хар куни
Кўргани келади яна
жўрттага...

Баҳор

Ернинг сийнасида тошди ҳарорат,
Ҳайкал дарахтларга такрор кирди жон,
Томларнинг лабида туриб омонат,
Ялқов мушуклар ҳам бошлади фиғон.

Шифокор куёшнинг малҳам тиглари
Бемор жуссасини узди тўшакдан –
Ана, кўтарилди буғдой туғлари
Чорбоғда қор босиб ётган ҳашакдан.

Ўчоқлар оғзига исланиб қайтди
Мўрилар бўғзидан тутган тутунлар.
Эшитдим – Худога шукрона айтди
Охири кўриниб қолган ўтинлар.

Тупроқ кўпчиб берди етилган қиздай,
Чапани кетмонга боқди сузилиб...
Бўғотда ханжарга айланган музда
Қартайган қиш жони кетди узилиб.

Хаёлпараст

На шаҳарга сиғаман
ва на
Қишлоқда йўқ мен учун кўним.
Бўйинбоғ зор шаҳарда,
ана,
Соғинади қишлоқда тўним.

Қайдан келдим,
бораман қайга,
Ўй изғийди
чиқариб оёқ.
Бу соҳада мен билан
пойга
Ўйнолмайди
ҳеч қайси саёқ.

Югурмоқдан
Ўй билан зир-зир,
Жоним дами қайтди
ховучда.
...Эҳ,
Шамолни минволиб ҳозир,
Бир
чалдиргим келяпти
хуштак.

Бунча ювош бўлмасанг, насим,
Кел, қўлимдан ушлавол маҳкам!
Бизга йиллар ета олмасин,
Тутолмасин дақиқалар ҳам...

Чўққи

Емрилиб-емрилиб,
Тупроққа тушдинг...
Гинанг йўқ
Шамолдан,
Ёмғирдан,
Қордан...
Улар

Сен
қачонки,
кибрдан жўшдинг,
Ўзингга келишга
бердилар
ёрдам.

Мана,
Камтарликка
кўндинг ниҳоят –
Олдинг
тупроқ деган
улуғ унвонни.
Ниҳол ўстиряпсан
севиниб ғоят,
Унга тиз чўкдириб
мағрур осмонни.

Нақадар яхшисан,
қара, ушбу он!
Рост бўлсин
кибрни пастга отганинг –
Нодон чўққиларга
термулиб, ҳайрон,
Қикирлаб-қикирлаб кулаётганинг...

Тотдинг
оналикнинг таъмини...
Не бахт!
Тушларингга гулдай
тўляпти фарзанд...
Энди
чорлама-ю кибрни,
фақат,
Чўққи бўлганингни
эслаб тур
баъзан...

Далда

Осони йўқ ғамга ботишдан,
Ғуссани шод ютмоқлик мушкул.
Кулфат келса,
кетгунча хушдан
Ўйинга туш,
ўйинга тушгин!

Ичинг ёкса гумон ва шубҳа,
Кирга тўлиб кўринса кўшқинг,
Ё гангитган бўлса шум тухмат,
Ўйинга туш,
Ўйинга тушгин!

Дўст билганинг
чикса қув рақиб...
Тошга тегиб,
сингунча муштинг,
Кетгунигча қонингда оқиб...
Ўйинга туш,
Ўйинга тушгин!

Ғам дунёни қитикла тинмай –
Йиғисига кулгингни кўшгин...
Бас қил, деса,
ҳукмига кўнмай,
Ўйинга туш,
Ўйинга тушгин!

Йиғлаётган қизга

Қотил кипригингнинг
нозик тиғидан
Тилкаланиб ўтди
кўз ёшинг...
Аммо,
Ажраб қолган каби
бору йўғидан
Унга осилгани
қандай муаммо?

...Хатто шундай лаҳза,
хатто шундай пайт
Бахтинг жаллодига
мойилмисан, айт?!

Уйғониш

Ҳорғин руҳим, қанотларинг ҳўл...
Бир силкинсанг, юкинг арийди!
...Бу дунёга ортиқ куйганлар
отасидан олдин қарийди...

Ҳорғин руҳим, қанотларинг ҳўл...
Бир силкинсанг, юкинг арийди!
...Бу дунёни тириклар эмас,
чириганлар кўпроқ танийди...

Ҳорғин руҳим, қанотларинг ҳўл...
бир силкинсанг, юкинг арийди!
...Ерда даҳо бўлгунча, кўкка
юлдуз бўлиб кўчсам, қанийди...

Умр асли энг катта имкон



**Носиржон
ТОШМАТОВ**

* * *

Парпирайди тўп-тўп юлдузлар,
Қалтирайди паришон боғлар.
Шаббодалар – афсунгар қизлар,
Дарахтларни бир-бир кучоқлар.

Олисларда хурмоқда итлар,
Тугаётган тўйнинг сурони.
Ҳайқиришар сармаст йигитлар,
Ҳайқирмоқда йигит армони.

Уйкум ўчган, ёлғизман, ҳолсиз,
Овунтирмас на ўй, на китоб.
Бамисоли ҳофизман торсиз,
Куйлаёлмай юрагим хуноб.

Юлдузларнинг олтин киприги,
Сочаяпти заррин-заррин нур.
Маъюс ойнинг дилгир жимлиги,
Хотирамни бир-бир уйғотур.

Сен тушасан синиқ ёдимга,
Сўнгги висол, сўнгги нидолар.
Сингиб кетдинг қоронғи тунга,
Шодлигимни енгди нидолар.

Носиржон ТОШМАТОВ – 1966 йилда туғилган. Тошкент давлат маданият институтини (ҳозирги ЎзДСМИ) тамомлаган. Ижодкорнинг “Саркаш тўйғулар” китоби нашр этилган.

Тонглар отди, сўнгра неча бор,
Йиллар ўтди, саноқлари йўқ.
Соқов тошни куйлатар баҳор,
Юрагимга сабоқлари йўқ.

Тонглар отди, қоронғи тундан
Қалбда қолди қора хотира.
Ойга боқсам, қалбдаги мунгдан,
Шодланмайди кўзларим сира.

Бамисоли ҳофизман торсиз,
Куйлаёлмай юрагим хуноб.
Юрагимни музлатган қорқиз,
Эритолмас олтинсоч офтоб.

* * *

Борган сари хотирамга мен ишонмай боряпман,
Хаёлчан куз кунларига ўхшар экан хотира.
Кунда бот-бот бир неча бор ўйга чўмиб қоляпман,
Табиатнинг тусланиши мени ҳайрон қолдирар.

Кечагина кўк кўйлагин бўяганди сариққа,
Бугун боқсам яп-яланғоч шафтолилар, ўриклар.
Кечагина пўртана сув сиғмас эди ариққа,
Кўз ёшидек жилдирайди, бугун қолмиш ориқлаб.

Кечагина қувнатарди кўзларимни юлғунлар,
Ҳатто, аёл табассуми бугун сўник – ўзгача.
Бугунгидек зим-зиёмас ёп-ёруғ эди тунлар,
Болаларнинг шўхликлари бошқа эди кузгача.

Булутлар жим қотиб қолган кулранг осмон юзида,
Худди, менинг кўзларимда қотиб қолган хаёлдек.
Дилда соғинч сезган эдим, мен Зухро юлдузига,
Кутиб-кутиб совуқ қотдим, тун кўйнида саволдек.

Яқингача ёд билардим ёзган юзлаб шеъримни,
Кеча битган шеърим бугун ёд айтолмай ҳалакман.
Ҳамма нарса юрагимга яқин эди, севимли,
Вақт шамоли учиргандек бор-будимни юракдан.

Салкам тўқсон ёшли отам сим қоқади ногаҳон:
“Нега келмай кетдинг, болам, юрибсанми соғ-омон?”
“Ўзр... узр, ҳа, бораман...” – Торайгандек кенг жаҳон,
(Минг баҳонам бир дийдорга сарик чақа, отажон!)

Кўзни очиб-юмгунимча ўтар ҳафталар, ойлар,
Хотирамдан унут гоҳи буюк Тангри тухфаси.
Босаётган ҳар қадамим, биламан, ўлим пойлар,
Ўлаётган кунларимнинг менку ахир эгаси?

Жулдурвоқи куз хаёли хазонлардек паришон,
Меничи, менинг нечун сусаймоқда хотирам?
Ё ҳайратим сўнаяпти, ё сўнаяпти ҳаяжон,
Қайтмас умр ўтаяпти, қалбим, бўлма хотиржам.

Куз шамоли ғивир-ғивир айланади теграмда,
Ёсуман кампир каби гўё мени афсунлар.
Кипригимга нам тепчиди, толхивич инграганда,
Болаликни ёдга солди, чанг кўтарган қуюнлар.

Йўқ-йўқ, сусаймапти йўқ, хотирам ҳануз ўша,
Фасллар афсунгари кўрсатмоқда кучини.
Сарғайган япроқлардай юракдан бир-бир учар,
Кунни битган хаёлларим – рух тўкмоқда юкини...

* * *

Қорсиз борлиқ ёрсиз йигитдек,
Бетартиб ва ранг-рўйи хира.
Булутлардан биз қорни кутсак,
Ёмғир йўллар улар кунора.

Йўллар лойли, йўллар сирпанчиқ,
Қайфиятлар тунд ҳамда сипо.
Йўл четида минглаб тиланчи –
Майсаларнинг тилида дуо.

Ғижимланган газеталардек
Ғижимланиб ётибди тоғлар.
Шамоллардан эшитиб эртак,
Ухлаб ётар уйқучи боғлар.

Чалкашгандек дунёнинг иши –
Алмашгандек гўё фасллар.
Кутар кўкдан қорнинг келишин,
Кулбалару ҳатто қасрлар.

* * *

Тун сукутин бузмоқда қалам,
Шитирлайди қоғоз – жўровоз.
Туш кўрмоқда сахарни олам,
Туш кўрмоқда малакларга хос.

Ой сузмоқда фалак кўлида,
Жуфтсиз қолган ғамгин оққушдек.
Нигоҳларим Сомон йўлида
Сайр айлар, бамисли тушдек.

Термиламан учган юлдузга,
Ғамгин тортар янада хаёл.
Термиламан чатнаган изга,
Қалбим инграр бир афтодаҳол:

“Йўловчимиз олам йўлида,
Чумолидан то юлдузгача.
Инсонларнинг митти кўнглида
Даъволари лекин ўзгача.

Мангуликнинг кум соатида,
Кум заррага тенгмас умримиз.
Аммо, асов шуҳрат отида
Менсимаймиз биз бир-биримиз.

Кўнгулларга кўнгуллар жавр,
Нигоҳларга душман нигоҳлар.
Қоғозлардан ясаймиз қабр,
Адоватдан кескир пичоқлар.

Ялтираган неки бор, азиз,
Қалтираган неки бор, абгор.
Пардалидан ўгирамиз юз,
Бепардага кўплар талабгор.

Сувратми ё сийратми муҳим,
Кўнгулми ё муҳими кўзми?
Ибодат ё ишратми муҳим,
Аъмолми ё муҳими сўзми?

Ҳис қилмаймиз умр қадрини,
Ҳис қилмаймиз лаҳзани, онни.
Ҳис қилмаймиз унинг сабрини,
Бизга берган улуғ имконни.

Вақтим – пул, деб ўйлаймиз хато,
Вақт – бебаҳо, ҳар недан устун.
Бекадрга бор мудом жазо,
Бекадрнинг жазоси бутун.

Тангри сари ахтарамиз йўл,
Коинотни қутидек титиб.
Энг яқин йўл, бу ахир кўнгул,
Эҳ, англаймиз умримиз ўтиб.

Умр асли энг катта имкон,
Икки дунё саодатига.
Адашади аксари инсон,
Қулоқ тутмай қалб фарёдига.”

Ой сузмоқда фалак кўлида,
Жуфтсиз қолган ғамгин оққушдек.
Хаёлларим Сомон йўлида
Сайр айлар... бамисли тушдек.

Унинг вужудида қолсайдим қошки



Шухрат
РУСТАМОВ

Куз

Донишманд куз, сенинг келганинг яхши,
Пойимга поёндоз солганинг яхши,
Хазонрезги кузда оламинг бахши,
Кузакка меҳримни оширдинг яна.

Кузак ёмғирлари кезар юртма-юрт,
Титраган япроқни узади чирт-чирт,
Куздан кузга қадар юрагим мўрт-мўрт,
Қалбимда титроқни оширдинг яна.

Меҳржон, келдингми мени сўроқлаб,
Куздан омон ўтиб, қишни ҳам йўқлаб,
Оппоқ мезонларни бошимга ўраб,
Сочимнинг оқини оширдинг яна.

Кўкда булут сузар Мағрибга қараб,
Булутларнинг ичи қорами, ё Раб,
Қора булутларни бошимга тираб,
Ёшимни бир ёшга оширдинг яна.

Куёш ҳам заминга узоқдан боқиб,
Қалбимга маъюс бир туйғуни ёқиб,
Сокин юрагимга ғулғула тақиб,
Мангулик қўшигин эслатдинг яна.

Шухрат РУСТАМОВ – 1961 йилда туғилган. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини битирган. Ижодкорнинг “Мен билган ва билмаган дунё”, “Онам билан суҳбат”, “Лангар ота тарих кўзгусида”, “Катта Лангар ёхуд Ҳаж битиклари”, “Катта Лангар – эътиқод водийси” номли китоблари чоп этилган.

Иккинчи қуёш

Ким китоб ўқийди ён ёқларимда,
Сўроқ белги қўйиб қўзлайвераман.
Бармоғимни букиб саноқларимда,
Китоб ўқувчини излайвераман.

Бойсаид домланинг сабри бўлмабди,
Дарвозам тақиллар чиқмасдан офтоб.
Маркеснинг китобин сўраб келибди,
Бойсаид муаллим ўқийди китоб.

Абраҳмат бобонинг китоб ўқиши,
Тўқсондан ошса ҳам муборак ёши.
Хайратим оширар ўйлаб қарасам,
Румийдан ўқийди ўқиганда ҳам.

Ёшлардан излайман зўр ўқувчилар,
Наҳотки, ўнта ҳам бармоғим тўлмас.
Дафтаримда эса сўроқ белгилар,
Яна ошиб борар, адоғи бўлмас.

Китоб ўқисам гар, баъзан изтироб,
Баъзида кўзимда қатра-қатра ёш.
Қалбимга нур олиб киради китоб,
Китоб бу сеҳрли иккинчи қуёш.

Нукта

Чексиз нукталардан олам яралган
Ва унинг измида одам яралган.
Нукта бўлганлиги учун онамиз,
Ҳар нукта қўйганда бир қувонамиз.

Дўстим, ҳар нарсага нукта излама,
Олдин чорлаб қўйиб, кейин бўзлама.
У келар гоҳида пайкон ва ўқда,
Умрга ҳам баъзан қўяди нукта.

Абадийлик

Тимсолларнинг оти яхши-ёмонлик,
Яхшиликнинг умри билсанг гумонлик,
Ёмонлардан дунё кўрмас омонлик,
Тимсол абадийдир, тимсол абадий!

У шундай яралган, умридир боқий,
Улкан синоатга у буюк тоқий,
Унинг вужудида қолсайдим роҳий
Дунё абадийдир, дунё абадий!

Бу қушларнинг сони тириклардан қўп,
Атрофда учади бир гала, тўп-тўп,
Улардан биттаси мени қўллар хўб,
Руҳлар абадийдир, руҳлар абадий!

Ҳақиқий билимни билгувчидир у,
Бизни синовларга солгувчидир у,
Фақат мангуликда қолгувчидир у,
Тангри абадийдир, Тангри абадий!

Абадийлик сари ташласам қадам,
Сенга суянаман, азизим қалам.

Йўлдамиз

Йўлдамиз, бу йўллар ортда қолмоқда,
Унинг интиҳоси ўйга солмоқда,
Хиёнат биз билан юриб келмоқда,
Кўриб-кўрмасликка олиб ўтамиз.

Нобакор қилмишга бермайди жавоб,
Баъзида пойига қиламиз тавоф,
Аралашиб борар гуноҳу савоб,
Билиб-билмасликка олиб ўтамиз.

Қаттиқ ер тегсада курагимизга,
Игналар санчилса юрагимизга,
Ғараз ғов бўлсада тилагимизга,
Сезиб-сезмасликка олиб ўтамиз.

Савоблар сочилган йўлдан бормаймиз,
Гоҳо Ҳақ йўлидан асло юрмаймиз,
Аммо, сўқирликка даъво қилмаймиз,
Ўзни дониш санаб бийрон ўтамиз,
Дунёдан қалбимиз вайрон ўтамиз.

Унсирим аёл

Сарвдай қоматинг заминдай бўлик,
Қалбингда муҳаббат ҳисларга тўлик,
Сендан нур олади “Қутадғу билик”,
Заминдай зарангим, унсирим аёл.

Булутлар денгизи сузар бағрингда,
Кўзёшдир у, баъзан ёмғир тегрангда,
Муҳаббат туғилар ҳар бир сеҳрингда,
Сен оби-ҳаётим, унсирим аёл.

Ҳаво олмай одам яшарми ҳаргиз,
Ўзига маҳлиё гулимсан Наргиз,
Сен – Момо Ҳавомсан, дунёни юргиз,
Ҳаводай керагим, унсирим аёл.

Аёл юрагида ёнмоқлик бу бахт,
Аёл юрагида суманбар бу тахт,
Кўнгил оловида гуллайдику аҳд,
Сен тенгсиз оташим, унсирим аёл.

Энг нозик хилқатим, унсирим аёл.



Маҳбуба СОҶИЕВА

Демак яшаяпман қалбингда мангу

Ватан

Олис манзиллардан маъюс боқаман,
Соғинчинг юрагим ўртай бошлади.
Ватан! Соғинчингла бағрим ёқаман.
Бардошим тоғлари нурай бошлади.

Ватан – онажоним!
Муқаддас тупроқ,
Соғинч изтиробин қандай айтаман?
Сеҳрли диёрдан кетгум бор тезроқ,
Қачон қучоғингга шодон қайтаман?

Мана, тайёра ҳам пастлади, ногоҳ,
Юрагим ҳапқирди, қадрдон очун.
Аста тиз чўқаман, буюк саждагоҳ,
Азиз тупроғингни қўзга суртмоқ-чун.

Ватан – онажоним!
Ўзбекистоним!

Қани эди

Қани эди имконим бўлса,
Маҳшаргача ортингдан кетсам.
Йўқлик сари йўл олар чоғда,
Ёнгинангда қайта тирилсам.

Маҳбуба СОҶИЕВА – 1959 йилда туғилган. Самарқанд кооператив институтини (ҳозирги СамИСИ) тамомлаган.

Менга атаб ёзган байтларинг,
Оташида шамдек эгилдим.
Қанча оғриқ, аламлар ичра,
Қайта-қайта сенга юкиндим.

Бири кам бу дунёлар аро,
Битта камим бўлди сенсизлик.
Сочларингдек тунларим қаро,
Қисматимга битдинг ёлғизлик,

Азизим...

Муҳаббатнома

Сутдай оппоқ ойдин кечада,
Мен сени соғиниб, ойга боқаман.
Келармикан дея ой юзим,
Юрагимни ўтда ёқаман.

Олис юлдузларга термилиб танҳо
Сенинг хаёлингга бот-бот қайтаман.
Сарин саболардан сўроқлаб гоҳо,
Сенга алангали салом айтаман.

Баҳорда олисдан келган турнадан,
Сен уни кўрдингми дея, сўрадим,
Ҳижронзада қалбим тирнаб фироқда,
Мактубимни қанотига ўрадим.

Ўтди қанча-қанча умидли йиллар,
Армонли умримнинг салтанатида.
Исминг битилгандир гўзал севгилим,
Муҳаббатномамнинг зарварағида.

Кўзлардан нур кетиб,
сочга тушди оқ,
Унутарман, дея ўзни алдадим.
Умр поёни ҳам кўринибди, оҳ,
Қисматим экансан, кечроқ англадим...

Ишқнинг кўҳна дафтаридан

Кузак япроғидек титрайди юрак,
Кўнгилдан изтироб томади, чак-чак.
Яна бир довондан ошибман сенсиз,
Шу ғамбода ҳаёт менга не керак?

Меҳрингни қуёшга менгзаган эдим,
Энди қуёшим йўқ, зулматлар қаро.
Оҳимга чидолмай кекса ой момо,
Бошин олиб кетмиш юлдузлар аро.

Мен ғариб бир шоир, далли-девона,
Гоҳида шамдирман, гоҳи парвона.
Парвона қисмати куймоқ эрсада,
Жунун водийсида кездим мастона.

Мен само фарзанди,юр, кетайлик, бас,
Висолга етамиз, сен ой, мен юлдуз.
Ерликлар риёкор,бизга кун бермас,
Ерда висолга ҳеч умид йўқ, афсус.

Мен само фарзанди, ерликмас, асло,
Қўлларингни бергин моҳитобоним.
Сен содиқ Вомику мен гўзал узро,
Қара, қандай гўзал менинг осмоним.



*Агар истисъодингни
қадрласанг, олмани мафтун этадиган
воситалар кетидан чопмайсан.*

Гюстав ФЛОБЕР



Себзор

Эссе



Рисолат ХАЙДАРОВА

Бир туп ўрик соя ташлаган чоғроқ ҳовли. Дарвозанинг ўнг томонидан бошлаб, то ҳовли адоғигача сертокча, оҳак чапланган девор чўзилган.

Ҳовли жуда гавжум, мен таниганимдан кўра танимаган, билмаган одамлар кўп. Ҳамманинг юзида безовталик кўринади, нималарнидир гапиришади, лекин сўзларини тушуниб бўлмайди, кулоққа босиқ ғовур-ғувур чалинади, холос.

...Тонгда уйғонганимда хаёлимга келган биринчи ўй шу бўлди: “Тинчликми?”

Ҳаётимда нимадир янгилик ё воқеа-ҳодиса рўй бериши олдидан негандир бувамнинг Себзордаги ҳовлиси тушимга киради. Доимо ҳовлига одамлар тўпланганини кўраман. Уларнинг аксариятини танимайман, аммо нимаси биландир менга яқин, алоқадор эканлигини туяман.

Мен Тошкентнинг Ғурғуртепа маҳалласида катта бўлганман, Себзордаги ҳовли эса онамнинг болалиги кечган маскан эди. Лекин Себзор менинг ҳаётимда, шаклланишимда катта ўрин тутган эдики, болалик хотираларимнинг энг ёрқин саҳифалари, ёшлигимнинг таъсирчан кунлари Себзор билан боғлиқ.

Себзор Тошкентнинг қадим тўртта даҳаси орасида майдони энг кичиги ҳисобланган, XX аср бошида унинг 66 та маҳалласи, 78 та масжиди, 3 та мадрасаси бўлган, Тошкентнинг учта – Лабзак, Тахтапул, Қорасарой дарвозалари шу даҳа ҳудудида жойлашган.

Бувамнинг ҳовлиси даҳанинг тарихий Себзор маҳалласида бўлиб, бу маҳалла Тарновбоши билан чегарадош эди.

Себзордаги уй қачон қурилганини билмайман, лекин бувимнинг ҳикояларидан тушунганманки, ичкари-ташқари ҳовлили бу уйни бувамнинг бобоси Иноғомбой қурдирган. У киши Тошкентнинг таниқли бойларидан, Юнусободда катта дала ҳовлиси ҳам бўлган.

Рисолат ХАЙДАРОВА – “Шуҳрат” медали билан тақдирланган. 1966 йилда тугилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини тугатган. “Мағрура”, “Карантин” қиссалари, “Жавзо” тарихий романи, “Ғурғуртепада саратон” ҳикоялар туркуми чоп этилган. Ҳикоялари Болгария, Украина, Беларусь адабий нашрларида эълон қилинган. (2021). Шукур Холмирзаев номидаги I халқаро ҳикоялар танлови гoliби (2021).

Иноғомбойнинг уч фарзанди бўлиб, тўнғичи Тўхтаюсуф, кейин Мулла Икром ва ниҳоят, кенжаси Усмон. Усмон оқсоқолнинг фарзандлари эса беш нафар бўлиб, тўнғичи Низомиддин, ундан кейин Шамсиддин, Қўчқор, Хадича ва ниҳоят менинг бувам – Баҳром.

Бувам – Баҳром Усмон ўғли шу ҳовлида, ҳужжатларга кўра 1910 йилда туғилган. Аммо ҳужжатлар анча кейин олинган бўлиб, бувам ҳужжатдагидан уч-тўрт ёш катта экан. Шунга тахмин қилиб, ҳовли XIX асрнинг иккинчи ярмида қурилган бўлса керак, деб ўйлайман.

Ҳовли менинг болалик тасаввурларимда ажабтовур бир иншоот эди. Ҳовлига қираверишдаги катта, нақшинкор ёғоч дарвозанинг икки чеккасида кичкина супачалар бўлиб, уларнинг ёнида устунлар бор эди. Онам устунлар болохонани кўтариб турган, 1969 йилда болохона ёниб кетган, деганини эслайман. Болохонада онамнинг анчагина китоблари сақланаркан, онам баъзида шу китобларини эслаб, ачиниб қўярди.

Мен дарвозаларнинг ҳалқаларини ўйнашни яхши кўрардим. Вақт ўтиб қорайиб кетган бу мис ҳалқаларнинг юзаси тирналиб, турли чизиклардан ғалати “тўр” пайдо бўлганди.

Дарвозадан кенг, шифтига тоқи, деворига токча ишланган йўлакка қирларди, чап қўлда икки тавақали эшик, унинг ортида отхона бор эди. Ҳар хил қақир-куқурлар, кўмир, рўзғорга деб олинган ун, гуруч, картошка-пиёз сақланадиган ярим қоронғи бу жой нега отхона деб аталиши, албатта, ғалати эди. Бола пайтим бунинг сабабини сўраганимда, бувим:

– Бир вохтла шўтта Усмон оқсоқолни отлари турган, меҳмон кеса, отини шўтга қирғизиб қўйишган. Ҳар зотдор тулпорла кишнаганки бу отхонада! – деганини эслайман.

Йўладан ўтиб, ҳовлига қирилганда чап қўлда оғиргина эшик бор, унинг ортида эса иккинчи қаватга чиқадаган, мусулмон ғишт ётқизилган кенггина зиналар. Бу эшикдан нарида икки хонали уй, рўпарада ойнабанд айвонли яна битта уй, айвоннинг ёнида эса ичкари ҳовлига қириладиган йўлак. Шу билан ташқари ҳовлининг тасвири битади. Бу ерда бувам, бувим ва Тоҳир тоғамнинг оиласи яшарди. Ҳовлининг ўнг томони катта-катта токчали узун девор, деворга нима учун шунча қўп токча ишланганини мен ҳеч тушунолмасдим.

Ичкари ҳовлига олиб борадиган йўлакнинг ҳалқали кўҳна эшиги ҳамиша очик турарди. Йўлакнинг тепаси ва икки ёни ёпиқ бўлганидан ярим қоронғи, ичкари ҳовлига кириш учун йўлак адоғига етгач, чапга қайрилиш керак эди. Йўлак тугаши билан бошингиз тепасида арка пайдо бўлади, ўнг қўлдаги эшикдан эса, юқорига чиқадаган зиналарга дуч келасиз.

Ичкари ҳовлидаги бор уйлар фақат чап томонга қурилган. Ойнабанд узун айвон, унинг ёнида кичикроқ иккита хона. Бу ҳовлида Ҳасан тоғамнинг оиласи яшарди.

Ҳовлида баллонли газдан фойдаланишар, чой эса самоварда қайнатилар, қишда “буржуйка” деб аталадиган чўян печкада кўмир ёқиларди. 1980 йиллар бошига келибгина Себзорга табиий газ тортиб келинган, бу даҳа ҳаётида катта воқеа бўлган эди.

Уйнинг иккинчи қавати мен учун ҳамиша кашф этиладиган, очиладиган ердек туюларди. Юқориги қаватнинг бошидан охиригача ҳужралар чўзилган. Ҳар бир ҳужранинг эшиги икки тавақали, ҳалқали. Ичкарида турли кўза, хум, эгар-жабдук, чойдиш, кумғон, яна нималигини англаб бўлмайдиган буюм ва ашёлар чанг босиб ётарди.

Ташқари ҳовлининг тепа қаватида турган бир жуфт катта ғилдирак мени доимо қизиқтириб келарди. Улар ўша пайтдаги фильмларда кўрсатиладиган қўқонараванинг ғилдираклари эди: каттакон, бўйимдан анча баланд. Айтишларича, Усмон оқсоқол неvara тўйи қилсам, аравада одамларни тўйга айтаман, деган ниятда арава ясаттирган, лекин замон алғов-далғов бўлиб кетиб, ниятига етолмаган. Бобом яхши кунлар умидида арава ғилдиракларини алоҳида, шотисини алоҳида қилиб тепага чиқартириб қўйган, аммо замон тинчигунча неча йиллар ўтиб кетади, қўқонараванинг даври ҳам тугайди. Шу-шу арава Усмон оқсоқолнинг ниятларидан хотира бўлиб, юқорида қолиб кетган.

Болаларга юқорига чиқишга рухсат беришмасди, лекин биз барибир катталарнинг кўзини шамғалат қилардик.

– Ҳой, у ёъда чиёнла бор, нага чиқасанла шумтакала? – койирди бувим.

Шунча ғаройиб нарса турганда бизни тўхтатиб бўлармиди?

Бир куни тепадаги хужралардан бирида катта сопол хумга дуч келдик-да, навбатма-навбат унинг оғзидан ичига эгилиб, овоз бердик, хум бизга гулдираган акс-садо билан жавоб қайтарди. Бу жуда қизиқ эди. Кейин ўйиннинг иккинчи қисмига ўтдик: Ҳасан тоғамнинг кенжаси – Жўрани хумнинг ичига туширдик. Тоғаваччам ўшанда беш ёшларда эди. Жўра ичкаридан, биз ташқаридан туриб хумнинг қорнини ноғора қилиб чалдик. Бу аввалги ўйинимиздан ҳам қизиқроқ бўлиб чиқди. Лекин кейин ўйинимиздан ўқ чиқди: Жўра хумдан чиқолмади, биз уни тортиб олмоқчи бўлдик, қўлларидан ушлашга ушладигу, аммо у ёғига иложини қилолмадик. Кучимиз етмади. Орамиздаги кичкиналар қўрққанидан йиғлай бошлашди. Болаларнинг ичидаги энг каттаси мен эдим, бироқ мен ҳам довдираб қолгандим. Катталарни чақиришга эса қўрқардик, жазо олишимиз ҳеч гап эмасди-да. Нима қилиш керак? Шунда “Оловиддиннинг сеҳрли чироғи” фильмида кўрганларим эсимга тушди. Фильмда хумга қамалиб қолган вазирнинг ўғлини чиқариб олиш учун хумни синдиришган эди. Лекин биз хумни синдиrolмаймиз, аввало кучимиз етмаслиги тайин, иккинчидан, хумни синдирганда чиқадиган шовқин катталарнинг эътиборини тортиши мумкин, оқибатда эса жазо олишимиз аниқ. Агар кўплашиб хумни ерга ётқизсак-чи?

Хуллас, биргалашиб хумни ағдардик, Жўра унинг ичидан эмаклаб чиқиб олди. Кичкиналар йиғини бас қилишди. Менинг эса қўл-оёқларим титрар эди. Ё тавба, бунақа катта хумда нима сақлашган экан? Уни қандай қилиб тепага олиб чиқишган? Нега олиб чиқишган? Бу саволларга жавобни тополмасдим.

Шундан кейин анчагача иккинчи қаватни “тафтиш” қилишдан қочиб юрдик.

Онамнинг айтишича, мен кўрган-билган ҳовли Иноғомбойга тегишли мулкнинг кичкина қисми экан, холос.

1917 йилги инқилобдан кейин “Йўқолсин бойлар!” шиори олға сурилади-ю, Усмон оқсоқол янги ҳукумат билан зиддиятга бормасликни маъкул кўриб, бойликларини ўз хоҳиши билан давлатга топширади. Шу боис унга тегишмайди, бобомнинг ихтиёрида ичкари-ташқарили ҳовлиси қолади. Унга девор-дармиён бўлиб яшаган акаси Тўхтаюсуф эса ёзги дала ҳовлисига ичи ачиганидан Себзордаги уйини ташлаб, Юнусободга кўчиб кетади. Йўқсиллар унинг ҳовли-жойида “Қизил чойхона” очишади. Кейинчалик эса унинг бир қисми болалар боғчасига¹ айлантирилади.

¹ Тошкентда болалар боғчаларининг очилиши 1918 йилга тўғри келади. 1918 йилда пойтахтимизда 4 та, 1924–1925 йилларда 14 та, 1936 йилда 183 та болалар боғчаси бўлган. Таққослаш учун: 1991 йилда мактабгача ёшдаги болалар муассасалари сони 681 та эди.

Баҳром бувамнинг яна бир акаси Шамсиддин Себзорда қолади-ю, аммо 1953 йилда “Қизил тонг” фабрикасининг ёрдамчи хўжалигига бошлиқ қилиб тайинланиб, оиласи билан Калинин райониغا (ҳозирги Янгийўл тумани) кўчиб кетади ва ўша ерда турғун бўлиб қолади.

Ичкари ҳовлининг орқасида Баҳром бувамнинг амакиваччаси бўлмиш Асомиддин додамизнинг уйлари бўлиб, ўртадаги деворда эшик бор, икки оила шу эшик орқали кирди-чикди қиларди.

Умуман олганда, Себзорда ўртасидан бўлинган, тақсимланган ҳовлилар кўп эди. Масалан, бувамнинг уйи жойлашган Колхоз кўчасида (бизнинг давримизга келиб, унга Алихонтўра Соғуний номи берилди) ўртадаги боши берк кўчаларни ҳисобга олганда етмишдан ортиқ ҳовли бўлса, шулардан майдони кенг бўлганлари иккита ё учта бўлиб, аксар каталаксифат ҳовличалардан иборат, кўп уйларнинг томининг кўплигига бир-бирига уланиб кетган эди.

Кўчанинг транспорт қатнайдиغان катта кўчага уланувчи қисми нисбатан кенгрок бўлиб, ўша ердаги ҳовлиларнинг олдида бир-икки туп олма кўқарган, кўчанинг қолган қисми торлигидан эшиклар тагида дарахтлар йўқ, агар машина ўтишига тўғри келиб қолса, одамлар деворга қапишиб олишарди.

Кўчанинг бошланиши ҳам, адоғи ҳам пастлик эди. Уни бошдан-оёқ кезиб чиқмоқчи бўлган одам аввало тепаликка кўтарилиши, асфальти кетиб, майда шағаллари оёққа ботадиган бўлиб қолган тор, дарахтсиз, уйларининг деворлари бирда туртиб чиққан, бирда ичкарига ботган қийшиқ кўчадан ўтиб бориб, яна пастликка тушиши керак бўларди.

Мана шу қийшиқ, лабиринтнамо кўчалар биз учун битмас-туганмас ўйинлар, саргузаштлар манбаи эди. Шу боис Себзорга бориш мен учун катта байрамга айланарди.

Бувамнинг ҳовлисига девор-дармиён бўлиб Алихонтўра Соғунийнинг уйи ва болалар боғчаси жойлашган эди. Болалар боғчаси ва Алихонтўранинг уйига битта дарвозадан кириларди. Ташқаридан у оддий ҳовлига ўхшарди, ёғоч дарвозадан киргач, узун йўлак бошланарди. Ўнг қўлда бошқа ҳовлига кириладиган эшик бор, унда Алихонтўра Соғунийнинг оиласи яшарди. Боғчага кириш учун узун йўлакнинг охирига бориб, чапга бурилиш керак эди. Боғча ҳовлиси гир айлана айвонсифат бинолар билан тўлган, ўртада кичкина гулзор билан беш-олтита арғимчоқ ва сирпанчиқлар бор эди.

Алихонтўра 1946 йилда Тошкентга олиб келинган, аввал Марказқўм боғида яшаган (аниқроғи, уй қамоғида сақланган). Кейин у киши умрбод Ўзбекистонда қолишга рози бўлган, бир вақтлар Тўхтаюсуфбойнинг ҳовлиси бўлиб, кейин чойхонага айлантирилган уйга жойлаштиришади.

Оиламизда Алихонтўранинг номи ҳамиша катта ҳурмат билан тилга олинарди. Алихонтўра маҳаллада катта эътиборга эга бўлиб, у қўшнилари Баҳром бувам, Асомиддин оқсоқол билан ҳамиша дўстона хушмуомалада экан. Мен оиламизда узоқ кутилган неvara бўлган эканман, шу боис менинг кулоғимга азон айтиш масаласига ҳам орзу-ҳавас билан қаралиб, Баҳром бувамнинг (балки ота-онамнинг ҳам) истаги билан мени – эндигина туғруқхонадан чиққан чақалоқни Ғуфғуртепадан атай Себзорга – Алихонтўра ҳузурига олиб келишган.

Болалик ва ўсмирлик пайтим Алихонтўранинг Тошкентга олиб келиниши билан боғлиқ воқеаларни узуқ-юлуқ эшитганман, боиси ўша пайтда бу ҳақда очиқ гапирилмас, ёзилмас эди. Фақат Мустақиллик йилларигина бу фидойи

инсоннинг фаолияти, унинг бошидан кечирганлари тўғрисида очиқ ёзилди. У кишининг пешонасига улугъ тақдир – миллат озодлиги йўлидаги курашга бошчилик қилиш, эркак интилган халқни ғалаба сари етаклаш, Шарқий Туркистон Ислом республикасининг биринчи давлат раҳбари ва ҳарбий маршали бўлиш ёзилган экан. Шундоққина биқинида эркин ислом давлатининг туғилиши унинг яқин қўшнилари – СССР ва унинг ҳамкор, ҳамфикри бўлмиш коммунистик Хитойни чўчитиш кўйганидан бу ўлкадаги озошлик руҳи кенг ёйилмай туриб, уни тинчгина йўқ қилиш ҳаракатига тушадилар. Чунки Иккинчи жаҳон уруши эндигина тугаган, Совет Иттифоқи мамлакат унинг асоратлари, кулфатлари билан яшапти, қолаверса, дунё ҳам қалқиб турибди. Демак, ёнгинасида туғилган хавфни уруш йўли билан ҳал қилиш катта “ташвиш” келтириши мумкин. “Тинчгина” ҳал қилишнинг энг яхши йўли эса халқни сардорсиз қолдириш эди. Шундай қилинди ҳам. Уни чекистлар тунда уйдан ўғирлаб олиб чиқиб, самолётда Тошкентга келтиришади. Шарқий Туркистоннинг кейинги тақдири шу билан тугадики, бу давлатнинг номи тарихда-ю, ўша даврдаги харитада қолди, холос.

Кейинчалик мен у кишининг “Туркистон қайғуси” асарини ўқидим. Ўқирканман, элимиз, халқимиз бошига тушган кўп шўришлар кўз олдимдан ўтди. “...дунёда яшаган ҳар бир кишининг энг аямлик, қизганиб асрайдиган беш нарсаси бордир. Биринчи жони, кейингилари дини, моли, оиласи, она Ватанидир”. Мен ўқиб-ўрганишларим, кузатишларим давомида бу сўзларнинг қанчалик ҳақ эканлигини англай бордим.

...Алихонгўра вафот этган пайти мен ўн яшар бола эдим. Қишнинг сўнгги куни. Эсимда, куёш чарақлаб турарди. Себзор қайнаб, тошди. Бувамнинг ҳовлиси жойлашган Колхоз кўчаси жуда тирбанд бўлиб кетди. Одамлар эса ҳамон оқиб келарди. Биз ташқари ҳовлининг иккинчи қаватига чиқиб олдик. Оқ сурп айлантириб ўралган тобутни бир қадам масофага бўлса ҳам елкасига олишни истаганлар жуда кўп эди. Тобут елкадан-елкага ўтиб борар, одамлар тобутга ҳеч курса қўллари тегишидан умидвор бўлиб, қўл узатишар эди.

* * *

Оилавий архивимизда сарғайиб кетган, ортига қаламда 1934 деб ёзиб қўйилган оқ-қора фотосурат бор. Унда бошига дўппи қўндириб, чаккасига бинафша қистирган йигит ва унинг бошига бошини тираб турган гажим рўмолли келинчақ тасвирланган. Булар Баҳром бувам ва Инобат бувим.

Бувимнинг ҳикояларидан билганларим шу: Тошкентнинг таниқли бойларидан бўлмиш савдогар Зокирхоннинг тўрт фарзанди бор эди: Тўйдиҳон, Шокир, Инобат ва Султон.

Бувим ўзининг тўйи ҳақида шундай деганини эслайман: “Опамни, акамни тўйлари жа чиройли бўган, опамни сарпалари-чи! Почапўстинла-ю, саккизтепки атласла-ю, қарғашойила-ю... Манга гал кеганда отам қулоқ бўп қоган-де, фақирона узатилганман. Фирқа бор-будимиззи опқўйишини билиб, жа бўмаса, шу қизимми нарсалари омон қосин деб, манга аталган тилла асвоблани сомоварга солиб, ҳовузга ташашган. Битта қўшнимиз ўлгур фирқага аъзо бўганиди. Ўша томдан туриб кўрганакан. Уйимиздан гиламдан тортиб партўшегача опчиқиб кетишвотганда ўша қўшни шундо-о бориб, ҳовузга тушган-де, сомоварни опчиққан. Онам бирам йиғлаганла-ей... Худони ишларини қара, ўша қўшнини кейин фирқалани ўзи душман деб қамаворди, дом-дарексиз кетди бечара...”

Шундай қилиб, ёш оиланинг ҳаётига ҳам ташвишли давр кириб келади. Мамлакатда серғалва замон – колхозлаштириш ва кулоқларни тугатиш кампанияси давом этарди. Не-не оилаларни фожиалар сари етаклаган бу кампания советлар давлати юритаётган қўламдор иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг “меvasи” эди.

Марказий Осиё (ўша пайтда уни Ўрта Осиё деб аташган) пахтаси 1914–1915 йиллардаёқ Россия саноати эҳтиёжининг 70 фоизини қондирган. 1930-йилларда большевиклар пахта мустақиллигига эришишни етакчи вазифа этиб белгилашар экан, яна Марказий Осиё асосий база сифатида танланади.

Ўша даврга тегишли илмий изланишларни ўрганаётиб, Андижон давлат университети тадқиқотчиси Мафтунахон Эргашеванинг тадқиқотида² қизиқ фактни учратдим: Профессор Ю.И.Пословский ва Н.Ярашевич “Народное хозяйство Средней Азии” журналининг 1930 йил 8-сонида мақола чоп эттиради. Унда Ўрта Осиёда пахтачиликни ривожлаштириш ғоясига қарши чиқиб, таъкидлайдики, бу кейинчалик жойнинг мелиоратив ҳолатини ёмонлаштиради, шу боис бу ерларда лалмикорлик, боғдорчилик ва чорвачиликни ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Лекин уларнинг бу қарашлари пахта мустақиллигига, пролетарлар дохийси В.И.Лениннинг кооператив режасига душманлик дея баҳоланиб, бу икки олимга “буржуазия тарафдори” деган ёрлик илишади. Орадан шунча йил ўтгач, пахта яккаҳокимлиги нималарга олиб келганини кўриб, бу икки олимнинг қанчалар ҳақ бўлганини англаб қолади киши.

Большевиклар пахта мустақиллигига эришиш учун коллективлаштиришни шарт қилиб қўяди. Совет даври дарсликларида Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш 1932 йилда якунланиб, деҳқон хўжаликларининг 75 фоизини қамраган деб ёзишади. Аслида бу жараён 1939 йилгача давом этган, бу пайтга келиб 99,5 фоиз деҳқон хўжаликлари колхозларга бирлаштирилган.

Мана, ўша даврга тегишли ҳужжатлардан бири: Ўзбекистон (большевиклар) Компартияси Марказий қўмитаси котиби Альфред Лепа 1931 йил 10 октябрда ВКП (б) МҚ котиби Павел Постишевга жўнатган маълумотномаси. Унда шундай дейилади: “Андижон райони бўйича кўчириб юборилиши кўзда тутилган 200 хўжалик ўрнига 232 кулоқ хўжалиги, Молотов райони (ҳозирги Учкўприк тумани) бўйича назарда тутилган 125 хўжалик ўрнига 148 хўжалик кўчириб юборилди. Ўзбекистон бўйича 3 500 ўрнига 3 837 хўжалик кўчирилди”. Шу ўринда ҳам режани ошириб бажаришга интилишади! Котиб назарда тутган хўжаликлар ўрмон кесгани тайгага, ёки ўша пайтдаги зарбдор қурилишларда текин ишчи кучи сифатида фойдаланиш учун Сибирга, ё уларнинг пахта етиштиришдаги тажрибасидан фойдаланиб, пахта плантациялари ташкил этиш учун мажбуран Шимолий Кавказга ва Херсон областига жўнатилган.

Совет даври расмий манбаларида кулоқлар 1932 йилда синф сифатида тугатилди, деб ёзилган, аммо бу жараён коллективлаштириш якунланган 1939 йилгача давом этиб, оммавий қатагон – халқ душманларини излаш даҳшатларига уланиб кетган.

1936 йилда кулоқ қилиш кампаниясининг янги тўлқини Усмон оқсоқол оиласига ҳам етиб келади. Бу пайтда кулоқларни Сибирдан кўра кўпроқ Ўзбекистоннинг янги тузилаётган колхозларига, ўзлаштирилаётган ерларга “ташлашарди”, энди кулоқлар рўйхатига шаҳарликларни ҳам тиркашарди. Мантиқан қараганда янги

2 Эргашева М.А. Освещение истории коллективизации, раскулачивания и изгнания в Узбекистане // Universum: общественные науки: электронный научный журнал. 2020. № 9 (68). URL: <https://7universum.com/ru/social/archive/item/10704>

ҳукумат билан зиддиятга бормаган, бойлигини ўз ихтиёри билан топшириб, тинчгина яшаётган Усмон оқсоқол хонадонидан бу балолар нари юриши керак эди, лекин бу кўпга келган “тўй”, қолаверса, унинг таржимаи ҳолида “бой” деган тамға бор эди. Хуллас, Усмон оқсоқолга ўғилларидан кимдир янги тузилган колхозга жўнаши кераклигини айтишади. Шунда Баҳром бувам акаларимнинг кичкина болалари кўп, яхшиси мен бораман, дея ўз ихтиёри билан қулоқлар рўйхатига ёзилади. Шунда онам чақалоқ бўлган экан.

Баҳром бувам ва бувимни бошқа қулоқлар билан биргаликда Чинознинг Ялламасига олиб келишади. Бувим Чинозга келганимизда эрта баҳор эди, деганини эслайман. “Бизага бостирмага ўхшаган кўримсиз битта жойни берган, кун ҳали совуғийди, буванг ўртага ўчо ясаган, ўша ўчога ўт ёқиб исинганмиз”, дер эди. Аммо холам, “Яламада турган уйимиз кенг эди”, дерди. Ким билсин, балки Себзордаги ҳовлидан кейин қишлоқнинг оддий уйи бувимга бостирмага ўхшаб кўрингандир? Ёки холам кичкина бола бўлгани учун турган уйлари кенг бўлиб туюлганми? Ё балки турар жойлари ўша пайтда мажбуран кўчирилганларга берилган бостирмасифат бир бошпана эдими?

Яламада кечган йиллари ҳақида бувимдан, онамдан ва унинг синглиси Мамлакат холамдан баъзи хотираларни эшитганман.

Бувим: “Ёз кеганда буваларин далага чайла қурди-де, бизани ўшаққа опчикди. Ойингни арқон беланчега солиб, устига дока рўмолимми ташаб қўйсам, ухлаб ётвурарди. Ўзим ўтоқ қилардим, жа оғир иш эди ўтоқ қилиш дегани, одамми қўллари шилиниб кетарди...”

Онам: “Уч-тўрт яшар пайтим манга ҳамма жойни эгат босиб кетганга ўхшаб кўринарди. Чайладан чиқиб қарасам, ҳамма томон ғўза...”

Бувим: “Ман пахта теришни билмаганман. Жа секин терардим. Лекигин ёнимдагиладан орқада қоп кетишга кўрқардим. Биргадир бакириб берарди-де! Ўшанга ҳамма мидам баравар олдинлаб кетвурардим, эгат бошига борганда ҳаммани этаги тўла, маники қурғур ярим-ёрти бўларди...”

Мамлакат холам: “Ман ёзда ойм қовун қоқи қиганларини эслийман. Жа кичкинайдим-де... Бувинг қовунни кесиб ёярдила, ман “қовун қоқи-и-и...” деб остонада ўтирардим. Қовун қоқи қишда озиг бўларди-де...”

Бувим: “Ман Ҳасан тоғанга иккиқат пайтим. Уруш бўватти. Бувангни рабочий баталёнга опкетти. Ман пахта тергани чиққанман. Лекин ҳеч пахта теришни эпломадим-де... Биргадир: “Ў, сарт, теришни билмийсанми?” дерди. Ман йиғлардим, ёнимдигила: “Бу иккиқат-ку”, дейишарди, бир-иккитасини раҳми келиб, терган пахтасидан берарди”.

Онам: “Ойим ёнғони ҳовончада эзиб, кейин уни бўз латтадан ўтқизардила. А-а-азгина, отигагина ёғ чиқарди. Шуни қозонда қайнаб турган ёвғон хўрдани устига солардила. Хўрдани юзига думалоқ-думалоқ бўлиб ёғ сузиб чиқарди-де, маставага ўхшаб қоларди. Мазаси тузук бўларди...”

Бувим: “Охири Тошканга қочиб кеганман. Қийналганман-де! Битта кампир мани кўриб, “Сан эгизе туғасан, жонингдан айлансин, далага чикма, биннама бўп қосен нариги болларини ҳоли не кечади”, деган. Эрим рабочий баталён-ку, энди қулоқлигим қоптими, Тошканга қайтаман десам, калхўз манга кетмийсан, дейди. Охири сигиримиззи калхўзга ташаб келдим-де. Баҳтим чопиб, Янгийўлга кетватган ғийқиллама аравага чиқвалдим, лекин у ёғига улов топилмади. Тошкангача яёв кеганман. Тошканга келиб, қишда кўзим ёриди. Ҳасан-Зухра туғдим. Лекин Зухрам икки кун туриб, ўлди”.

...Йиллар ўтиб, Тоҳир тоғамдан билдимки, бувамнинг Чинозда ўтказган йиллари унинг таржимаи ҳолида, “Пахтачиликни ривожлантириш учун сафарбар қилинди”, деб ёзилган экан. Баҳром бувам уруш фахрийлари, масалан, фронт орти ишчиларига мўлжалланган имтиёзлардан фойдалана олмаган. У қулоқ бўлгани учун ишчи батальонида хизмат қилиб, совет давлатининг олдидаги “гуноҳи”ни ювган экан.

* * *

Онам болалигини ҳикоя қиларкан, айниқса, тутинган бувисини кўп эсга оларди. Онам айтган воқеалар 1946–1950 йиллар орасида кечган, шекилли.

Баҳром бувам оиласи билан бирмунча муддат Олмазордаги “Қизил партизан” деб номланган маҳаллада яшайди. Ўша ерда ёлғиз ўғли қамалиб, бир ўзи қолиб кетган қирқ беш ёшлардаги бева аёлни учратади. Аёл жуда чевар, саришта, гап-сўзлари маънилик бўлганидан бувам уни ёқтириб, тул қолган отаси Усмон оқсоқолни шу хотинга уйлантирмоқчи бўлади.

– Манга она, болларимга буви бўласиз, – дейди ўша аёлга. – Хўп дея қолин. Адам жа яхши одам.

– Йў, – дейди у. – Майли, болларингга бувилик қиламан, лекин адангга тегмийман.

– Чиройлиқкина хотин эдила, – деб эсларди онам. – Сочлари узун эди. Ман минам Мамлакатни етаклаб, қариндошларининг уйига меҳмонга борардила. Ҳасанни эркалаб ўтирардила, Тоҳирни кўтариб юрардила. Манга уй ишлариниям бувим ўргатганла. Жа эринмаган эдила. Ман кир ювсам, курси қўйиб рўпарамга ўтирволардила-де, тоғорага нимадан кейин нимани солади, доғлани қанаққилиб кетқизади, ҳаммасини тушунтирардила. Кир ёйсам, атрофимда юрардила, уятлик кийимлабегана одамлани назарига тушмасин, дердила, қайси кийимни дорни қаёғига ташлашниям тушунтирардила. Биза мактабда қўйнакни устидан фартуқ тақардик. Бувим ман минам Мамлакатга фартуқ тикканларини эс-эс биламан. Мамлакат ювош эди, бувим тикиб берганини раҳмат деб олвурарди. Ман ёмонийдим. У ёғи унақа бўсин, бу ёғи бунақа бўсин, деб жонларига тегардим. Охири мани хайдаворардила-де, ўзлари тиквурардила. Кейин, “Мана бу ерини қанақа кип тикиб бери, бу ёққа ке”, деб мани чақирардила. “А-а... Барибир чақираркансизу”, дердим. “Қиз болани тили мунақа ботир бўмийди, – деб уришардила бувим. – Бир жойга борганда уят бўлади”. Бир жой деганлари – сани узатганда, деганларийди. Агар Усмон додам уйимизга келадиган бўсала, бувим нариги эшикдан чиқиб қочардила. “Намунча қочас? – дердим ман. – Додам бизани кўргани келдила-ю”. “Э, додангни соқолига бит тушсин, – дердила бувим. – Кўзидан нари турганим яхши”.

Онамнинг айтишича, куни келиб бувилари билан айрилишади.

– Бувимни ўғли қамокдан чиқди-ю, бувисиз қолдик, – дерди у. – Ўғли бувимизни опкетди. Мамлакат иккаламизни бўйимиз чўзилиб қолувди. Адам бувимни ўғлидан ҳадиксираб, бизани бувимникига жўнатмий қўйдила. Биза Себзорга, Усмон додамни олдига қўчиб келдик. Шунинг-чун бувим бизани кўргани кемийдиган бўлди. Кўп ўтмий, бувим ўлди. Адам минам ойим маросимларида бошдан-оёқ туриб беришди. Лекигин бувимнинг ўғли минам борди-келди қилишмади.

Ёшлик – ғўрлик дейишгани рост. Мен онамнинг, “Бувим, бувим”, деб айтган ҳикояларини кўп эшитибману, унинг исмини сўрамабман. Шу тарика, бу аёл хотирамда онамнинг тутинган бувиси бўлиб қолаверди.

Себзор менинг назаримда ҳар жиҳатдан ўзгача, бетакрор эди. Айниқса, маҳалла аҳлининг турмуш тарзи, уларнинг одатлари менинг болалик тасаввуримда олис даврлардан етиб келган ажойибот бўлиб гавдаланарди. Ҳолбуки, Тошкентнинг ҳар бир маҳалласи фақат пойтахтгагина хос бўлган урфларга таяниб тўй қиларди, маросим ўтказарди. Аммо Себзорда қадимдан сақланиб қолган баъзи одатлар бор эдики, уларни мен Ғурғуртепада кўрмагандим. Масалан, бувамнинг маҳалласида ўша пайтда ҳам жарчи бор эди. Кимдир тўй қилса, ош берса, тўй эгасининг ўзи уйма-уй меҳмон чақириб юрмасди, бу ишни жарчи бажарарди. Миқтидан келган қорамағиз бу кишини Одил ака деб чақиритарди, у ҳар бир эшикнинг ёнига келарди-да, қўлини оғзига карнай қилиб қичқирарди:

– Ҳабибулла-а-а! Чоршанби кун наҳорга Нусратилланикига ошга-а-а-а!

Ёки:

– Бахро-о-о-ом! Шанби кунига пешинга Мусаникига эҳсонга-а-а-а!

Хуллас, тўй ёки маросим эгаси меҳмонларни танлаб чақирмасди, маҳалла ёппасига бораверарди. Йигитлар эшикдан кирган заҳоти хизматга – қатор туриб олиб, лаганни қўлма-қўл ташигани шайланишарди, эсини таниб қолган болалар оналари пишириқ солиб, дастурхонга ўраб берган тоғораларни кўтариб келишарди. Пишириқларнинг ҳаммаси уйда тайёрланарди, у вақтда буюртма бериш, ярим тайёр маҳсулотларни сотиш деган гаплар йўқ эди.

Тўйлар ҳамиша гавжум, ғала-ғовурга тўла бўларди. Ҳовлилар аксаран кичик бўлса-да, маҳалла аҳлига бу кўпда сезилмасди. Саҳнга гир айлана терилган йиғма столлар атрофига харрақлар қўйилиб, устига кўрпачалар солинарди. Қариялар уйга киритиларди, ёшроқлар эса мана шу харрақларга жойлаштириларди. Аввалдан тайинлаб қўйилмаган бўлса ҳам катта йиғинларда одамларнинг ўзлари хизматга киришиб кетаверишар, барча нима ишни бажариш кераклигини ва уни қандай адо этишни яхши биларди, гўё бу аввалдан созлаб қўйилган бир механизм эди-ю, керакли тугма босилгач (яъни тадбирга чақирилгач), деталлар бараваар ишга тушарди. Аслида эса булар йиллар давомида шаклланган удумлар, халқимиз маънавий қиёфасидаги бетакрор чизгилар эди.

Биз – болалар учун тўйнинг энг қизиқ жойи келиннинг келиши эди. Атрофда карнай-сурнайнинг ғат-ғати-ю, чийиллаши, болаларнинг қий-чуви, аёллар, йигитлар, эркакларнинг ғовур-ғувуридан иборат куралаш бир шовқин, тўйхонада, кўчада одамлар тирбанд, ҳамма шошишган... Зарбоф чопон кийиб, бошига жиғали салла кўндирган куёвни икки томондан икки ўртоғи қўлтиқлаб олган, куёв жўралар келинчак ўтирган машина ойнасига эгилиб, янгалар билан музокара юритишади. Чунки келинни машинадан тушириб олиш учун янгаларни хурсанд қилиш керак, янгалар эса келинни бермаймиз, дейишади. Аслида янгаларнинг бу иши шунчаки бир гап, ахир никоҳдан ўтилган, элга ош берилган, келиннинг сепи келган, қудалар ачомлашиб, ҳол-аҳвол сўрашиб туришибди, келинни бермай қаяққа ҳам боришарди? Аммо урф-одат тақозоси деган гап бор. Хуллас, келиннинг икки ёнидаги янгалар қўлига теккан ақчадан рози бўлишди, олд ўриндикда ўтирган кайвони ҳам хурсанд бўлиб, куёв жўраларга: “Илойим пуллари кўпайсин”, деб қўйди. Эндиги томоша – келиннинг оёғини босиш. Ким биринчи бўлиб оёқ босса, оилада шу устун бўлади, дейишади. Шунинг учун куёв чаққон бўлиши керак, агар келин унинг оёғини босиб олсами, тамом!

Лекин мен бирон марта ҳам келин куёвнинг оёғини босганини, ҳатто босишга ҳаракат қилганини кўрмадим. Келинлар гўё куёвнинг ниятини билмагандек, бошларини эгиб ювошгина туришади, баъзи раҳмдил келинчаклар оёғимни излаб қийналмасин дегандек, узун этаklarини хиёлгина кўтариб ҳам қўйишади. Келиннинг оёғи босилгач, йигитлар қийқириқ кўтаришади. Ҳовлининг гир айланаси стол ва харрақларга тўлганидан, кўпинча рақсга тушадиганлар учун давра ўртасида торгина жой бўш қоларди, бироқ ҳеч ким бундан хижолат чекмасди. Чунки мезбонларнинг ҳам, меҳмонларнинг ҳам бағрикенг, ўйин-кулгини тор жойда ҳам уддалайверишарди. Даврага сиғмаганлар ўтирган столининг ёнида рақсга тушиб кетаверишарди, келинга ажратилган хонада ўтирган қудалар эса ясатиғлик уйнинг ичидаёқ ўйинга тушишарди.

Агар маҳалладан қиз узатиладиган бўлса, биз куёв навкарнинг келишини томоша қилардик. Олдинда карнай-сурнай, ноғорачи нағмани баралла қўйиб келишади, уларнинг ортидан икки-учта йигит рақсга тушади, куёв бошига дўппи кийиб, бир тўп йигитлар орасида ерга қараб келади, рақсга тушаётганлар вақт-вақти билан куёвнавкарлар тўпига қараб сакрайди-да, куёвнинг бошига қўли билан секингина уриб қўяди, бунини кўрган атрофдаги йигитлар қийқириқ кўтаришади. Бу билан йигитлар куёвни бошини янада пастроқ эгишга ундайдилар, куёвга: “Сен қайнотангнинг уйига келяпсан, шу маҳалланинг қизини олиб кетгани келяпсан, бағрида авайлаб-асраган фарзандини сенга бераётган оиланинг, сени куёвимиз деб тан олган маҳалланинг олдида бошингни эг, сенинг бугунги хурсандчилигингни эса биз ифодалаб берамиз”, демоқчи бўладилар. Бу ҳаракатнинг маъноси шу. Шунинг учун куёв қайнотанинг уйига бошини эгиб кириб келади.

Кетаётганда эса эгнига зарбоф чопон кийиб, бошига жиға тақилган саллани кўндириб, бошини баланд кўтариб чиқади. Чунки у қайнотанинг уйида кўрпалардан ясалган тахтга ўтқазилади, боши устида гўшанга осилиб туради. Куёв қадим удумга кўра гўё подшо мақомига эга бўлади, унга кийгазилган сарпо – зар чопон ва жиғали салла ҳам шундан далолат. Агар эътибор берган бўлсангиз, куёв кутиш худди подшоҳни тахтга ўтқазиб маросимини эса солади.

Куёв кетгач, келинни кузатишади. Эшик тагида сурнай ва доира ёр-ёр қуйини чалади, эркалар кўча эшик ёнида савлат тўкиб туришади, лекин энг қизиги – келиннинг чиқиши. Биз – қизчалар келиннинг эғнидаги қўйлагига қараймиз, ўша пайтларда никоҳ қўйлақлари жуда оддий, асосан тўғри бичимда тикиларди, лекин барибир келинчак бизга эртақдаги маликадек туюларди. Ҳолбуки, уни деярли ҳар куни кўрганмиз, биламизки, у маҳалламизнинг оддий бир қизи.

Аёллар келинни олиб чиққач, сурнай ҳам бирдан тин олади, атрофга жимлик чўқади, кексалардан бири фотиҳа беради. Шу билан келинни ўтказган, машина ўрнидан жилгач, “Борган жойида тошдек қотсин”, дейишиб, орқасидан майда тошчалар отиб қўйишади. Кейин аёллар автобусга ўтиришади, у ўрнидан жилар-жилмас сурнай жўрлигида “Ёр-ёр” айта бошлашади.

Бешик тўйлар ҳам томоша қилишлик. Қуданинг эшиги тагига юк машинаси келиб тўхтади-да, ундан ясатилган бешик, беланчак ва ҳоказоларни туширишади. Аёллар ичидан ёши улуғи, бардами бешикни елкасига кўтаради-да, олдинга тушади. Қолганлар унга эргашади, бешик кўтарган аёл алла айта бошлайди, бошқалар унга жўр бўлишади. Шу тахлит бир гала хотин ҳовлига алла айтиб кириб келади.

Ҳозир келин-куёвга тилак билдираётган аёллар (ё ажаб, қизлар ҳам), “Келаси йил шу пайтга “алла болам”лаб бешик обориш насиб қилсин”, дейишади-ю, лекин

нима учун тилак шу тарзда айтилишини билишмайди. Шунингдек, бешик тўйида ҳам аёллар эшикдан алла айтиб киришмайди.

Назаримда, Себзорнинг бетакрор қиёфаси унинг одамлари билан ҳам белгиланарди. Масалан, маҳалламизнинг дастурхончиси бўларди. Ориқ, қоп-қора, бевақт қариган бу хотинни ҳамма бирдек “Зайнаппа” деб чақирарди. Мен аввалига бу қандай исм бўлди, деб ўйлаганман, кейин билсам, унинг исми Зайнаб, маҳалла аҳли “опа” деган сўзни қисқартириб унинг исмига қўшиб юборганидан мана шунақанги ғалати бир сўз пайдо бўлган экан. У эридан ёш бева қолган, ёлғиз ўғли рассомлик қиларди. Маҳаллада “Зайнаппани ўғли чизган расмларига котта пул олади-ю, лекин ичиб қўяди-де”, дейишарди. У шаҳарни безаб турадиган катта плакатларни чизиб бераркан. Ўша пайтларда кўчада реклама баннерлари бўлмасди, биноларни, чорраҳаларни катта-катта ўлчамдаги ижтимоий ва сиёсий плакатлар “безаб” турарди. Шунга кўра билиш мумкин эдики, бундай буюртмаларни бажарувчи рассомлар ишсиз ўтирмаган.

Зайнаппа яшайдиган уй бувамнинг ҳовлисига етмасдан, кўча баландликка кўтарилган жойда, шундоққина бурчакда эди. Тор эшикдан кирилса, бир неча поғона зина билан ҳовлига тушиларди. Дастурхончининг уйи, афтидан, тақсимлаб олинган ҳовлига қурилганди, чунки уй аввал тикланган хонага тақаштириб, улаб солинган, томи эса орқа қўшниники билан битта эди. Унинг келини дурустгина чевар, маҳаллада унча-мунча мижози ҳам бор эди. Лекин шунга қарамай, уларнинг туриш-турмушидан эҳтиёжманд эканликлари билиниб турарди.

Зайнаппа маҳалланинг ҳамма тўйлари, маърака ва маросимларида урф-одатлар тўғри бажарилишига бош-қош, ҳозирги тушунчаларга кўра, бошқарувчиси, ташкилотчиси ва баъзи асосий ишларни бажарувчиси эди.

Кичкина қизчаларни “Зайнаппага бервораман” деб кўрқитишарди. Чунки шаддод бу хотин бир қарашда жуда баджаҳлдек кўринарди.

Бир куни Зайнаппа қўшниси Инобатхоннинг жарда ўйнаб юрган невараларини кўриб қолиб, олдига солиб келди. Бир вақт дарвозамиздан капалаги учган болалар, уларнинг кетидан ҳўмрайган Зайнаппа кирди-да:

– Ҳў келинла, – деб қичқирди. – Бола тукқанийла эсийлада борми? Жарда юрибди ҳаммаси. Қарамийсилами?

Зайнаппа қандай забт билан кирган бўлса, шундай шиддат билан чиқиб кетди.

Зайнаппани кўриши биланоқ юраги олинган болалар энди қандай жазо берилишини кутгандай турган жойларига михланишди-қолишди.

– Ҳе, кулоғи йў болла, – деди бувим. – Азиз акага берворийми санлани?

Айнан шу пайтда кўчамиздан Азиз ака ўтиб кетаётган экан, очиқ дарвозадан уни кўриб қолишиб, тўполончиларга пўписа қилиб қўйгани чақирди. Чунки тўполончи болаларни, “Ана Азиз ака кеватти”, деб кўрқитишарди. Бу киши қар, ҳамиша қовоғи солиқ, аммо беозор киши эди. Болалар унинг нимасидан кўрқишади, тушунолмасдим. Азиз аканинг оғзидан деярли гап чиқмаганидан мен уни соқов ҳам бўлса керак деб ўйлардим.

Мана, ташқари ҳовлида курсида Азиз ака ўтирибди, нарироқда бувим, тоғаларимнинг аёллари – Шарифа ва Насиба кеннойларим. Чанг-чунгга ботган тўполончилар ювош тортиб қатор туришибди – тоғаваччам Мансур, холамнинг ўғли Миразиз, укам Мўмин. Бувим ух тортади, ювош бола бўлган Мўмин, Мансур “айниб” қолганига шўх Миразизни сабабчи деб билади. Мен тоғамнинг, холамнинг қизлари билан биргалашиб, “суд жараёни”ни томоша қиляпман.

Бир вақт Азиз ака болаларнинг қўлларига, юзларига ишора қилди. Бувим “тилмоч” бўлди.

– Азиз ака юз-қўлийлани ювийла, дедила, – “таржима” қилди бувим.

Болалар ҳовли ўртасидаги кранда юз-қўлларини ювиб келишди. Азиз ака бошини тебратиб, кузатиб ўтирди. Кейин яна рўпарасида қатор тизилган болаларга қараб, бошини чайқади, Миразизнинг, Мансурнинг оёғига ишора қилди.

– Оёғийлани ювмабсила, Азиз ака хапа бўваттила, – деди бувим.

Азиз аканинг хафа бўлиши нима оқибатларга олиб келишини, табиийки, билмасдик, лекин назаримизда, бу яхшилик билан тугамасди.

– Санла пақат мана бу ёғингни юв, деса ювасанла, бошқа жойларийни кири қоп кетвуради-де, а? – бу сафар бувим ўзидан қўшди.

Оёқларини ҳам ювиб келган болаларга қараб, Азиз ака қошларини кериб қўйди. Кейин бувимга ўгирилди-да, болаларга ишора қилиб, нимадир деди.

– Азиз ака энди мунақа тўполон қимийсилами, деб сўраваттила.

Болалар бурунларини тортиб қўйишди. Бу уларнинг йўқ деганлари эди. Азиз ака билинар-билинемас илжайди-да, бувимга қараб қўлини кўксига босиб, эгилди.

– Азиз ака бугун силани кечирибдила, кейинги сапар кечирмийман, дедила, – тагин таржима қилди бувим.

Шундай қилиб, “суд жараёни” хайрли тугади. Азиз ака ўзига узатилган бир пиёла чойни ичиб, чиқиб кетди.

Бу “Бир болага етти қўшни ота-она” деган мақолнинг Себзорча кўриниши эди. Бугун бу мақол урфдан қолгандек кўринади. Масалан, ҳозир қўшнингизнинг келинини тергаб кўринг-чи? Ё боласини тартибга чақиринг-чи?

Мана бугун, орадан ўн йиллаб вақт ўтгандан кейин боболаримизнинг тарбия усули қандай пойдевор устига қурилганини англаяпман. Бу инсон жамият фарзанди эканлигини англатиш, жамият қонунларини ҳурматлашга ўргатиш, муҳими, ён-атрофингдаги одамларга, айниқса, мана шу жамиятнинг эртанги куни эгаларига бефарқ бўлмаслик, миллат болаларининг тўғри йўлдан кетишлари учун ҳамма масъул эканини таъкидлашдир. Мана шу тарбия усули маҳалла кишиларини жипслаштирган, одамлар қўшнисининг хурсандчилигини ўзининг шодлиги, қуфатини ўзининг қайғуси деб қабул қилган.

* * *

Менга Себзорда болалар жуда кўпдек туюларди (балки шундай ҳам бўлгандир). Чунки кўчалар ҳамиша болалар билан қайнаб-тошарди. Ахир асл болажонлик ўзбекнинг қиёфасидаги ёрқин чизгилардан бири, ўзбекнинг хонадонида болалар кий-чув қилиб турмаса, ҳаёти кемтик туюлади.

Биз – неваралар бувамнинг ҳовлисида бир неча кунлаб, таътил пайтлари ҳафталаб қолардик, тўполонларимиз кўпинча ҳаддидан ошиб кетарди. Қий-чув кўтарардик, ҳовлини ағдар-тўнтар қилардик, кўчадан чангга ботиб кирардик, аммо бизга бир оғиз қаттиқ гап айтишмасди, кеннойиларим кир-чир бўлган кийимларимизни кечқурун ювиб ёйиб қўйишар, эрталаб яна топ-тоза кийимларимизни кийиб кетардик. Ҳозир ўйласам, бувам ва бувим, тоғаларим, кеннойиларим қанчалик бағрикенг бўлишган экан!

Шу ўринда кеннойиларим ҳақида ёзмоқчиман. Ўзбекнинг хонадонида келин

ҳамиша алоҳида ўрин тутган. Оиланинг кейинги тақдири, турмушнинг қайси издан кетиши, фарзандлар, демакки, невараларнинг оила анъаналарини қай даражада давом эттириши – бари келиннинг қўлида.

Шу матнода бувим, кейин эса бувамнинг вафотидан кейин ҳам Себзор биз учун бирлаштирувчи марказ бўлиб қолганини кеннойиларимнинг хизмати деб биламан.

Болалигимни, Себзорда кечган кунларимни эсласам, ҳамиша кеннойиларим ёдимга келади. Иккала кеннойимнинг феъл-атвори икки алоҳида қутбни эслатарди. Шарифа кеннойим вазмин, тоқатли, ҳаводан ҳам ҳолва пишира оладиган аёл эди. Насиба кеннойимнинг феъли эса эрка болани эсга соларди. Шарифа кеннойим ўрта бўйли, тўлагина, кош-кўзлари, сочлари қора, бутун қиёфасидан ўзбекона зарофат ёғилган аёл эди. Насиба кеннойим эса бўйи пастгина, қўнғир сочлари тақимиға етган, эгнига нима илса, ҳаммаси ярашадиган қўғирчоқдек жувон бўлиб, одамни кулдирад даражада соддадиллиги бор эди.

Қариндошлар тадбир-маросим қилса, Шарифа кеннойим кўпинча “Наполеон” номли торт пишириб борарди. Узатилган қизларга ҳайитлик жўнатилса, кеннойимнинг “харидор”и кўпайиб кетарди. Унинг айникса, ўрамаси жуда чиройли чиқарди. Кеннойимнинг ўрама пиширишини кўп кўргандим. У узун-узун тасма қилиб кесилган ҳамирни бўшгина ўраб, иккита таёкка илиб оларди-да, кизиб турган пахта ёғига солиб, шу таёкчалар ёрдамида ҳамирни қозон ичида чакқонлик билан айлантирарди. Кўп ўтмай, қозондан катта атиргулға ўхшаш тилларанг пиширикни кўтариб оларди. Ўрамалар лаганга солиб дастурхон ўртасига қўйилганда, жуда чиройли кўринар, уни синдириб ейишга одамнинг кўзи қиймасди.

Насиба кеннойим ҳамшира бўлиб ишлар, кўни-қўшнилардан кимгаки укол қилиш керак бўлса, кеннойим йўқ демай бораверар, “Битта маҳалладамиз-у”, деб пул ҳам, совға ҳам олмасди. Кейин ўша кўшни битта ликопчада ширинликми, тансиқроқ мевами, кўтариб ҳовлимизга келар, бувимга, “Шундо-о-о беминнат келинни топгансиз-а”, деб кеннойимни мақтаб, бир-икки пиёла чой ичиб, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтириб, чиқиб кетарди.

Кеннойиларимнинг Себзорга келин бўлиб келиш тарихи ҳақида ҳам қизик гаплар эшитганман.

Бувим Шарифахон учун совчиликка боргач, музокаралар хайрли тус олиб, қиз томон куёв бўлмишни кўришга қарор қилади. Бу 1967 йил эди. Қизнинг тоғалари шекилли, Себзорга келиб Ҳасанжонни кўришади, ўша пайтда машҳур бўлган хонандага ўхшатишади. “Фахриддин Умаровнинг худди ўзи”, дея таъриф беришади. Ҳасанжон Шарифахонга ҳам маъқул келади. Балки бунга қариндошларнинг таърифи ҳам ёрдам бергандир? Ким билсин?

Эсимни таниган пайтларим эди, бир кун нимадир бўлиб, Ҳасан тоғам:

– Кеннайинг мани Пахриддин Умаровга ўхшийди дейишганига эриб кетган, – деб кулди. Шарифа кеннойим:

– Сиз ўзизга ўхшийсиз, илойим ўша артисга ўхшамиям кўя қолин, – деди аччиқланиб.

Тоғам:

– Э, шунақами? Майли, ўхшамаганим яхши, а? – дея кўзини қисиб қўйди.

Насиба кеннойим отамга қариндош эди. Бувим кенжа ўғли учун совчиликка юрган пайтлари отам меҳмонга келган қайнисига аммаваччасининг қизини тавсия қилади. “Шундо-о нариги кўчада туради, боҳона қип чакирийми, кўрасанми?” дейди. Тоҳир тоғам эса айвонда турган қоғоз папкани сўраб олиб, қўлтиғига

кистиради-да, электрни текширгани келган киши бўлиб, қизни кўриб чиқади. “Мана му-ундоқ экан”, деб бошмалдоғини кўрсатган”, дерди отам. Насибахон бувимга ҳам ёқиб тушади, иккала томоннинг музокаралари отамнинг фаол иштирокида муваффақиятли якун топади. Бу 1973 йил эди.

Тоҳир тоғамнинг тўйидаги баъзи кулгили, ўзбекнинг тўйигагина хос бўлган тафсилотлар эсимда қолган.

Келин саломни Зайнаппа ўтказиб берди. Сарик атлас кўйлак кийиб, оёғига қошиқдеккина кавуш илган, бошига катта оқиш рўмол ташлаган келинчакнинг саломига жавобан қариндош аёллар кийимлик матолар, дастурхон, сочиқлар келтиришиб, Зайнаппанинг буйруғига кўра негадир келиннинг бошига кўйишарди. Кейин Зайнаппа уларни олиб, орқасида турган хотинларга узатарди. Ўша заҳоти орқа томондан жавоб совғаси – сочиқми, жойнамозм келарди. Биргина Ҳасан тоғам бошқача ҳада – катта картон қути кўтариб чикди. “Оёғини тагига кўй”, буюрди Зайнаппа. Бу нима экан? “Чироқ”, деди холам.

Мен чироқ деганда нариги хоналарда илиғлиқ лампочкаларни тушунардим. Аммо улар жимитгина, икки томони очик қутичасимон қадоқларда сотиларди. Картон қутига солинган бу чироқнинг катталиги қанча бўлди? Хуллас, бу савол бир неча кунгача, кеннойим қутини очмагунча, унинг ичида шиша қалпоқчали қандил борлигини кўрмагунимча, мени қийнаб юрди. Бу кейинчалик менга “Қандил” номли ҳикоя учун материал бўлиб хизмат қилди.

Келин саломдан кейин куда томон аёллари сеп ёйишга киришишди. Ўша пайтларда сеп никоҳ қуни келиннинг ортидан алоҳида машинада олиб келинарди (келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр, деган мақол шундан келиб чиққан бўлса керак), баъзида аёллар жўнайидиган автобус катта бўлса унга жойлаб ҳам кўяверишарди. Ўша пайтлар турмуш анча оддий, жўн эди, узатилаётган қизга бериладиган сеп ҳам соддагина бўларди.

Мана, иккита аёл тахмон устига зардевор, чойшабларни иляпти, кимдир айвондаги токчаларга чинни териш билан овора. Шу пайт иккита хотин деразага дарпарда илишга киришди. Уларнинг бири аммам Ҳурихон (ахир келин отам томондан бизга қариндош-ку), иккинчиси мен танимайдиган семиз хотин. Шифт баланд эмас эди, аммо шундоқ бўлса ҳам қўл карнизга етмасди. Дарпардани илиш учун икковлашиб кўрпаларни устма-уст тахлашди. Ташаббусни семиз хотин кўлига олиб, инқиллаганча кўрпалар тахлами устига чиқа бошлади. Кўрпалар орасида ўша замонларда урфга кирган сунъий мато – селондан тикилганлари ҳам бор экан. Ҳалиги хотин эндигина тахламнинг устига етиб борган эдики, селон сирғанчиқ эмасми, кўрпалар сурилиб, тахлам очик деразадан ҳовлига қараб қийшая бошлади. Опахон кўркиб қорни билан кўрпаларнинг устига ётиб олди. Аксига олиб, унинг эгнидаги кўйлаги кристал деган газламадан тикилган экан. Кристал ўша пайтда бозорнинг олди матоси бўлиб, гуллари офтобда ялтирайдиган, кўйлак тикиб кийса, либос эгаси юрганда шитирлайдиган, лекин ҳаво ўтказмайдиган (аёллар гўзаллик учун нималарга чидамайдилар), устига-устак сирпанчиқ сунъий мато эди. Ишқилиб, иккита сирпанчиқ мато бир-бирига ишқаланди-ю, “реакция рўй бериб”, ҳалиги хотин войвойлаганча кўрпаларга қўшилиб, ҳовлига сирғалиб туша бошлади. Аммам кўмакка отилди: шеригининг иккала оёғидан маҳкам ушлаб, орқага тортмоқчи бўлди. Бироқ озгингина аммамнинг оғир вазнли опaxonга кучи етмади, аксинча, “савлатдор” гавда ёрдамга отилганни пастга тортиб кетди.

Ҳовлидаги бор қариндош аёллар олдида шундай манзара пайдо бўлди: тахи очилган кўрпалар устига қорни билан ётиб олган семиз бир хотин войвойлаганча деразадан пастга қараб сирпаниб тушяпти, ортидан эса унинг оёқларидан ушлаб олган аммам хахолаганча сирғаниб келяпти. Шу пайт опахоннинг этаклари кўтарилиб кетди-ю, аёллар “камбинашка” деб атайдиган ички кийимининг пастига тутилган чиройли тўр очилиб қолди.

– Ва-ай, ану хотинни махтанчолигини қарейла-а-а, – деди ҳовлидаги қариндош аёллардан бири. – Чиройли камбинашкасини кўрсатгани шунча ҳангама қипти-я! Мунақа матохдан мани сандигимдаям бор, индамий ўтиримман-у...

* * *

Баҳром бувамнинг қизларига куёв танлаши ҳозирги давр кўзи билан қараганда, ишониш қийин бўлган иш эди.

Масалан, онам Ҳикоятхон учун келган совчилардан бири билан авлод-аждодлар ҳақида суҳбатлашаётиб, бувимга маълум бўлиб қоладик, куёв бўлмиш инқилобдан аввал Усмон оқсоқолнинг пахта далаларида ишлаган чоракорларни бошқарган ишбоши саркор – Мулла Мўминжонга неваре экан. Бу маълумот Баҳром бувамга етказилгач, бувам бу йигитга айрича эътибор билан қарайди. Сўраб-суриштиргач, йигитнинг ичмаслиги, меҳнатқашлиги, қўлидан келмайдиган ҳунар жуда озлигидан хабар топади-ю, уни куёв қилишга қарор беради. Онамни куёв билан кўриштиргани олиб боришади. Аммо онам куёвни кўришни ҳам истамайди, бурилиб, жўнаборади.

– Ойинг жа ўжар бўган, – дея ҳикоя қилганди бувим. – Отаси уни яхши кўрардиде, ойинг мани кўнглимга қарашади, дерди. Лекигин унақа бўмаган. Ойинг эрга тегмийман деб роса-а тўполон қилган.

...Шундай қилиб, онамни бувам танлаган йигитга – Турсунбойга узатишади.

Онамнинг қаршилиги, бувим таъбири билан айтганда, “тўполон”лари Баҳром бувамни ўйлантириб қўйган шекилли, қизнинг кўнглига ҳам қараш керак экан, деган хаёлга бориб, иккинчи қизи – Мамлакатхонни келган совчилардан қай бири унга маъқул келса, ўшанга узатишга қарор қилади.

Шундай қилиб, Мамлакат холамини ўзига ёққан йигитга – Мирвалига узатишади. Лекин холамининг турмуши узокқа бормайди. Бу эса бувамни яна аввалги аҳдига қайтаради: қизларнинг кўнглига қараса, одам адашар экан!

Муяссар холамини сўраб Лабзакдан келган совчилар бувамга, айниқса, маъқул тушади. Йигит оилада бош фарзанд бўлиб, “Малика”да ишларкан, оғир-вазмин экан, ичмас экан, чекмас экан. Бувам бир қарорга келади-ю, бувимга буюради: “Йигитни кўриб келсин”. Лекин Муяссархон ўжарликда опасига издош бўлиб чиқади:

– Адам барибир шунга берадиган бўсала, ман кўрдим нима-ю, кўрмадим нима? Учрашувга бормийман!

Баҳром бувам қизининг бу қарорини эшитиб, куда тараф билан келишиб юбораверади.

Ҳозир болаларимизга шу воқеаларни ҳикоя қилсак, ишонишмайди. Ҳолбуки, бу воқеалар хонлик замонларида эмас, 1963-1973 йиллар оралиғида бўлиб ўтган. Онамнинг, Муяссар холамининг турмуши барқарор бўлиб чиққани бувамни ўз вақтида тўғри қарорга келдим, деб ишонтирган бўлса керак, деб ўйлайман.

* * *

1977 йил эди. “Шум бола” фильми суратга олинаётгани ҳақида хабарлар чиқди. Себзорда эса миш-миш тарқади: “Шум бола”ни шўтда сиёмка қилишармиш. Маҳалла камитетга режиссёр кепти, ҳовлилани кўришармиш...”

Миш-мишлар рост чиқди: чиндан ҳам Себзорга киночилар келишди.

Кўчамизнинг адоғида, Тарновбошидаги гузарга тушаверишда фильмнинг эпизодларидан бири суратга олинганини кўрганман. Бунда қаҳрамонлар – Тешавой ака билан Қоровой пастга эниб кетган йўлдан тушиб келишади, бола бошига кулфат тушганидан хабар топади. Ўша пайтда бу эпизод фильмнинг қайси қисмига тегишли эканлигини билолмаганман. Чунки “Шум бола” қиссасини ўқигандим, унда тасвирга олинаётган воқеа йўк, Қоровой асар охирида дурустгина пул билан онасининг ёнига қайтиб келарди.

Маҳалла аҳли Тарновбошидаги чойхона ёнига тўпланиб олиб, киночиларнинг ишини қизиқиб кузатар, уй бекаларидан тортиб, кексалару, бола-бақрагача кўчага тошиб чиққанди.

“Шум бола” экранга чиққанда бизни синфимиз билан бирга кинотеатрга олиб боришган. Менга аввало Себзорнинг қайси кўчалари фильмга кирганини, қолаверса, бу машҳур қиссанинг экрандаги талқини қандай чиққанини билиш қизиқ эди. Фильмнинг экран варианты ва қисса ўртасида каттагина фарқларни кўрдим. Аммо фильм, барибир, менга жуда ёқди. Себзордаги, Лабзакдаги кўчалар “суратга тушган” бешта эпизодни санадим. Фильм бошдан-охир Себзорда суратга олинмаганидан хафа ҳам бўлиб қўйдим.

Айтиш керакки, Себзор кино учун жонли декорация вазифасини жуда яхши ўтаган. Масалан, Себзор манзараларини “Жазирама қуёш остидаги уй”, “Оловли йўллар” каби фильмларда ҳам кўриш мумкин.

Шу ўринда кино билан боғлиқ яна бир хотирамни ўртоқлашсам.

Тахтапулдан оқиб келадиган Дамариқ устидаги кўприкдан кейин йўл иккига айрилар, худди мана шу айрилишнинг ўртасида Собир Раҳимов номидаги кинотеатр жойлашган эди. Тошкентда янги фильм намоиши Навоий кўчасидаги Санъат саройида (шаҳар аҳли бу бинони Панорама деб ҳам атарди) бошланиб, икки кун давом этарди, учинчи кун кинотасмалар турли кинотеатрларга тарқатиларди, албатта, Собир Раҳимов кинотеатрига ҳам келарди. Биз Себзордаги ҳар нарсага эътимод билан қараганимиз боис, фильм Панорамадан сўнг аввал биз томонга келади, кейин бошқаларига жўнатилади, деб астойдил ишонардик.

Кинога бориш учун пулни одатда Тохир тоғам берарди. Бувим қиз невараларни олиб фақат ҳинд фильмларини кўргани борарди. У ҳинд фильмларини шунчалик яхши кўрармиди, айтиш қийин, чунки фильмлар фақат рус тилида намоиш этиларди, бувим эса, турган гапки, рус тилини билмасди (беш-олтита сўз бундан мустасно: “испасиба”, “дасвидания”, “бабушка”, “здирастуйте” ва ҳоказо). Бир куни бувим Шарифа кеннойимга: “Ҳиндлани киноси уятчан-де, қучолашган, ўпишган жойлари йўк, қизлани оптушса бўвуради, у қуриб кетгурлани ашуласиям чиройли-де”, деб қолди-ю, масала ойдин бўлди.

Эсимда: 1984 йил ёзи “Диско раққоси” фильмининг шов-шувли премьераси билан бошланди. Кинотеатрлар кассалари олдида узундан-узоқ навбатлар чўзилиб кетди. Ҳамма камбағал оиладан чиққан истеъдодли хонанда Жиммининг душманлар

тазийкини енгиб, катта саҳнага чиқиши атрофида кечган кўз кўрмаган воқеаларни томоша қилгани, шу асно Митхун Чакрабортининг ажабтовур рақсларини кўргани, янғроқ кўшиқларини эшитгани борарди.

Турган гап, бувим ҳам невараларни олиб “Диско раққоси”ни кўргани борди. Биз-ку, Чакрабортининг рақсларини кўриб маза қилдик, Жимми душманларининг таъзирини бераётганда, айниқса, ёмон одамлар унинг мушти тегмасданоқ йиқилаётганда роса роҳат олдик. Лекин фильм бувимга ёқмади. “Ҳиндла айнибди, – шикоят қилди у Шарифа кеннойимга. – Қизлари сонларини очи-и-иб ўйинга тушватти”.

Шу билан невараларни олиб ҳинд фильмларини кўргани бориш йўқ бўлди.

* * *

Мен улғайганим сари Себзор ҳам ўзгариб борди.

Тарновбошидан ўнг қўлга қараб кетган кўча чуқур жарлик лабидан ўтарди. Тасаввур қилинг, кўчанинг қоқ ўртасида чуқур жарлик, унинг лабида икки киши ёнма-ён сиқилишиб турса аранг сиғадиган сўқмоқ, уйларнинг деворлари шу сўқмоққа такалиб турибди. Юз метрча шу ҳолда юргандан кейин кўча кенгайар, жар ҳам саёзланиб, ёйилиб борарди. Аҳоли жарликка кўникиб кетган, у саёзланган жойда маҳалла болалари қўй бокиб юришарди. Худди шу ерда, жарнинг нариги қирғоғида яшил рангга бўялган панжаралар терилган, у Островский номидаги пионерлар саройини ўраб турган боғнинг чегараси эди. Жарнинг бериги қирғоғидаги кўча эса буралиб, Хуршид кўчасига чиқиб кетарди.

Онам Островский номидаги саройда шоир Ғайратийнинг адабиёт тўғараги бор эди, Эркин Воҳидов, Тўлқин шу тўгаракка қатнашган, унинг машғулотларига мен ҳам келганман, дегани учун сарой назаримда ажойиб маскандек кўринарди.

1979 йил эди, шекилли, жарнинг Тарновбошидан бошланган қисмини кўмиб ташлашди. Мен тоғаваччаларим билан томоша қилгани бордим. Чеккадаги сўқмоқни текислаб, унинг ёнига бетон ариқ ўрнаштириб қўйишибди. Тарновбоши томон тор бўлганидан самосваллар Хуршид кўчасидан келиб, тупроқни жарнинг кенгайган жойига тўкиб кетар, бульдозерлар тупроқни ўша ердан бошлаб суриб келарди. Бу жуда кизик томоша эди. Тупроқ уюми анча наридан сурилиб келарди-да, бирданига пастликка тушиб кетарди ва шу заҳоти унинг орқасидаги бульдозернинг узунчок “қалқони” очилиб қоларди. Шу куни вақт тушдан оққунча, кеннойим бизни излаб келмагунча ўша ерда ўтирдик. Жарлик кўмилиб кетган бўлса-да, маҳалла аҳли ўрганиб қолганидан бу кўчани Жар деб атайверди.

Биз Себзорга бориш учун Эски жўвага қатнайидиган троллейбусга минардик. Троллейбус айланма йўллар билан Навоий кўчасига чиқиб, кейин Хадрадан Эски шаҳарга буриларди. Эски жўвадаги бекатнинг орқасида бир вақтлар халқ Жангоб деб атаган, кейин Акмал Икромов, Мирмуҳсин Шермуҳамедов ва ниҳоят, 1939 йилда Пушкин номи берилган боғ³, сал орқароқда “Спартак” стадиони⁴, нарироқда Йўлдош Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театри⁵, театрнинг чап томонида йиллар гардидан тупроқ рангига кириб кетган қадимий ғиштин иморатга

3 Ҳозир боғ Абдулла Қодирий номи билан аталади.

4 Ҳозир “Спартак” стадиони ўрнида Эски жўва бозорининг автотураргоҳи жойлашган.

5 Бино XIX асрда Нижний Новгород – Самара Ер банки агентлиги учун қурилган бўлиб, театрға 1934 йилда берилган.

жойлашган 1-босмахона, рўпарасида “Тулистон” ресторанининг ойнабанд биноси ва Калинин ҳайкали бўлиб, Эски жўва Калинин майдони деб аталарди. 1925 йил февралда СССР Марказий ижроия қўмитаси раиси Михаил Калинин Марказий Осиёнинг алоҳида республикаларга ажратилиши муносабати билан Тошкентга келади, советларнинг ушбу сиёсатини оммага тушунтириш учун Эски шаҳарда халқ олдида нутқ сўзлайди. 1956 йилда М.Калинин нутқ сўзлаган жойга унинг ҳайкалини ўрнатиб, майдонга шу арбобнинг номини беришади.

Ҳайкалнинг олдидаги кичкина хиёбон орқали бозорга кириш мумкин эди. Хиёбоннинг чеккаларида тиланчилар ва стаканда писта сотадиган майда олибсотарлар ўтиришарди.

Биз шу ердан еттинчи ёки иккинчи дея рақамланган троллейбусга минардик. Троллейбус театр ва босмахона ўртасидаги кўчага буриларди, кейин боғнинг орқаси билан юриб, паст-баланд пахса ва ғиштин уйларга тўла маҳаллалар оралаб чўзилган кўчадан Себзорга йўл оларди. Ва шу билан киши тамоман ўзга, қадимийлик ва замонавийлик қоришиғидан иборат ажиб муҳитга кириб борарди.

Мен Эски шаҳар ҳаётини троллейбус ойнасидан кузатишни яхши кўрадим. Троллейбус йўли кенг эмасди. Йўлнинг икки томони қадимий, аксарият пахса деворли, кўпчилиги лойсувоқ томини замонавийлаштириб шифер ётқизилган уйлар, одамлар эса менинг замондошларим, ўша пайтда урфга кирган “финка” деб аталувчи қайтарма англи кўйлак кийган йигитлар, бошига дўппи кўндирган эркаклар, мактаб формаси кийиб жилдини орқалаган болалар, билагига сумка ташлаган, аксарият кўкрак бурма либосли аёллар, қизлар, аёлларнинг кўпчилиги бошига ялтироқ симли рўмол ўраган...

1978 йилдан бошлаб Себзорда кўзга ташланарлик ўзгаришлар рўй бера бошлади. Троллейбус йўлини кенгайтиришди, бунинг учун йўлнинг икки чеккасидаги уйларни бузиб ташлашди, Себзордан Хадрага, Эски жўвага ва Шайхонтохурга олиб боровчи кўчалардаги уйлар ҳам бузилиб, қурилиш бошланди. Энди Себзорга борарканмиз, ёзда троллейбус ичини қоплаган паға-паға чанг ичида қолардик, қишда эса маҳалламиз бошиданок пойафзалларимиз лойга беланарди. “Маҳалламиз бузиларкан”, деган гап-сўзлар пайдо бўлди. Аммо маҳалламизга тегишмади. Қайтага, табиий газ қувурини тортиб келишди. “Газ келди-ю, энди бузилмаса керей...” тахмин қилишди уйда.

1981 йилда учта кўча чорраҳасида янги тўққиз қаватли уйлар қурилиб битди, уларнинг биринчи қавати дўконлардан иборат эди. Айниқса, шу уйларнинг пастида “Танга” магазинининг очилиши Эски шаҳар ҳаётида катта воқеалардан бири саналди. Магазин асосан Ҳиндистондан келадиган буюмларни сотарди, лекин Чехословакия, Югославия⁶ ва Польша каби Шарқий Европа давлатлари, шунингдек, Болтиқбўйи республикаларида ишлаб чиқарилган, ўзимизда Тошкент модалар уйи тавсияси билан тайёрланган камёб кийим-бошлар ва турли-туман истеъмол моллари ҳам сотувга чиқарди. Шу боис бу магазин ҳамиша гавжум, деярли ҳар бир пештахта олдида одамлар узундан-узоқ навбатларда туришарди. Айнан шу магазинда пайдо бўлгани боис Тошкентда Ҳиндистондан келтирилган, оппоқ мунчоқлар қадалиб, тилларанг нақшлар билан безатилган қора бахмал сумкача ва ҳамёнлар, зар қўшиб тўқилган нозик ипақдан тикилган кўйлақлар урфга кирган, узатиладиган ҳар бир қизнинг сепида шулар бўлиши шарт, деган

6 1990 йилларда Чехословакия – Чехия ва Словакияга, Югославия – Македония, Хорватия, Словения, Сербия, Босния ва Герцеговинага ажралиб кетган.

“қоида” пайдо бўлганидан аёллар соатлаб навбатда туришга ҳам рози бўлишарди. “Танга”даги моллар арзон эмасди, кўплар атайлаб шу учун пул йиғишарди.

Чорраҳадаги тўққиз қаватли уйлар Себзорда қуриладиган шунга ўхшаш уйларнинг муқаддимаси эди. Шу билан беш-олти йил ичида бир-бирига ўхшаш, ўзбекнинг турмуш тарзига умуман мос келмайдиган қатор-қатор уйлар қад ростлади. Бу уйларнинг аксарида хоналар битта йўлакка келиб уланади, кўп хонали квартираларда эса хоналарнинг эшиги рўпарама-рўпара, кўпинча бир хонанинг эшиги ё ваннахона ёки хожатхона билан қарама-қарши бўлиб, бир оила ичида яна битта, баъзида иккита оилача, яъни келин-куёв ва неварачалар яшайдиган ўзбеклар учун ўта ноқулай эди. Аксар айвончаларнинг узунлиги олти метр бўлгани ҳолда эни бир метр келади ёки “иккига уч” биттагина ёпиқ айвонча, улардан жўялик фойдаланиб ҳам бўлмайди...

Бувамнинг Себзордаги қадимий уйи аجدодларимизнинг қурилиш соҳасида биздан кўра оқилроқ бўлганларини кўрсатади, дея оламан. Уй ҳамиша ҳовлининг тўрига қурилган, шу боис хоналарда кўчанинг шовқини эшитилмаган. Бинолар аксар пахсадан кўтарилган бўлса-да, пишиқ бўлиб, 1966 йилги кучли зилзилада ҳам зиён кўрмаган. Бунинг сабаби уй деворларининг қўш синчли қилиб қурилганидир. Бунда девор, оддийроқ қилиб тушунтирса, икки қават қилиб кўтарилади, пойдевор устига бир-бирига туташ, гўёки бири иккинчисини суяб турган ёғоч синч ўрнатилиб, ораси пахса ёки гувала билан тўлдирилади. Мана шу синч зилзила пайти уйни “тўкилиб” тушишдан асраб қолади, қўш синч орасида эса ҳаво айланиб юради, бу ёзги-қишки кондиционер вазифасини ўтайди.

Хоналарнинг эшиги билан деразаси ёнма-ён қурилганидан уй ичида елвизак бўлмаган, пойдевор қуйилганда унинг бир чеккасида эшик учун жой қолдириб кетилган, чунки эшик пойдеворнинг устига ўрнатилмаган. Боиси эшикдан кираверишга кавшандоз ясалган, уйнинг “поли” эса кавшандоздан тизза бўйи баландда бўлган. Шунинг учун ҳатто қаҳратон қиш пайтида ҳам эшик очилганда ерга кўрпача ташлаб ўтирган одамларга совуқ шамол тегмаган.

Ётоқ ичига, хонанинг бир бурчагига пишиқ ғиштдан тўртбурчак ханик ясалган, у шаклан ҳозирги душ поддонларига ўхшаган, унинг тубида тешикча бўлиб, у сувни ташқарига чиқариб юборадиган махсус қувурга уланган. Ханикда ювиниш, чўмилиш осон, бу, айниқса, кексалар, болалар, ёш келин-куёвлар учун жуда қулай ҳисобланган. Кексалар, болалар чўмилгач, ханикдан чиқибоқ тўшагига ётқизилган ёки бешигига беланган, келин-куёвлар оиланинг бошқа аъзолари, хусусан, қайнота-қайнона олдида хижолатли аҳволга тушишмаган. Буни шарқона гигиенадан ташқари, шарқона ҳаё деб ҳам тушуниш жоиз.

“Супер келинчак” фильмида шундай бетамиз эпизод бор. Ёш куёв тунда, ҳамма ухлаб ётган пайтда киши билмас чўмилиб олгани ҳовлисидаги душхонага борса, ҳали куч-қувватдан қолмаган отаси ҳам ётоғидан чиқиб, уй ичи уйкуда, деган ҳаёл билан душга тушгани келган экан. Ота-бола душхона эшигида тўкнаш келишади, ўртада мунозарага ўхшаш бачкана гап-сўзлар ўтади... Бу балки сценарий муаллифи билан режиссёрга жуда қулгили туюлгандир (шунга ўхшаш вазиятни турмушнинг ҳар томонини андиша тарозисида ўлчаб ҳал қилган аجدодларимиз турмушида рўй беришини ҳатто тасаввур ҳам қилиб бўлмайди). Аслида эса бу бетамизлик сўнгги йилларда туриш-турмушимизда, урфларимизда, дунёқарашимиз ва тушунчаларимизда Европача қарашларга кўр-кўрона эргашаётганимиз натижасидир. Европача ўлчамларга кўр-кўрона эргашиш кўп қаватли турар-жой

эмас, ҳатто хусусий уй курилишида ҳам яққол кўриняпти.

Рост, замон илгариланган сари удумлар, урфлар ҳам ўзгара, такомиллаша боради. Бунда урф-одатларнинг мағзи қолади-ю, уларни адо этиш “механизми” давр тақозоси билан пайдо бўлган воситалар эвазига ишлайди. Бугун боболаримиз, момоларимизнинг урф-одатларидан анчагинаси унутиб юборилган, омон қолганларини бажариш “механизми” эса деформация усулида ишляпти, яъни урфларнинг шакли шу тарзда гибридлашиб, бачканалашиб боряптики, унинг мағзи нимадан иборатлигини англаб ҳам бўлмай қоляпти. Бунга глобаллашувнинг турмуш тарзимизга кўрсатаётган таъсири катта, қолаверса, советларнинг 75 йилдан ортиқ давом этган ғоявий тарғибот ва ташвиқотларидан олинган “ҳосил” ҳам сабабчи. Шу боис уйларимизни халқимизнинг асрлар бўйи шаклланган маънавиятига, ўлкамизнинг иқлимига мослаб қуриш ўрнига, уларни Европага кўр-кўрона тақлид билан қуриб, турмуш тарзимиз, ҳатто урф-одатларимиз ва удумларимизни шу уйларимизга мослаштиришга уриняпмиз.

* * *

Оилавий архивимизда 1960 йиллар бошига оид бир нечта фотосуратлар сақланади. Шулардан баъзиларида тикув фабрикасининг цехлари, аксар кўкрак бурма кўйлак кийиб, сочини икки ўрим қилиб орқасига ташлаган ёки бошига чамбар қилиб ўраган қиз-жувонлар акс этган. Улар орасида онам ҳам бор. Икки ўрим сочи елкаси оша орқасига ташланган, кулоқларида миттигина сирға. Онамнинг ортида тикув машиналари, ишлаётган аёллар кўринади. Бу ўша пайтда пойтахтимиздаги катта фабрикалардан бири – Тошкент трикотаж фирмаси. Фабрика Ишчилар шаҳарчасининг бошланиш қисмида, гвардия полковниги Хўжаев кўчасида жойлашган эди. Корхона 1942 йилда Россиянинг Ростов-Дон шаҳридан кўчириб келинган трикотаж фабрикаси ва Тошкент тикувчилик фабрикаси асосида ташкил этилган. Онам ишлаган 1960 йилларда Тошкент трикотаж фирмаси деб аталиб, 1973 йилда “Малика” фирмаси ва ниҳоят 1976 йилда “Малика” трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси номини олади.

Болалик пайтим маҳалламиз аҳолисининг кўпчилиги “Малика”да ишлаган. Фабриканинг Себзор ҳаётида салмоқли ўрни бор эди. 2009 йилда банкротлик ёқасига келиб, ҳозирги кунда ўтмишга айланган корхона хийлагина узоқ-яқин қариндошларимнинг таржимаи ҳолида қайд этилган. Улар орасида бувам, онам, Ҳасан тоғам ва Муяссар исмлиқ холам, поччам, онамнинг амакиси Шамсиддин додамизнинг невараси Шоира опам ҳам бор. Ўша пайтларда мамлакат иқтисоди режалаштириш асосига қурилганидан бир фабрика ишлаб чиқарган маҳсулот турини бошқаси тайёрламасди. Тасаввур қилинг, Тошкент аҳолиси киядиган трикотажнинг аксари “Малика”ники, баъзида эса Самарқанд ёки Андижон фабрикалариники эди. Дўконларга Эстониянинг “Марат” ёки Украинанинг “Киевлянка” фабрикаларида тикилган кийимлар келиб қолса, сотиб олиш учун узун навбатга туришарди. Ҳамёни нисбатан бақувватроқ одамлар эса, таниш-билишлари орқали Польша, Германия ёки Чехословакияда тикилган кийим-бошларни топиб кийишарди. Чунки импортга келган бу маҳсулотларни очик савдодан топиш қийин, уларни устига нарх кўйиб яширинча сотишарди. Шуниси қизиқ эдики, “Малика”да тикиладиган эркакларнинг қишки спорт кийимларини ҳам очик савдодан топиш осон эмасди. Бу кийимларнинг энг харидоргири мовий, кўк тусдаги жун матодан

тикиларди, уларнинг сифати шунчалик яхшимиди, ҳозир айтолмайман, ўйлашимча, харидорларнинг талаби бор бўлгани учун ҳам уни яшириб сотишган бўлса керак. Ҳозирги авлод бунақасини тасаввур ҳам қилолмайди.

Себзордаги оилалар пойтахтдаги, балки бутун Ўзбекистондаги оилалар каби балоғатга етаётган қизларининг тақдирини маълум қоида асосида белгилашарди. Ўрта мактабларда ўқиш ўн йиллик бўлиб, саккизинчи синфни битиргандан кейин ўқувчиларнинг бир қисми (аксар ўртача ёки паст баҳога ўқийдиганлар) ҳунар билим юртларига жўнатила, қолганлари олий ўқув юртига кириш ниятида мактабда ўқишини давом эттирарди. Ота-оналар қизларини олий маълумотли қилишни истасалар, қизлари яна икки йил мактабга қатнарди, ўқимишли бўлиш бизга тўғри келмайди, деганлар эса қизларига турмушда керак бўлади, дея оммабон бирон ҳунар ўргатиш пайига тушишарди. Себзордаги мана шундай оилаларнинг аксар қизлари ёки “Малика” ёки Бадиий буюмлар фабрикаси қошидаги ҳунар-техника билим юртига ё мактабгача таълим ёхуд тиббиёт билим юртига ҳужжат топширарди. Қизлар учун касб танлаш масаласи шу йўсинда ҳал бўларди.

* * *

Тарновбоши гузарига тушаверишда, ўнг қўлдаги боши берк кўчада Машҳура опоки деган бева аёл яшарди. Унинг ўрта бўй одам бошини эгиб кирар даражадаги пастак эшик билан кириладиган тор ҳовлисининг учдан икки қисми катакларга тўла, саҳнда оёқ босишга жой йўқ, ҳамма ерни каптарлар банд қилган эди. Бу каптарларни унинг ёлғиз ўғли Аббос боқарди. Бу йигит айнан шу каптарлари боис бутун Себзорга-ю, Лабзакка танилган, ҳамма уни Аббос каптарбоз деб чақирарди.

Ҳар кун эрталаб маҳалламизнинг пастки кўчаси томондан осмонга гуриллаб каптарлар парвоз қиларди. Атрофни қанотларнинг шапиллаган товушлари босар, аҳён-аҳёнда Аббоснинг хуштаги чийиллар, унга бошқа ўспиринларнинг хуштаклари қўшиларди.

– Бу каптарвозга қўшилиб, бутун маҳалла хуштаквоз бўватти, – дерди бувим. – Бечара Машҳура бу каптарвоз минам келинини ўртасида мокидай сарсон. Ёши ўттиздан ошибди-ю, кушларидан бошқа нарсани ўйламайди бу жинни.

Аббоснинг хотини тез-тез аразлаб кетиб қоларди. Маҳалла аҳли бунга каптарлар айбдор деб биларди.

Аббос кўчамиздан ўтганда уни Котёночкиннинг машҳур мультфильми қаҳрамони – олифта Бўрига ўхшатардим. Унинг куюқ сочлари қошлари устигача тўкилиб тушган, кўпириб тошган қоп-қора жингалалар тагидан шалпанг қулоқлари диккайиб туртиб турарди, у тор қўйлак, почаси кенг шим кийиб, қўлларини чўнтакларига солганча кўчадан елкаларини ўйнатиб ўтиб борар, лабида ҳамиша сигарети тутаб турарди. Назаримда, бурни катта, қоп-қора кўзлари косасидан чиққудай бўртиб турган бу йигит ўша олифта Бўри учун прототип бўлиб хизмат қилганди.

– Пошшо замонида яшагандами, бу каптарвоз яккакифт бўлиб юрарди, – деб қўярди бувам. – Бизани зомон ўшанақа чапанилани йўқ қиворди-де! Эндиги чапанилани юриш-туриши чала-ярим ўрисча, чала-ярим ўзбекча.

Мен чапани деганда, китоблардан ўқиганим, киноларда кўрганимни – чопонининг бир енгини кийиб, иккинчи енгини елкасидан тушириб, белбоғига кистириб қўйган, этигининг қўнжидан пичоғининг чиройли сопи мўралаган,

дўпписи атрофига қийикдан салла ўраган йигитларни тушунардим. Аббос эса уларга ўхшамасди. Шундай экан, унинг нимаси чапани?

Бир куни Тарновбошига тушаётиб, берк кўчадаги шовкинни эшитиб қолдик. Болалик – ҳар нарсага қизиқувчанлик. Ўша томонга югурдик. Тўполон Аббоснинг уйида бўлаётган эди. Бир-биримизни итариб-туртиб, эшикдан мўраладик.

Ҳовли ўртасида ширакайф Аббос чайқалиб турган кўйи тинмай сўкинарди, атрофида хотини гирдикапалак. Икковининг теграсида эса каптарлар пилдираб юрарди.

– Ҳой, куриб кетмагур, уйга кир, қўшнила эшитади, – койинарди онаси. – Эсин борми сани? Бошқа хотинни қаттан топаман санга? Сандақа каптар жиннисига кимни кўзи учватти?

– Йўқ, – дея кескин бош чайқайди Аббос. – Йўқ.

Келин эса парвойи палак, кўлида чўтка, эрининг теварагида айланиб, эгнидаги кийим-бошларини чанг-чунгдан тозаларди.

– Э, товба, қайси деворга суркалиб келдиз? – дейди келин. – Кўрганла роса гапиргандир, хотини қарамасакан деб.

– Э, сани ўзим... – тагин сўкинади Аббос. – Ўша... – яна сўкиниш.

Машхура опоқи “Тилинг курсин-а”, деб йиғлайди.

– Кетмийсанми? – дея дўқ уради хотинига.

Хотини уф тортади:

– Хўп, ана, кетсам, қачон опкелас?

– Опкемийман, – дейди Аббос.

– Вай, ўтган сапар ўзиз опкелдизу!

– Бу сапар... йўқ!

– Хўп, бўмасам ўзим келарканман. Йўлкирага пул берасми?

– Кемийсан! – Аббос яна сўкинади.

– Ҳо, ёкмий ўлсин! – эрининг шими почаларини қоқаркан, гап қайтаради хотини. – Шу гапизга аччиқма-аччиқ келаман! Қараб турин!

– Ўлсин ўша ошналарин, – яна йиғлайди Машхура опоқи. – Санга ичирмий ўлсин!

– Ман ўзим ичдим, – бош чайқайди Аббос. – Ўзим! Ақром ўғил тўй қилди, мандан икки йил кейин хотин олувди, мана, уже ўғил тўй қиватти. Ман ўша тўйда ичдим.

Машхура опоқи ҳўнграб йиғлайди.

Шу пайт Аббос бизни кўриб қолади. Боягидан ҳам даҳшатлироқ сўкишлар ёғилади. Биз қочиб қоламиз.

Уч-тўрт кундан кейин Тарновбошидаги гузар ёнига усти ёпиқ юк машинаси келиб тўхтади. Сал ўтмай давангирдай икки йигит берк кўчадан тугунлар, кутилар кўтариб чиқа бошлашди.

– Ким кўчиб кетватти? – дедик бир-биримизга қараб.

– Тугунлани Аббос каптарвозникдан опчиқишватти.

Э, Аббос кўчиб кетяптими? Аббоснинг каптарлари-чи, уларни ҳам олиб кетишяптими? Қандай қилиб? Катаги билан олиб чиқишармикин? Болаларга эргашиб, берк кўчага қараб кетдим.

Кўча эшик очик, ҳовлида негадир Аббос кўринмасди. Саҳнда, пастак курсидада Машхура опоқи йиғлаб ўтирарди. Ҳовли тўридаги айвончада иккита хотин кўч йиғарди.

– Мовлудамдан мингдан-минг розиман, еткизиб қўййла, – деди опоки ўша хотинларга. – Ўғлимми бор “ҳунар”ларига чидади. Ман жа яхши кўрардим келинимни. Нима қилий энди?

– Пешана-де, – дейишди хотинлар. – Пешана шўр бўгандан кейин бир нима деб бўмийди...

Билсак, Аббос хотинини қўйворибди. Қишга яқин эса бошқасига уйланди. Биз – қизчалар қизиқиб, келиннинг келишини томоша қилгани бордик.

Берк кўча жуда тор бўлганидан у ерга машина сиғмасди. Гузар ёнига ўн бештача хотин ўтирган “Паз”⁷ автобуси келиб тўхтади. Хотинлар битта-биттадан тушиб, автобус ёнида тўпланишди. Охирида сариқ атлас қўйлак кийиб, бошига ипак рўмол ташлаган тикмачоқдек жувон тушди. Уч яшарлар атрофидаги қизча унинг этагидан маҳкам ушлаб олган эди. Икковининг ортида беш-олти ёшлардаги яна бир қизча кўринди. Биз келинни излаб автобус эшигидан мўраладик. Автобус салони бўш эди.

Аёллар атлас қўйлакли жувонни ўраб олишди. Хотинлардан бири қизчанинг қўлини онасининг этакларидан айиришга уринди.

– Ойи-и, – деб йиғлашга тушди қизча.

– Уят бўлади, меҳмонга борганда йиғламийди, – дейишди унга хотинлар. Кейин иккала қизчани етаклашиб, атлас қўйлакли жувонни ўртага олиб, Аббоснинг уйига қараб кетишди.

...Мен Аббосни кейин ҳам кўп кўрдим. Энди унинг каптарлари йўқ, тор қўйлак, почаси кенг шимлари ҳам йўқ, калта қирқилган сочлари устига дўппи қўндириб, одми қора шим, содда қўйлақларда ишига – Эски жўвадаги ошхонасига қатнар, оқшом уйига тўқима халтада майда-чуйдалар кўтариб қайтарди.

...Университетда ўқиётган пайтларим. Жарчимиз Одил ака маҳаллани Аббосникига наҳорга ошга чақирди.

– Вохт тез ўтади-я, – хайрон бўлди Мамлакат холам. – Аббос қиз узатватти! Ану хотинидан бошқа хабар бўмади-я?

– Вай, нага бўмасакан? – деди Шарифа кеннойим. – Акалари уни хотини ўлган биттасига эрга берворишган. Учта туғди-ю иккинчи эридан!

– Э... – холам кафтини юзига босиб ўйланиб қолди. – Пешана-де, а?!

Шом пайти Ҳасан тоғамнинг кизи Гулнор билан бирга келиннинг кетишини томоша қилгани чиқдик. Тор кўчада одам тирбанд, сурнайчи иккала бетини шиширганча кучаниб “Ёр-ёр” куйини чалар, унинг ёнидаги озғин, қоп-қора киши доира чертарди. Эшикдан этаклари узун оппоқ қўйлак кийиб, бошига тўр ташлаган нозиккина келин чиқди. Шу заҳоти куй таққа тўхтади.

– Қани, омин! – деди кимдир далда берган каби.

Ҳамма кафтини очди. Бошига мошранг духоба дўппи кийган мўйсафид фотиҳа ўқиди:

– Илоҳим қўшгани билан қўша қариб, ували-жували, бахтли-тахтли бўлсин! Орқа-олди фарзандга тўлиб, уйининг чироғи ҳамиша ёниб турсин! Омин, Оллоҳу акбар!

Келинчак хайрлашиш учун Аббосга қараб талпинди:

– Адажон!

Аббоснинг бўйнидан кучди-ю, йиғлаб юборди:

– Адажоним! Ўзимни адам!

⁷ ПАЗ – “Павлово автобус заводи” сўзининг қисқартма шакли.

Аёллар келинни кўча бошига, машина томонга етаклаб кетишди. Кампирлар орқадан майда тошчалар отиб қолишди: “Илоҳим борган жойида тошдек қотсин!”

Аббос эса кўзёшларини яшира олмас, баралла йиғлар эди.

* * *

Бувам Тарновбошидаги чойхонани юритарди. Чойхона олдида чоғроқ гулзори ва тоқзори бўлган очик айвон, чойнак-пиёлалар териб қўйилган, самовар қайнаб турадиган икки тарафида деразалари бўлган кенг хонадан иборат бино эди. Гулзорнинг бир чеккасида оқиш мрамрдан ишланган ёдгорликка Иккинчи жаҳон урушига кетиб қайтиб келмаган себзорлик йигитларнинг исм-шарифи битилган, ундан бериқоқда бетон ариқда шаркираб сув оқарди.

Болалигимда чойхона тушунчаси тамом бошқача, у ўзига хос мулоқот маскани, кироатхона ва маҳалланинг маданий ва маърифий маркази эди.

Бувамнинг чойхонасида ҳамиша етти-саккиз чоғли чоллар ўтиришарди. Очик айвонда, одам бели баландлигида ишланган панжара устида доимо газеталар тахлоғлик турар, чойхўрлардан кимдир албатта газета саҳифаларини ёзиб олиб ўқиётган бўларди.

Ичкарида телевизор бор эди, футбол бўладиган куни албатта ўнчача ишқибоз тўпланишиб, чой ичиб, футбол томоша қилишарди.

Биз – неваралар меҳмонга келишимиз биланоқ бувамнинг олдига борардик. Қизчалар чойхона ҳовлисига кираверишда қоларди, ўғил болалар ичкарига кириб кетишар, кейин бувамнинг ўзи олдимизга чиқиб келарди-да, каттароқларимизга танга, кичикларимизга беш тийинлик чақа улашарди. Буни кўрган кексалардан бири: “Баҳром, наварала кўчани тўлдириб қопти-ку, а?” деб қоларди. “Худога шукр”, дерди бувам унга жавобан. Кейин ҳаммамиз кўчанинг нариги бошига – троллейбус йўлига қараб кетардик. Кўчанинг бошидаги хонадон эгаси деворидан туйнукча очиб қўйиб, писта, қурут, хўрозқанд сотиб ўтирарди. Қай биримиз қурут, қай биримиз хўрозқанд сўриб, қувониб уйга қайтардик.

Наврўзда маҳалла эркаклари чойхонада ҳалим пиширишарди. Чойхона ҳовлисига катта дошқозон ўрнатиладди. Нарироқда бошқа бир ўчоқда ош дамлашарди. Тарновбоши жуда гавжум бўлиб кетарди. Чойхона олдида болалар ўралашишар, айвонда чоллар гурунглашиб ўтиришар, ёшлар ўчоқ атрофини ўраб, навбатма-навбат қозон кавлашарди. Баъзида тор ва доира кўтарган хонандалар ҳам келишар, шунда бутун маҳалла хуфтонгача кўшиқ тингларди.

Эртаси эрталаб эса хонадонларга ҳалим тарқатиладди. Биз нонушта дастурхонига келтирилган, суюқ мошқичирини эсга соладиган ҳалимга қизиқиб нон ботираддик.

Наврўз кунларида бувим ҳовлида сумалак пиширарди. Шу баҳона бор қариндош аёллар йиғилишарди. Ундирилган буғдойни майдалашга, сиқиб сувини олишга биз – бўйига етиб қолган қиз невараларни ҳам “сафарбар” қилишарди. Айниқса, сумалак қайнаб чиққунча бўлган жараён – шакиллаб қайнаётган буғдой шарбатига солинган унни қумоқ-қумоқ бўлиб қолмаслиги учун кавлаб, аралаштириб туриш қийин эди. Ўчоқдан чиқаётган тутун кўзни ачиштирар, қозондан кўтарилаётган буғ юзга урарди. Мен невараларнинг энг каттаси бўлганим учун кўлимга човлини беришарди-да, кеннойиларим билан ёнма-ён туриб мана шу мушкул ишни бажаришни буюришарди. Човлини қозонга ботириб, суюқликни кавлаштирарканмиз, аёллар овозларини чиқариб тилак айтишарди: “Илоийм соғ-

омон бўлийлик”, “Эрларимиззи пуллари кўпайсин”, “Яхши тўйла қилийлик”, “Қизларимизга яхши жойладан ато қисин...”

Сумалакни тун бўйи кавлаб чиқишарди. Болалар хуфтондан ўтибоқ ухлаб қолишарди. Ярим тунга етиб мен ҳам уйкуга кетардим. Сахарга етиб димланган сумалакни эрталаб очишарди. Бунинг учун уй ичидагиларнинг ҳаммаси қозон тепасига келарди. Барча сумалак сатҳида қандай сурат ҳосил бўлганини кўришга ошиқарди. Кейин пиёлаларга солинган сумалаклар дастурхонга тортиларди, ҳар бир идишда, қуюқ жигарранг “ҳолвайтар” сатҳида ёнғоқ дўмпайиб турарди.

Сумалак қариндошларни бирлаштиришнинг энг яхши воситаси экан, шу баҳона одамлар жипслашади, аразлашганлар ярашади, болалар қариндош-уруғларини яқиндан таниб-билиб олишади.

Эътибор берсак, нафақат сумалак, ўзбекларнинг кўп таомлари жамоа меҳнатига асосланган, масалан, норин, ҳасип, юпка... Уларни пиширишда бутун оила аъзолари барабар иштирок этади, меҳнатда ҳатто болаларнинг ҳам ўзига яраша улушлари бўлади. Буларнинг бари оила аъзоларини бирлаштириш, жипслаштиришга хизмат қилади. Бу жараёнда ҳар кимнинг бажарар иши, демак, ўз ўрни бўлади ва бусиз таом пишмайди. Бундан ортиқ оқилликни тасаввур қилиб бўлмайди.

* * *

1989 йил эди. Себзордаги ҳовлимизда катта ўзгаришлар бўлди. Томимиз йиллар давомида лойсувоқ бўлаверганидан оғирлашиб қолгани учун бир неча йил олдин унинг тупроғидан олиб энгиллаштиришган эди. Бир куни Тоҳир тоғамнинг қизи Салима катталарнинг кўзини шамғалат қилиб иккинчи қаватга чиқади. Аср ёшидан ўтиб кўҳна тортиб кетган ёғочларнинг куни битган экан шекилли, беш яшар қизчанинг оғирлигини кўтаролмай синади-ю, томнинг тупроғи ўпирилиб, Салима пастга, уй ичига йиқилади. Ўша пайтда ҳовлида юз берган саросимани сўз билан айтиб бериш мушкул. Салимани Худо асраб қолди. Бувам шундан кейин тоғаларимга ташқари ҳовлининг томини қайтадан ёпишни буюрди. Иккинчи қават тамоман бузиб ташланадиган бўлди.

Ҳужралардаги ашёларни нима қиламиз, деган савол кўтарилди, иккинчи бошоғриқ эса, томдан тушадиган камиш ва тупрокни қай тарзда ташиб кетиш масаласи эди. Маслаҳатга чорланган отамнинг чамалашича, томда камида еттита юк машинасини тўлдирадиган тупроқ бор эди.

Аввало иккинчи қаватдаги кўқонаравани арқонга боғлаб, уч кишилашиб пастга туширишди-да, замбилғалтакка ортиб Тарновбошига, бувамнинг чойхонасига олиб бориб, унинг шотисини чойхона орқасидаги қақир-қуқурлар сақланадиган омборга киритишди. Ғилдиракларини эса омборнинг сим тўрдан ясалган деворига, шундоққина кўча томонига суяб қўйишди. Ғилдирак у ерда уч кунча турди, уни томоша қилгани маҳалланинг ҳар еридан болалар келиб туришди. Охири Лабзакда турадиган бир йигит нимадир иш билан маҳалламизга келади-ю, ғилдиракларни кўриб қолади. Йигит “Ўзбекфильм”да ишларкан. Чойхонага кириб бувам билан гаплашади, аравани сотмайсизми, деб сўрайди. Бувам ҳайрон бўлади, эски замондан қолган бу нарса нега керак экан, деб ўйлаган, шекилли. Маълум бўладикки, киностудия аҳолидан қадимий ашёларни сотиб оларкан.

Шундай қилиб, киностудиядан юк машинаси келади, аравани, унга қўшиб, ҳужралардан чиққан эгар-жабудуқлар, хумлар, кўзалар, обдасталар, қутилар ва яна

аллақанча ашёларни ортиб олиб кетади. Бувам шу куни киностудия бухгалтериясида тегишли хужжатларга имзо чекиб бергач, “Ўзбекфильм” кассасидан икки юз қирқ сўм пул олади. Ўша пайтда бу дурустгина маблағ эди, чунки институтни эндигина тамомлаган ёш зиёлиларга бир юз қирқ сўм маош беришарди.

Бувам бобосини, отасини ёдлаб уй ичидагиларга ис чиқаришни буюради. Онам, холаларим, кеннойиларим ичкари ҳовлида юпка пиширишгани, уни кўни-кўшниларга улашишгани, чойхонага, мачит ва мозорга жўнатишганини эслайман. Аёллар яхши билишади, юпқанинг меҳнати оғир бўлади. Насиба кеннойим юпқаларни тахлаб, охирги – учинчи тоғорага жойларкан, чарчаганидан: “Мунча кўп бўмаса”, деб юборди. Шунда бувим: “Шуям кўп бўптими? Биза қурултойга кеганлага норин қиберганмиз, ўшанда ўттиз зувала хамирни кесиб пиширганмиз, маҳаламиззи қанчалаб эркелари ташқари ҳовлида кулчатой тўърашган. Котта мошина келиб опкетган. Мана ўшани кўп деса бўлади. Ишонмасейиз, ана Ҳикоят гапирсин”, дея кеннойимни “боплаган” онам: “Эсимда, Ҳасан ўчодаги оловга қараган, Тўйди холам хамирни ёйиб берардила, сиз котта қозонда пиширардиз, Олимапам, ман, Мамлакат уни селгитиб, ёғлардик. Асом додам чарчадийлами, деп марожний опкеганла”, деб хотирлаган. Болалик пайтимдан билардимки, қурултой далада ўрим-йигим ишлари тугаган паллада бўлиб ўтарди. Ундоқ бўлса, кеч кузда музқаймоқ билан сийланишган экан-да? Шамоллаб қолишдан кўрқишмаганми, деб ўйлаганим ёдимда.

Ёшлик – бепарволик, дейишган. Бувим қайси даврни эслади, қизикмаган эканман. Ҳозир ўйласам, гап 1950 йилларнинг ўрталари, пахтакорларнинг йиллик қурултойи ҳақида борган, шекилли.

Хуллас, шундан кейин телевизорда биронта тарихий фильм намоиш қилинганда кадрда кўқонарава кўринса, биз, “Ану арава Усмон додамизникими?” деб куладиган бўлдик.

* * *

1992 йили бувимдан айрилдик, орадан олти йил ўтиб – бувамдан. Бу вақтга келиб Себзордаги ҳовлимиз қатор невара тўйларини кўрди. Кўҳна Себзор ҳам, назаримда бувим ва бувамга кўшилиб қариб, қартайиб борарди. Ташқари ҳовлининг иккинчи қавати олиб ташланганидан уйнинг салобати кетиб, бўйи пасайиб қолди. Энди менга ҳовлимиз маҳалладаги замонавий қиёфага киритишга уринишиб, қайтага хунуклаштириб юборилган уйлар билан бир қаторга туриб қолгандай туюларди. Шу билан бирга маҳалламизнинг қиёфасини белгилаб турган кишилар ҳам биринкетин ўтиб кетишди. Одил амаки вафот этди-ю, маҳалламиз жарчисиз қолди, чунки ҳеч ким бу ишни зиммасига олмади. Беозор Азиз ака оламдан ўтишда ҳам ўз феълига содиқ қолди. Уни кечкурун кўрган одамлар эрталаб вафот этганини эшитишиб, ҳайрон қолишди. Бувимдан кейин кўп ўтмай Зайнаппа ҳам дунёдан ўтди. Энди замон ҳам ўзгарган, йигинларга меҳмонлар танлаб қақирилар, болалар кўп нарсани тушуниб қолганидан унча-мунчага ҳайикмас, дастурхончиларга эса кўп-да, эҳтиёж қолмаганди.

1990 йиллар Себзор ҳаётида фақат шу йилларнинг ўзигагина хос, ўчириб бўлмас излар қолдирди. Аввало болалигимизнинг ҳамроҳи – кинотеатримиз қаровсиз қолди, вақт ўтиб тўйхонага, сўнг ресторанга айланди, кейин шу кинотеатрнинг рўпарасидаги Фуркат боғидан (боғ илгари Собир Раҳимов номида эди. айрилдик.

Боғ ўрнида кичкина ресторанчалар, ароқ-шароб дўкони пайдо бўлди. Энди оқшомлари бу ерда ажнабий мусика янграр, кабоб пишаётган кўралардан тутун кўтарилар, дўкон олдида юк машинасидан мол тушираётган ишчиларнинг шовқини эшитиларди.

Фурқатнинг ҳайкали ресторанчалар орқасида қолиб кетган хиёбонда анча пайт мунғайиб турди, кейин қаёққадир ғойиб бўлди. Бир вақтлар биз шу бокқа келиб ўйнардик, дарахтлар орасига ўрнатилган занжирли осма ўриндиқларда учардик, ариқларига қоғоз кемачалар ташлаб оқизардик. Бу боғда дарахтлар, гуллар сероб, ўриндиқлар, болаларга мўлжалланган арғимчоқлар кўп, боғ сокин, ёз кунлари тушда мусичаларнинг “ху-ғу”лари, шомга яқин чумчуқларнинг чуғурлашлари баралла эшитиларди. Баҳор чоғи боғнинг ҳар еридан “тўқ-тўқ” товушлар келар, бу дарахт пўстлоғини чўқиляётган қизилиштонлар эди. Ўриндиқларда кўпинча мўйсафидлар ўрталарига шахмат тахтасини қўйиб, дона суриб ўтиришар, оқшомлари боғ этагидаги “Оталар чойхонаси”дан босиқ ғовур эшитиларди. Боғнинг чеккасидан оқиб ўтган Дамариқ боғ адоғига етгач, шовуллаганча пастга қуйиларди-да, кейин бирдан ўзани кенгайиб, сокин тортиб қолар, қирғоғидаги толларнинг илдизларини ювганча яшилтоб сувларини нарига олиб кетарди. Дамариқнинг чап қирғоғи яланглик, ундан нарида эса маҳалланинг бўйи бўйига тенгдош уйлари қатор терилган эди. Мана шу уйлارнинг бирида бувимнинг опаси – Тўйдихон холам яшарди. Биз жон деб Тўйди холамникига борардик, бувим ҳовлида, ўрик тагидаги сўрида опаси билан дардлашиб ўтираркан, биз холамнинг неваралари Наргиз билан Фурқатга қўшилиб кўчага – Дамариқ бўйига югурардик.

1981 ёки 1982 йил эди, май ойи фавкулудда даражада серёғин бўлди. Тоғ туманларида сел келди, момақалдиروқ аралаш қуйган жалалар Тошкент кўчаларини ювиб, ёмғир сувлари йўл чеккаларидаги бетон ариқлардан айқириб оқиб ўтди. Себзор маҳаллаларидан чиққан ариқларнинг сувлари Дамариққа келиб қуйиларди. Ёғингарчилик сабаб Дамариқ сувлари лойқа тусга кирди, бўтана сув лиммо-лим тўлиб оқди. Шундай кунларнинг бирида ариқнинг пастга қуйилиш ерини сув ювиб юборганидан каттакон тупроқ бўлаги ўпирилиб тушди. Тегишли жойга хабар кетган шекилли, ўша куниёқ “УАЗ” машинасида комбinezон ва резина этик кийган тўрт киши келиб Дамариқнинг ўпирилган ерини кўришди, узун чизғич билан ўша жойнинг тубини ўлчашиди, ариқнинг кенгайган ўзанини кўздан кечиришди.

Эртаси куни маҳалламизга хабар келди: “Дамариқни экскаватор ковлаватганмиш”... Ўша томонга югурдик. Дамариқнинг кенгайиб борган жойида “Беларусь” экскаватори ишлар, ариқ тубидан лой олиб қирғоққа ташларди. Ариқнинг ўпирилган ери қирғоқларига эса бетон тўсиқ қоқишарди. Атрофда коржомга кийган бир талай ишчилар, комбinezонли кишилар, томошага йиғилган бола-бақра... Шу куни кун тушдан оққунча, бир томондан Тўйди холам тергамагунча, иккинчи ёқдан Насиба кеннойим излаб келмагунча Дамариқ лабида юрдик.

Эртасига эса самосваллар Дамариқнинг ўпирилган ерига тош келтириб тўқди. Шу билан ариқнинг сув ювиб кетган ери мустаҳкамланиш асносида сунъий шаршара ҳосил бўлди. Энди боғ адоғига етгач, Дамариқ қияликда ётган тошлар устидан шарқираб оқиб ўтаркан, сув тошларга урилиб гувиллар, атрофга сачраган томчилар офтобда ярқирар эди. Биз қирғоқда ўтириб шаршаранинг гувиллашини, тошларга урилиб, юқорига сачраган томчилардан ҳосил бўлган “тўр”да акс этган камалакни томоша қиладиган бўлдик.

1989 йил эди, йўл кенгаярмиш деган хабар чикди-ю, Дамарик атрофидаги маҳалланинг анчагина қисми бузиб ташланди. Тўйдихон холамга бузилган ҳовлиси ўрнига Юнусободнинг узок даҳасидан, тўққиз қаватли панел уйнинг тўртинчи қаватидан уй беришди.

Кўп ўтмай боғ ўрнида емакхоналар очилиши баробарида пойтахтнинг янги бойларидан бири худди шу ерда, Дамарик бўйида ресторан қурди. Унга “Шаршара” деб ном қўйди.

Энди Себзорнинг бир қаноти тўққиз қаватли бетон панел уйлар, бир тарафи эса қадимги маҳалла, бу маҳалланинг рўпараси, чап ва ўнг томони янги бинолар билан қуршалиб, янада мунғайиб қолди. Шу асно “Себзор бузилармиш”, деган гап-сўзлар урчиб қолди. “Э, маҳалламиззи йигирма йилдан бери бузилади дейишади, – деди Тохир тоғам. – Мана, эсон-омон турибди. Бу гап-сўзла рост бўп чиққунча мани навараларим ўйланиб, эрга тегиб, бола-чақали бўп кетади”.

Тоғам ўшанда ҳазил қилган эди. Унинг айтганлари юз фоиз эмас-ку ҳар ҳолда етмиш фоизларга тўғри бўлиб чиқди. Тоғам болаларини шу ерда уйлантириб, узатди, бир неварасини турмушга берди.

...Бувадан сўнг уч йил ўтиб онам вафот этди, яна бир ойдан кейин эса Ҳасан тоғам...

Янги асрнинг биринчи йили мана шундай жудолик билан бошланди.

* * *

Ташқари ҳовлининг тўридаги айвон. Эшикни очиб ичкари кираман-да, қавшандозда тўхтайман. Тўрдаги тахмонда қора духобага попоп машинада тикилган сўзана осиглиқ. Ўнг қўлда узун, бутун хонани эгаллаган хонтахта. Кўрпачаларда аёллар ўтиришибди. Менга ҳеч ким қарамайди. Саломга оғиз жуфтлайман, лекин овозим чиқмайди. Шу пайт айвонда одамлар жуда кўп эканини кўраман, меҳмонларнинг ҳаммаси негадир деразага қарайди. У ерда нима бор экан, деган ўйда мен ҳам ўша томонга ўгириламман, аммо дераза ортида ҳеч нарсани кўрмайман. Ҳаммаёқ туман...

...Кўзимни очганимда хона қоп-қоронғи эди. Қўлимни узатиб, дарпарданинг бир четини қайирдим, кўчадаги симёғочда узунчоқ чироқ хира ёниб турарди. Уй жимжит. “Тинчликми?” ўйладим беихтиёр.

Тонггача қолган уч-тўрт соатча вақтни бир мизғиб, бир уйғониб ўтказдим, Себзорга, Шарифа кеннойимга қўнғирок қилдим.

– Тинчлийми? – сўради кеннойим. – Мунча саҳарлаб? Уйингда бир гап бўлдими?

– Ман тинчман, ўзиз туззумисиз?

– Туззуман, – кеннойимнинг овозида ҳайронлик сезилди. – Шуни сўрагани саҳардан телпон қивассанми? Қайтага ўтакамми ёрдин-ку! Кейинро телпон қисанам бўларди!

Бирдан енгил тортдим.

Шанба, 2018 йил сентябрининг йигирма тўққизинчи куни эди.

Ҳар куни ишга кетаётиб ҳам, қайтаётиб ҳам машинада Себзор кўчасидан ўтиб борардим.

Бугун иш куни эмас, неварамни кўргани Камолонга жўнадим. Йўл Себзор кўчасидан ўтарди. Машинада кетарканман, чапга, маҳалла томонга назар ташладим. Ҳамма кундалиқ ташвиши билан банд, болалар мактабга, ёшлар ўқишига, кимдир бозорга, кимдир яна нимадир ишини битиргани кетиб борарди.

Шомга яқин уйга қайтдим. Себзорга етгач, маҳалламизга кираверишда тўпланган юк машиналарига, милиция автомобилларига кўзим тушди. Кўчада одамлар кўп, қатнов йўли чеккаларида бўғиқ тусли яшил кийимларида тартиб посбонлари туришарди. “Тинчликми?” ўйладим беихтиёр.

– Тўхтатинг, – дедим шофёрга. – Шу ерда тушиб қоламан.

– Юнусавадгача бораман девдийиз-ку! – ҳайрон бўлди киракаш киши.

– Йўқ, йўқ, тўхтатинг.

Лекин машинадан тушишга улгурмадим, ёнимизга тартиб посбонларидан бири югуриб келди.

– Шу маҳаллада турасизми, кеннайи? – сўради посбон соф Фарғона шевасида.

Ҳайрон бўлдим.

– Йўқ, – дедим. – Қариндошларимникига келаётувдим.

– Ундай бўлса, тўхтаманг, бу ёққа кириш мумкин эмас.

Шу пайт маҳалла ичкарасидан куюқ чанг кўтарилди.

– Нима бу? – сўрадим мен.

Посбон шофёрга кетишга ишора қилди-да, эшикни ёпди. Машина ўрнидан кўзгалди.

– Шошманг, – кичкирдим мен. – Мени тушириб кетаверинг.

Киракаш газни босаркан:

– Маниям уйимда бола-чақам бор, – деди. – Була минам ҳазиллашиб бўмийди.

Ҳозир сиззи буйруғиззи бажарсам, мани правамни опкўяди. Кейин ман нима қиламан? Телепон қилиб билволарсиз нима гаплигини.

Дарвоке, қўнғироқ қилиш мумкин-ку! Тоғамнинг рақамини тердим, жавоб бўлмади, кетма-кет иккала кеннойимга, тоғамнинг қизи Назирага қўнғироқ қилдим, ҳеч ким телефонни олмади.

– Себзорда нимадир бўляпти, – дедим уйга келган заҳоти синглимга. – Маҳаллани милиция ўраб олибди. Хабар олий десам, мумкинмас деб таксидан туширмади. Ҳеч ким телефонни кўтармади.

– Вай, телеграм группалага расмла ташаб, тарқатишди-ю, сиз билмийсизми? – билағонлик қилди синглим. – Себзорни бузишваткан экан. Ман холамга биласми, деб телефон қилувдим, холам акамми кўчи бизаникига келади, дедила, ҳозир кенайимгила нарсаларини йиғишваткан экан. Ишонмасейиз Ўрийзорга телефон қилин.

– Тўлаган акамми кўчларига жой тайёрлаватти, – деди холам. – Акамгила “дом” бергунча арендада туришаркан, ҳокимият тўлашга пул бераркан.

– Мунча шошилинч? – ҳайрон бўлдим мен.

– Э, ўзи қирқ йилдан бери ана бузилади, мана бузилади бўп ётувди-ю, бузилватти-де энди, – менга холамнинг жаҳли чиққандай туюлди. – Ишқилиб, ўрнига туззуро жой берсин-де! Одам ховотир бўватти...

...Индини – душанба куни ишга кетаётганимда машина ойнасидан қараб, маҳалламиз ўрнини текислаб юборишганини кўрдим.

Орадан ўн беш кунлар ўтиб тоғамни кўргани Юнусободдаги янги қурилган Мегополис турар-жой мажмуасига бордим. Мажмуага кирадиган жойда одам бўйидан баланд панжарали дарвоза ўрнатилган бўлиб, уй атрофи девор билан ўраб олинган эди. Дарвоза ёнида “Аква” алюмин профилидан тикланган қоровулхона. Қоровул – ёши олтмишларга борган қоп-қора киши: “Киришга рухсат йў, телпон қилин, уй эгаси чиқиб, сиззи опкириб кетсин”, деди кескин.

Турар-жойларда бунақанги тартибни, ўзимга нисбатан бундай муомалани кўрмаганим учун хайрон бўлиб қолдим. Бу каби кишиларга гап уқтириш бефойда эканини билардим, эътироз билдирмадим, қўлимдаги телефондан Насиба кеннойимнинг рақамларини топиб тердим.

– Вай, бизани кўргани келдинми? – кеннойим севиниб кетди. – Ҳозир чиқаман.

Кўп ўтмай, ҳовлида шошилиб келаётган кеннойим кўринди.

– Хапа бўма, – деди узр сўрагандек. – Бемалол кириб келишга ўрганган одамга мунақа тартиб ғалати кўринаркан. Ман ҳеч кўникомиётибман.

Кеннойим уйнинг йўлагидаги эшикни очиш учун рақамли кодни терди. Зиналардан иккинчи қаватга чиқдик. Узун йўлакда қатор кетган эшиклар, битта йўлакда тўртга-бештадан хонадон жойлашган.

Тоғам бутун уй ичи билан бирга мени йўлакда кутиб олди. Тоғаваччам менга янги уйни кўрсатиб чиқди. Ошхона, ваннахона ва ҳожатхонаси кенг, лекин йўлак ва хоналари тор, очиқ айвончаси кичкинагина...

Кеннойим кулди:

– Тоза ҳоводан напас олиш-чун шу ёққа чиқамиз. Тоғен сигаретларини ўша ёққа чиқиб чекиб келалла. Яхши-де... – тоғамнинг қовоғи солинганини кўриб ўзини оқлагандек: – Тўғриси-де, – деб қўйди. – Бу балкон бошқа нимага ярийди?

Тоғам пешин намозини ўқигани кириб кетганда кеннойим, ниҳоят, ёрилди:

– Ҳовлимиз тор, уйимиз эски бўсаям яхшийди, кичкина бўсаям ҳаммом қурволувдик, келинла қийналмасин деб ошхонага сув иситадиган опкирувдик. Пакат шу... хонала етмасийди, тиқилишиб қолувдик, муниси рост. Энди ҳар нимаям тўкис бўвурмийди-ю... Ҳовлини хумориси тутватти-де... Юрегим сиқилиб кетади туриб-туриб... Ўша... Себзор бузилватган куни юрегим ёмон бўп қолди... Себзорга келин бўп тушганимга қирқ беш йил бўлди-де! Болларим ўшатта туғилди, тўйларим ўшатта бўлди, навараларим ўшатда туғилди, маҳалламиз яхшийди. Тўсатдан келиб бугун кўчасила, ҳозир кўчасила, ана мошинала, деса шайтонлаб қолий дедим. Вай, қаёққа кўчамиз, намунча бугун, икки-уч кун вохт берила, дейишди, йўқ деп турволишди-де! Шаҳарниям, туманниям ҳокими ўшатта, вай, галстук такқан бутун коттаконла ўшатта, милицияла ўшатта... Довдираб уйга бир кираман, бир чиқаман, нима қилишни билмийман... Бир пайт кўчага чиқиб қарасам, уйлани кўча бошидан бузиб кеватти! Шунақанги чанг кўтарилваттики, қиёмат қойимми дейсан. Бир томондан чангни босиш-чун пажарнийла сув сешиб турибди. Лекин босолмиёпти, чанг паға-паға кўтарилватти. Экскаватори бирпасда Зайнашпани уйига кеп қолди. Яна учта ҳовлидан кейин бизаники! Ичкари ҳовлига кириб, кўрганларимми гапираман десам, овсиним қирқ йилдан бери бузаман деб бузмаган, булани ҳаммаси кўрқитватти, шунча одамга бир кечада уй топиб берармишми, деб ўтирвоптила. Қарасала бўмийдиган, охири туриб нарсаларини йиғишга тушдила. Тоғен минам Зоир кўчларимиз ортилган мошинада холангникига – Ўрийзорга кетишди, соат кечаси ўн иккилага етиб боришибди, ўшатда қолишди, келинлани болалари минам оналариникига жўнатдим, Зафарга шу уйни калитини беришди, шўтга келиб ётди. Болам-ей! Полга шундоққина битта кўрпачани ташаб, ўшани устида ухлабди-я! Ман қизимникида ухладим, ёмон чарчабман. Ўзиям учта оилани кўчини йиғдик-де! Маники, иккала келинники... Томда навараларимми бешиклари, келаскалари борийди, алғов-далғовда эсдан чиқибди, картишка-пиёзларимиз, ун-ёғларимиз, ҳаммаси қоп кетибди. Қишга ёпган бонкаларим-чи!

Тоғаваччам кулиб юборди:

– Онагинам-ей! Бонкаларига ачинваттила, бутун бир маҳалла йў бўлди-ю, бонкала нима?

– Меҳнат-ку ўша бонкала! Келинла ёззи чилласида ёпишган-а! Олча, шотут, шоптоли мураббола... Кампўтла-чи, икрала-чи? Қишда болларин мураббо беринг дейди ҳали!

Тоғаваччам хўрсиниб жим қолди. Кейин:

– Тангани иккита томони бор-де! – деди. – Шу уйни бир квадрат метри етти минг доллар экан. Биза мунақа уйни ололмасдик. Майли-де! Баҳонада Зоир иккаламизга алоҳида, манга тўрт хона, унга тўрт хона уй берди, иккита хонада тикилишиб ўтирувдик.

– Зоирга ҳали уй теккани йў, – дея ўғлининг хатосини тўғрилаган бўлди кеннойим. – Каватирда ўтирибди. Унга кейин уй бераркан.

Келин эса янги кўчиб келган кунлари ҳақида ҳикоя қиларкан:

– Биринчи кун болларимми нарсаларини ташиб кирватсам, биттаси манга “Вот, беженцы старого города, понаехали!” дейди. Ўзбек бўп туриб шунақа деди! Ёмон жаҳлим чиқди. “Олдин ўзингни она тилингни ўрганвол, – дедим. – Ман сани ўтирган уйингга кириб келдимми? Маниям санга кўшни бўламан деп кўзим учиб тургани йўғийди”, дедим. Роса боладим, – деб қолди.

– Кўшни гапга тушундимиз? – ўз навбатида қолдим мен ҳам. – Она тилини билмаса!

– Э, – деб қўл силтади келин. – Мани нима ишим бор? Ичимдагини тўкиб қолдим, бўлди-де!

Шу куни Шарифа кеннойимни ҳам йўқладим. Тоғаваччам Мансурга ҳам Мегаполисининг нариги қанотидан, олтинчи қаватдан уй берган, кеннойим шу ерда, уларнинг оиласида ҳам кенжа ўғил ҳозирча ижарада яшаётган экан.

Шарифа кеннойим кенг-мўл штапель кўйлақда ошхонада, кичкина хонтахта ёнига ташланган кўрпачада оёқларини узатиб ўтирарди.

– Оёқларим ёмон оғрийди-де, – деди кеннойим хижолатомуз. – Столда ўтирсам оёғим шишиб кетади. Манга шу дуруст. Бир вохтла тик оёқда соатлаб туриб тандир-тандир сомса-патир ёпишларимми оқибати шу бўлди-де, нима дейсан энди? Тоғендан кейин боллани оёққа қўяман дедим, ўша пайт ёш эканман, билинмабди. Мана ҳозир...

“Янги уйлар муборак бўлсин”, деган тилагимга:

– Шукр, – дея жавоб қилди. – Берган уйи дуруст. Бир айланиб кўриб чиқ. Зафарга берган уйидан бошқача бу. Бино битта бўсаям, хонадонлани қурилиши ҳар хил экан.

Дарҳақиқат, иккала тоғаваччамга битта бинодан тўрт хонали уй берган бўлса-да, хоналарнинг ўлчами, жойлашишида катта фарқ бор эди. Уйнинг ҳамма хоналари узун, кенггина йўлакка чиқади, айвончаси ойнабанд, энсиз, лекин узун, хоналар нисбатан кенг, ошхонаси торроқ...

– Шу ёққа кеганимиз яхши бўлди, – деди кеннойим. – Ваннаси ёнгинамда, хоҳлаган пайтим тушиб-чиқаман. Тоғен раҳматли барибир бузиларкан деб ҳаммом қуришни хоҳламади-де, тоғендан кейин болла кўп бўганига ўғилларим ҳаммомдан кўра уй зарил деб ҳовлини тўрига уй қуришди, ҳаммомга жой етмади... Ичкари ҳовли ташқаридан кичкинароғийди-де...

– Ханик-чи? – кулдим мен.

– Э, ҳозирги ёшла ханикка кўнадими? – Шарифа кеннойим кўл силтади. – Ханикка, буржуйка печкага биза кўнганмиз. Ман баллондаги газ исроп бўмасин деб сомовар қайнатардим. Ҳозиргила бунга кўнмийди! Шароит қибар, дейди.

* * *

Якшанба куни эди. Кўл телефоним менга кўнғироқ қилишганини билдириб майин товуш чиқариб қўйди. Дисплейда нотаниш рақам кўринди. Ким экан бу?

– Садбарман, эсладийми? – деди кўнғироқ қилувчи. – Санобар аммани қизиман. Зўрға топдим нўмерингни. Бекиниб ўтирасанми, нима бало? Уйингга кетвомман. Кетиб кома, – буюрди у. – Ишим бор санда.

– Тинчликми? – хайрон бўлдим мен. Шунча пайтдан бери йўқламаган бу қариндошимга нечук керак бўлиб қолибман?

– Борсам, биласан.

– Уйимни тополасанми? – сўрадим охири. – Ҳеч келмагансан.

– Топаман. Шу нўмеримга локация ташаб қўй. Таксига керей бўлади.

Садбар гап тамом дегандек тугмани босиб қўйди. Балки мени эътироз билдириб улгурмасин дедими?

Садбар онамнинг амакиваччаси бўлмиш Санобар опанинг ёлғиз, эрка қизи эди. Биз Санобар опани “амма” деб чақирардик, аммамиз ҳаёт маҳали анча-мунча борди-келдимиз бўлган, кейин узоқлашиб кетгандик.

Санобар амманинг турмушда омади чопмай, шу ёлғиз қизи билан ота уйига қайтиб келган, болалик пайтимиз унинг катта ҳовли адоғидаги кичкина-кичкина иккита хонадан иборат уйчасига ҳам кирардик. Амманинг феъли тор эди, қайтиб келгач, келинлар билан чиқишолмай қолган, унга алоҳида уй олиб беришга имкони бўлмаганидан акалари ҳовлининг адоғидан шу уйчани тиклаб беришганди. Аммо бу ҳам баъзида келинларни қайинсингилнинг ўткир тилидан қутқара олмай қоларди. Уйдаги зиддиятларга эса кўпинча эрка Садбарнинг қилгиликлари сабаб бўларди.

Ажабки, Садбар ҳам қай бир жиҳатлари билан онасининг тақдирини тақрорлади: эрининг уйида уч ойгина яшади, холос. Ва ортиқ турмуш қилишни истамади. Эрка ўсганидан эътирозга, рад жавобга, айниқса, буйруққа чидолмас, аммо ўзи ҳаммага қаттиқ-қурум гапириб, буюриб кетаверар, тилига келганини қайтармасди. Шу боис қариндошлар у билан борди-келди қилишга оғриниб қолгандик.

...Эшикни очиб, юз-кўзига ҳаддан ортиқ бўёқ чаплаган, тўла гавдаси тор қийимларига қамалиб қолган аёлни кўрдим. Садбар шуми?

– Сан ёзувчисан-ку, а? Манга порталга чиройли қилиб шикоят ёзиб бер. Сандакала мунақа нарсалани ёзишга уста бўлади, – дея бирийўла мақсадга ўтиб қўя қолди у.

– Нима бўлди? – сўрадим мен.

– Манга уй бермиёпти.

– Ким?

Садбар менга худди овсарга қарагандек қаради.

– Ҳокимият бермиёпти, ким бўларди! Ёки сан мани яна биттаси минам уй талашватти деб ўйладийми? Ман довлатдан ўзимга положенний бўган ҳаққимми талаб қивомман.

Хайрон қараб турганимни кўриб Садбар “портлаб” кетди:

– Себзор бузилганини биласанми ўзи? Ё хабарин йўми? Манга бир хона уй бериши керей-ку! Бир пайтла онам уйсиз қийналган пайти додам “зора шўттан “дом” олса, ҳар нечук буям Усмон оқсоқолни навараси-ку”, деб, сани додангга илтимос қип Себзорга “домовой”га қўйдирганла. Эшитгансан-а?

– Тоғаларинг Қорасувдан “дўм” олиб беришди-ку, – дедим жавобан.

– Вай, тор-тор иккита хонали “дом”ни гапирвоссанми? Иккита коп-котта хотинга етадими шу? Шунинг-чун Себзордан ўчишимизга қўймаганман. Баҳром дода ўчиб кетийла демади-ю, ўзимиздан-ўзимиз нага ўчарканмиз, деганман. Себзор котта додамиззи ҳовлисими, ҳақкимиз бор-де!

– Садбар, – дедим бироздан кейин. – Аммам ўтиб кетди-я, икки хона уйга битта ўзинг сиғмай қолдингми?

Шу гапни айтиб бекор қилдимми, деб ўйладим, чунки Садбар боягидан баттарроқ асабийлашди.

– Вай, тоғаларим оберган уй қомаган, дунёдан хабарин борми ўзи? Сотворганман! Пулини камокда чириб кетгур ўша Аҳмадбойга берганман, қайтмади пулларим! Манга шу бир хона уй зарил, тоғаларимми уйида ўтиримман келинлага ёмон кўриниб!

Э, гап бу ёкда экан-да! Рўпарамдаги бу аёлга чиндан ачина бошладим. Бор-будини фирибгарга тутқизиб юборибди-я! Садбар анойилардан эмас эди-ку, нима бўлиб чув тушибди?

– Аҳволим оғирлигини инобатга олишингларни сўрайман, десак бўлар?

– Уй эгаси мани яшамийди деб ногўғри гапирган, ман Себзорда яшаганман, деб кўшиб қўй.

– Уй эгаси деганинг тоғамми?

– Энди бу отига ёзиладиган гап-де, қизиқмисан? Тоҳир ака ёнидан берармиди? Ҳокимият беради-ю!

– Сен аввал тоғамнинг олдидан ўтдингми? – сўрадим мен.

– Ўтганман! – баттар асабийлашди Садбар. – Маҳалла мани яшамийди деганмиш, ҳокимият маҳаллани гапи минам иш кўрганмиш. Сани тоғен ман маҳаллани ёлғончи қиломийман, деди. Ҳаммаёқни халта қилди-ю, сани тоғен! Бузилиб, йў бўп кетватган маҳалладан уялиб ўтирибди! Ўзини болаларига уй олди-де, ман учун ҳаракат кимади. Нима, ердан чиққан қўзикоринмидим ман?

Илиб келаётган дилим бирданига музлади. Ўша, болалигимда кўрган эрка, қилиқлари ёқимли қизча улғайганда мана шу тили қаттиқ, ёлғондан тоймайдиган, асабий хотинга айландими?

– Йўқ, – дедим қатъий. – Мендан хафа бўлма, Садбар, мен бунақа гапларни ёзмайман.

– Ёзувчи бўп туриб ёзмийсанми?

– Йўқ.

– Жа бўмийдиган экансану! – Садбар жаҳл билан ўрнидан турди. – Чўнтегийладан берасилами ўша уйни? Намунча? Бирйўла судга бервурсам бўларкан!

– Нима, кимни судга бермоқчисан? Уялмайсанми?

– Ҳаммани! Тоғениям, ҳокимияттям, маҳаллани раисиниям! Санлани уят, андишаларинг деб ман кўчада қоп кетаманми?

Садбарнинг ортидан эшикни ёпарканман, унинг биринчи қаватгача шовқин солиб тушаётганини эшитиб турдим.

Орадан ярим йил ўтди. Қариндошлар орасида хабар тарқалди: “Садбарга бир хонали “дўм” беришибди, шаҳар суди шунақа қарор чиқариб берибди...”

– Гувоҳликка мани чақиришди, – деди тоғам. – Бизани ҳовлида кимла яшаган, ҳовлини ким қурган, ҳаммасини сўрашди, Садбар Усмон оқсоқолни авлодими деб сўрашди, тўғри дедим, Усмон оқсоқолни эвараси бўлади.

Тоғам шом намозини ўқигани кириб кетгач, Насиба кеннойим:

– Садбарга уй беришганим яхши бўлди-де, бир тарафдан, – деди. – Тоғалаям эзилиб кетишди-де. Ану куни опоқимла роса ҳасрат қилдила. Садбар улани келинлари ўртасида гап чақиштириб, нуқул бир-бири мидам уриштираркан. Энди сал енгил нафас олишади.

2019 йилнинг кузи эди. Тоғамни қизимнинг тўйига таклиф қилгани бордик. Тоғам анча хурсанд кўринди. Иккала тоғамнинг кенжа ўғилларига “Соҳил бўйи” мажмуасидан уй беришибди.

– Уйни кўриб келдим. Туркла қурган экан. Ёқди, ёмонмас. Ордерни шаҳар ҳокимини ўзи берди, – деди тоғам. – Узр сўраб қўйди кейин. “Шошиб қолдик-де, хафа бўмийсила, мана, барибир қурилишни бошлолганимиз йў”, дейди. – Сал ўтгач, хўрсинди. – Ростданам қурилишни бошлашмади. Бузилганича ётибди...

Тоғам ҳали ҳам жума намозига Себзор мачитига бораркан. “Энди кўп ошна-оғайнила ўшатта қолди-де, – деярди у. – Ўрганган жойим. Имомимиз жа-а яхши кироат қилади”.

* * *

Янглишмасам, 1988 йил эди. “Тошкент: Эски шаҳар этюдлари” ҳужжатли фильмининг премьераси бўлди. Ўша пайтда ёшлар ўртасида машҳур бўлган тунги кўрсатув – “3-студия” дастурида фильмнинг яратилиш тарихи ҳақида ҳикоя қилиш асносида ундан бир нечта эпизодлар намойиш қилинди. Фильмга ўша пайтдаги талаб бўйича рус тилида ном берилган, яъни дастлаб “По тропе вниз” (“Пастга кетган сўқмоқ бўйлаб”) деб аталган, лекин бадий кенгаш бу номни ўта кескин деб топиб, ўзгартиришни талаб қилган эди. Ва шу сабаб у ўзининг рамзий номи ўрнига анчайин силлиқ сарлавҳага эга бўлди: “Тошкент: Эски шаҳар этюдлари”.

Бу фильмни ўша пайтда телевидение орқали бир-икки кўрсатишди-ю, қайта намойиш қилишмади. У ҳозир ҳам экранга чиқарилмайди, ҳолбуки, фильм шу кунгача долзарблигини йўқотмаган.

Фильмнинг дастлабки кадрларида қадим уй деворлари оралаб ўрмалаётган бульдозер кўринади. Эски уй бузилган, машина энди унинг қолдиқларини тозалаяпти. Бульдозер шошилмай, аста юради, унинг занжирли ғилдираклари тагида ташлаб кетилган турли буюмлар, рўзгор анжомлари эзилади, бир вақт ғилдираклар тагига бешик тушиб қолади. Бульдозер бир зумда уни ҳам янчиб ташлайди...

Фильмда сўз, изоҳ йўқ, фақат тасвир ва унинг ортидан янграётган куй, воқеаларнинг шовқини бор, холос. “Тошкент: Эски шаҳар этюдлари” шунчаки бузиб юборилаётган эски уйлар ҳақида эмас, эскининг ўрнига келаётган янгиликлар ҳақида ҳам эмас (ҳолбуки, фильмда эски бинолар ўрнини эгаллаётган янгиларига бевосита тасвирий ишоралар бор), балки Тошкентнинг миллий колорити қандай йўқолаётгани ҳақида. Шунинг учун ҳам фильмнинг дастлабки номи “По тропе вниз” (“Пастга кетган сўқмоқ бўйлаб”) деб аталган, менимча. Биз янгиликка, замон қадамига мослашишга уринганимиз сари оёғимиз ердан узилиб бормаяптими?

Ахир замонни ҳам одам яратмайдими?

Кўп асрлар давомида шаклланган Эски шаҳар жамият, ҳаёт тарзи, анъаналар ва қурилиш услубларига оид билимларни сақлаб келаётган ўзига хос резервуар ҳисобланади. Бу билимлар кўча ва майдонларнинг жойлашувида, ҳовлиларда, мачит, чойхона, ҳаммом, бозорларда, ҳатто қадим ариқ, кўприк ва новларда сақланган. Бу ерда шаҳар, маҳалла одам танасига тақлидан нафас олади, ўсади, яшайди. Ҳатто унинг биноларидаги сувоқлари, томлари, ғиштлари янгиланганда ҳам, улар анъанага содиқ қолган, бу эса уйлар, маҳаллалар ва ниҳоят, Эски шаҳарнинг асосий қиёфаси ва моҳияти сақланиб қолишига олиб келган.

Маданий хотира Эски шаҳардаги ҳаёт тарзи билан уйғунлашиб кетган. Бу ерда ҳовлилар, демакки, шу ҳовлиларда кечаётган ҳаёт ҳам йил фаслларига мос ҳолда ўзгариб боради. Бу ерда дарахтлар гуллаб, кунлар илиши билан сўриларни панадан олиб чиқишларини, унга шолча ва кўрпачалар тўшашларини, баҳор ёзга айлана бориши билан уй томлари, деворлар оша мевали дарахтлар, ток барглариининг яшилланиб бўй кўрсатишини, фақат Эски шаҳаргагина хос бўлган файзни кузатиш мумкин. Эски маҳаллаларни сақлаб қолиш бугунги ва келгуси авлодлар учун ҳам, шунингдек, бугун биз унутиб бораётган маънавий ва маданий ҳаёт унсурларини йўқотмаслик учун ҳам аҳамиятлидир.

Шу нуктаи назардан Себзордаги маҳалламиз ҳақида ҳам шу сўзларни айтиш мумкин.

* * *

...Ёз ниҳоясига етаётган бўлса-да, жазирама авжидан тушишни истамаган кунларнинг бири эди. Эссени ёзаётган пайтим. Баъзи саналарга ойдинлик киритиш учун тоғам ҳузурига бордим. Катта бобом, бувам, бувим ҳақида узоқ суҳбатлашдик. Гап айланиб, яна Себзорга бориб тақалди.

– Зоирим Себзордан “дўм” оламан, деватти, – деди кеннойим. – Ўшатта котта бўлди-де. Ҳалиям Себзордан кўнгил узолмийди...

– Сиз-чи? – сўрадим мен.

– Манми? – кеннойим ух тортди. – Ман Себзорга келин бўп тушганимда сомовар қўйишни билмаганман. Қийналганимми кўриб бувин майли, балўнли газда қайнатвурсин, деганла. Шунақа раҳмдил эдила. Ман овқат пиширишния тузуро билмаганман. Онамла шунгаям сабр қилдила-де! Жаҳли чиққан ўғилларини “босиб” турдила. Манам шундан ибрат олдим, келинларимга зуғум қиладим, шулаям бировни азиз боласи-де, келин бўлиш манга осон бўганми, дедим. Себзор шу тўғрида манга кўп нарсани ўргатди. Шунинг-чун ўшатта яшаган пайтларимни кўп эслийман.

Бу саволни Шарифа кеннойимга ҳам бердим:

– Себзор ман учун эсдаликлани кони, – деди у. – Бутун ёшлигим ўшатта ўтди-я! Йўқ, Себзорга қайтиб борсам, юрагим эзилиб оқишидан кўрқаман, болам. Шу... маҳаллани ҳаммасини битта “дўм”га кўчирса бўмасмиди, а? Узоқлашиб кетватти-де ҳамма! Ман ётиб қолдим, мана, бошқалани кўргани боромийман, соғинган одамларим мани кўргани келомийди, нима дейсан энди? Ҳамма ҳар ёққа сочилди-де. Олдингидеи маҳалла бу ёқда йўқ.

...Қайтишимда мени тоғам билан Насиба кеннойим биргалашиб кузатиб чиқишди.

– Эшитдингми, – деди кеннойим. – Садбар ҳокимият берган бир хона уйниям сотворибди.

– Э, нега энди? – ҳайрон бўлдим мен.

– Уйни пулини абарўт қилармиш-де, кейин бирйўла икки хонали “дўм” олармиш. Туркияга қатнаб олди-сотди қиладигонлага қўшилибди. Тоғалариникига борвопти яна. Бечаралани тагин ҳаловати йўқолибди-де.

– Бас қил энди, – хотинининг гапини кесди тоғам. – Бу дунёда турфа хил одам ҳар хил ният, ҳар хил мақсад, ҳар хил эҳтиёж минам яшийди. Себзор унияи бир корига ярабди-ю, майли-де! – Кейин менга ўтирилди. – Сани уйингни ёнидаги мачитни номи Кулолқўрғон-а? Жа чиройли ремўнт бўпти. Манга олдинам бир гапиришганийди, шу мачит яна очилди деб.

– Тўғри, – тасдиқладим мен. – Мачит шундоққина балқўнимдан кўриниб туради. Чиройли.

– Кеча “Уч қахрамон”га борувдим, аср номозини ўшатта ўқиб чикдим. Муаззини жа чиройли қироат минам азон чақираркан!

– Жума намозига ҳам шу ёққа борасизми энди?

Тоғам кулиб юборди.

– Э, болам-ей, азон ҳамма жойда чиройли эшитилади, – деди кейин. – Ман Маккада азон эшитганман. Ў, роса-а чиройли эди... Энди... Себзор бошқа-де! У жойни тупроғига котта додаларимни қадамлари теккан. Борсам, ўшандан қувват оламан, сан ёшсан ҳали, бунни тушунмийсан.

2021 йил, 10 август – 10 сентябрь
Тошкент

P.S.

Нақшинкор оғир дарвоза ғувиллаб очилди. Шифтига токи ишланган нимқоронғи йўлакка кирдим. Шу онда бошим устидан қалдирғоч учиб ўтди. Тепага қарадим. Шифтнинг бурчагида лойдан қурилган ярим думалоқ уя, ундан митти бошчаларини чиқарган полапонлар кўринди.

Ҳовли ёруғ, қуёш гўё бор нурини фақат шу ҳовли устига тўккан эди. Саҳн ўртасидаги кекса ўрик ғарқ пишган, лаҳза сайин ерга тўпиллатиб мева ташлайди. Рўпарадаги айвоннинг деразалари очиқ, у ерда кимлардир дастурхон тузаяпти. Ҳовлида қандайдир маросимга тараддуд кўриляётганга ўхшайди. Чап тарафдаги уй олдида терилган курсиларда оппоқ ятак кийган чоллар ўтиришибди. Ўнг қўлда, ичкари ҳовлига олиб кирадиган йўлакда эркалар ош сузилган лаганларни ташишга ҳозирланган мисол қаторлашиб туришади.

Ичкари ҳовлига кираман, чап тарафдаги айвон гавжум, у ердан аёлларнинг босиқ ғовур-ғувури эшитилади. Бундай ғовур-ғувур хотинлар бир-бирлари билан бараварига сўрашаётганларида пайдо бўлади. Шу пайт биров айвондан:

– Вай, ким қараб турибди? – деб сўрайди. – Ану турган ким? Рисолатми?

Айвон эшигида онам пайдо бўлади.

– Нага келдинг? – дея сўрайди у. – Болларинг туззуми?

Шу пайт деразадан бувим қарайди.

– Хей, санга нима бор бўтга? – дейди. – Уйингга борсанг-чи!

...Уйғониб кетдим. Тун яримдан оққан, уй ичи сокин, фақат нариги хонадан компьютер клавиатурасининг чиқиллаши эшитиларди. Эрим ишлаб ўтирибди, шекилли.

– Тинчликми? – сўради мени кўриб.

– Себзордаги ҳовлимиз тушимга кирибди... Ҳеч тинчий олмаяпман. Бориб келсаммикин?

– Қаёққа?

– Себзорга.

Эрим хўрсинди.

– У ерда нимани кўрасан? Уюм-уюм тупроқними? Маҳалланинг ўрнига бирон нарсa курган бўлса эканки, бориб кўрсанг.

– Ҳамма гап шунда-да, ҳеч нима қурмади. Шундай экан, бузишнинг нима кераги бор эди?

– Бас қил, – деди эрим қатъий. – Юрагингни сиқаверма. Балки Себзорнинг тушингга киргани яхшиликкадир.

...Тонг отди. Куз дарахт барглари тилла, олов тусларига бўяган. Қуёш гўё қиш ҳали-вери келмаслигини таъкидламоқчидек, чарақлаб турибди. Эрим йўлда тикилинчга қолмаслик учун тезроқ ишхонасига етиб олишга шошилди.

– Йўл-йўлакай сени ташлаб ўтаман, – деярди у моторни юргизаркан. – Ҳалироқ Зилолага қўнғироқ қилиб қўярсан. Тинчмикин?

Шу пайт худди эримнинг гапини эшитгандек телефоним дириллаб, дисплейда қизимнинг сурати кўринди. Юрагим шувиллаб кетди.

– Тузукмисан? – сўрадим ич-ичимдан қалтираб.

– Мани раддўмга опкелишди, – деди Зилола. – Дўхтирла бугун... бугун дейишватти... Келасизми?

Эримга қарадим. У, қўли рулда, менга саволомуз тикилиб турарди:

– Нима гап?

– Биз яна неваралик бўларканмиз, – жилмайдим мен. – Себзор бекорга тушимга кирмабди. Худога шукур, яхшиликка экан!

2021 йил, 17 ноябрь
Тошкент



Хурсанд АЛИ

Овчи

Ҳикоя



Абадий қорлар билан қопланган, кўҳна Тянь-Шаннинг икки тўнғичи – Чотқол ва Қурама тоғ тизмаларининг интиҳоси Қамчиқ довонида барҳам топади. Олис-олисларга чўзилган, бири шимол, бири эса жанубдан инсоният пайдо бўлмасдан йўлга чиққан бу икки тоғни булоқсувларига тўйинган шўх дарё ажратиб туради.

Ўтган аждодларимизнинг тили, динига қараб номи ўзгариб турган бу дарёни бугун Ангрен дарёси деб атаймиз. Бир қарасанг, ўзанига сиғмай ошиб-тошиб, атрофга туя мисоли кўпик сачратиб, олдидан чиққанни оқизиб, инжиқ кўкламнинг эҳтиросларини намоён этса, бир қарасанг, кузнинг тилларанг баргларини орқалаб, вазмин оқиб боради. Дарё қаъридаги балиқлар, осмон қорайиб, қалдираб сув бетини жала савалаганда онасойнинг авзойи бузилганини билади, шу заҳоти харсанглар тагига бекиниб, то шамол увиллаб, совуқ ёмғирни ҳайдамагунча, то қора булутлар орасидан офтобнинг заррин нурлари тушмагунча, атрофдан қушларнинг чуғур-чуғури эшитилмагунча, биқиниб тураверади.

Бир куни ошиб, бир кун тошиб, гулдираб оққани билан атрофини чаманзор, бўстонга айлантирган дарёнинг сахийпешалигидан халқимизда меҳридарё – деган ибора пайдо бўлган бўлса, ажабмас. Ўша дарёнинг Қамчикдан жануб томон қуюлувчи қисмининг кунгай томонларида, унча катта бўлмаган текисликлар – сой ва ирмоқ бўйларида қадимдан қурама элати яшаб келади. Йилнинг кўп даврида жаладан пайдо бўлган тошқин сувлари тоғнинг ер устидаги унумдор тупроғини узоқ-узоқларга оқизиб кетади. Улкан харсанглардан емирилиб тушган майда қиррали тош, кум ва тупроқ аралаш ер бу элатга деҳқончилик қилишга монелик қилади. Бундан ташқари, иссиқ кунлар кам бўлиб, кўклами ёзга, кузи қишга тўғри келса, помидор ҳосили ҳам тузламадан бошқа нарсага ярамайди-да.

Тоғлар бағрида жойлашган қишлоқлар унча катта бўлмай, йигирма-ўттиз хонадондан кўпам ошавермайди, бегонаси йўқ, кўпроқ бир уруғдан таркаган бўлиб, энг узоқ қариндошинг ким десанг, қишлоқ четидаги уйни кўрсатади.

Хурсанд АЛИ – 1971 йилда туғилган. Тошкент қишлоқ хўжалиги институти (ҳозирги ТошДАУ) тамомлаган. Мазкур ҳикоя муаллифнинг илк матбуотда эълон қилинаётган асари.

Тамаддундан узилган, хоҳласа-хоҳламаса табиат мезонлари билан ҳисоблашишга мажбур бу элат бошларини кўтарса осмон билан тиллашган маъбуддай улкан тоғнинг инжиқликларига кўникиб кетган. Тўрт фасл ўз ўрнида. Фақат киш билан кўкламой хиёл кизганчикроқдай. Киш тўнғичман деб шошмагандан кейин кўкламой, ер депсиниб, чақмоқ чивигида осмонни уриб зардалаб, ёмғирга бўктириб ташласа. Шалоббо бўлган киш кўч-кўрони ирмоқ бўлиб, тошларни думалатиб ўкириб келаётган поезддай гумбурлаган сойлар сари қочади. Қани ўтириб олса-ю синглисини хархашасидан қулоқларини беркитса. Ана шу пайтларда саридалаликлар бесарамжон бўлиб қолади. Тошқин сувдан ариқлар бузилиб, чорвасини далага чиқаролмай хуноб. Янги ниш урган майсаларга оғзи теккан моллар, бултурги сарғайиб кетган пичанига қарамай, шитирлаб ёғаётган ёмғир орасидан зўрға кўкариб турган тоққа қараб мўрагани-мўраган.

Чақиряпсанларми, мунча шовқин солмасанглар-а, кун очилса етарсан, ундан кўра олдингдаги хашакни маза қилиб есанг-чи. Яна қамовда бир кун турсанг шифтдаги урвоқниям тилинг билан илиб оласан. Чунки пичан тугаяпти. Ана шунақа. Э-э, сенларни – деб устидаги чанг-чўпларни қоққан эгаси нари кетади.

Тоғлиқлар тоғдан хафа бўлмайди, ўрганиб қолган. Экинини сел босса тозалайди, кўприкни бузса тузатади. Биз қурамиз, бузаверади, ҳар йили аҳвол шу – деб сойдан нолиганларини эшитмадим. Қайтаंगा бутун қолса, Октовни қори камми, қурғоқчилик бўладиёв – деб ташвишга тушганини кўп кўрганман. Худди кўприк эмас, сув сатҳини улчайдиган асбоб куриб қўйгандай. Соё кўпириб тошиб оқизиб кетса, кимдир боғидан кўприкка мос терак кесиб, кимдир пақирда ҳашароши ташиган. Кўприк бошидаги ўйинқароқ болалар – ҳамма шод, катта сайл. Йил – серҳосил бўлади. Тоғлиқлар шунақа, ҳамма нарсани ўзича қабул қилади.

Тонг отиши – заминдан зулматни аста ечиб олаётгандай. Ортидан байрамона сарик, алвон рангларга бурканган боғлар чирой очиб борар, гўё кимдир куз фаслини илоҳий бўёқларда чизаётгандай. Кейин эса сирли мусаввир суратга жон киргизгандай, уйларнинг мўриларида тутун чиқа бошлади. Сўкмоқ йўлларда нималарнидир қораси кўринди, хўрозларнинг кетма-кет кичкириғи, итларнинг ҳуриши уйғунлашиб кетди. Қишлоқ уйқудан туряпти. Бу ҳол кузнинг ҳар тонгида такрорланади. Шу – Ўрхон мерганнинг қишлоғи, одамлар Саридала деб атайди.

Кунлар совиб кетган, куз тугаган, алақачон навбати келган киш, пўписа билан эшикни чертиб эмас, зулфини узиб юборадигандай дўқиллатиб турибди. Овулнинг чеккароғида мўрисидан эриниб тутун чиқиб турган мўъжазгина кулба. Ёнида устига пичан босиб қўйилган молхона, тандирнинг оғзидай туйнугидан моллар танасидан таралаётган иссиқ ҳаво билинар-билинемас буғ бўлиб кўтарилиб туради. Молхона олдида борсанг ичкаридан пишиллаш, кавш қайтараётгандек товуш ва емиш қизганиб шох солганда қочиб қолган молларнинг дукур-дукури эшитилади. Ўрхон қария энди молларга кечки емишни берганми, йўкса мунча шовқин бўлмасди. Моллар сақлангани учун молхона деймиз. Лекин баъзи қишлоқ молхоналари омборхонага ҳам ўхшаб кетади. Деворларида қатор чалғилар, кетмон, белкурак илиб қўйилган бўлса, бўғотларида қайроқдан тортиб ўроққача териб, бир ёғида тезак, ёнида ўтин тахлаб қўйилган. Олдида эса тўнка устида болта санчилиб турар, атрофи пайраҳаларга тўлиб кетган. Кучук жонивор ҳам тезак тагидаги чоғроқ жойдан ўзига уя қилиб, олд панжаларига бошини қўйиб, қария кириб кетган уйга кўз тикканча, молхонадан чиқаётган шовқинга қулоқ солиб ётарди. Ўрхон қария иссиқ уйда милтиқ ўқлаш билан оввора. Эртага овга чиқади, Октов чорлаяпти.

Чўққиларни ярмигача қор босган, маҳобатли кўҳна Октовни қария яхши кўради. Мерган бўлибдики, неча-неча жонзот, ўлжа ва мевалари билан сийламадими, камдан-кам қуруқ қайтарган. Ҳатто тушларида ҳам болалигида ўйнаб юрган тоғ этакларини қайта-қайта кўради. Юзларини ажин босиб, эҳтиёж бўлмагани учун ҳафтада бир оладиган сийрак соқол мўйлови оқариб кетган қария, кийик кўзларини қаттиқ қисганча, хира лампочка ёруғида, қадоқ босган қўллари билан гилзаларга порох соларди. Қайсидир ўғли тортиқ қилган эски жемперини униқиб кетган кўйлак устидан кийиб олган. Чўққалаб, оёқларига ўтириб олганча, газета қийқимларини махсус таёкча билан гильза ичига қаттиқ жойлар, ҳар босганда жемперининг чўзилиб кетган енглари эчкининг соқолидай ликилларди. Ўлчовни тўғри олиш керак. Бўлмаса, отилган ўқ нишондан ошиб ёки пастлаб кетиб, панд бериб кўяди. Октов ландовурларни ёқтирмайди, кекса Ўрхон буни яхши билади. Шунинг учун иш бошидан пухта бўлгани маъкул. Жун титиб ўтирган момо гапиргиси келиб кетарди-ю, лекин қариянинг феълини билгани учун, жимгина кўз қирини ташлаб-ташлаб кўярди.

Уйда эса сокин жимжитлик. Ёриқларидан ерда олов шуълаланиб турган темир печка устидаги кумғоннинг чизиллаши-ю, эски газеталарни буклаётгандаги шитирлашигина сукунатни бузади. Момонинг аччиғи чиқади, қариганда нима бор ахир. Билдирмагани билан, чоли кетди дегунча, ҳовлига чиқиб, букчайганча ажин босган пешонасига кўлини кўйиб тоққа ўрлаб кетган сўқмоққа кўз тикади. Ҳаялласа ўтиргани жой тополмайди. “Эй... эски томнинг қари устуни, бало борми сенга Октовда, қатнаб-қатнаб қаридинг, аҳволингни қара”, деб ҳалигина дон сепган бўлса ҳам товукхонага киради. “Сен чол мени ҳам тамом қилдинг”, деб неча бор шувраниб, қайтиб келади.

Қария ўқларни патронтошга жойлаб, милтиғини яхшилаб темир мой билан артиб чикди. Бурчакда – устига кўрпачалар тахлаб кўйилган қачонлардир тўйи бўлганда келган момонинг сепидаги сандиқ ёнига секингина кўйди. Оёқлари остида газетага ўралган ғишт устига кўйилган нақшлари ялтироқ чиройли сандиқ ичида қачонлардир озгина жамғармалари ва тўй-тумалоққа янги, озода кийимбош турарди. Энди эса жигаранг тусга кирган ғишт бўлақлари устидаги сандиқ ичига тадорли момо у дунёнинг кийимини кўшиб кўйгани аниқ. Эртанги кун тадоригини битирган қария хотиржам тортиб: “Кампир, овқатингни олиб келавер”, деб кўйди.

Қоронғида йўлга чикди, тонггача ҳали бор. Куёш юз кўрсатгунча арчакапагача чиқиб олади. Шу жойдан туриб тепадан қишлоқ яхши кўринади. Бу жойни арчакапа деганча бор, катта арча шохлари ўта куюк бўлиб, куни билан ёмғир ёғса ҳам ерга томчи тушмайди. Одамлар тагидаги шохларини кесиб бўй баробар очиб қўйган, катталиги айвондай. Кўҳна бу арчанинг ёшини ҳеч ким билмайди. Ўрхоннинг тили билан айтганда, бундан анча илгари, кеч куз пайти боваси билан тузоқда каклик овлагани чикқанди. Сал ўтмай қор учкунлаб, қаттиқ шамол эсди. Қиёмат кўпди-ю, сариқ водийлар қор тагида қолди. Шунда боваси билан довул ўтгунча қуп-қуруқ арчакапа тагида чой қайнатиб ўтирган. Бова ёшлигида жўралари билан мол бокиб, шу капанинг тагида ўйнаганини айтиб берганди. Бугун эса ўзи бова бўлди.

Арчакапанинг ёшини сўраганларга бовамни болалигидаям шундай экан, деб жавоб берарди. Тун узлатга чекиниб, тонгга йўл берадиган бир пайтда қўққис тим қоронғи бўлади-ю, секин ёриша бошлайди. Бу вақтда қария қишлоқдан чиқиб тоққа ўрлаб борарди. Оёқларида анча уриниб қолган резинка этик, устида эса фуфайка кийиб олган бўлса-да, барибир сойдан чиқаётган совуқ шамол бўйнидан кириб

жунжиктирарди. Бу ҳол ўткинчи, юраверса қизиб кетади. Ўрхон буни яхши билади. Бир ўзи илонизи сўқмоқ йўлда, ҳаёл суриб борар, бир-бир ён-верини пайпаслаб қўярди. Бу овчиларнинг одати – кийим устидан ёнбошдаги пичок, ёнидаги елим халта парчасига ўралган гугурт қутисини сиқиб ёки босиб кўриб, текширади. Ахир уларсиз чўққиларини қор босиб, изғиринли булут маскан қилган улкан тоғда жон сақлаб бўладими?

Қария шошмай, секин юрарди. Шундай қилса, узоққа боради, тез чарчаб қолмайди. Елкасидаги милтиқ салмоғидан орқасига дам-бадам осилиб кетар, совукдан қорайган, нам босган қўллари билан олдига тортиб қўярди. Милтиғи унга қадрдон ахир, очарчиликда боқмадими, шохлари бир қулоч, бошини кўтарса қуймичига тегадиган кийикларни бош эгдириб берди-ку! Мана, ҳозир елкасида жимгина кетяпти. Лекин овга киришса, Ўрхон билан бир жон, бир тан бўлиб кетади. Юраги гупиллаб урса, уники ҳам ургандай, сокин бўлса сокиндай, тепкини босганда варанглаб, сойларни қалдиратиб қандайдир ёввойи ҳузур бағишлайди. Ўзи ёлғиз ҳаёл суриб, борган сари тиклашиб бораётган сўқмоқ йўлдан бир умр қатнади. Озмунча кийик отдими? Кечки пайт Октовнинг сойларида гулхан ёқиб, четан чивигига терилган кийик жигарини пишириб, орқасидан аччиқ-аччиқ чой ичиш қандай мароқли. Лекин бу ўз-ўзидан бўлмайди-да. Сахар қаровга чиқиб, бутун дараларни, ҳеч нарсани кўздан қочирмасдан кузатиш керак бўлади. Узоқда қояларда гугуртнинг учидай қорамтир шубҳали нарсани кўриб қолсанг кузатаверасан-кузатаверасан. Ахир тирик жон бўлса, қимирлаб қолар ёки жойи ўзгариб қолади. Атрофини диққат билан қарайсан, одатда кийиклар тўда бўлиб юради. Баъзан ўйинқароқ улоқчалар сакраб-сакраб ўйноқлаётганига кўзинг тушиб қолади. Топдим сени дейсан шивирлаб, юрагинг бир шигъ этади. О, бешта кийик, тўрта улоғи. Ана така, катталигини-чи, семирганидан қарайиб кетибди, ўзиям. Ҳаяжондан тез-тез нафас оласан, нафасингнинг илиқ ифори дурбин ойнасини буғлантиради. Шошиб кўзингдан олиб, енгинг билан артиб, қайта қарайсан. Ўтлар орасида писиб ётган қашқирдай ов режасини туза бошлайсан. Тоғ ортидан кун чиқиб, оч қизғиш заррин нурлари доvonлардан сайхонларга силжиб боради. Кун исиган сари чўчкапашша ғужғон ўйнаб, кийикларни бесаранжом қилади. Энди кийиклар думларини ликиллашиб, салқин шабада қояларни излаб қолади. Кузатаверасан, анави қояга бориб ётсинда, кириб бориш осон бўларди, хидни шамол олмасди дейсан. Кузатишда давом этасан. Қоялар тагига бориб, кийиклар атрофни синчиклаб қараб, бирин-кетин ётишади. Она кийик сал наридаги зовга чиқиб, дам олиш навбати келгунча пастликни, сўқмоқ йўлларни кузатади, қулоқларини динг қилиб бузоқларни эшитади. Хавфни сезса борми, фиш-ув деб хуштак чалади-ю, ғойиб бўлишади. Шундан жуда эҳтиёткор бўлиш керак. Улар қутмаган, тескари томондан боришни режалаштирасан. Йиртқич нигоҳингни узмай, қайси қоя, қайси сўқмоқдан ўтишини чамалайсан, мушукдай сассиз ўрмалайсан. Катта тошларни буркаб турган бута орасидан милтиқ милларини ўлжангга тўғирлаб, мўлжалга оласан. Милтиқ, тананг, руҳинг ва ҳисларинг бир бутунга айланганда қаттиқ гумбурлаш эшитилади. Ўлжанг олдин юқорига сапчиб, думалаб кетганда овчининг руҳ ва ҳислари портлайди. Бундай юксак ёввойи эҳтиросни ибтидодан қон суриб келаётган ёввойи лаззатни фақат мерган туяди. Аслида Ўрхон ғўштдан кўра, шу дақиқаларга, шу портлашга муҳтож. Қария шошмай секин юрарди, ҳаёл ўлгур бир ўтмишга, бир келажакка чорлайди. “Агар ҳаёл бўлмаса одам нима қиларкин, тавба, ҳеч ҳам ўйлаб кўрмабман, жуда қизиқ-ку” деб, тагин орқасига осила бошлаган

милтигини тасмасидан тортиб қўйди.

– Арчакапага етиб олгач, бир дам олиб, улкан тоғнинг қўйнига кириб кетаман. Кейин кишлок кўринмайди. Арчакапа бекатга ўхшайди. Қишлоқдагилар шунга ўрганган, ўтган-кетганда, албатта қўниб ўтишади. Тепадан туриб кишлокни кузатиш жуда завқли, ахир катта сойнинг ичида кишлок бир уюм чумолининг инидай кўринади-да... Атрофида одамлар гимир-гимир этиб юрганини кўрасан.

Йўл четидаги эски жингилдан бирданига пар-пар этиб учган жуфт каклик, хаёлларини тўзғитиб юборди. “Ана холос, хаёл билан бўлиб, Арчакапага ҳам келиб қолибман”. Юқорига ўрлаган айланма сўқмоқнинг устида турган Арчакапа янада виқорли кўринарди. “У-у-в... Қадрдоним, турибсанми, биламан, кутяпсан, уйдан чиққанимда кўргансан. Сен бувамнинг дўсти эдинг, бувамнинг буvasи билан ҳам дўст бўлган бўлсанг керак. Энди эса менинг дўстимсан. Болалигимда шохларингга чиқиб ўйнардим. Сен билан гаплашиш хаёлимга ҳам келмасди. Энди эса қаридим, борган сари ўтмишни сен билан эслагим, гаплашгим келади. Сен эса ҳеч қачон гапирмагансан, гапирмасанг ҳам майли. Сенинг кўҳна сукунатинг кифоя, мен тушуниб олавераман. Лекин ҳозир вақтим йўқроқ, кўриб турганингдек, Оқтовга кетяпман. Манзилга эртароқ борай. Оқтов кеч юрганни ёқтирмайди. Яхшиси, сен менга омад тила, овим бароридан келсин. Қайтишимда кийик гўштини орқалаб чарчаб келаман-да, “Уҳ, жонимей!” деб пойингга ёнбошлайман. Кейин аччиқ чой куйиб, сен билан мириқиб суҳбатлашаман. Эшак дейсанми? Ҳа эшакни минмадим. Қара, кеч куз. Оқтовнинг устини қор қоплаган. Яйловдаги чорванинг ҳам кетганига анча бўлди. Ҳаммаёқ хувиллаб, емиш излаб бўрилар изғиб юрибди. Эшагимни ёнимда олиб юролмайман-ку. Қор бошланган жойга ташлаб кетишимга тўғри келади. Ов бўлгунча бир кун ўтадим, икки кун ўтадим, сувдан қолади, очдан ўлади. Қолаверса, бир ёқда бўри... Биласан-ку, эшак жуда содда бўлади, ой тўлиб Оқтовнинг қирралари кумуш бўлиб товланган маҳал бўрилар ойга қараб негадир ув тортади. Бечора жонивор кўрққанидан қайта-қайта ханграб юборади-ю, ажалини чақириб қўйганини билмайди. Бу пайтда мен ёнида бўлмайман, кичкина гулхан ёқиб, шуълаларининг акси ўйнаб турган зовга тиқилганча, кафтларимни ишқалаб яна оловга тутиб, исиниб ўтирган бўламан”.

Бу жойларнинг ҳар қаричи таниш бўлган, бир қояларни, бир дараларни айланиб, бир булоқ кўзларида бироз тин олган сўқмоқ йўл охири Оқтовга етганда булут мисоли тарқаб кетади. Энди атрофинг қоя, хушингни учиргувчи зовлар, овозларга садо бергувчи тошлар. Оёқ остида эса катта-кичик қиррали, ўткир тошлар из қолишини ёқтирмайди, дайди шамол увиллаб, ёт исларни сигдирмайди. Қария манзилга етиб келганида ҳавонинг авзойи бузилиб, кун ҳам кечга ён босганди. Қаровга чиқиб атрофдан ўлжасини изласа бўларди-ю, гоҳ қуюклашиб, гоҳ сийраклашиб зовлар орасида оқаётган кўкимтир туман йўл бермайди-да.

Юришдан тўхтаганида тери қотган, атрофдан эсаётган совуқ шамол баданини жунжиктира бошлади. “Ҳозир ётоққа кираман-да, олов ёқиб исинаман”, деб эртанги кунини ҳам режалаштиради. Овчилар тилида унгурларни ётоқ, камар деб атайди. Ковакларида сичқон тегмайдиган қилиб салафанга ўралган гугурт, туз ва керакли нарсаларни топсанг, камар четида озгина куруқ ўтин, бу четида увадаси чиқиб кетган чопон, фуфайкалар бўлади. Шифтида эса халталарга ўралган қотган нон бўлаклари, бир ҳовуч макоронми, гуручми, албатта туради. Бу ерга фақат овчиларгина келади. Тўнкариқ қозондан, атрофдаги буюмлардан, аввал келган овчининг кимлигини-ю, ўтган кунини башорат қилиш мумкин.

Овчиларнинг ҳам ови, ҳам дови келган кун, қуриган ўтлар тўшалган, нокулай, атроф зах ва чирс-чирс этиб девор билан тиллашаётган гулхан шуъласида кечадиган окшомлар лофдан белбоғ, эхтиросдан узук тақиб кетади-да. Ўлжаси ориқ бўлса ҳам шундай йирик, шунақангги семизки, жунлари қорайиб кетган деса, қулочларини ёзиб, шохи бундан мўлроқ эди деяверади. Шериклари қайтармайди, телпагига ёнбошлаб, мазза қилиб тинглайди. Ора-сира қийқириб, қарсак чалиб қўяди. Овчи зоти шунақа, гурунгида пуфак бор, тинглашни ҳам, эшитишни ҳам билади. Тош қулбанинг кечасида ғийбат йўқ, ташвиш йўқ.

Қария ичи қоронғи бўлган камар оғзига келиб, кўзи ўргангунча туриб қолди. Бир кўз югуртириб, белгилардан анчадан буён ҳеч ким тунамаганлигини билиб олди. Бир четда ёнбошлаб ётган баклашкалардаги сув ҳам сарғайиб кетибди, ичиб бўлмас, ични оғрик қилади. Юз қадам наридаги қора қўк-чўтир тошлар орасидан сизиб оқадиган булоқ сувидан лойқалатмай товоқчада секин-секин ботириб олиш учун овчилар кичкина ҳовузча ясаб қўйибди. Бу миттигина ялқов булоқни ҳамма билади. Парранда-ю даррандадан тортиб, куртдан қумурскагача. Косанинг оғзидай омонот ҳовуз ҳар куни гавжум. Айниқса тоғ чумчуғи боғлайди, тумшуғида сув кўтариб, ғар-ғара қилиб, қанотларини ёйиб, чайиб, қолганлари сабрсизлик билан дикир-дикир этиб, навбат пойлаб, чуғурашиб, кўрсанг, буям бир бозорча-да. Шу пайтда бирон-бир суғурми, тулкими чўллаб келиб қолмаса, кечгача давом этади. Одам келмаганига анча бўлибдими, демак, аниқ ҳовуз йўқ деб ўйлади қария. Энди қўли билан қовлаб ҳовуз ясайди, тинишини кутади, кейин термоснинг қопқоғидан бўлган чўмичда идишини тўлдиради. Ўзи ўйлашга ҳам арзимамайди, панжангни бир тортсанг ҳовузда, сал тиниши қийин, сувнинг тўлиши қийин. Анча пайт пойлайсан.

Ўрхон камарнинг этагига кўз югуртирди, тахланган бир ҳовуч ўтин кўпи билан битта чой қайнатишга етади. Қария ўзи учун пишир-мишир қилмайди-ку, ови бўлса йўли бошқа... Кампири бериб юборган талқонни қайнаган сувга аралаштириб еб олади, жуда тўқ тутади. Лекин, албатта памил чойдан ичади. Қопчиғини четга қўйиб патронтошидан иккита ўқни милтиғига жойлади-да, елкасига осиб олди. Сўнг айниган сувларни ҳам тўкмасдан уч идишни бир ипга бойланган тугунидан тутганча, булоқ бошига судраб кетди.

Аллақачон қоронғи тушиб, оғир қўқимтир қора тортган булут чўққиларни забт этолмай, атрофини қуюқ бўлиб қамраб олган, атрофда қандайдир сокин сукунат ҳукм суларди. Фақат зовнинг биқинидаги камардан хира ёруғлик чиқиб турар, ичида қария ва гулхангина ҳаракатда эди. Камар деворларида гулхан шуъласидан тушган ваҳимали қора қўланка таёқча йўнар, юзига олиб келиб кузатар ва яна йўнишни давом этарди. Қўланка Ўрхондан анча катта эди, унинг ҳаракатларини ажойиб тарзда қайтарарди. Ўрхон унга эътибор бермас, камарнинг четида қолиб кетган ҳассанинг ғадир-будурини берилиб тарашларди. Гулхан ёруғи тутаган жойда совуқ нам туман, олди оёқларига бошини қўйиб олган овчи итдай мўралаб турар, қани гулхан ўчиб қолса-ю, бу менинг камарим деб бостириб кирса. Қанча кутса сабри етади-ю, аммо қария ҳам анойимас, ҳар замон гулхан устига тараша ташлаб қўяди. Эрталаб чўққилар қумушдай ялтираб турганди, нима жин урди, кечга туман босди-я. Нима бало, Октовнинг инжиқлиги тутиб кетдими, деб ўйларди қария. Агар эртага ҳам шундай бўлса овга йўл бермайди. Асли кеч қуз шунақа. Майли, нима бўлгандаям қайғуришга ҳожат йўқ. Ахир така тўқсон кирди-ку, хирсдай-хирсдай такалар бу ойда жуфтини излаб, кеча-кундуз изғийди. Билган овчи кийик кетидан қувмайди, кийик сўқмоққа ўтириб олса бас, шохлари бир қулоч, семизлигидан

жунлари қорайиб кетган такалар бир жойда тек қотиб, бироз юриб, узоқ-узоқларга тикилиб, яна йўлини давом эттирганча тошларни шақир-шуқур қилиб, қаердандир келиб қолади.

Ўрхон яхши эслайди, боваси оғзидан бол томиб, така тўқсон кийиклари гўштининг мазасини мақтаганда, така тўқсон нима ўзи, деб сўраганди. Ўрхон таёғини ёнига қўйди-да, косовни олди. Ёниб ўртаси жимир-жимир этиб товланаётган чўғ гирдидаги ҳали қуйиб битмаган калта-култа қолдиқларини ўртага тортиб, устига яна ўтин ташлаб қўйди.

Ўшанда буваси сўровдан соқолини тутамлаганча гапни нимадан бошлашни ўйлаб, бироз жим қолганди. “Мен, – ажин босган юзларига бетоқатлик билан тикилиб турганимни кўриб, кулимсираб, сенам нақдингни олмагунингча қўймайсан-да”, деб қўйганди. “Нима десам экан, ёш бошингга тушунармикансан, ҳай майли, – деб сўз бошлаганди. – Агар билсанг, ҳудди сенга ўхшаб, улоқчалар улғайиб, энасининг тилига унчаям рўйхуш бермай, ўзини ўзича ақлли деб ҳисоблайдиган даврини биз овчилар нарак деймиз. Бу пайтда ука-сингилларига кўпам қўшилмайдиган, ўзига бино қўйган ва тез-тез ташлаб кетадиган одат чиқариб олади. Вақт ўтиб ирмоқлари қор сувидан, чўққилари булут билан тиллашган Оқтовнинг ўтлоқлари томон кетиб, пода-пода бўлиб яшай бошлайди. Йиллар ўтиб жунлари қорайиб, йириклашиб кетган такалар орқа оёқларига туриб, бир-бирига бош солганда, қарсиллаб товуш чиқарадиган баҳайбат шох эгаларига айланади. Йилнинг чамаси ноябрь ойларида кийикларнинг жуфтлашув даври бошланади. Шунда Оқтовнинг пода бўлиб юрган махлуқотлари жунбушга келади, кўзлари қорайиб, авлод қолдириш илинжида дараларни, сойларни кезиб жуфтларини излаб қолади. Топишга-ку топадиям, энди эса яна бир синов, ўзига ўхшаб ҳар томондан келаётган такалар билан куч синашиши керак. Ана шунда эчкилар такалар орасида кечадиган даҳшатли, аёвсиз жангни кузатади, туёқлар дупурининг қаҳрини заминдан, қарсиллаган шохларнинг садосини қоялардан эшитади. Ҳаяжон билан ғолибни кутади. Ахир, қўзим, бу жанг оддий жангмас-да, тўда-тўда такалар орасидан соғлом, кучли ёлғиз кийиккагина мукофот бор. Олий мукофот – қадимий анъанани давом эттириш... Бу даврни “така тўқсон” дейишади”.

Кейин ўзим кўп нарсани билиб олдим. Жуфтлашув даври нозик бир хилқат, ибтидодан келаётган аждодлар занжирига янги бир халқа, келажак авлод олдидаги масъулият. Шундай қилиб масъулият, бурч ва эхтиросни бирлаштирган зулқаъда такалардан сергакликни талаб қилади. Ҳушёрликни йўқотган така ўзи билмай айёр овчи ё бўлмаса қоплоннинг олдида бориб қолар ва умри эса аянчли якун топарди. У ҳам майли, жони учун сергакликни йўқотар, лекин зурриёд учун йўқотмайди-да. Жуфтлашувдан тўрт ой кейин туғилажак улоқларга кўкламнинг очиқ ва илиқ кунларини мўлжаллаб, така тўқсон даврини ўн кун олдин, баъзан ўн кун кейин суради. Нима бу, оддий жонзот келажакни кўра олдими?.. Эсласам ҳар гал ҳайратга тушаман. Жонзотлар ва табиат орасида шунга ўхшаш ҳолатлар кўп. Улар менимча сўйлашадилар. Мен билмаган товушсиз ҳам ёзувсиз тил бор. Ўртасида бир бутунлик сезаман, кейин эса ношуд шогирддай ғайирлигим келиб кетади. Оқтов, сенга саволомуз қарайман, мен ҳамма жонзотингдан топқирман, эпчилман, қолаверса, онглиман, нега энди сенинг моҳиятинг – бир рух, бир жон оламингни кўролмайман-а?

Эй, Худойим, нималар деяпман ўзи, қариб эси айниган чолдан хафа бўлма, Оқтов. Қара, бикинингга кириб, гулхан ёкиб, сенинг неъматларинг паноҳида

ўтирибман-ку, валдирашимни қара? Яна қуруқ қайтгим йўқ, эртага овимни берармикансан, дейман. Одамзот шунақа-да, нималарни истамайди. Октов, ҳозир ташқари совуқ, камар ичидан шуъла ёруғида қоронғиликдан эриниб тушаётган қор учқунларини кўриб турибман, сенга суяниб, гулхан олдида ҳузур қилиб, бежавотир чой ичяпман. Хотиржамман. Агар билсанг, болалигимда бувамнинг олдида чиқиб олсам, чопонига ўраб олиб эркаларди. Шунда ўзимни шунақа бежавотир сезиб, чексиз меҳр туярдим. Нега эслаб қолдим билмадим, лекин сен билан бувам орасида уйғунлик бордай. Энди эса қаридим. Ҳа-я, айтганча қарилик нималигини сен билмасанг керагов? Вақт ўтиб ҳаёл ҳам қариб, чолдай инжиқ бўлиб қоларкан. Ўйламагин, бу яхшимас, бас қил, десанг кўнмаса. Елвизакдай бир у ёққа, бир бу ёққа қочади, тутолмайсан. Шундай десам тўғримикан, лекин бошқача айтолмайман-да”.

Кун бўзарганда олов ўчиб қолган, ичкарини нам совуқ қамраб олганди. Кеча узок йўл босиб чарчаган қарияни нотекис ва зах ер бели, болдирларини симиллатиб оғритарди. Устини бўйнигача ёпиб олган, камарнинг бисотидан бўлган титилиб кетган фуфайкани ёнига суриб, ёнбоши билан секин туриб ўтирди, кийшайиб қолган телпагини тўғирлаб олди. Тонг отиб қолганди, қўллари билан тиззаларини ишқалади. Энди ишга киришиш керак, бироз юриб қизиб олса, оғриклари қолиб кетади. “Бу биринчи марта эмас, деб ўйлади қария. – Э, бу ялқовликка мойил вужуднинг исёнида, муҳими бу эмас, ташқарида кун очикмикан. Камар оғзига ёпиб қўйилган салафаннинг четидан кўтариб қаради. Аҳвол чаток, ҳали кун унча ёришмагани учун ер бағирлаб сузаётган кўкимтир туман, баттар қорайиб, совуқ тус олганди. Қаровга чиқиб кийик пойлаш қаёқда энди, ахир ўн метрдан нарёғини кўролмайсан. Ҳа майли, олов ёқиб чойнинг пайида бўлаверай-чи, бир гап бўлар. Нима бўлгандаям така тўқсон-ку, буюргани чошиб келиб қолар”.

Чой ичди, кечга ўтин ғамлади. Чўнтагидаги тасмалар ўрнини ип эгаллаган, ойналари хиралашиб кетган соатига қараганида энди тўққиз бўлганди. Осилиб қолган тумандай соат ўлгур қотиб қолганми, вақт ўтмайди. “Нима бало, Октов, ухлаб қолдингми, мен келганда шундай қилмасанг бўларди. Лекин мен эски овчиман. Атроф туман бўлса-да, кийик сўқмоқларни кўзимни юмиб топиб оламан-ку. Қуруқ тентирагандан кўра сўқмоқ устига жойлашиб олайн-да, пойлаб ўтирай. Ол, қулим, деб қолса ҳеч гапмас”.

Қария кечгача ўтирди, беллари қотиб кетди. На қуш учди, на ҳайвон ўтди. Майли, ёлғон бўлмасин, шундоқ ёнида бир кўрсичқон куни билан ер қовлади, ўзи кўзи яхши кўрмайди, менимча, қуюқ туманда кечадан кундузни ажратолмай, инидан бошини чиқариб у ёққа бир, бу ёққа бир аланглаб кириб чиқиб турди. Оқ парданинг ортидаги зовлар томондан зағчаларнинг чуғиллаши-ю, тепадан тик-тик этиб юмалаган тошлар овозидан бўлак ҳеч вақо йўқ. Бекорчиликдан тушаётган тошнинг тошга урилишини санади, шунга қараб қанча баландликдан тушаётганини ҳисоблади. Вақт бир маромда ўтиб борарди, “Жин урсин, бошқа пайт бойлаб қўйса ўтирмайман, ўтиришимни қара-я. Ўтириб тургин, ҳозир келаман деб сув олгани кетган онанинг гўдагидай олазаракман. Наилож, жойимдан кўзғалолмайман, ахир така тўқсонда лоп этиб бир жойдан кийик югуриб келиб қолиши мумкин. Бунақаси кўп бўлган. Ажабмас, туман орасида тошларни шақир-шукур қилиб, рўпарамдан чиқиб қолса. Лекин зўр бўларди-да”, дея ҳаёлидан ўтказиб, милтигини енгига артиб қўйди. Бир жойда ўтиравериб совуқ ҳам ўтиб кетди, бели ҳам симиллаб оғриб турарди. Чўккалаб ўтириб ҳам кўрди, ёнбошлади, ёнбошласа тагидан совуқ нам баданини жунжиктирарди. “Кун очик бўлганда борми, аллақачон лорсиллаган бир

кийикни отиб олган бўлардим. Қопимни семиз гўштга тўлдириб, ҳозир арчакапага бориб қолган бўлардимов!”

Оппоқ туман борлиқни ўраб олган, чўққиларни гоҳ қояларни ютиб юборгандай бағрига олар, гоҳ тарк этарди. Ҳаммаёқ осуда, гўё олам мудрарди. Тўпиққача ёққан қор ҳорғин кезиб юрган қуюқ туманга сингиб кетган, еру осмон яхлит бўлиб, тикилиб турсанг кўзинг тиниб кетарди. Бундай пайтда овозлар тиниқ бўлиб кетади, узоқ-узоқдаги товушларни тинглай оласан. Қуюқ туманда учолмай чақир тошларга кўниб олиб, куннинг дастидан нолиётган тоғ зағчасининг чағ-чағи тошдан-тошга урилади.

Ҳали бу ерларга тонна-тонна қор ёғади. Сойлар, жилғалар атрофда қоялардан узилиб тушган бесўнақай улкан-улкан тошлар ҳам қорлар тагида қолиб, зовларнинг этаги қор текисликларга айланади. Оққа ўралиб чўққиларгина қорайиб бош кўтариб турган Оқтов устини булутлар макон қилиб, тарам-тарам соя солиб туради. Шамол ҳам ҳаловатини йўқотиб, сойлар, этакларда тиним билмай эсади. Бир-бирига кўшилиб, кучга тўлиб бўронга айланади. Арча дарахтларини йикитгудай эғади. Қояларга урилиб гоҳ тепага, гоҳ пастга қайтиб шўнғийди. Босар-тусарини билмай ҳовлиқиб кетиб, қору музларни қуюндай учириб олдига солиб ҳайдаб олган телба шамол, энди чўққиларни бўйсундиргиси келади. Кучига ҳаддан ташқари ишониб кетиб, менлигидан кўзи кўр бўрон бўкириб, гувиллаб чўққиларга ташланади, аммо қиличдай ўткир, осмонларга санчқи мағрур чўққилар бўроннинг бағрини чок-чокидан тилиб, ҳар томонга сочиб юборади. Кейин эса попуғи пасайиб шабадага айланган экин сойларга, дараларга эсади, ўрмонларни кезади. Ширин уйкудаги дарахтларни сийпалаб, чашмаларни эркалайди. Мен нодонни кечир деяётгандай.

Қария кунни кеч қилди. Тош камарига қайтди. Кун билан кўкимтир туман қўйнида намланиб қолган фуфайка ва бошидаги эски телпаги музлай бошлади. Энди кийим-боши эрталабкидай иссиқ, юмшоқ эмас, аксинча баданига муздек тегарди. Ҳозир олов ёқади. Фуфайкасини қуритиш учун камар деворларига ёйиб қўяди. Ўзи эса пайтаваларини икки қўли билан оловга тутганча, овининг йўлини тўсган туманни бўралаб сўқади. Кейин эса на илож, “Худонинг куниди”, деб ўзини овунтиради. Овчилар бундай ҳавони ёмон кўради. Шерик олиб келса бўлмасмиди. Ҳозир эса ўзи ёлғиз, ёрилиб кетай деяпти. Камарга келиб ўзи учун овқат қилгиси келмади. Чой қайнатиб, аччиқ қилиб ичди-да, оловнинг илиқ тафтидан мудраб қолди. Кўзини очганда гулхан ўчиб, чўғ қизариб милтиллаб турарди. Эриниб турди-да, чўғ устига бир-иккита ўтин ташлаб қўйди. Кеча қаттиқ зах ўтган эканми, тун билан у ёқдан, бу ёққа ағанаб, бели сирқираб чиқди. Уйқу ҳам бўлмади. Тонг отган, лекин ҳаво кечагидай. Ҳаммаёқ оппоқ туман. Нима қилсин, яна жойига бориб таваккал қилсинми? “Қайтсаммикан, ҳаво очиқ кунларида келаман”, деб бир ўйлади. Уйга борса кампирнинг кунни туғади. Қачон қарасанг олдини тўсади.

Назарида кампирининг “Сенга неча марта айтаман, қариганингда қўй тоғингни. Тенг-тўшингга ўхшаб элнинг тўй-тумолоғига бор, невараларингни атрофингга йиғиб ўтирмайсанми? Э, Ўрхон, очарчилик замонлар ўтиб кетди, Худога шукр, ҳамма нарсаси етарли, кийик овлашни қўйсанг-чи, жониворларам тинч юрсин”, деб жаврагандай бўлиб кетди.

Йўқ, кимсан Ўрхон мерган бўлса, қуруқ қайтиш ор бўларов. Ўзига-ўзи, “Тўхта, туман бўлса туман-да, ахир ёғин-сочинда кийикларни пана жойларини биламанку. Албатта, така бўлиши шартми, насиб этса нарак бўлар, Оқтовнинг сахийлиги тутса така бўлар. Нима бўпти, Қора бошнинг унғурига кийик сўқмоқ билан эҳтиёт

бўлиб бораман. Шамол тескари эсаётган бўлса бас, хид олмайди, қолганини кўйиб беравер”, – далда берди ўзига. Кечаги пойловга бормаيمان, деб қарорга келган қария ўчиб қолган кулни титкилаб ёқишга киришиб кетди. Чойни ичиб, қоринни яхшилаб тўйдириш керак, юришнинг ўзи бўлмайди. Узоқ юришга тўғри келади. Тамадди қилгач, шошилмасдан фуфайкаларини кийиб, белини каноп ип билан сиқиб бойлади. Гугурт, тузларини қайтадан кўздан кечирди, милтиғини артди, ўқларини ҳам бир-бир кўлдан ўтказди.

Йўлга тушди. Тонг отганига анча бўлган, фақат қанча ўтганини соат милларига қараб биласан. Атрофни бир хил оппоқ туман босган, сўқмоқнинг йўли ҳам бир оз ўтиб сингиб кетади. Назарингда олдинг ҳам орқанг ҳам бўшлиқ, қадам ташлаганингдагина оёғинг тагида сўқмоқ пайдо бўлаётгандай. Лекин барибир қайсар Ўрхон, Қора бошга йўл солди. Унча-мунча одамни адаштириб юборадиган туман қариянинг олдида ожиз. Ахир унинг умрини кўп қисми дараларда ўтмадими? Илк бор келганида сўқмоқларда шошиб оловдай сачраган йигит, энди эса қария, елкалари олдинга бироз энкайиб, ҳасса тутган кўлларини хол босган, шошмай қадам босади. Резина этигининг бир-икки жойи тикилган, устида шалвираб турган кийимлари ҳам Ўрхон билан бирга қарийётгандай.

Секин кетиб борарди. Тиқ этган товуш чикса ҳам тўхтаб қолар, бўшлиққа тикилганча таҳлил этарди. Жониворларнинг хид олишидан қайгурмаса ҳам бўлади. Қилт этган шамол йўқ. Атроф қуюқ туман гўё осилиб тургандай. Манзилгача узоқ юргандай туюлиб кетди. Энди қария ўта эҳтиёткор бўлиб қолди. Қадамни қор аралаш шағалга аста босар ва атрофга кулоқ соларди. Кун совуқ бўлмасин, терлади, ғаш кела бошлади. “Афсус, камарда қайнаган чойдан идишга қуйиб олмабман-да”, деб сўқмоқ айланиб ўтган улкан тошга суянганча атрофни эшита бошлади. Шу тошдан бироз ўтиб сўқмоқ иккига айрилади. Бири катта кенг дараларга, иккинчиси чўққилар томон элтади. Кўпроқ жониворлар шу атрофда ёғин-сочин пайтда ҳавонинг авзойига қараб танлайдилар. Улкан тошнинг ёнидан бошини чиқарганча бўшлиққа узоқ тикилди. Қария аслида эшитарди. Кулоғига бир нарса чалингандай бўлди, кейин совуқдан мулаган буталарнинг шохи сингандаги заиф товушларни илғай бошлади. Энди қария кўзини у ёқдан олиб, товуш чиққан томонга кулоғига кўлини қарнай қилиб тутганча тошга суяниб турди. Яна товуш чикди, тўхтаб-тўхтаб чиқарди. Чол эринмади, диққат билан эшитди. Ерда ўт йўқ, демак нимадир музлаган, бўтача киртиллатиб, бошини кўтарганча атрофга аланглаб, кулоқ солиб, хавф сезмагач яна энгашяпти. Қариянинг юзлари тундлашди. “Менга эшитилаётган товуш, менга яқинроқ, чамаси етмиш-саксон метр рўпарамда. Унинг атрофида кийик галаси бўлиши керак.

Одатда эркаги галанинг чеккароғида юради. Ўта эҳтиёткор, туёқларни бекорга секин кўтариб босмаяпти, туманда овознинг овозга чатнаб кетишини билади-да. Ҳа, менимча, бу кул така. Бу жойдан отиб бўлмайди, беш метр нари кўринмайди-ю, очик бўлганда гўрга эди”. Секин қуролини елкасидан сидириб олиб, тош тагига чўкалади. Атроф сутдай оппоқ. Нима қилиш керак? Овозни нишонга олсамикан, шундай деган билан овоз ўлгурам заиф-да, мўлжални хато беради. “Рости, олдин бундай қилмаганман, таваккал ҳам қилгим йўқ. Яхшиси, милтиқнинг милини овозга тўғрилаганча, кўзни узмай секин одимлаш керак. Яқин қолганда оппоқ туманда олдин кўкимтир кейин қорайиб шакл-шамойил намоён бўла бошлаганда отган маъкул. Фақат мен кийикдан олдин уни кўришим керак. Менда бир мартагина отиш имкони бўлади. Чунки ўқ жарангламасдан илгари қуролнинг "чик" деган

товушининг ўзида бу зийрак жониворлар тумтарақай туман ичига ғойиб бўлиб кетади. Орқасидан узоқ-узоқ сакраганда туёқлар тагидан отилган қум-шағалнинг шарақ-шуруқини эшитасан. Кейин эса яна ҳеч нарса бўлмагандай сукунат ҳукм сура бошлайди.

Йуқ, бундай бўлиши мумкинмас, мен албатта отаман, менинг кўзларим ҳали панд берганмас”. Намланиб қолган киприк, қошларини қабариб кетган совуқ қўллари билан сидирди. Ўйлашга вақт йўқ. Милтиғини отишга шай ҳолда елкасига тираб, озгина букчайганча, милтиқнинг милини овоз томонга тўғрилади. Энди нураб қолган телпак тагида кўзлари ёввойи чакнарди. Бутун вужуди кулоққа айланган мушук каби сассиз туманга сингиб борарди. Қария қария эмасди, қандайдир йирткични эслатарди. Атроф оппоқ туман. Ўрхон милтиқнинг милидан туманни тешиб юборгудай тикилиб, ўлжасини изларди. Рўпарасидан билинар-билинмас доғ пайдо бўлди. Таққа тўхтади. Тикилганча қотиб турар, нафас олганда кўкраги ҳам кўтарилиб тушмасди. “Нима у, тошмикан? Балки кийик ҳам мени олдин сездими, худди мендек нима бу деб кузатаяптими?”

Биргина ножўя ҳаракат қариянинг овига ачинарли якун ясайди. Бунга яхши билади, алақачон милтиқ милларини нишонга тўғрилаб қўйган қария тош қотганча тумандаги доғнинг хатосини кутди. Қорайиб турган доғга бутун вужуди билан тикиларди. Қария орадаги масофани ўлчади. Аниқлик зарур, ахир қорайиб турган мўлжалнинг на боши на оёғи бор. Шу пайт қора нуқта силкингандай бўп кетди, доғ хато қилганди. Балки хато деб бўлмас, чунки қария барибир милларини тўғрилаб олдида борарди-да. Ўзиям қора доғга рўпара бўлганига икки дақиқа ўтмади-ю, лекин бир умр ўтгандай пешонасидан тер чикди. Овоз чиқармай “бисмилоҳу Оллоҳу акбар” деган баробарида ўқ жаранглади. Қариянинг кулоғи бир шанғилаб, нарғи бетдан тошлар думалаётганини илғади. Ўзи ҳис қилганидек, кийик бир ўзи эмасди. Энди қора доғ кўринмасди, милтиғини туширмай илгариледи. Мўлжалига етиб келиб, атрофни тез қараб чикди. Шу пайт нарироқда оёқларини букиб ётиб олганча Ўрхон томондан кўз узмай ҳарсилаб нафас олаётган катта такага кўзи тушди. Кўзлар тўкнашди... Бехосдан гулдураган овоз ва қаттиқ оғриқ қаердан пайдо бўлганини энди тушунган така бор кучини йиғиб, сапчиб турганча жонҳолатда буюк чўққилар томон букилиб-букилиб чопа бошлади. Кўркиб кетган кийик оғрикни сезмас, қорнидан отилаётган қон қорға чизиб борарди. Қария орқасидан югурди, зовни ёнбошлаб жонҳолатда тикка қочиб бораётган таканинг жонига туман аро кирди. Лекин билмасдики, ўзидан оққан қон хиёнатга қўл урган, овчини изидан бошлаб келяпти.

Чол чарчади. Борган сари қор қалинлашиб, дара эса тиклашиб борарди. Этигининг тиши қолмаган, тойиб кетиб, неча марта чўккалаб қолди. Ҳўл бўлиб кетган шимидан тиззалари музлаб ачиша бошлади. Дам-бадам тўхтаб қон тўкилган қорни кафтига олиб салмоғини ўлчарди. Анчагина қон оқибди, борган сари кўпайиб борапти. “Лаънати, вужудингни балодеккина тешиқ қилдим, шариллаб жонинг оқмоқда. Барибир ўласан, мунча қайсар бўлмасанг. Мен қари чолни ҳам кийнама-да. Тақдирга тан берсанг-чи”. Қария ўзини эплай олмай шошганидан юзтубан йиқилди. Қўйнилариға қор кириб, соқол-мўйловларига оппоқ қор инди. Кийикнинг кетидан тикилганча совуқдан қотиб қолган қўллари билан ух-ухлаб тозалади. Муккасидан кетганда елкасидаги милтиқ бошига қаттиқ урилиб, телпагини учуриб юборганди. Милтиқнинг қўндоғи текан жой қаттиқ оғрир, қўли билан ишқалаб, энгашиб телпагини олди. Сал-пал қоқиб қори билан кийган телпак оғриғини

босгандай бўлди. Изга қаради, туёқлар орасидаги масофа ҳам қисқариб борарди. “Кучдан қолаяпсан занғар, тўхтасанг-чи!” деб шивирлади... Секин милтиғига суянганча ўрнидан турди. “Барибир узоққа боролмайсан, мен эса орқангдан қолмайман. Бир-биримизни қийнаймиз, холос”, дея қон изидан юришни давом этди. Атроф оппоқ туман, сукунат ҳукм суларди. Зов анча тик эди, чол юришга қийналар, дам олгани тўхтаб-тўхтаб оларди. Нафасини ростлаганда назарида қон изи ҳам овчи итдай кутиб турар, юрса яна йўлга бошлаб кетарди. Юқорига анча юрди, зовнинг бошига етиб қолганди. Қор қалинлашган сари юриш ҳам жуда машаққат бўлиб кетди. Энди қон изи камайган уч-тўрт метрда бир кўриниб қолар, лекин кийикнинг мадори қолмай ётгани-ю, атрофида қон чапланиб кетган изи тез-тез учрай бошлади. Улар орасидаги масофа қисқариб борарди. Қариянинг ҳам тинкаси қуриди. “Биламан, мендан сал илгари кетяпсан, бошида қорни қонинг билан бўягандай қочгандинг, энди эса камайган. Қонинг тугаб боряпти, мадоринг йўқ. Ўқ теккан жойлар қуйдириб, оғриқ азоб бераяпти. Етай деганимда ўрнингдан туриб судралиб, ўрмалаб қочяпсан. Бўлди қил, енгиш берсанг-чи. Лаънати туман ҳам кетмади-да. Бўлмаса, боя ўқ узган жойимдан узоқлашмай отардим. Сени ҳам азобга қўймасдим-ку!”

Из зовни устидан айланиб тўхтаганди. Чунки нариги томонда из кўринмасди. Қария билдики, кийик шу ерда қолибди. Ҳоли қолмаган, чиқиб келган изига қараб ётиб олган бўлсаям, менинг келишимни кутиб қараб ётибди. Энди қор қалинлашиб, тиззадан ўтиб кетган, ҳар босганда оёғини чиқариб олишнинг ўзи бўлмас, минг азоб билан зовнинг устига етиб келди. Қария адашмаганди, қорни тез-тез кўтарилиб тушаётган така ҳансираганча ўн метр нарида зовнинг четига ётиб олибди. Ўрхон бироз кузатди. Кийик ҳам бир муддат бўлса-да, кўзини узмади. Бир-бирига тикилиб турар, қария ҳам ҳолдан тойганди. Отсаммикан деб, милтиғини пайпаслади, стволига қор кирибди. Стволга пуфлаш зарур, тикилиб қолган қор учиб чиқиб кетади-да. Ёнидаги патронтошларга ҳам қор тўлибди, тозалаш керак. Анча вақтни олади. Тагин таканинг кўз олдида-я. “Қўй, жонивор ўзи зов четида ётибди, отсам тагин пастга тушиб кетса-чи. Оёқлариниям кериб олган, ана шохларини ҳам ерга тираб олди-ку. Кўзидан бошқа тирик жойи қолмадиёв. Орқасида йўл йўқ, олдига яқин бориб шохидан берироқ тортсамчи?”

Қария секин кийикка яқинлаша бошлади. Бир қўли билан елкасидаги милтиқнинг тасмасидан ушлаб, иккинчи қўли билан тарвақайлаб кетган шохга қўл узатди. Қўл етмасдан жонивор бир силтанди-ю, гурс деган товуш чикди. Қор кўчганди. Қариянинг оёғи тагидаги қор зовга томон сурилиб борар, илашгани ҳеч нарса йўқ. Ҳамма нарса тез рўй берди.

Қаттиқ оғриқдан ўзига келди. Чалқанча ётар, аранг очган кўзига зовнинг учиди осилиб ўсаётган бута ғира-шира кўринарди. Шунда пешонасида илиқликдан эриб турган қор кўзига кириб кетди. Яна ҳамма нарса чапланиб кетди-ю, лекин шуури ёрқинлашди. “Нима бало, тагимда зовми гувиллайди. Қарда ётибман ўзи?” Кўзидаги сувни артаман деб оғриётган қўлини аранг кўтариб, юзига босди. Лекин фуфайкасининг енгидаги қор ва муз парчалари юзини тирнаб қайтанга баттар қилди. Бўйсунмаётган ёғочдай бармоқларини кўзи устида бир икки зўрға нари-бери ишқалади, сал ёришгандай бўлди. Англаганда, даҳшатга тушди. Дарахт танасидан ўсиб чиққан замбуруғдай, қоядан туртиб чиққан супада ётар, ёнида эса ярим қор босган кийик. Ўзига келгани сари бутун вужудида оғриқ кучайиб борар, айниқса, тиззасининг пастидида оғриққа чидаб бўлмасди. “Менга нима бўлди

ўзи?” Ўрнидан туришга чоғланди-ю, бўлмади, оғриқ михлаб ташлаган. “Оғриқдан оёғимни сезмаяпман, бир нарса бўлганов, худди устимдан катта нарса босиб ўтиб кетгандай. Нима бўлса бўлди, бор кучимни тўплаб ёнимга ағдариламан”. Ҳозирланиб ўпкасини тўлдириб нафас оламан деганди, кўкрагида ҳам оғриқ турди. “Бир, икки, уч”, деди-ю, оғриқдан додлаб, кўзлари очилиб кетди. Ағдарилмади, вужуди бир силтаниб қўйди. Яна биров ётди, аҳвол чатоқ. Лекин нима бўлса ҳам туриш керак. Ёнига каради, зовдан совуқ шамол эсиб, яккам-дуккам қорни олиб келар, ёнида эса катта кийик ётарди. Кийик атрофида у ер, бу ерида қор кизариб турибди. Аммо ўзининг тиззасини устидаги ва ён атрофидаги қор кип-қизил. Оёғини тортди, оғриқ шунақанги кучайиб, кўнгли беҳузур бўлди. Оёқ синибди. “Ҳозир оғриқ ўтиб кетади, – деб ўзига тасалли берганди. – Э, Худойим, бу жойдан соғ одамнинг чиқиб кетиши амримахол-ку. Менинг аҳволим... Лаънат бўлсин, сенга кийик!” деб инграб юборди. Томоғига бир нарса тикилгандай бўлди. Ночорлигидан ёш келди, яна кўзини юмиб олди. Бутун танаси қақшар, фақат хаёлгина соғ, бир ўтмишга, бир уйга бориб қайтарди. Юқорига қараб ётар, оғриқ тинмас, қимирлашга мажол йўқ. Кўзларидан қалққан ёш қовоғини бир фурсат илитгандай бўлиб, кейин муздай тегарди. Совуқ шамол тинмасди. Майдалаб ёғаётган қор юзига тушиб, аста эриб борарди. “Нима бўлади энди, қопқон-ку бу”, ўйлади қария. “Йўқ, қопқондан баттар. Энди қайтолмайманми, яқинларимни кўролмайманми? Шунчалик ҳам ночор бўламанми?”

Болалигида тоғдан пичан таширди. Ўтларнинг иси бурқиб турган пичан чемидан боваси эшакка қуруқ шақирлаб қолган боғни маҳкам қилиб ортиб берса, орқасидан зувуллашиб уйига олиб келарди. Уйга етгач, катта ишни қойиллатиб қўйгандай, опа-опа деб шовқинлаб чақирар, опаси, “Полвоним асқарим”, деб алқаб-алқаб пичанни тушириб оларди. Мақтовлардан жиддийлашган Ўрхон эшагининг эгарига ёпишиб қолган қуруқ ўтларни қўли билан қоқиб “Тўжани беринг, бовам кутяпти, қайтаман”, деб ўзини катталардай тутарди. Таёғини эшагини халасига ниқтаб ура чоптириб кетарди. Юзига шабада урилар, ёнидан лип-лип этиб ўтаётган ўтларни таёғини қилич қилиб чопиб борар, ўзининг эпчиллигидан мазза қилиб завқланарди.

Бир гал боваси пичан ортиб берганди, олдига солиб зингилатиб келаётиб йўл четдаги гулхайрининг тагидан тўрғай пар этиб учди-ю ҳурқиб кетган эшак ўлгур ёнига қараб ташлаб қолса-чи. Устидаги пичаннинг тахи бузилиб, қийшайиб бориб ағдарилди. Муштдай бола учун бундан катта фалокат йўқ эди. Тагин йўлнинг ўртасида бўлса, пичани-ку тахлаб боғлар-а, лекин қандай ортади, яна бир ўзи. Аламидан бола ғудраниб эшакниям, тўрғайниям сўқар, қуриб-қақшаб кетган пичанни арқондан бўшатарди. Ўпкаси тўлиб борган сари бурун тортиб, бир нарса қилиб бовасидан кўргандай пичанни тенглаб боғлади. Кун иссиқ, қуриган пичан ёш билакларга ишқаланавериш қизартириб юборган, ўтлар иси эса гупиллаб нафасни қайтарарди. Эшакни ушлаб тургани ҳеч ким йўқ. Эшакни тўғрилаб қўйиб, оғир пичаннинг бир томонини зўрға тиззалари шилиниб олдига олди. Юкнинг нариги томонидаги арқонга қўли аранг илиниб, эгарга қўтариб ташлайман деди-ю, эшакнинг ярмига ҳам етказолмади. Камига эшак юриб кетиб, қийшайиб бориб пичан ағдарилди. Эшакни жойига қўйиб бошидан бошлади, ўхшамади. Яна қайтарди. Эпполмади. Тўлиб бораётган болақай ҳиққиллай бошлади. Кейин эса қўйиб юборди. Ночорлигидан йиғлади, эшакка қараб, “Сен қандай юраксизсан-а, кичкина тўрғайдан кўрқасан!” деб бурнини тортиб-тортиб йиғлади. Эшак қулоқларини осилтириб, айбдордай бошини ҳам қилиб турар, кир қўллари билан

ёшини артавериб мурғак кўзлар атрофи ола шалпоқ бўлиб кетган эди. “Энди нима қиламиз эшак?”, деб йиғларди. Шунда қаердандир эшагини йўрттириб бир амаки келиб қолди. Сўраб ўтирмади. Масала ойдин. “Эшагингни ушлаб тур”, деди-ю осонгина ортиб берди. Кимнинг ўғлисан ҳам демади. Сўраганда ҳам ҳикқиллаб жавоб беролмасди-да. Кейин “Бурнингни торт, ҳали бунақа ишлар сени кўрса қалтираб туради, бовангга салом деб қўй” деганди. Бошқа гапирмади, эшагига минди-ю кетди, худди ҳар куни шунақа ишлар қилиб юргандай.

Ўрхон оғрикка чидай олмай секин инграб қўйди. “Хотирамнинг ковагидан ҳанузгача чиқмаган болаликни нега эслаб қолдим-а? Жойимиди шу. Ҳа, бўғзимга ҳозиргидай йиғи тиқилиб келганди. Ҳозиргидай ночор эдим. Пичанни кўторолмай, зириллаб йиғлагандим, энди эса гавдамни кўтаролмай инграяпман. Ўзига-ўзи “Тур ўрнингдан, милтиғингни ол. Бир мартагина отдинг ўқинг ҳали кўп. Ётсанг ётаверасан, осмонга ўқ уз, қарсиллашидан зора биров эшитиб келиб қолса”, деди. Кўнгли ёришгандай бўлди. Ростданам қишлоқнинг болалари овга чиққан бўлсачи? Туришим керак. Ён-верига қаради, қўлга илинадиган нарсанинг ўзи йўқ. Милтиқ елкасида қолиб кетган, орқасига ботиб борарди. Икки қўлини ерга тираб тарвақайлаб турган кийик шохига суянишга интилди. Оғриқдан чираниб қўли билан гавдасини сурганда тўла ажин юзини яна шунча ажин босар, тишларнинг ғижирлаши бемалол эшитилиб турарди. Азоб бўлиб кетди. Фақат икки қўлигина ишларди. Шохга аввал бошини, кейин секин-секин орқасини тираб кўтарила бошлади. Қўлларида куч қолмади. Лекин шундай қилмаса бўлмайди-да. Ҳар икки бармоқ кўтарилиши бир дунё вақтни олгандай. Камига орқасидаги милтиқ тез-тез илиниб қолади. Барига қутурган итдай оғриқ ҳамроҳ, овози ингроқда ирилляпти. Бир нарса қилиб ўтириб, орқаси билан кийик шохига суяниб олди. Ҳоли қолмаган. Чап оёғи ишламасди, шишиб кетган, тиззасидан пасти шилта қон. Суянгани сурилганда ўнг оёғи сал букилиб, кучсизгина таяниб икки қўлига ёрдам берди. Туман ҳамон чолни дунёдан узиб турар, совуқ шамол гувиллаб борган сари қорни кўпроқ элтарди. Бир ёқда оғриқ, бир ёқда совуқ қарияни адои тамом қилиб борарди. Қаттиқ чанқаганини ҳис қилди. Панжалари билан кийик устидаги қорни сиқиб зўрға совуқдан пўрсилаб ёрилиб кетган лабига келтирди. Соқол-мўйловларига қор ёпишиб, аста эриб борар, ўзи икки қўлини икки томонга ёйганча азобдан чарчаган, нурсиз кўзлари зовга маъносиз боқарди. Кўкраги қизариб бўртиб кетган, ярим ҳўл баданини совуқ нина санчиб олгандай ачиштирарди. Шундагина қўйлагининг тугмалари узилиб, ёқавайрон эканлигини сезди.

Қария қайта тепага қаради. “Ўн қулоч жойдан тушибман-а, яна ўткир тишли тош супага. Лекин тирикман. Кийик устига тушибман, бўлмаса жоним узилган бўларди. Ҳа, бундан не наф, ахир бу ердан чиқиб кетишнинг иложи йўқми дейман. Жин урсин, жин урсин. Эй, кийик, менинг устимга тушсанг бўлмасмиди, майдаланиб кетмасмидим”. Нафас олишга ҳам қийналарди. Тўлиб нафас олса кўкрагида оғриқ кучайиб, юзи буришиб кетарди. Қовурғалар ҳам синганов. “Э, Худо, тамом бўлибман-ку!” ижирғанди қария. Милтиқни елкасидан шундай чиқаролмасди. Қўлини елкасидан ошириб кўтаролмас, оғриқ йўл қўймасди. Бир ёнига сал оғиб, қўллари билан тортиб анча вақт овора бўлди. Сонига қўйиб олгач белидаги патронтошдан ўқ олиш керак. Олдин ўқ танлаб, якка отсаммикан, сочма отсаммикан, деб вазиятга қараб олмасмиди. Энди бўлса гумбурласа бас. “Ишқилиб биров эшитсин-да. Нега алламаҳалда ўқ отилаяпти, кечки пайт овчи ўқ отмайди, тинчликмикан десин-да. Хавотирли ҳид олиб овчининг ити изимдан

вовулаб келиб қолсин-да. Ўқ ҳам патронтошга музлаб ёпишиб қолибди-ку. Аранг бураб чиқариб, стволга жойлади. Ҳар доимгидай елкасига тирабмас, сони устида турган милтикнинг стволини чап қўли билан босиб, ўнг қўли билан куроқни босди. Гумбурлаган овоздан қулоғи шанғиллаб кетди. Туман босган сукунат бир силтангандай бўлди. Яқинидаги қоя қарсиллади, кейин эса наргисида, сўнгра зовга ўтиб гувиллаб, акс садо дараларга сингиб кетди. Милтикнинг зарбидан оёғи, кўкраклари оғриқдан қақшаб, кўнгли беҳузур бўлиб, боши айланарди. “Чида, Ўрхон. Отмасанг бўлмайди, қара, совуқ ҳам, шамол ҳам кучайди. Қоронғи тун шиддат билан ўрмалаб борлиқни ўраб келаяпти. От, от, Ўрхон”, дерди ўзига-узи далда бериб. Не азобларга бардош бериб яна-яна отди. Кейин эса жим қолди, қария хушидан кетганди.

Оқтовни тун қоплаган. Туман ҳолва, кўлингни кўзинг олдида силкитсанг ҳам кўрмайсан. Шунақанги қоронғи, шунақанги қора, тикилиб кўзинг тинади. Атроф ўлик сукунат. Қоронғилик қаъридан сойнинг эшитилар-эшитилмас шовқини келиб туради. Гоҳида қоялардан тош узилиб, тақ этиб, бироз ўтиб шатирлаб кетишидан урилиб-урилиб парчаланиб кетаётганини сезиб турасан киши. Атрофни намтатир туман иси қоплаган. Қоронғилик ва нам ис ёқимсиз сукунат яратганди. Оқшом-кун ташлади, ҳаво илиқланди. Кун ёғишидан бир кун илгари шундай бўлиб туради. Улкан қоянинг қалдирғочнинг уясидай осилиб турган овлоқ супасида жонсиз кийик, унга суянганча абгор одам ётарди. Хушсиз эди. Юзи сокин кўринса-да, ўнг яноғи бир-бир учиб, милтик устидаги бармоғи заифгина чертилиб кетар.

Қишлоқ болаларининг пода кутиш пайтида зўр ўйини бўларди. Подани кутадиган жойни бутун қишлоқ подахона деб атайти. Эрталаб моллар шу ерга йиғилади, подачи келгач тоққа, яйловга ҳайдаб кетади. Подахона қишлоқдан нарида тоғнинг этагида. Уйидагилар буюрган қанча иши бўлса тезроқ якунлагани ҳаракат қилар, нима бўлса-ю пода кутгани эртароқ борса, бас. Ўша пайтда қишлоқнинг болалари йиғилиб, роса ўйнашарди. Сочига толчамбарак бойлаган қизлар ҳам чекароқда текмак ўйнар, баъзида болаларнинг қувлашмачоқ ўйинига қўшилиб ҳам кетарди. Терлаб-пишиб кетган ўйинқароқ болалар яна эртага эртароқ келамиз, деб ваъдалашиб ҳам оларди. Кунлардан бирида Ўрхон подага кеч келди, қий-чув қилиб болалар ўйнаб юрарди. Ўйинга қўшилганига ҳеч вақт бўлмай пода келиб қолди. Ҳар куни келаётган мол деб, бир-иккита шумтака ўртоқлари билан қувалашаверди. Шу пайт ўртоғи Тешавойнинг укаси югуриб келиб қолди. “Ака, отам сени тез келсин!” деяпти, шомдаги ўйин хосиятсизмиш. “Э, Ўрхон сенинг сигиринг келмабди. Отанг кўчада кутиб турибди, жаҳли чиққан, ҳали замон келиб қолар-ов”. Миниб олган тол хивичини чу-чулаб қайтарди-да, қандай келган бўлса, шундай чопқиллаб тупроқ йўлни чангитиб кетди. Ўрхон ичи шувиллаб кетди, қорақашка доим шундай қилади. Тўймаса қайтмайди, шунақаям шумшук сигир. Қачон қарама отамнинг дулига дучор этасан. Болалар ичида зулмат кечадан кўрқмайман деб мактангани билан аслида чўчирди. Шунданам қоронғи тушмай говмушни топай деб, сой бўйлаб чопа кетди. Кўзи эса икки томонга олазarak, қорайган нарса говмуш бўлиб кўринаверар, тез югурарди. Назарида, қанча илдам чопган сари ўчакишган қора тун, зулматдан мерос тўрини чакқон ёзар, ўргимчакдай шошарди. Анча чопди, топмади. Тўлин ой чиқишдан олдинги ваҳимали тун бўлгандай, олдиям, орқасиям кўринмай қолди. Такқа тўхтади. Ўпкаси шишиб, хансираб, юрагининг дукиллагани ҳам эшитилиб турарди. Кўрқиб кетди. Орқасига қараб югурди. Югургани сари кимдир қуваётгандай, олдидан биров тўсиб чиқаётгандай. Ваҳимаси ортиб, бир-

икки йиқилди ҳам. Қанча югурди, бир пайт қоронғилик қаъридан онаизорининг хавотирли овозини илғади. “Ўрхон, Ўрхону, қаердасан болам-ов”, деб, қайта-қайта чақирарди. Югурганча энтикиб, “Мен келяпман, мен шу ердан, сигирни тополмадим, эртага эрта туриб топаман”, демоқчи бўларди-ю, овози чикмасди.

Совук кун. Улкан қоя. Асирида мажруҳ чол. Кийик шохига суяниб, боши эгилганча кимир этмади. Совукдан қорайиб, ажинлари бўртиб, соқоллари ўсиб кетган юзида бирдан безовталиқ бошланди. Ўрхон ярим аср илгари жаранглаган садони ҳозиргидай эшитди. Юмуқ кўзлари учди, соқоллари титради. Ўтмиш билан бугуни қоришиб кетган чигал хуши ўзига кела бошлади.

Бир томири бўларди. Исми Қайлас. Қўшни овулдан эди, раҳматли. Кейин бел жўра бўп кетди. Танишиши қизиқ бўлган. Осмондарадаги кийик қаровда дурбин солиб атрофни кузатиб ўтирарди. Зовларни, кейин кийими титилиб осилиб, дала қўриқчисидай бўлиб қолган, ярми қўқ, ярми қуриб қолган минг йиллик арчалардан нигоҳини узмай атрофини синчиклаб кузатарди. Октовнинг ортидан кун кўтарилди бошлаган чоғ, нариги дарада қуюқ буталар орасида бир нарса йилт этди. Нима бу булоқми, нур тушганда сув ҳам шундай ярқ этади. Лекин Ўрхон у ерларда булоқ кўрмаган. Дурбинни қайтариб солди, анча узок. Ўша қуюқ бута атрофини кузата бошлади. Яна йилт этди. Нима экан бу? Буталарнинг сояси яхши кўринмасди. Қуёш сал кўтарилганда борми, бемалол кўрса бўлади, лекин унганча ҳали ўн дақиқалар бор. Бир пайт йилтилаётган нарса, Ўрхонга қараб қотиб қолди. Анча турди. Унганча қуёш ҳам кўтарилди. Кейин билдики, у худди ўзига ўхшаб дурбин тутган одам экан. У ёқ, бу ёқни кузатаётганда, қуёшнинг заррин нурларидан дурбин ойнаси йилтилаб кетаётган экан. У ҳам Ўрхонини топганди. Икковининг ҳам хаёлидан бир нарса кечарди. “Овчи-ку, назаримда овулдан ҳеч ким чикмади. Чикса билардим-ку?”

Шундай қилиб икки мерган дурбин ортида бир неча бор учрашди. Таниш бўлиб қолди. Оддий кўзда кўриб бўлмас, лекин дурбин орқасида қўл силташиб саломлашадиган бўлишди. Мерганларнинг имо билан гаплашадиган тили бор. Кейин эса қайси бири ўлжага яқин ўтирган бўлса, қаердалиги-ю қандай етишни имо-ишора билан айта бошлашди. Орада анча вақт ўтди. Бир куни Ўрхон тонг азонда ўлжасини тополмай жиғибирон бўлиб ўтирганди. Кун чиқишдаги улкан зовнинг устида дурбини билан йилт-йилт, йилт-йилт этиб нотаниш мерган ишора қиларди. Қаради. Бир-бирига кўзи тушгач, нотаниш мерган, дурбинини ерга қўйди. Сўнг чўккалаб, ҳайвонга ўхшаб тўрт оёқда туриб, қўлларини шохга ўхшатиб бошига қўйди. Ўрхон тушундики, кийик бор. Кейин эса пастда катта арча, ёнида эса ўтовдек катта тош, тошнинг тагида кийик ўтлаб юрибди, деб қўллари билан чизиб кўрсатди. Нотаниш мерган катта такагача уни дурбинда етаклаб борганди. Ўрхон кўрди: қора нуқта – анчайин катта кийик эканлиги англади. Шошилмасдан нишонни тўғрилади-ю, тепкини босди... Қора нуқта қимирламай қолди. Ўрхон дурбинини сирли мерганга қаратди. У ўта шод, ирғиб қўяр, икки кўлини зўр-зўр деб ишора қиларди. Қўли билан силтаб чақирди. Етиб келганда, ўлжасини терисидан чиқариб, иккига бўлиб, меҳмонга жигарини кабоқ қилиб қўйганди. Дурбин ортида танишган бўлса ҳам, эски кадрдонлардек кучоқлашиб кўришишди. Ўзи тенгги йигит экан. Нимадан сўрашишни билмай, исминг нима деганди. Қайлас билан шундай танишган. Қўшни овулда тураркан. Кейин дўст бўлиб кетишди. Кунлардан бир куни хабар келиб қолди. Қайлас қазо қилди деб. Йиғлаб юборганди. Нима бўлди экан, зовдан учиб кетдимиз, айиқ ғажиб ташладими? Йўқ. Ўлими жуда оддий. Кечки пайт болаларини ўйнатиб ўтириб, жони чиқиб кетибди. Шундай улук

мерган-а?... Ўрхоннинг наздида бундай бўлиши мумкин эмасди. Мерганлар ухлаб ётган ҳайвонни отишдан ор қилади. Уйғотиб кейин овлайди. Жўраси нотанти тақдир овчисининг тўрига тушиб қолгандай. Энди Қайлас жуда олисда. Орада чорак аср масофа бор. Лекин кейинги пайтларда негадир тез-тез эслайдиган бўлди. Ҳануз дурбин ортида туриб, ўшандай хушчақчақ йўл кўрсатаётгандай.

Бу пайтда тонг отиб, туман эса кўтарилган. Шамол кучайиб, гувиллаб зовлар сойлар ичида биқиниб қолган туманларни изларди. Рақибига изн бериб, шамол етолмайдиган жойга Оқтовнинг чўққиларидан паноҳ топган туманлар, энди улкан-улкан булут бўлиб олганди. Кечаси билан қариянинг атрофида шунча нарса рўй берибди, сезмабди. Онаизори чақирмаса турмасмиди. Кўзларини зўрға ярим очди. Азоб билан бошини кўтарди. Шамол эсар, қор учкунлари юзига келиб уриларди. Синган оёғи, синган қовурғалари оғриғига қўшилиб, кечадан бери совуқ ўтиб кетган тана оғирди. Ҳатто ҳар сочининг туби, бутун бадани зириллайди. Олдида милтиқ, этик, шимлари совуқдан тўнгиб қолган. Худди бирга қотиб қолгандай, оёқларида жон йўқ. Қўллари милтиқ устида, бармоқлари совуқ уриб қорайиб кетганди. Патронтошда ярми чиқиб қолган ўқ. Кеча нажот сўраб қарсиллаган гильзалар қорда пича чўкиб, чалкашиб, музлаб ётарди.

“Эй, Худойим, тамом бўлибман-ку. Ўрхон нурсиз кўзлари билан кузатаркан, заифлигидан, ночорлигидан ори келиб кетди. Ичидан тўлиб келаётган туғёнини ташқарига чиқаргиси, бақиргиси, инграгиси келди. Болалигидагидек ўксиб-ўксиб йиғлагиси келди. Ҳоли йўқ, кўл-оёғи ўзига бўйсунмас, шууригина соғлом эди.

Қария бироздан сўнг ялангбошини аранг кўтариб, рўпарасидаги маҳобатли қорақояга қаради. “Оқтов, ҳатто йиғлай олмайман. Танам яроксиз, ичимга улкан оғриқ қамалиб олган. Қаттиқ оғрияпти,” – деди шивирлаб. Бу пайтда шамол кучайган, тўзғиган қор учкунлари пайдар-пай юзига урилар, киприги, соқоларида илиниб қоларди. Бошини эгиб, бироз тек котди. “Оқтов, сенга омонат бўлдимов, ҳеч ким қутқаргани келмайдиям. Келганда ҳам тополмайди. Кўриб турибсан қор изимни кўмиб келяпти. Шуларни билиб туриш қандай дахшат-а? Эҳ, шўрлик кампиримга қийин бўлди-да. Йўл қараб, неча кириб, неча чиқаётгандир. Билиб турибман, зурёдингчи демоқчисан-да? Ташвиш қилма, уйли-жойли, йўриғи бошқа. Кампирнинг? Хиёл ўтиб, ўрни бошқа, бир-бирингга суяниб яшар экансан. Суянчиғинг бўлмаса узоқ тикка турмайсан. Ҳозир у йўл пойлаяпти, келишимни кутяпти. Мен эса бормаслигимни биламан. Жуда ёмон-а?”. Қария пичирлар, хушига бир келиб, бир ўзидан кетарди.

Ўрхон яна ўзига келганда кўзини базўр очди. Совуқ, оғриқ, очлик бир бўлиб, тинкасини қуритган, кимирашга мадори йўқ. Яланг боши ва бўйни, елкаларига ярим қарич қор тушиб, узала чўзиб олган оёқлари кўринмас, қор белигача чиққанди. Шамол тинган, қор энди шитирлаб бурчоқ мисол ёғарди. Қўли ҳамон сони устида, билагигача қорга ботиб турарди. Оғриқни ҳам совуқни ҳам ҳис этмас, сезгилари алақачон музга айланиб бўлганди. Шакарга ўхшаш, шу шаклдаги қорни, бурчоқ қор-ку демасмиди. Болалигида қор тагида, кўзин юмиб, жимгина тингларди. Шитирлаб, елкаларида ирғиб бораётган бурчоқлардан завқланарди. Бироз ўтгач совуқдан бурнигача қизариб уйга чопиб кирарди. Ёнида онаизори ўтирган иссиққина печкага кафтларини тутарди. Энди эса бошқача. Ёлғиз ҳам мажруҳ. Ўша бурчоқ тириклайин кўмарди.

“Оқтов, бундай ўлим топаман деб ўйламаганман. Синган оёқларим қақшаши, совуқ эса томирларим билан музлатиб, юрагимга кеб қолди. Ҳатто

кимирлаёлмайман, мен суйган қор оққа ўраб боряпти. Ёлғизман, яқинларимдан йироқда. Лекин Оқтов, сен борсан-ку. Мени яхши кўрардинг-а, ҳечам қуруқ қайтармасдинг. Очарчилик пайтларида овулни бағринг очиб боқмадингми? Биз эса одамлар қўйнингдан илдизларни ковлаймиз, азим дарахтларни кесамиз, эрка жониворларингни овлаимиз. Омоч тортиб баданингни тарам-тарам тилмадикми? Баъзан кун чўкканда хомуш бўлиб қолардинг. Лекин эрта тонгда бағринг очиб кутардинг. Ўзим ҳам жониворларингни қанчасини ўлдирдим, нечаси ярадор кетди, азобланиб ўлгандир. Улар сенга азиз эди. Эсим курсин, ёш эдим-да, бир куни қуруқ қайтишдан ор қилиб, бўғоз кийик отгандим, сўйганимда жундоргина икки улоқ чиққанди. Овга бўлган эҳтиросимни босолмай отиб, жирканч ишимдан гангиб қолиб, ўтириб қолгандим. Надомат чекдим, кўзимдан ёш чиқмади-ю лекин ичим йиғлади. Ёруғ оламга талпиниб турган улоқчаларни тош тагига қўмгандим. Кечир мени, кечир мени, деб такрорлардим. Сенданми, кийикданми сўраяпганимни билмасдим. Ўша куни осмонларинг қалдираб, кўзёшингдан сойлар сувга тўлгандир. Шундан кейин анча пайт овга қўлим бормади, эт-этимни егандим. Ўзимни оқламайман, онт ичаман, лекин шундай бўлганди”.

Қор шитирлаб ёғарди. Қария энди шитирни ҳам эшитмас, ер оппоқ, осмон оппоқ ажратолмай қолганди. Лекин ҳамон пичирларди.

“Агар билсанг, исмимга мерган сўзи қўшилди, борган жойимда тўрдан жой беришар, ҳангомамга илҳақ эдилар. Овул овулга сўйлади, кимсан Ўрхон мерган бўлдим. Ҳеч ким ўйлаб кўрмасдики, обрўйимни фақат жондан-кондан орттирдим. Жудаям кўп овлайвердим, отавердим. Ахийри мана етиб келдим. Биласанми, тишлари тўкилган, ҳовлининг чеккасига маъносиз кўзларини боққанча, пашшага таланиб ётган қари кўппакдан ҳам баттарман ҳозир. Уни ўлса эгаси кўмар-а, мени-чи, мени. Кўппакнинг-ку, йўриғи бошқа, хўжайини билан тоғу тошларда ов қилди, уй кўриди, бутун умр хизматидан чиқмади. Эгаси учун кадрдон. Уни кунда қолса, сояга тортиб қўяди, эъзозлайди. Қариб ҳолдан тойган кўппакнинг сезгилари ўлиб, иссиқ-совуқ сезмасаям, эгасининг меҳрини туяди. Мен-чи, Оқтов? – Мен жудаям ёлғизман. Суяқларим парчаланиб, совуқ урган танам, мана, ҳисларим ҳам музга айланиб боряпти.

Оқтов, сенга азоб бердим, бағрингда сен болалигидан таниган мағрур мерган Ўрхон эмас, мажруҳ қария турибди. Кечиролсанг, кечир мени”. Ўрхон тинмай пичирларди.



Орифжон КОМИЛ

Висолинг васфинг сўйлаб сирлашар

* * *

Бир кун қайтишингни кутар Самарқанд,
йўлингга минорлар илҳақ кўз тикар.
Чинорлар оҳини чиқармас баланд,
мажнунтол бошини жимгина эгар.

Даҳбет йўлларида дайдиған шамол,
Чорсу томонларда кезар сарсари.
Гумбазлар сукутда суради хаёл,
равзалар нурайди соғинған сари.

Манови фаввора соғинч ёшларин
мунгли кўзларидан самога отар.
Анов хиёбоннинг ўриндиқлари
келишингни кутиб хастаҳол ётар.

Бир ёнда Регистон – учта оғайни
висолинг васфини сўйлаб сирлашар.
Бир ёнда макбара хонақоҳлари
сен ҳақингда маъюс эртақ сўйлашар.

Расадхонадаги кўҳна устурлоб
само буржидаги аксингга боқар.
Муаттар бўйингни соғинған Сиёб,
ўзанига сиғмай телбавор оқар.

Орифжон КОМИЛ – 1985 йилда туғилган. Самарқанд давлат тиббиёт институти ва Тошкент тиббиёт академиясини тамомлаган. "Хаёл рақси" номли шеърый тўплами чоп этилган.

Шоҳизиндадаги сирли зинада,
исмингни айтишиб, ўйнайди қушлар.
Бибихонимдаги нурли қуббада,
малаклар сен ҳақда кўряпти тушлар.

Кафтархонадаги оқ кабутарлар,
сен томон йўналган хатларни ташир.
Пойимда ётсада милён йўлаклар,
сен томонга элтар йўл йўқ негадир.

Кўҳна Афросиёб тепалигидан
ишқим каби кўҳна ҳаволар эсар.
Ҳар оқшом соғинчнинг машаққатидан,
ҳар ёнда қоронғи зулматлар кезар.

Келгин, дийдорингга кўз тикди очун,
келгин, қадамингдан гулласин чаман.
Мен ким – битта ошиқ фарзанди учун,
бир кун қайтишингни кутар Самарқанд.

Феълият

Баъзан ҳаммасини бошдан бошлагим,
бошқатдан туғилгим келади баъзан.
Художон, лойимни қайта ростлагин,
руҳимни халос эт, беҳуда ғамдан.

Баъзан йўлларимда босиб ўтилган
хатолар юкини кўрмасам дейман.
Баъзан ҳузуримда минг йил қутилган
лаҳзали қувончни ютоқиб ейман.

Самога узаниб бораман баъзан,
баъзида ўзимдан кетаман тониб.
Ўзимни тергайман, баъзан хаёлан,
кулга айланаман, баъзида ёниб.

Баъзида уммонман, муаззам, кабир,
баъзан саҳро каби қоврилар жисмим.
Баъзан кароматгўй, авлиё каби
тинмай пичирлайман муборак исминг.

Баъзан даллиману баъзида соғман,
билмайман, нигоҳим қайга қаралган.
Художон, айт нега бани одамзод
баъзида шод, баъзан ғамнок яралган.

Баъзида сиғмайман, бу кенг жаҳонга,
баъзида қалбимга сиғмайди олам.
Баъзан кўчиб кетгум келур осмонга,
қайлардан келгандинг, ҳазрати одам?

Баъзан Ҳобилману баъзида Қобил,
баъзида Фиръавн, баъзан Мусоман.
Руҳимда исёнлар бўлади содир,
баъзан эс-хушимдан буткул жудоман.

Баъзида ўзимдан нафратим ошиб,
қил сиғмас юракка сингиб кетаман.
Баъзида қайнаган булоқдай тошиб,
чанқаган заминдай ғамлар ютаман.

Баъзан олийжаноб инсон сингари,
ўзимни ҳар лаҳза юраман эплаб.
Баъзида жаноблик мендан тескари,
заҳардай сўкинчни юраман туфлаб.

Баъзан ҳаммасини бошдан бошлагим,
Бошқатдан туғилгим келади баъзан.
Художон, лойимни қайта ростлагин,
Руҳимни халос эт беҳуда ғамдан.

* * *

Аллақачон етган фурсатим,
аллақачон кетмоққа шайман.
Қолсам сизни қийнар ҳасратим,
сизни қийнаб қандоқ яшайман?

Нур ёғилган олий равзадан,
руҳим тупроқ бағрига тушди.
Шу тупроқдан яралиб бадан,
минг бор кўрдим равзали тушни.

Аллақачон етган фурсатим,
Ҳақдан келдим, Ҳаққа етгайман.
Кетсам сизни қийнар ҳасратим,
сизни қийнаб қандоқ кетгайман.

Дилдорага

Дераза пардаси чайқалар сокин,
Соҳира ҳиссиёт хаёлинг олар.
Жимгина ойнақдан қарайсан секин,
Йўлимга термилган кўзларинг толар.

Сен ҳаво қизисан, тақиқ мевасин
Лаззатин лабимга илиниб турган.
Мен – одам ўғлиман, чиқармай сасим
Синган қовурғамни қидириб юрган.

Бир эртак тўқидим, бахтлар ҳақида,
Тўкилди ишқимнинг асотирлари.
Юрагинг чирмади бахтдан нарида,
Ижара уйларнинг хавотирлари.

Сирли лаҳзаларда юлдуз қўнжидан,
Ситора ҳисларни узатолмадим.
Гоҳида ғафлатнинг тутиб қўлидан,
Норасо қўнғлимни тузатолмадим.

Сен мени ҳаммадан кўпроқ ўйладинг,
Мен шеърни ўйладим ҳаммадан кўпроқ.
Бевафо санамлар ҳақда куйладим,
Сен ҳақингда бир сўз айтмадим бироқ.

Сен мени боримча суйганинг ростдир,
Сени борлигингча севганим гумон.
Балки бўйларимиз ўзаро мосдир,
Аммо ўйларимиз мослиги ёлғон.

Ҳамонки, бир кучоқ гул келтирмадим,
Бир кучоқ ташвишни келтирдим фақат.
Бир нафас ёнингга тинч ўлтирмадим,
Беқарор руҳимдан сўрадинг шафқат.

Мен ерда тупроқдай хокисор ётдим,
Шамоллар бошимдан учди сарсари.
Узун кечаларда хаёлга ботдим,
Сендан узоқлашдим севганинг сари.

Бугун самоларда дайдиған руҳим,
Кўҳна асотирлар тўқийди ишқдан.
Бошимга қўндириб оний шуқуҳим,
Мен гулсиз қайтаман бугун ҳам ишдан.

* * *

Сени ранжитардим қайта ва қайта,
мени кечирардинг ҳар гал қайтадан.
Ой ҳам саботингга таҳсинлар айта,
ҳар оқшом чиқарди қўналғасидан.

Шамол сочларингни елписа майин,
менинг қўлларим деб тасаввур этдинг.
Мен ботир бўлмадим ялдоли тунда,
ботир юрагингла жимгина кетдинг.

Атай, қўл узатмай юрганларим кўп,
кўпдир айтганимдан, айтмаган сўзим.
Бошингга булутлар қўндирдим тўп-тўп,
бошингдан бахт кушин учирган ўзим.

Тийрамоҳ бағрида хазондай ғариб,
сўлгин ҳисларингга парво қилмадим.
Ўзимча дунёдан инжу ахтариб,
ёнимда эканинг нечун билмадим?

Гулларга бурканди сен кирган чаман,
бадрга айланди ҳилолнинг юзи.
Бир куни кетсам гар, қандоқ кетаман,
бир умр қолишга чидарми юзим.

Мени кечирардинг қайта ва қайта,
сени ранжитардим ҳар гал қайтадан.
Ой ҳам саботингга таҳсинлар айта,
аста жой оларди қўналғасидан.



*Риторикани ва поэзияни
ёктирмайдиганлар оғиз одамлар...*
СИНЕСИЙ



Катта йўл олдидаги “Катта ашула” чилик санъати



Оролмирзо
САФАРОВ

Ўзбек мумтоз мусиқаси халқимизнинг бебаҳо хазинасидир. Аммо шундай замонлар бўлдики, бу маънавий бойлигимизни йўқотиш, ўзгартиришга ҳаракатлар, босимлар амалга оширилди. Ҳатто буткул бошқа маънавиятга бўйсундиришга уринишлар бўлди. Нафақат мумтоз ўзбек асарлари намуналари, балки бутун бошли ижрочилик мактаблари, жанрлар унутила бошланди, асл оҳанглар “эскилик сарқити”га чиқарилди. Шулар қаторида “Катта ашула” жанри ҳам...

Аслида “Катта ашула” услубидаги ижрочилик йўналиши жуда мураккаб бўлиб, жиддий тайёргарлик, пухта тажрибани талаб этади. Мазкур ашулалар ижросига ҳар қандай овоз ҳам тўғри келавермайди, қолаверса, унда ҳамнафаслар мутаносиблиги ҳам катта аҳамиятга эга. Шу жиҳатлар эътиборга олингандагина ижро олий даражада амалга ошади.

Мустақилликка эришганимиздан сўнггина мазкур санъатга қайта эркинлик берилди. Аммо афсуски ҳозирги кунда катта ашулаларни ижро эта оладиган тажрибали хонандалар сони бармоқ билан санагудек оз қолгани учун мумтоз мусиқамиз сирларини ўрганаётган ёшларга ушбу жанрни профессионал даражада ўргатиш талаб этиларди.

Ўзбекистон халқ ҳофизи Махмуджон Тожибоев айнан шу масъулиятли ишни амалга оширишга бел боғлаганлардан эди. Ўша кезлари Махмуджон Тожибоев Ўзбекистон давлат консерваториясида талабаларга анъанавий хонандаликдан сабоқ берар эдилар. Мазкур имкониятидан тўлиқ фойдаланиб, қолаверса, талабалар ўртасидаги мумтоз ашулачилик санъатига ортиб бораётган қизиқишларини инobatга олган ҳолда, бир-бирига ҳамнафаслик қила оладиган ёшларни саралаб, уларга катта ашулалар ижро этиш сирларини ўргата бошлади.

Катта ашуланинг асосий хусусиятлари бадиҳагўйлик, ҳамнафаслик, юқори пардаларда, кенг нафасда ижро этилиши, эркин услубда куйланиши, сўз ва куй мутаносиблиги, профессионаллик бўлиш билан бирга ашулани баланд пардаларда

Оролмирзо САФАРОВ – Ўзбекистон халқ ҳофизи. 1970 йилда туғилган. Тошкент давлат маданият институтини (ҳозирги ЎзДСМИ) тамомлаган. “Ашулачилар ансамбли” номли китоби нашр этилган.

ижро этиш, катта авжлар мавжудлиги, сўзларнинг тингловчиларга равон етказилиши ва таъсирчанлиги юкори бўлиши билан ҳам белгиланади. Бу талаблар эса эндигина мумтоз мусиқа оламига кириб келаётган ёшлар учун анчайин мураккаблик туғдириши табиий. Шу сабадан ҳам ёшлар орасидан бу вазифани удалай оладиганларини танлаб олиш ва уларга сабр билан сабоқ бериш устоздан катта меҳнатни талаб этишидан ташқари шогирдлар учун ҳам машаққатли жараёндир. Маҳмуджон Тожибоевни бу ҳам масъулиятли, ҳам машаққатли меҳнат чўчита олмади. Бир неча йиллик ҳаракатлардан сўнг, бирин кетин бир нечта ҳамнафасларни етиштириб чиқарди. Саҳналарда Маҳмуджон Тожибоев шогирдлари жонли тарзда катта ашулаларни маҳорат билан ижро эта бошладилар. Ҳозирги кунга келиб Маҳмуджон Тожибоевнинг ҳамнафас шогирдлари нафақат эътироф этилмоқда, юксак унвонларга ҳам сазовор бўлмоқда. Улардан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Элмурод Аҳмедов ва Фурқат Ашуралиевлардир.

Айни пайтда анчайин илмий изланишларга муҳтож Катта ашула санъати 2009 йилда ЮНЕСКОнинг "Инсониятнинг номоддий маданий мероси" Репрезентатив рўйхатига киритилган. Катта ашула йўналишини муҳофаза қилиш, сақлаш ва тарғиб этиш бўйича таржиба лойиҳаси АССУ ЮНЕСКОнинг (Япония) Олтин медали билан тақдирланди. Шундай экан, бу мавзунини кенгрок ўрганиш ва ёш санъаткорлар орасида тарғиб этиш бугунги куннинг долзарб мавзуларидан биридир.

Катта ашула жанри ҳақида Ўзбекистон халқ хофизи Маҳмуджон Тожибоев суҳбатларимиздан бирида шундай деган: “Катта ашула жанри шеърлари фақат аруз вазнидадир. Шунинг учун бу жанрнинг келиб чиқиши барибир араблар истилосидан кейинги даврга тўғри келади. Чунки аруз вазни бизга араблардан кириб келган. Ундан олдин фақат бармоқ вазнидаги шеърлар бўлган”.

Замонамизнинг етук олимларидан бири, “Қайси халқда шеърини аруз вазни бўлса, ўша халқда мақом мавжуд”, деган фикрларини эътиборга олсак, мумтоз адабиётида шеърини аруз вазни мавжуд халқлар, яъни, араб, эрон, озарбайжон, уйғур халқ ижодиётининг барчасида мақом, мугам, муқом ёки дастгоҳ каби йирик мусиқий туркумлари борлигини кўриш мумкин. Катта ашула жанри ижроларига келадиган бўлсак, улар икки турга бўлиниб, биринчиси мақомлардагилари, яъни “Ёввойи Чоргоҳ”, “Ёввойи Ушшоқ” ва бошқалардан ташкил топган. “Чоргоҳ”га “Ёввойи” атамасининг қўшилишининг сабабларидан бири эса бу асарларда доира ёки бошқа бир мусиқий чолғу қатнашмайди, аммо хонандалар усулни ижро давомида сақлаб туриши билан боғлиқдир. Яъни “Ёввойи Чоргоҳ” ижросида доира ёки бошқа бир мусиқий чолғу иштирок этмай туриб хонандалар ижро давомида муайян усулни сақлаб туриши керак. Чоргоҳ атамасига келсак, бу мақомот сафидаги маълум пардалар мажмуаси ҳисобланади.

Умуман, катта ашула жанри ҳақидаги бу каби қизиқарли ва долзарб маълумотларга эга бўлиш, ушбу жанрнинг бугунги кунда янада ривожланиши, ёш хонандалар орасида мазкур йўналишга қизиқишнинг уйғониши ошаётгани, ҳамнафасликнинг мазмун моҳиятини очиб беришда марҳум Маҳмуджон Тожибоев ҳиссаси жуда катта бўлганини эътироф этмоқ эди. Энди энг асосийси, устоз санъаткор бошлаб берган улкан ишни асло оқсатмаган ҳолда давом эттирилишини таъминлаш керак. Бу борада эса Маҳмуджон Тожибоев мактабидан сабоқ олиш бахтига эришган барча ёшларимиздан умидимиз катта ва уларга муваффақиятлар тилаган ҳолда ўзбек “Катта ашула”чилиқ санъати ўз барқарор йўлини топишига ишониб қоламиз.

“Адабиёт — инсоният даври қадар давом этади”



Шаҳодат УЛУҒ

2021 йил 11 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан “Ватандошлар” жамоат фондини таъкил этиши тўғрисидаги қарор имзоланди. Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраев раислигидаги Васийлик кенгаши бошқарадиган мазкур фонд ўз фаолияти доирасида хориж давлатларидаги ватандошлар билан ҳамкорликни ривожлантириши, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишини асосий мақсад сифатида белгиллаган. Шунингдек, Фонд томонидан Ўзбекистоннинг бой илмий, маданий ва маънавий меросини кенг тарғиб қилиши ва оммалаштириши мақсадида 100 га яқин мамлакатларда истиқомат қилаётган 10 миллиондан ортиқ ватандошларимиз, улар томонидан таъкил этилган 170 дан ортиқ маданий марказлар фаолиятини қўллаб-қувватлаши кўзда тутилган. Бундан ташқари, хорижда истиқомат қилаётган ватандошларни тарихий Ватани атрофида янада жипслаштириши, уларнинг қалби ва онгида юрт билан фахрланиши туйғусини юксалтириши, миллий ўзликни сақлаб қолиши, ватандошлар ва улар томонидан тузилган жамоат бирлашмаларини қўллаб-қувватлаш, турли соҳаларда фаолият юритаётган ватандошларимизнинг салоҳиятини мамлакатимиз тараққиётига самарали йўналтириши вазифаларини амалга ошириши ҳам режалаштирилган.

Бу эзгу саъй-ҳаракатларга ўз ҳиссасини қўйиши мақсадида “Шарқ юлдузи” журнали таҳририяти томонидан ҳам “Ватандош” рукни таъкил этилди. Мазкур рукн орқали журналхонларимиз айни пайтда хориж давлатларида истиқомат қилаётган, ўзбек тили ва адабиёти ривожига ўз ҳиссасини қўйиб келаётган ижодкорларнинг асарлари ҳамда бугунги кун адабиёти ва унинг келажаги ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан танишиб борадилар.

Шаҳодат УЛУҒ – 1970 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетида таҳсил олган. “Қайта туғилиш”, “Ғаниматим”, “Жайхун эпкинлари”, “Сен йиғлама фақат”, “Халоскор султон Қутуз” асарлари нашр этилган.



Дилфуза
ҚЎЗИЕВА

Журналимизнинг мазкур сонидида Нидерландияда яшаб, ижод қилиб келаётган ўзбек адабисини Шаҳодат Улуғ билан мухбиримиз Дилфуза Қўзиеванинг суҳбатини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Дилфуза ҚЎЗИЕВА: *Сизнингча, замонавий ўзбек адабиёти ва дунё адабий жараёнлари ўртасидаги асосий узвийлик нималардан иборат?*

Шаҳодат УЛУҒ: Аслини олганда, ҳаётда содир бўлаётган ҳодисалар кишини ўз домига тортмай қўймайди. Бу жараён хоҳ маиший, хоҳ моддий бўлсин, албатта мушоҳада этилади. Вақти етганида эса адабиётда, бадий асарларда ўз аксини топади. Менимча, ана шундай ҳодисалар янги асар туғилиб, дунё юзини кўришига яхшигина турки бўлади, деб ўйлайман. Мана, кечаги ва бугунги кун ҳодисасини олайлик: бемаҳал келган “вабо” чор тарафга кутқу солди. Одамзод бунинг оқибатида қазо чойшаби ёпинган яқинларини кўриб, мум тишлаб, ожиз қолди. Касаллик шаксиз инсоният бошига келган катта офат бўлди. Яқин кунларда эса Афғонистонда Толибон ҳаракатининг ҳокимиятни эгаллаб олганидан сўнг кўплар китоблар ёзишга киришди. Афғон қардошларимиз Нидерландиянинг бош кенти – Амстердам шаҳрида намойишлар ўтказди. Бу намойишга барча миллат вакиллари қўшилди. Кимлардир шу мавзуда ёзган шеърларини ўқиб эшиттирди. Демак адабиёт, бадий ижод ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. У ваболардан, қазолардан омон қолиб, жамиятда содир бўлаётган ўзгаришларга ҳаммадан олдин ўз қараши ва ўз фикрини айтишда, одамзодни эзгуликка чорлашда давом этаверади.

Мен замонавий ўзбек адабиёти ва дунё адабий жараёнлари ўртасидаги асосий узвийликни адабий ҳамкорлик билан боғлаган бўлардим. Ахир биз Мулки Малик ярлақанган ХХІ асрда умргузаронлик қиляпмиз. Ундай ёзсак ёқмай қолсак-чи, бундай қилсак кимларгадир маъқул келармикан, деган ҳадикларнинг замони ўтди. Қўрқмаслигимиз керак! Адабиёт эркин бўлмоғи лозим.

– *Ҳозирги давр жаҳон адабиётида қандай тенденциялар содир бўлмоқда, деб ҳисоблайсиз?*

Дилфуза ҚЎЗИЕВА – 1970 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тамомлаган. Ижодкорнинг "Чумчуқ бола", "Учинчи чизик" номли китоблари чоп этилган.

– Очиги, ҳозирги давр адабий жараёни, хусусан, жаҳон адабиётида оламшумул янги тенденция ёки йўналишлар фавқулодда ярқираб чиқмоқда, дея олмайман. Аммо ҳар не бўлса-да адабиёт яшамоқда. Адабиёт – инсоният даври қадар, айтиш мумкинки, Ер қурраси йўқ бўлиб, эриб кетувигача ҳам давом этади, деб умид қиламан ва бунга ишонаман ҳам. Чунки ҳар тугул мумтоз адиблар – Толстой, Достоевский, Тургенев, Чўлпон, Қодирий, Ойбек ва тагин жаҳон адабиётига улкан ва салмоқли ҳисса қўшган ёзувчилар — Кафка, Камю, Пруст, Томас Манн, Маркес сингари ижодкорлар бошлаган адабий мактаб ҳалиям яшамоқда. Жойи келганида айта қолай, бадиий-эстетик тафаккур ҳам замона зайлига монанд, муайян тафовутлар, ҳодисалар замирида айрича шакл-шамойилга кирмоқда. Реализм, сюрреализм, модернизм, постмодернизм, метареализм, метамодернизм сингари адабий йўналишлар замирида кўплаб асарлар дунёга келмоқда. Ҳар бир ижодкор ўз салоҳиятига ярашикли муайян услубда нимадир битмоқда. Лекин шунга қарамай бугун Шарқ ҳам, Ғарб ҳам ўзида мумтоз адабиётга катта эҳтиёж сезади. Чунки тафаккур этувчи инсон борки, унга недир етишмаётгандай бўлаверади баъзан. Бунинг нелигини билмай қоласиз. Ана шундай кезлар сиз учун адабиёт, китоб, ниҳоят зарур бўлган чўнг эҳтиёжга айланади. Шахсан ўзим, шу кунларда Маркес ва Айтматовни тагин қайта ўқий бошладим.

Айтганча, бир тадбирдан сўнг мени Тресс исмли дугонам уйига таклиф этди. Боргач, унинг китоб жавонида Толстой ва Айтматовнинг асарларини кўриб, севинчдан ичимга сиғмай кетдим. Шунингдек, нидерландиялик адиб Жамал Қуариачининг кўплаб китоблари унинг китоб жавонини безаб турганини кўрдим. Ана шу арзимасдек кўринган воқеликнинг ўзидан ҳам адабиёт ҳали яна ривожланишда, янги услуб ва йўналишлар ўз моҳияти билан бизни хайратга солишда давом этиб қолади, деб умид қиламан.

– Айни пайтда ўзингиз яшаб келаётган мамлакат адабий ҳаётининг қайси жиҳатлари сизга маъқул бўлди ва нега?

– Нидерландия дунёдаги кичик давлатлардан бири. Лекин шунга қарамай у Оврупадаги энг ривожланган мамлакатлар сирасига киради. Нидерландлар оташин қарсақларга ўч эмас, ялтироқ сўзларга чечан эмаслар. Кийинишлари ҳам худди ўзлари каби оддий-одми. Шу жиҳатлари менга жуда ёқади. Дабдабадан холи. Улар мукофотлару ҳар турли медалларни, мулозаматлару сохтакорликни сўймайдилар. Камсуқум ва фаровон турмуш ичида хотиржам ҳаёт кечирадилар. Ва бу ҳолат Нидерланд адабиётида алайно ошкор ўз аксини топади. Бу мамлакатда ҳам гузарлар бор, уни ҳолландлар "Open Huis" (“Очиқ уй”) дейишади. Очиқ уйга бемалол кириб борилади. Қаҳва ичилади. Кимдир шахмат ёки шашка ўйнаши, мусиқа тинглаб, рақс тушиши мумкин. Бу юртда мақола ва тезислар юқори илмий савияда ёзилиши керак, адабиёт шакл жиҳатидан кўрсатилган талабларга мос бўлиши лозим, деган буйруқлар ишламайди. Ҳаёт борица талқин этилади.

Куни кеча китоб дўконига кирганимда Вьет Тхань Нгуен исмли Буонметхуотда туғилган ёзувчининг китобига кўзим тушди. Унинг ота-онаси Вьетнам урушидан сўнг Америкага келиб жойлашади. Вьет Тхань Нгуен Америкада яшар экан, бошидан кечирган машаққатларини қаламга олади. Дарвоқе, унинг асарлари бугун Ҳолландияда кенг тарқалган. Худди шунингдек мен дўконда шу кунларда трендга чиққан яна бир китоб “Ik ga leven” (“Мен яшамоқчиман”) ҳақида ҳам тўхталмоқчиман. Китоб муаллифи 21 ёшли турк қизи, Нидерландияда яшайди. У

каттикқўл оилада вояга етади. Лале Гул ўзининг бошидан кечирганларини қўркмай китоб қилиб ёзади. Шу куннинг “трендига чиққан” бу китоб Нидерландияда анча шов-шувларга ҳам сабаб бўлди. Ўз ҳаётини қўркмай ошкора ёзгани боис Лале Гул кенг жамоатчилик томонидан қизгин кутиб олинди. Яқинлари томонидан тазйикқа учраганида эса полиция томонидан ҳимоя остига олинди. Муаллифнинг ўз ҳаёти ҳақида, гарчи яқинлари томонидан қаттиқ сиқувга учраса-да, лекин қўркмай ёзиш учун ўзида журъат топгани менга жуда ёқди.

– Бугунги кунда Ўзбекистондаги адабий жараёнларни юзага келтиришда асосан қайси ижодкорлар иши аҳамиятли деб ҳисоблайсиз?

– Аслида ўзбек адабиёти ҳақида кўп гапириш мумкин. Яқинда Ватанга борганимда китоб дўконларига назар ташладим. Бадиий-эстетик тафаккур билан ёзилган асарлар қаторида, савияси ҳаминқадар китобларга ҳам кўзим тушди. Ачинарлиси, бир-икки талаба қиз эса ана шундай китобларни варақлай-варақлай, ҳатто ўқимай расмларини кўрди-да, сўнг харид қилмай чиқиб кетди. Бу табиий ҳолдир эҳтимол, аммо бу ҳолат менга руҳан бегона, расмларга бой китоблар эса кераксиз матоҳдек туюлди. Тўғри, китобхон ўзи истаган китобларни танлаб харид қилади. Эҳтимол, айнан замона зайлининг ўзгариши китобхоннинг ҳам руҳий эҳтиёжи, ҳамда талабларининг ўзгаришига олиб келаётгандир. Балки наشريёт ва китоб савдоси мутасаддилари бозор тамойили деб, иқтисодни ўйлаб, маънавий озукани иккинчи режага тушириб қолдиргандирлар. Беихтиёр шу кунларда Ватанда адабиёт ривожини кейинги ўринга тушиб қолдимикан, деган ўйга ҳам бордим. Лекин бироз фурсат ўтиб, Навоий шаҳрида эканимда, руҳиятимдаги хижилликлар тарқай бошлади.

Эркин Аъзам, Мурод Муҳаммад Дўст, Хуршид Даврон, Сирожиддин Саййид, Улуғбек Ҳамдам, Исажон Султон, Ҳалима Худойбердиева, Ҳалима Аҳмедова, Зебо Мирзо, Сирожиддин Рауф, Гуландом Тоғаева сингари кўплаб ижодкорларнинг китоблари бугун китоб дўконлари жавонларини тўлдириб турибди. Мен Ватанда Эркин Аъзамнинг “Шовқин” номли китобини ўқиб чиқдим. Худди шу кунлар синглим Хуршид Давроннинг “Шаҳидлар шоҳи” китобини ўқийётган экан. Бу китобни аввал ҳам қайта-қайта ўқигандим. “Шаҳидлар шоҳи”ни тағин ўқишга киришдим. Чунки шундай китоблар борки, унинг дастлабки варақларини ўқий бошлаганимдаёқ асар ичига шўнғиб кетаётганингни сезмай қоласан. Сўнг асар қаҳрамонлари билан бирга яшай бошлайсан. Улар билан бирга ғам чекасан, дардқаш бўлиб қоласан. Айниқса, улар юзига бевақт қазо чойшаби ёпилганида, мислсиз қайғуга ботасан. Шахсан менга бу жуда оғир ботади. Ғам чекканда қайғурасан, қувончидан эса бошинг осмонга етади. Демак, ҳаётда мантиқ бор экан. Демак, адабиёт ўз вазифасини бажара олмакда. Ҳа, ҳаётда мантиқ бор, адабиёт эса шу мантиққа асосланиб яшамокда.

– Кейинги йиллар давомида қайси асарни ўзбек тилида ёзилган энг яхши ижод намунаси сифатида баҳолай оласиз?

– Абдулҳамид Исмоилнинг “Жинлар базми ёхуд катта ўйин” номли романи менда катта қизиқиш уйғотди. Ёзувчи бу романда улуғ ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирийнинг ҳали чоп этилмаган, балки дилида туғиб юргану аммо қоғозга туширишга улгурмаган асари хусусида ҳикоя қилади. Қодирийнинг улкан руҳий кечинмаларини қаламга олиб, зимзиё жаҳолат ичида саросар зиё

ахтарганини оҳиста-аста, аён-баён очиб беради. Улуғ адибнинг қамокда кечган сўнгги кунлари ҳақида бир неча қатламлар тарзида ҳикоя қилиш асносида эса Қодирий режалаган асарнинг бир муқобилини Абдулҳамид Исмоилнинг ўзи яратиб қўйганини англаймиз. Мен бу романни ҳеч иккиланмай кейинги йилларда ўзбек тилида ёзилган энг сара асарлардан бири, дея оламан.

Зимзиё жаҳолат, тенгсизлик Қодирий учун ҳамма нарсадан кадрли бўлган ҳаёт шамини ўчириб ташлади. Ёзувчи Қодирийнинг бу руҳий ҳолатини маҳорат билан тасвирлаб, китобхонга етказа олган. Ҳа, Қодирий бошлаган асарини тугатолмай, зимзиё жаҳолат ичида саросар зиё ахтарди, афсус унга етишолмайди.

Одам тафтини одам олади, дейдилар. Ахир унга бир бокинг. Уни ҳалокат домига улоқтирган одам боласи эмасми? Унинг руҳиятини синдириб, жисму жонини майибу мажруҳ этган инсон боласи эмасми? Ана шундай кезлар, адолатинг қани эй, зулмкор ҳаёт дея бақиргинг келади. Мук тушиб, Қодирийнинг топталган ҳаёти учун узоқ йиғлайсан.

“Юрагимни бўшатиб бўлдим. Жуда кўп эҳтиросларим, жуда кўп руҳий кучларим бу романга синган. Ҳали ҳам ўқисам ичларим зил кетади”, дейди ёзувчи ушбу китоб хусусидаги суҳбатларидан бирида.

Абдулҳамид Исмоилнинг кўплаб асарлари халқаро миқёсда эътироф этилган. Буюк Британиянинг “Rossica”, АҚШнинг “Aatsee” адабий совринларига лойиқ қўрилган. Биз тилга олган “Жинлар базми” романи эса Оврўпа тикланиш ва тараққиёт банки таъсис этган адабий мукофотга сазовор бўлган.

– “Шарқ юлдузи” журнали фаолияти ҳақида фикрингиз?

– “Шарқ юлдузи” журнали менинг хотирамда, бадиий-эстетик тафаккур орқали, адабий асарлар воситасида ҳаётни жонли кўрсатиб борувчи чўнг, кучли восита сифатида муҳрланиб қолган. Мен хорижда эканимда орада анча пайт журнал билан юзлашиш имкони бўлмади. Шукрки, Ватанга борганимда унинг кейинги нашрлари билан танишиб чиқдим. Кўнглим ёришди. Журнал бугун ҳам ўз йўлида собитқадам кетаётгани мени жуда суюнтирди. Мен журналнинг жонкуяр ва фидойи ижодкорларига кўп зафарлар тилайман. Зиё улашиб, ҳеч ҳориманг!



Анвар НАМОЗОВ

Тоҳир Маликнинг сўнгги кунлари

Уч йил муқаддам

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, сеvimли адиб ва серкирра ижодкор Тоҳир Малик адабиётимизда ўчмас из қолдирди. Устознинг китоблари, маслаҳат-ўғитлари кўплар учун мислсиз хазинадир. Тоҳир ака уч йил муқаддам орамизда эди. У кишининг ҳаёт бўлиб тургани кўнгилга қандайдир хотиржамлик, илиқлик бағишларди. Ҳамкасблару шогирдлар, казо-казо одамлардан тортиб оддий инсонларгача Тоҳир аканинг суҳбатидан баҳраманд бўлиш, панд-насихатлари, йўл-йўриқлари, борингки, дуоларини олишга ошуфта эди.

Ўлим ҳақида гап кетганда устоз-адиб Эркин Аъзамнинг укаси Воҳид Аъзамнинг сўзлари ёдимга тушади. Ўшанда волидайи муҳтарамам ҳаётдан кўз юмган, Воҳид ака маъракага келган эди. У падари бузрукворимга ҳамдардлик билдирар экан, бир оғиз сўз билан, “Таскинга сўз йўқ”, деди. Не тонгки, бу жумла ҳозиргача “ўлимга чора йўқ” каломига қандайдир ҳамоҳангдек туюлаверади.

Туғилмоқ. Яшамок. Ўлмоқ. Банда дунёга йиғлаб келади, кейин эса йиғлатиб кетади. Оила аталмиш кўрғонни, яқин одамларни, жигарларни, не-не кўнгилларни хувиллатиб кетади. Тоҳир Маликнинг ҳаёт билан видолашуви ҳам шундай бўлди. Адиб яшаган уйда тумонат одам, уларнинг кўзёшлари, изтироблари...

Кўчага одам сиғмайди. Елкалардан елкаларга ўтаётган тобут, адиб ўзи ёзганидек, пўртанали уммонда сузаётган ҳаёт қайиғига ўхшарди гўё. Устоз адибни сўнгги манзилга кузатиш учун бораётганимизга ишонгимиз келмасди бизнинг.

Адиб қабрга қўйилди... Қуръон тиловат қилинди... Юраклар алланечук бўлди... “Банда қазо қилгач, кўпчилик сўнгги манзилга кузатади. Қабрга қўйилгач, ҳамма ортига қайтади. У билан қилган амаллари қолади”. Ана шу сўзлар ёдга тушди. Оғир жудолик эди бу.

Анвар НАМОЗОВ – 1970 йилда туғилган. Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Унинг “Мен – кўринмас одам”, “Онаси ўпмаган йиғит”, “Жумбоқ”, “Қиёфа ўғриси”, “Нотаниш”, “Тоҳир Малик билан гурунлар”, “Учрашув” номли китоблари чоп этилган.

Китобдан қайдлар

Тохир ака билан етмиш йиллиги арафасида суҳбат қурганим эсимда (бу “Тохир Малик гурунлар” китобидан ўрин олган).

– Тохир ака, улуғ ёшдасиз. Яхши кунлар билан бирга ташвишли дамлар ҳам бошингиздан ўтди. Тўй-томошалар қаторида жудоликларга юзма-юз бўлдингиз. Хасталикларни енгишингизга, жарроҳ тиғи танангизни бир неча марта кесишига тўғри келди. Фарзандларингиз, невараларингиз, шогирдлар, дўстлар, мухлисларингиз бор. Сизни миллионлаб одамлар танийди, китобларингизни ўқийдилар. Айтишадик, улуғ ёшга етганда ўтган кунлар бир-бир эсланаверар экан. Ҳаёт аталмиш уммонда сузган дамлар кўз олдидан ўтавераркан. Нима қилиш керак эди-ю, қайси ишга қўл урганидан пушаймон – шулар ҳақида бот-бот ўйлар экан. Устоз, умрингиз узоқ бўлсин, муборак етмишинчи довонингизда ҳаёлингиздан нелар ўтади?

– Етмишинчи довон ҳақида эсламаганингиз яхши эди, – жавоб берган эди устоз. – Чунки, ўзингизга маълум, камина “туғилган кун”, “юбилей” деган гапларни ёқтирмайман. Шу ёшга кириб бирон марта ҳам туғилган кунимни нишонламаганман. Мен учун туғилган кун умрининг бир йили ўтганини билдиради. Умр ўтганини нишонлаш менга ғалати туюлади. Тўғри, бу одатимни кўпчилик танқид қилади. Умуман, ҳаётда бошқаларнинг ғашини келтирадиган одатларим бор, буни ўзим ҳам биламан. Масалан, мен ҳеч кимга, ҳатто аёлларга гул совға қилмайман. Чунки мен гулни ўз ўрнида чаман бўлиб туришини истайман. Одамлар гулларни узадилар, чиройли қоғозларга ўрайдилар, совға қиладилар, икки-уч кунда гул сўлийди ва ахлатга ташлаб юборилади. Агар гул эҳтиром рамзи бўлса, демак, эҳтиром ахлатга ташланадими?

Етмиш ёш – кексаликни узил-кесил тан оладиган манзил. Лекин бу кексалик олдидан мағлуб бўлиш деган гап эмас. Ўтмишда ўтган дониш аҳли борки, барчаси кексалик ҳақида сўз айтиб кетган. Чунки уларнинг ҳар бири кексаликнинг шарбатидан тотиб кўришган. Мана шуларнинг айримлари:

“Ўспиринлик кунлари бекиёсдир. Кексалик унга вақт туманлари орасидан боқишни хуш кўради. Мўйсафид одам шом палласида тонг шафағини орзу қилади”. “Қариш кўнгилсиз нарса, аммо узоқ яшашнинг бирдан-бир йўли шу”. “Қаришни ҳеч ким хоҳламайди, аммо узоқ яшашни ҳамма истайди”. “Қарилик ташвишлари одатдаги ҳаёт ташвишларининг ўзгинаси, фақат унинг кучайган шаклидир”. “Қарилик шунинг учун ҳам кўнгилсизки, кексайганда биз фақат шодликдан эмас, балки орзу-умидлардан ҳам маҳрум бўламиз”.

Ҳикматларнинг сўнгисига мен қўшила олмайман. Чунки кексалик ёшида орзу-умиддан маҳрум бўлиш бадбинлик касаллигига мубтало қилади. Бадбинлик ўлим сари олиб боровчи йўлни ғоят азобли қилади. Киши ёшидан қатъи назар, орзу-умидлардан узилмаслиги шарт. Камина шу тоифадан.

Ислонда ўлимдан кўрқиш кўп тилга олинади. Бу “эртага ўлиб қоламанми?” деган хавотирда яшаш эмас. Пайғамбаримиз салоллоҳу алайҳивассалом, кўчат экаётганингизда қиёмат бошланиб қолса-да, ниҳолни экишга улгуриб қолинг, деб даъват қилганлар. Бу кўпроқ яхшилик қилиб қолишга эришинг, демакдир. Ўлимдан кўрқиш замирида ҳам худди шу маъно яширинган.

Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқнинг бу гапларини мен қалбим тўрида асрайман:

“Ёшлик кўркамлиги гупириб турган гўзал, ёруғ юзлар қани? Шаҳарлар бино қилиб, уларни мустаҳкам деворлар билан ўраган подшоҳлар қани? Жанг

майдонларида ғолиб, ғалаба нашидасини сурганлар қани? Замон уларнинг курагини ерга теккизди, қабр зулматларига ошно қилди. Сиз нажотга, нажотга шошилинг! Эй инсонлар! Сиз умрингиз қай замон тугаши ўзингизга номаълум бўлган бир умр ичида кун ва тунларингизни ўтказмоқдасиз. Агар қўлингиздан келса, бу ҳаётингизни яхшилик қилиш билан ўтказинг. Буни ҳам фақат Аллоҳ таолонинг ёрдами билан амалга ошира оласиз. Ажалингиз сиздан ишлаш фурсатини олиб қўймасдан туриб, имкониятларингизни ишга солиб, хайрли амалларга шошилинг. Зеро, ажалларини унутган, яхшиликларини бошқалардан қизғанадиган кимсалар ҳам бордир. Зинҳор улар каби бўлманг. Тезроқ бўлинг, ғафлатда қолманг. Чунки орқангиздан сизга етишмоқ учун тез келаётган ажалингиз бор. Ўлимдан огоҳ бўлинг. Оталардан, ўғиллардан, ака-укалардан ибрат олинг. Яшаётган кишиларга эмас, ўлгандан сўнг улар ортида қолдираётган гўзал нарсаларга ҳавас қилинг”.

Хувиллаган уйга ташриф

Юқорида тилга олинганидек, Тоҳир Малик кўп марта касал бўлди, шифохоналарга ётқизилди, бир неча марта жарроҳлик амалиётини бошдан ўтказишга тўғри келди. Кейинги пайтларда ўлим ҳақида бот-бот ўйлайдиган бўлди. Бунинг ҳосиласи ўлароқ, автобиографик йўналишдаги “Пўртанали уммонда сузар ҳаёт қайиғи” китобини ёзди.

Устознинг уйларига ташриф буюраман. Хайҳотки, бизни мудом қарши оладиган адиб энди йўқ. Устоз билан қарийб эллик йил умргузаронлик қилган рафикаси Муқаддас ая маъюс кутиб олади. Кўзларида мунг, дард. Тоҳир акани хотирлаймиз.

– Эсласам, ўртаниб кетаман, – маъюс сўзлайди Муқаддас ая. – Уйимиз жудаям хувиллаб қолди. Ўрганган эканмиз-да одамларнинг келишига.

Ўша кундан буён ҳеч қаёққа чиққаним йўқ. Боргим келмайди ҳеч қаерга. Фақат мазорга бориб-келаман, ҳафтада икки-уч марта. Невара куёвимиз ҳам шу кишининг олдида келарди. Мана шу мебелларнинг ҳаммасини шу ясаб берган. Энди ҳечам келолмаяпти. Келади-ю, эшикдан киролмай кетади. Ўтириб-ўтириб кетарди.

Айрилиқ ёмон экан жуда. Ўша куни яхши эдилар. Ўзи анча яхши бўлиб қолгандилар. Кечқурун овқатландик. Саккиз яримдан ошган эди. Кимдир чақириб келди. Нариги уйда ўтиришди (изоҳ: дарвозадан кираверишда ўнг томондаги уй – А.Н.). Мехмонларни кузатиб зинадан тушиб келаётганларида хуруж бошланди. Оғриқ кучайиб кетяпти, дедилар. Уколимиз тайёр эди, укол қилишди. Қусиш бошланди. Сафро ташлай бошладилар.

Эрталаб дард жуда кучайди. Поликлиникага телефон қилсам, иккала жарроҳ ҳам ишга чиқмаган, бошқалар ҳеч нима билишмайди. Кейин “грудной”га, врачга кўнғироқ қилдим. Эшитиши билан югуриб келди. Текшириб кўрди-ю, олиб кетаман, деди.

У ерда грижаларини операция қилишди. Операция жуда яхши ўтган. Лекин бошқа нарса бор экан-да! Ўпкада тромблар беркилиб қолган экан. Буни ҳеч ким билмаган шу пайтгача. Ҳеч ким бу томонни текширмаган.

Шундан кейин Тоҳир акангиз қимирламадилар. Йигирма кун ётдилар. Мен палатага кираман, имо-ишора билан олиб кет, дейдилар. Бир оғиз гап бўлмади. Доктор келди, “Тоҳир ака, ҳозир сизни қимирлатсак, нафас ололмай қоласиз”, деди. Аппаратни ўчириб кўрсатди. Шу заҳоти нафас олмай, жим бўлиб қоляптилар. Шундан кейин йигирма кунгача бордилар, йигирманчи куни...

Лекин унгача менга гапирдилар, тиллари қимирляпти. Докторлар турибди

олдимизда, бироқ ҳеч ким тушунмаяпти. Роса кўп гапирдилар ўшанда. Тинмай гапирдилар, лаблар кимирлайди, аммо овоз чиқмайди.

Бу хуружгача яхши бўлиб қолгандилар. Лекин жудаям кўп ухлаётгандилар. Бунча кўп ухлайсиз, ухламас эдингиз-ку, дердим. Ўтириб ҳам, ётиб ҳам ухлардилар. Уйқу кўп бўлди.

Ҳаммаси грижадан. Грижага тегиш керак эмас экан-да! Гуллаб кетадиган тури экан. Яна кўпайиб кетди. Семириб кетмаганлар, ҳаммаси грижа туфайли эди.

Уч кун қолганда амаллаб томографияга туширишибди. Ётган ҳолларида олиб боришган, томирлар беркилиб қолгани аниқланибди. Нафас олишлари қийинлашди.

– Тоҳир ака бир сафар ўн мартадан кўп операция бўлганларини айтган эдилар. Нима эди улар?

– Грижанинг орасида ўт пуфагини олиб ташлашган, бошқа операциялар ҳам бўлди-да. Агар бирданига қилинган иккита-учта операцияни қўшса, ўн мартадан ошиб кетган ҳаммаси.

Кейинги вақтда шундай бўлдики, салгина яхши бўлсалар, иш столига бориб, шуни ёза қолай, деб ўтириб олардилар. Қандайдир бошқача бўлиб қолгандилар. Тезроқ ҳаракат қилиш керак, дердилар. Ҳозир эътибор билан эсласам, кўп нарсаларга белги бериб кетган эканлар. Билганлар.

Оғир хуруждан сал илгари, Тўлаган Исҳоқов деган қариндошимиз, футболчи бўлган, амакиларининг ўғли, етмиш ёшга тўлди. Юбилейга хабар қилдилар. Тоҳир акангиз ҳеч қасқа бормаётгандилар. Ўша ёққа бораман, қариндошларимни кўраман, дедилар. Хаёлимга ҳам келмабди, нега бундай деётганлари. Ўғлим олиб борди. Кўриб, ўтириб, “Тўлаган, сен билан охири бор кўришишимиз”, дебдилар.

Ўзларига белги берган. Оғриқ охири хуруж эди. Олдин ҳам оғриб турарди. Укол олиб кўярдиқ, хуруж бошланса, дарров укол қилардиқ, грижанинг хуружига. Оғриқ босиларди. Йўқ, охири гал босилмади. Укол ҳам таъсир қилмади. “Но-шпа” ичиринглар, дейишди, ичирдиқ, таъсир қилмади. Роса ҳаракат қилдиқ. Хуллас, ўшандан кейин врачнинг ўзини чақирганмиз. Олиб кетиб, ўзи операция қилди. Аввал ҳам операцияларда қатнашган-да, билади у.

– Муқаддас ая, грижа бир неча йиллик асорат эдими? Ака-укаларда бўлмаганми бу касаллик?

– Йўқ, бўлмаган. Оғирлик кўтарганларидан бўлган. Қурилишда ишлаганлар, биласиз. Уйимизнинг қурилишини ҳам, ҳаммасини ўзлари қилганлар. Секин-секин, мана шу ўтирган уйимизни ўзлари бунёд қилган. Янги болохона ҳам қурганмиз кейин.

Эсимда, бир ўртоқлари олтмишта хода келтириб берди. Мошинадан ўзлари олиб тушиб, ичкарига киритдилар. Рандалаб-тозалаб қўйдилар. Кейин бу ҳодаларни битталаб томга олиб чиқдилар. Ўшанда ёшлари элликка бормаган эди. Ҳаракат жуда кучли бўлган. Зўриқиш, оғирлик кўтариш, буларнинг ҳаммаси таъсир қилган.

– Нега ҳеч кимни ёрдамга чақирмаганлар? Қавм-қариндошлар, ҳамкасблар, таниш-билишлар, шогирдлар кўп эди-ку?

– Йўқ, ўзлари секин қилардилар. Ишга бориб келардилар. Мен овқатни сузиб берардим. Тамадди қилиб олгач бошлардилар. Меҳнатнинг ҳаммасини ўзлари қилган.

“Тўзон” номли асарлари тугалланмай қолди.

Яқинда “Васиятнома”ларини телевизорда беришди “Оталар сўзи”да. Сал ўзгартириб қўйишибди. Қараб турдим, фамилияларини ёзишмади. Бошқа одам ўзлаштириб олганми, билмадим. Қаҳрамонларнинг исмлари ўзгармаган, ҳаммаси ўшандай.

Академиядан телефон қилиб сўраб туришади. Таваллуд кунларида махсус табдир уюштиришди. Таклиф қилишди. Мен боролмадим. Болалар боришди. Тоҳир аканинг номларига кутубхона очишибди. Академиянинг ректори ҳам яхши кўрарди. Жудаям хурмат қиларди.

Нима қилай, устозингизни ёддан чиқариб бўлмайди, чиқармайман ҳам. Эсласам, титраб кетаман. Бирор марта уришиб, ҳақорат қилганларида ҳам майли эди. Ҳаётда уришмаганмиз. Бир оғиз қаттиқ гапирмаганлар.

“Менга сабр тилаб қўйинг...”

Табаррук уйдан қайтар эканман, устознинг рафиқаси ҳақида айтганлари ёдимга тушади:

“Мен уйда бемалол ҳазиллашимга сабаб – хоним афандим ҳазилимни малол олмайдилар, аксинча, кўпинча мириқиб куладилар. Бир йили тоблари қочиб, жарроҳлар қўлидан эсон-омон чиқдилар. Реанимация бўлимида ётибдилар. Болаларни ичкарига қўйишмайди, улар хавотирда. Бош врач муовинига учраган эдим. “Ҳаммаси яхши бўлди, юринг, кўриб чиқинг”, деб йўл бошладилар. Кирсам, бечора ҳолатда ётибдилар. Мени кўриб, ёш бола каби йиғлашга тараддуд қилдилар, лаблар аста қимирлай бошлади. Хонимга меҳрибонлик қилсам, ўзим ҳам йиғлаб юборишим мумкин. Чунки хотин битта-да!

– Ана, Тоҳир ака, янгамиз Худо хоҳласа, юз ёшга кирадилар, – деди врач.

– Илойим айтганингиз келсин, болаларнинг бахтига юзга кирсинлар, лекин мен бу хотиннинг зулмига яна қирқ йил чидашим керакми? Менга ҳам сабр тилаб қўйинглар, – дедим.

Кулишди. Мен эсам давом этдим:

– Раҳмат сизларга, мени бошқа хотин кидириш ташвишидан қутқардинглар. Аммо, билиб қўйинг, хотин акамизни аввалгидан ҳам соғломроқ ҳолда қўлимга топширасизлар. Сизларга бир ҳафта муҳлат. Бўлмаса, бошқа хотинга алмаштириб берасизлар.

Мен ўзимни мутлақо ташвишланмаган, қувноқ қилиб кўрсатдим, ҳолбуки, тун ташвиш билан ўтган эди. Хоним афандим ҳам гапларимга кулиб: “Илтимос, бошқа кулдирманг”, дедилар. Билишимча, кулганда яра ўрнида оғриқ кўзгалар экан.

Бундан олдинроқ, ўзим ҳам операциядан чиққанимда, врачлар ҳушимга келтиришди. Қарасам, тепамда хоним-афандим ташвишланиб турибдилар. Дори таъсирида бошим айланиб, кўзимга иккита бўлиб кўриндилар.

– Аҳвол қалай? – деб сўрашди врачлар.

– Соппа-соғман, оғриқ йўқ. Лекин тепамда иккита хотин қараб турибди, – дедим.

– Тоҳир ака, хотин иккита бўлгани яхшимасми? – деб кулишди.

– Яхши-ку, лекин иккаласи ўзимнинг эскидан қолган битта хотиним-да, – дедим.

Менинг уйдаги ҳазилларимдан илҳомланган шогирдларимдан бири уйида хотинига ҳазил гап айтган экан, хотини қувиб чиқарибди. Яраштиргани бордим. Хотин дарров инсофга кирди. “Ёмон гап айтмадим, сизнинг ҳазилингизни айтувдим, жаҳли чикди”, деди шогирдим. Шунда дедимки: “Менинг ҳазилимни айтиш учун сиз Тоҳир Малик бўлишингиз керак, Тоҳир Маликнинг ширали оҳангида гапиришингиз керак. Энг муҳими, хотинингиз Тоҳир Маликнинг хотини каби ҳазилга тушунадиган чидамли аёл бўлиши керак...”

"Тириклик шамидай милтирар ҳавас..."



Жовли ХУШБОҚ

Бугунги кун адабий жараёни ўз ранг-баранглигига эга бўлиб бормоқда. Ижодкорларнинг айримлари ҳикоячиликда ўзига хос мактаб яратишга интилаётган бўлишса, шеърят, адабий танқидчилик, драматургия, кинодраматургияда ҳам бири бошқасидан кескин фарқланадиган янгича йўналишлар юзага келмоқда. Ижодкорлар ўзларида мавжуд иқтидорни ҳар бир адабий жанрда муваффақият билан намоён қила олишмоқда. Эркин Аъзам, Мурод Муҳаммад Дўст, Назар Эшонқул, Абдуқаюм Йўлдош, Шухрат Ризаев, Ғафур Шермуҳаммад, Эркин Хушвақтов сингари адиблар йирик насрий асарлардан ташқари театр ва кино учун сценарийлар ёзишда ҳам юксак маҳоратини намоён этишмоқда. Шу маънода адиб ва кинодраматург, “Санам тоғидаги гулхан” (қиссалар), “Бозор ичра “бозор”, “Сирли тузоқ”, “Одамлар” сингари ўндан ошиқ китоблар муаллифи, серкирра ижодкор Мирзапўлат Тошпўлатов ҳамда адабиётшунос олим, мунаққид Жовли Хушбоқнинг бугунги адабиёт ва матбуотнинг аҳволи, ўзгараётган ижодий жараёнлар ҳақидаги суҳбатини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Жовли ХУШБОҚ: *Сизнинг республикамизнинг нуфузли наشرларидан бирида бош муҳаррирлик қилган йилларингизни яхши эслайман. Негадир ўша пайтда ҳам бадиий публицистика анча жазавага тушганди. Мустақилликка эришганимизнинг дастлабки палласи эмасми, озодликнинг илк даври ҳодисалари ва ҳар кунги талай янгиликларни шарҳлаш билан бирга адабий жараёнлардаги ўзгаришларни ифодаладиган материаллар бериб борилиши кучайди. Айниқса, ўзингиз раҳбарлик қилган “Ёзувчи” газетасининг 1997–1998 йилларда 6 минг нусхада чоп этилган таҳламларини варақласак, публицистларнинг оташин сўзлардан иборат мақолалари, шоирларнинг ҳароратли, лирик ва ижтимоий оҳандаги шеърлари, ўқиганда юрагингизни ларзага соладиган ҳикоя ва эсселар чоп этилгани гувоҳи бўламиз.*

Жовли ХУШБОҚ – 1949 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини битирган. Йигирмага яқин адабий-танқидий мақолалар ва насрий асарлар, бир нечта бадиий ва ҳужжатли фильмлар сценарийлари муаллифи. Асарлари инглиз, немис, рус, тожик тилларига таржима қилинган.



**Мирзапўлат
ТОШПЎЛАТОВ**

Мирзапўлат ТОШПЎЛАТОВ: Матбуот ҳам, адабиёт ҳам жамият кўзгусидир. Қайсики давлатда маърифатнинг бундай устунлари эътибордан соқит қилинар экан, ўша мамлакат таназзулга юз тутиши табиий. Аммо шу билан бирга, масалан, ҳозирги газета-журналларнинг кўпчилиги саҳифаларини олди-кочди, фақат мадҳиябозликдан иборат мақолалар билан тўлдиралаётганини ҳам гувоҳи бўласиз. Ваҳоланки, журналист ёки адиб ҳеч қачон ялтоқланмаслиги керак. Ҳамиша ҳақиқатни айтиши, халқнинг тили ва дилидаги гапларни асарлари, мақолаларида ҳам дадил, жасурлик билан кўтариб чиқа олиши шарт! Шундагина адабиёт, матбуотнинг кучи, қудрати нималарга қодир эканлиги намоён бўлади.

Илгари бирор амалдор тўғрисида матбуотда танқидий мақола чикса, материалда ўша мансабдор жиноятлари фош этилган бўлса, шу мақолага асосланиб жинойий иш ҳам кўзғатиларди. Ҳозир-чи? Бирор йирик ташкилот раҳбари ёки юқори мансабдор ҳақида танқидий-таҳлилий мақола эълон қилсангиз, унга ҳатто “хайфсан” интизомий жазоси ҳам қўлланмайди. Тўғри, матбуотнинг асосий вазифаси айбдорларга жазо талаб этиш эмасдир, аммо танқидий мақола чиққач унга бирор вазирлик ёки ҳокимлик деярли муносабат ҳам билдиришни лозим кўрмай қўйгани ачинарли. Ҳатто бир раҳбар очикчасига: “Майли, мени газетангизда юз марта уриб чиксангиз ҳам хафа эмасман, фақат ижтимоий тармоқларда танқид қилишмаса бўлди”, дейди. Бу аҳволга қандай баҳо бериш мумкин?

– “Ёзувчи” газетаси шоир ва адиблар ижодининг ҳақиқий кўзгуси эди. Эҳтимол, бугун ҳам шу каби ҳафталик нашрларга эҳтиёж бордир? Тўғри, ҳозирги кунларда матбуотга эҳтиёж камайиб бораётганлиги тўғрисида ижтимоий тармоқларда ваҳимали хабарларни ўқишга тўғри келяпти. Наҳотки ўттиз беш миллиондан ошиқ аҳолиси бўлган бутун Ўзбекистон газетхонлари матбуотнинг қудратли кучидан бебаҳра қолсалар? Энг ачинарлиси, бугунга келиб кўпчилик босма нашрлар инқироз ёқасида турибди. Ҳатто республиканинг етакчи нашрлари, айрим ҳокимликлар муассислигида чиқаётган газеталар ҳам зўрға жон сақламоқда. Улар орасида умумий адади 1000 нусхадан ошмаётганлари ҳам йўқ эмас. Бир томондан бунга ўша таҳририятларда хизмат қилаётган журналистларнинг ўзлари айбдордек. Камига публицистиканинг турли жанрлари йўқ бўлиб кетиш арафасида. Эндиликда памфлет, очерк, репортаж, лавҳа, фельетон, таҳлилий ҳамда танқидий мақолалар газета ва журналларда онда-сондагина эълон қилинаётир.

– Рост айтдингиз. Ҳатто ижодкор ва журналистларнинг “Халқ сўзи”, “Янги Ўзбекистон”, “Қишлоқ ҳаёти”, “Жамият”, “Ишонч”, “Маърифат” газеталарига,

Мирзапўлат ТОШПЎЛАТОВ – 1950 йилда туғилган. Тошкент давлат университети-нинг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. “Юракдаги сир”, “Беором тўлқинлар”, “Санам тоғидаги гулхан”, “Ойни ахтараётган бола”, “Тонг оқариб келарди”, “Занжир”, “Бахт юлдузи” каби китоблари чоп этилган.

партия нашрларига ихтиёрий равишда обуна бўлмоқчиман, деган гапни айтганлигини эслай олмайман. Сабаби шундаки, илгари ижтимоий-сиёсий нашрларда ҳам бир саҳифалаб шеърлар, катта ҳажмдаги ҳикоялар, адабий-танқидий мақолалар ҳамда тақризлар эълон қилинарди. Эндиликда газета ва журналларнинг кўпчилигида ижтимоий-сиёсий мавзулардаги материалларнигина босишга зўр берилмоқда. Фикримча, таҳририятлардаги муҳаррирлар газетхонларнинг эҳтиёжи, фикр ҳамда истакларини ҳам ҳисобга олишлари керак.

– Одил Ёқубов, Ҳамид Ғулом, Иброҳим Ғафуров каби атоқли ижодкорлар билан бирга ишлаш насиб этган адиблар кўп эмас. Сиз учун уларнинг қайси фазилатлари қадрли? Бу инсонлар билан бир жамоада ишлаган пайтлар улардан нималарни ўргандим, деб ўйлайсиз?

– Ёшликни бежизга олтин давр дейишмаган экан. Сира хотирамдан чиқмайди. Талабалар шахарчасида тонготаргача давом этувчи шеърхонликлар, турли китоблар мутолааси, янги тўпламлар муҳокамалари гоят қизиқарли ва чексиз завқ-шавқ берарди. Биз ёшлар ўқиган асарларимиздан олган бой таассуротларимиз хусусида сўзлашишдан чарчамасдик. Талабалик ортда қолгач, биров газета таҳририятларига, бошқалари эса радио ёки телевидение идоралари томон йўл олишди. Мен эса ҳеч иккиланмай ноширликни танладим. Иш сўраб борганим Ғафур Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриётига ҳаммани ҳам қабул қилаверишмас эди. Аммо менинг омадим келиб, нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё халқларининг севимли ёзувчисига айланиб улгурган Одил Ёқубовнинг кўмаги билан шу даргоҳда хизмат қила бошладим.

Ёши улуг ижодкорлар яхши эслашади. Бу нуфузли нашриётга таникли адиб Ҳамид Ғулом раҳбар эди. Адабиётшунос Пирмат Шермуҳамедов эса бош муҳаррирлик қиларди. Ҳозиргача кўз олдимдан кетмайди: ўзининг бир қатор қисса ва романлари билан дунёга танилган адиб Одил Ёқубов ҳамда адабий танқидчи Иброҳим Ғафуров бир хонада ўтиришар, уларнинг ўзаро иноқ ва меҳрибонлигини кўриб ҳавасимиз келарди. Икковиям бош муҳаррир ўринбосари сифатида ўта талабчан, қаттиққўллигига қарамай, айна пайтда дилкаш ва самимийлиги билан ҳам жамоадаги кўпчиликнинг юксак эҳтиромига сазовор бўлишганди. Умуман, мен учун бу даргоҳда хизмат қилиш катта шараф эди. Фаолият юритганим ишлаб чиқариш бўлимида Чўлпон Эргаш, Азим Суюн, Турсун Али, Абдунаби Бойқўзиев, Исмоил Маҳмуд, Тўра Нормат каби ижодкорлар билан бирга меҳнат қилиш кишига завқ бағишларди. Барчамиз босмахоналарга бирга қатнар, бўш вақт топилди дегунча янги китоблар, таржималар, дунё адабиёти ҳақида мароқли суҳбатлар қулардик. Бир-биримизнинг энди ёзилиб, ҳали сиёҳи қуримаган асарларимизни ўқиб, фикр алмашардик. Шундан кейингина ёзганларимизни нашриётдаги устоз шоир ва адибларга кўрсатишга журъат этардик. Бундай пайтлар ҳатто рўзгор ташвишлари ҳам эсга тушмас, адабиётнинг сирли олаmidан мириқиб баҳраманд бўлардик.

Нашриётимиз муҳаррирлари ҳақиқий китобхонлар эди. Чунки ҳар ойда уч-тўртта асар қўлёзмасини ўқишга тўғри келарди. Ҳар бир китобнинг дунёга келиши чоп этилиши эса байрамга айланиб кетарди. Бунинг устига китобхонларнинг кўплигини айтмайсизми? Олис Сурхондарёдан ёки Хоразмдан юзлаб кишилар янги чоп этилган китобларни почта орқали юборинг, деб илтимос қилишарди. Бадиий асар қадри кўра анча-мунча юкори эди-да! Қолаверса, нашриётлардаги муҳит ҳам ҳозиргидан анча фарқ қилар, доим таникли шоир ва адиблар билан гавжум бўларди. Омон Матжон шеърят, Ҳасан Тўрабеков таржима, Маҳкам Маҳмудов танқид ва адабиётшунослик, Лола Тожиева эса наср бўлимини бошқарарди. Уларнинг барчаси меҳнатсеварлиги, ажойиб фазилатлари ҳамда ўзига хос истеъдоди билан

бизга намуна бўлган. Бу инсонлардан одамийлик, ишга масъулият билан ёндашиш, ижодда фаол бўлишни ўргандик.

– Ҳозирги айрим наириётларга бош суққудек бўлсангиз, журналистика факультети ёки бошқа бирор институтни наридан бери битирган, ҳатто шеър ёки ҳикоя ёзиш қўлидан келмайдиган муҳаррирлар истеъдодли ижодкорлардан қўлёзма қабул қилиб олишгаётганлигини кўриб, ҳайрон қоласиз. Улар шу забардаст шоир ва ёзувчилар асарларини таҳрир қила олармикин, деган шубҳалар кўнгил кўчасида ўрмалай бошлайди. Таниқли ижодкорлардан бири шундай воқеани кула-кула гапириб берди. Яқинда у наириётлардан бирига жўрттага эллик-олтмишта ҳикоясини тўплаб, қўлёзмасини ташлаб кетибди. Буларнинг ҳатто учдан бир қисми бўш асарлар эканлигини адибнинг ўзи ҳам билар экан. Аммо давлат наириётида ўтирган муҳаррирларнинг савиясини синаш учун бу ҳикояларнинг ҳаммасини топириб юборган. Бир неча вақтдан сўнг қарасаки, ўша барча ҳикоялари ёстиқдай китоб бўлиб турибди-да! Ахир, илгарилари наириётга берилган қўлёзмалар шафқатсиз равишда таҳрир қилинар, агар муаллиф ўттизта ҳикоя олиб келган бўлса, тахминан ўнтаси омон қолар, қолганлари эса яроқсизга чиқариларди. Энди ўйлаб кўринг: баъзи наириётларда аҳвол нега шу юқорида келтирган мисолимиздаги каби ташвишли? Қўлёзмани ўқиб, у ер, бу ерини тўзатмаса ёки олиб ташламаса муҳаррирларга не ҳожат? Бу хусусда сизнинг мулоҳазаларингизни билишни истар эдим.

– Тўғри айтдингиз. Китоб дўконларидаги қанчадан-қанча енгил-елпи мавзудаги асарларни кўриб, афтингизни буриштиришдан бошқа илож топа олмайсиз. Мазмун ғариб, қўлёзмалар деярли таҳирисиз нашр этилган. Бу ҳақда жуда кўп гапирганман, ёзганман. Бундай муҳаррирларга чора кўрилиши керак ахир...

– Бундан йигирма йиллар аввалмиди, бир киноқиссангиз қўлимга тушиб қолганди. “Ўғрибошининг ўта махфий дафтари” деб номланган бу асар нашр этилган газетани излаб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига борганим ҳамон ёдимда. Чунки шоир дўстларимдан бири бу киноқиссани мазза қилиб ўқиганини айтиб, мени қизиқтириб қўйганди. Ҳақиқатан ҳам асардаги сюжет, образлар, конфликт ва диалоглар оригиналлиги билан менда ҳам беқиёс таассурот қолдирди. Бусаргузашт асарни ўқий бошлашингиз билан беихтиёр воқеалар қандай ривожланар экан, дея ҳаяжонлана бошлайсиз. Асардаги оддий диалоглар ҳам сюжет ривожини учун хизмат қилган. Бу саргузашт киноқиссангиздаги воқеалар ҳаётда рўй берганми ёки асар кимлардандир эшитганларингиз асосида яратилганми?

– Аввало, ҳар қандай қисса ёки ҳикоя адибни безовта қилган илҳом туфайли юзага келади. Гапнинг очиғини айтсам, Тошкент шаҳрида фаолият олиб борган бир жиноий тўда ҳаёти билан танишишим мазкур асар ёзилишига туртки бўлган. Сир эмаски, таниқли ёзувчи Тохир Маликнинг “Шайтанат” романи ҳам худди шундай даҳшатли жиноий тўдалар ҳаёти ҳамда қинғир ишларини ўрганиш асосида яратилган. Мен ҳам “мафия”га дахлдор одамлар билан суҳбат курдим. Уларнинг ички дунёси, характери ва жиноий гуруҳлар ўртасидаги қарама-қаршиликларни англаб етишимга тўғри келди. Ва ниҳоят: “Энди бу ҳақда саргузашт асар ёзмасам бўлмайди”, деган фикр хаёлимдан ўтгандан сўнггина қўлимга қалам олдим.

– Сизнинг “Санам тоғидаги гулхан” қиссангиздаги воқеалар, ҳаётий образлар, қисса конфликти, персонажлар ўртасидаги тўқнашувлар ва улар руҳий оламига доир тасвирлар ҳамон ёдимда. Бу эса асар қанчалик даражада маҳорат ва илҳом билан яратилганлигидан далолат беради. Асардаги, айниқса, Зардуш ва Қалдирғоч образлари индивидуаллиги, оригиналлиги билан ёдда қолади. Қаҳрамонлар диалоглари ҳам уларнинг ўзларигагина хос хусусиятлари, характерини очишда

беқиёс роль ўйнаган:

– “Меҳрибон оғам, бу жароҳатлар билан қаерга ҳам борурмен? Унинг устига бурунсиз, юзларим куюк, одамларга кулгу, масхара бўлурман-ку, оға.

– Жароҳатингизга чипор илон кулини бойласак, бир кунда қотириб, оғриқдан асар ҳам қолмайди. Юзингиздан тортинсангиз, ниқобда юргайсиз.

Амир миясига келган бу фикрдан ўзи мамнун бўлди.

– Раҳмат, оға, сизнинг маслаҳатингиз доно фикр уйғотди. Ҳақиқатан мен юзимга қора ниқоб тортурмен. У қора ниқоб, қора кунларимдан, элим тортаётган жабр-зулмдан дарак бериб турур. Токим, эл-юртим бошидан қора туман кетмагунча, шу қора парда ортундан қарайдурмен.

Эшик оға илоннинг кулини келтирди. Амир ҳакимнинг жароҳатларини авайлаб бойлади.

– Эрта шомгача тузалиб қолгайсиз, иним.

– Кўп яшанг, оға. Гапингиз рост бўлса, энди йўлга, Нахшабга, дўстлар.”

Мана шу диалоглардаги гап-сўзлар қаҳрамонларнинг ҳарактерини очишга хизмат қилган. Бу ҳам ёзувчининг ўзига хос услуби, асар яратишда бадийй воситалардан фойдаланишдаги маҳоратидан дарак.

– Бу қиссани ёзиш учун беш-олти йил тайёргарлик кўрдим, аввало бадийй ниятни амалга оширишга хизмат қилмайдиган персонажлардан воз кечдим. Шу боисдан қалингина романга материал бера оладиган воқеаларнинг анчаси қисқариб кетди. Натижада, ўқувчини зериктирмайдиган ихчамгина қисса юзага келди. Адиблик тажрибамдан билишимча, асарни қизиқарли қилишни ўйлаб, воқеаларни ҳаддан ташқари кўпайтириб юбориш, ҳадеб тафсилотлар баёнига берилиб кетиш ҳам қаҳрамонлар ҳарактерини яратишга тўсқинлик қилади.

– Алдагани бола яхши, деган нақлни кўп эшитганмиз. Аммо кичкинтойларни лақиллатиб бўлармикин? Қолаверса, ҳозирги кун болаларининг онгу тушунчаси ва дунёқараши XX аср болалариникига қараганда анча-мунча илгарилаб кетганлигини кўриб-билиб турибмиз. Аммо сиз ёзган “Ойни ахтараётган бола” қиссаси асар ёзилганига ўттиз йиллар ўтганига қарамай, ҳамон ёш китобхонларнинг сеvimли қиссаси бўлиб қолмоқда. Негаки, унда бола қалбига кўзгу тутилган, руҳий оламида кечаётган туйғулар тасвир этилган. Энг асосийси, қаҳрамонлар ҳолати табиий, воқеалар ишонарли тасвир этилган. Бу қиссани ҳатто машҳур адиб Шукр Холмирзаев ҳам “Ҳар бир ижодкор шунга ўхшаш уч-тўртта қисса ёзса бўлди”, деб эътироф этгани ҳам бежиз эмас.

“Ойни ахтараётган бола” қиссаси қаҳрамонига бирор танишингизни ё бўлмаса неварангизни прототип қилиб олганмисиз? Ёки...

– Очиғини айтсам, болалар учун асар яратишни жуда яхши кўраман. Кичкинтойларга мўлжаллаб ёзган бир нечта ҳикояларимни жамлаб, 2018 йилда “Сирли тузоқ” номли тўпламимни ҳам нашр эттирдим. Болаларга хос фазилату нуқсонларни асарларда баён қилиш осон эмас. Кўп йиллар Қашқадарё вилоятининг Қарши туманидаги кишлоғимизда кичик ёшдагилар билан суҳбатлашиб, улар ҳаётини мукамалроқ ўрганишимга тўғри келган. Сиз тилга олган қиссадаги бош қаҳрамон ҳақиқатан ҳам қариндошларимиздан бирининг невараси ҳаётдан олиб ёзилган. Фақат унинг исмини ўзгартирганман, холос. Шу боисдан образ ҳаётини чиққан, деб ўйлайман.

– Бадийй асар ёзиш гоҳида қизиқарлироқ сюжет асосидаги ҳодисани ҳиссиз, эътироссиз баён этишдан иборат, дея юзаки қарайдиганлар ҳам оз эмас. Шу боисдан “Мен ўнта қисса, олти роман ёзиб ташладим” дея оғиз кўпиртириб мақтанадиган ижодкорларни кўрсам ҳайратдан ёқа ушлайман. Бу каби китоблар

сонинигина кўпайтириши васвасаси оқибатида макулатура даражасидаги “асар”лар хирмони ҳосил бўлмаяптими?

Айрим ўқувчилар худди шу каби олди-қочди воқеалар баёнидан иборат китобларни мук тушиб ўқий бошласалар ҳайрон қоламан. Ахир, фаҳш, ур-йиқит, қотилликлар жўнгина тасвир этилган бу каби матнларнинг санъат асарига нима дахли бор?

Лев Толстой, Фёдор Достоевский, Эрнест Хемингуэй, Абдулла Қодирий, Одил Ёқубов романлари ёки уларнинг кичик жанрдаги асарларини ўқисангиз, эстетик завқ оласиз, руҳингиз озиқланади, тафаккурингиз кенгаяди, ҳаёт ҳақида, унинг мураккабликлари хусусида ўйлай бошлайсиз.

Китобхонликдаги, китоб мутолаасидаги ҳозирги аҳвол хавфсирайдиган даражада хавотирли эмасми? Бугунги кўпчилик китобхонлар асл санъат асари билан юзакиси фарқига борадиган бўлиши учун нималар энг муҳим, деб ҳисоблайсиз?

– Бунинг учун биринчи навбатда китобхонлар савиясини ошириш керак. Шундагина ўқувчилар олди-қочди асарларини эмас, Лев Толстой, Абдулла Қодирий романлари мутолааси кишига қай даражада юксак маънавий озик беришини англаб етадилар.

Шунинг учун китобхонликни мактабдан, ҳатто мактабгача тарбия муассасасидан бошлаш керак. Афсуски, баъзи мактаблар ёки ўқув юртларидаги адабиёт муаллимларининг ўзлари бугунги ижодий жараёндан беҳабар, бадий асарларни деярли мутолаа қилишмайди.

– “Бозор ичра бозор” тўпламингиз асосан ҳикоялардан иборат. Кичик жанрдаги асарларингиз қисқалиги туфайли диққатни жалб этсада, уларда муаллиф нияти, ўқувчига айтмоқчи бўлган гапи яққол англашилади. Ёзувчи ниятини яланғоч ифодаламаган, асар гоёси образлар моҳиятидан келиб чиқади, асардан мақсад қаҳрамонлар характериға сингдириб юборилган.

Фикримча, ҳаётдаги ҳатто кичик ҳодисалар, деталларни ҳам назардан қочирмаслик, улар моҳиятини билишга қизиқиш, турмуш иқир-чикирларидан катта маъно чиқара олиш иқтидори ҳар қандай адибнинг қўлидан келавермайди. Ҳаётни яхши ўрганиш асар яратишда қўл келишини сизнинг ҳикояларингиз мисолида ҳам англаш унчалик мушукул эмас. Шундай эмасми?

– Рост, ҳатто кўча-кўйларда ҳам ҳаётни кузатишга, айниқса оддий одамларнинг гурунгларини берилиб тинглашга қизиқаман. Ўзим туғилиб-ўсган Даштифайзобод кишлоғи одамларининг характерини ҳамон ўрганаман. Бундай одат асар яратишда яхши самара беради.

– Адабиётда танқидчиликнинг ўрни беқиёс эканлигини яхши биласиз. Эҳтимол, бугунги танқидчилик тўғрисида сизни безовта қилаётган ўйлар, юрагингизда чўкиб ётган дардлар ҳам оз эмасдир. Қашқадарёга сафаримда филология фанлари доктори, таниқли адабиётшунос Дамин Тўраев билан гурунглашдим. Унинг ўнлаб адабий-танқидий мақолалар тўплами, бир нечта монографиялари нашр этилганлиги мақтовга лойиқ.

Аммо, республикамиздаги китоб дўконларида бадий жиҳатдан гариб асарларнинг кўпайиб қолганлигини адабий танқидчиликнинг ниҳоятда сустлашиб кетганлигида, деб баҳолаш керак. Сабаби шундаки, газета ва журналларда ижодий жараённинг озриқли муаммолари кўтариб чиқилган адабий-танқидий мақолаларни жуда кам учратяпман.

– Танқидчилик ёзувчилик ёки шоирликдан ҳам кўра қийин, мураккаб вазифа. Бир асарни илмий-эстетик жиҳатдан таҳлил қилиш осон юмуш эмас. Бундан ташқари хатарли ҳам. Сабаби, бирор кишининг шеъридаги нуқсонлар ҳақида

мақола ёзсангиз, шоир сизни дуэлга чақиришга тайёр туради. Асарларимнинг бадиий қуввати ночор эканлигини таҳлил қилганлигидан хурсандман, демайди. Шу боисдан кўпчилик адабиётшунослар бадиий жиҳатдан бўш ҳикоя, қисса ва романлар хусусида ҳам сохта мақтовларни ёғдириб ташлаганлигини учратсам, ижирганиб қўяман. Ҳатто бундай ижодкорларга раҳмим келади. Ўзига душман орттиришни хоҳламаётган адабий танкидчи шунақа йўл тутаетганлигини сезиб тураман. Адабиётшунослардан бири шундай воқеани гапириб берганди: "Ўртамиёна ёзадиган шоирлардан бири менинг асарларим ҳақида ижобий фикр билдирилган мақола ёзинг, деб пул ташлаб кетди. Олмаган эдим, астойдил хафа бўлди. Қайтариб берсам, китобимнинг орасига қўйиб кетипти."

– *Узоқ йиллар тележурналист сифатида ҳам фаолият юритдингиз. Таниқли шоир ва адиб Абдусайд Кўчимов ва бошқа таниқли публицистлар билан бирга ишлашингизга тўғри келган. Оммавий ахборот воситалари орасида телевидениенинг роли ошиб кетганлигини ҳисобга олганда бугунги кўрсатувлар ҳамда тележурналистлар фаолиятдан қаноатланасизми?*

– Фикримча, телевидениеда адабий кўрсатувлар сифати ҳамда сонини янада ошириш зарур. Чунки шоир ва адиблар, драматургу адабиётшунослар асарларини тарғиб қилишда ойнаи жаҳоннинг оммабоплиги ҳамда қудратидан самарали фойдаланиш лозим, деб ўйлайман. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари ижодини ташвиқот қиладиган алоҳида телеканал очишнинг вақти аллақачон етган.

– *Кейинги йилларда бир нечта телесериалларингиз машҳур бўлиб кетди. Бунга қандай эришгансиз? Яна шуниси ҳам борки, сериалларни томоша қилган кишилар режиссёр ёки бошқа ижодкорларни яхши танигани ҳолда сценарий муаллифлари бўлган, масалан, Назар Эшонқул, Эркин Хушвақтов ёки сиз тўғрингизда деярли тасаввурга эга бўлмайдилар. Қизиги, ҳозир турк сериалларини интиқлик билан томоша қилишга ошиқадиганлар ўзбек адиблари сценарийси асосида олинган сериалларни унча хушламайроқ кўришади?*

– Шунинг учун ҳам Ўзбекистон телевидениеси ҳамда “Ўзбеккино” томонидан ҳар йили сценарийлар танлови эълон қилиб борилиши керак. Бу ишга истеъдодли адибларни жалб этиш катта самара беради. Бизда эса ҳатто қўлидан бадиий асар яратиш келмайдиганлар ҳам сценарий ёзиб, кино қилмоқда. Сериалларда яққол тақлидчилик авжига чиққан. Ўзбек халқи тарихида жуда катта роль ўйнаган тарихий шахслар: Амир Темур, Шайбонийхон, Абдуллахон ва Бобур хусусида фильмларни кўпроқ яратиш лозим.

– *Яна бир ачинарли ҳолат. Бугунги кунда айримлар, ҳатто шеърятнинг туроқ, вазн, истиора, ўхшатиш каби унсурларидан беҳабар бўлса-да маънисиз мисраларни тизиб ташлаб, учта-тўртта китоб нашир этаётгани гувоҳи бўляпмиз. Қарийб қирқ йилдан буён қалам тебратиб келатган ижодкор сифатида бугунги адабий жараён хусусида қандай фикрдасиз? Кейинги йилларда нашир этилган китобларни ўқиб турибсизми? Қайси адиб асари ёки шоир ижоди қалбингизни ларзага сола олди?*

– Мутолаа кундалик юмушим. Яқинда Носир Муҳаммаднинг китобини ўқиб мазза қилдим. Унинг “Хут шамоллари” сайланмасига қирқ йилдан ошиқ вақт давомида адабиёт ҳавосидан нафас олиб яшаган публицист ва шоирнинг энг сара асарлари жамланганлиги диққатга сазовордир. Тўпламнинг дастлабки қисмидан шеърлари жой олган. Шунингдек, болалар учун “Кичкинтой дўстларимга” сарлавҳаси остидаги туркум шеърлар, “Йиллар ва йўллар” номли сафарномалар жой олган. Китобнинг “Ғазаллар” фаслида эса шоирнинг йигирма

еттита ғазали жамланган. Жаҳон шеъриятидан таржималари, ижодкор қалбида туғилган фалсафий мушоҳадалари, мақола ва эсселари ҳам ушбу жилддан ўрин олган. Албатта, адабиётнинг бир неча жанрларида қалам тебратиш кўп меҳнат, серқирра истеъдод соҳиби бўлишни талаб қилади. Аксарият ҳолларда бир китобга жамланган турли жанрга мансуб асарлар мундарижасида тарқоқликни кузатиш мумкин. Бироқ, мазкур тўпламга киритилган асарларда турли жанрда ёзилганига қарамай, мантиқий изчиллик, ёрқин истеъдод жилвасини кўриш мумкин. Носир Муҳаммад “Сайланма”сидаги асарларни мантиқан боғлаб турган етакчи жиҳат ижодкорнинг шахсидир. Шоирнинг ҳатто кичик қайдларида ҳам борлиққа тийрак нигоҳ билан назар солингани, ижодкорнинг ўз нуқтаи назарига эгаллиги, воқеликка фаол муносабатдаги ҳушёр ва сергак замондош тимсолини кўрамиз. Бу битиклар муваффақиятини муаллифнинг бадиий сўз санъатидан яхши хабардорлиги, воқеа-ҳодисаларни ўз қалб призмасидан ўтказиб таъсирчан тарзда ифодалай олгани ҳам таъминлаган.

Яна бир иқтидорли ёш ёзувчи Нурулла Чори асарлари ҳам бадиий жиҳатдан анча бақувватлиги билан ёқди. Айниқса унинг “Лўлитопмаслик чол”, “Қизғалдоқ”, “Бўрон тинган кеча” ҳикоялари кишини лол қолдиради, сеҳрлаб қўяди. Уларда образлар табиийлиги, қизиқарлилиқ ўқувчини мафтун этади. Мен Қашқадарёга тез-тез бориб тураман. Айниқса, кекса шоирлардан бири Рустам Очил, Ражаб Турди шеърларини ҳузур қилиб ўқийман. Темирпўлат Тиллаев, Абдулла Айизов, Ўрол Бойқобил, Абдулла Бобоёров қиссалари, Қилич Нурмуҳаммад ҳажвий ҳикояларидан завқ оламан. Бугунги ўзбек насри хусусида сўз кетганда Жавлон Жовлиевнинг “Қўрқма” романи ёдимга тушади. Ўзбек шеъриятининг истеъдодли вакилларида бири Муҳиддин Абдусаммад тизган қуйма сатрлар қалбимни ларзага солади. Бу ижодкорлар фаолиятига омад тилаган ҳолда, келгусида уларнинг адабиёт, шеърят, матбуотимизни янада тараққий эттиришларига умидворлик билан қарайман. Беихтиёр шоир Муҳиддин Абдусаммаднинг:

*“Юрагим энг сўнгги япроқдек ғариб,
Тириклик шамидай милтирар ҳавас”*

сатрларини ёдга оламан.

– Таниқли ёзувчи Эркин Аъзам адабиётнинг асл моҳияти, вазифасини қуйидагича шарҳлаган: “Ҳар қандай асар муаллифнинг шахсий иқдор ва эътирофларидан озиқланади-да. Танлаган қаҳрамонлари-ю воқелик шунинг ифодачиси бўлади. Муаллифнинг қараши ва эътиқодига зид воқеликни акс эттирган бирон асарни биласизми, айтинг. Замонлар ўтиб у ўзгача талқин қилиниши-эътибор топиши ёки инкор этилиши бошқа масала. Одам ўз бўйидан баланд сакрай олмайди деймиз-ку. Демак, гап ана шу эътиқоднинг нечоғли аҳамиятли эканида. Чинакам бадиий асарда фикр-қарашлар гоҳи муаллифнинг “бўйи”дан ўзиб кетиши мумкин. Муайян асар ва муаллиф шахсиятининг ҳар доим ҳам мувофиқ келмаслиги шундан. Сиз ёзувчиман деганнинг ҳаммаси ҳам олижаноб бўлади деб ўйлайсизми, нима? Аммо у асар битаётганида олижаноб бўлмоққа мажбур! Акс ҳолда ўздан кўрсин. Ахир, адабиётнинг асл моҳияти, вазифаси инсонни олижанобликка даъват этиши эмасми?” Бу фикрлар кўплаб ҳикоя ва қиссалар, ажойиб роман яратган атоқли адибнинг ҳаётий ва ижодий тажрибасининг қаймоғи!

Сиз билан бўлган гурунгимиз ҳам бугунги адабиёт ва матбуот, ижодий жараёнлар учун шундай олижанобликка сабаб бўлишини истар эдим. Самимий суҳбат учун ташаккур.

“Политбюро аъзоси”



Оллоёр
БЕГАЛИЕВ

1986 йиллари Маданият институтида сиртдан ўқиб, Тожикистоннинг Ленинобод вилоят, Нов туманидаги Тоғаяк қишлоғимиздаги колхоз кутубхонасида кутубхоначи бўлиб ишлаб юрардим. Қиш пайти дераза кўзидаги ойнанинг синиқ жойидан совуқ киравергани учун қалин қоғоз топилмай, КПСС Сиёсий бюроси аъзоларидан бирининг китобдай келадиган қалин суратини ёпиштириб қўйгандим.

Иттифоқо бир куни қандайдир мажлисга келган район комсомол қўмитаси котиби колхоз парткоми билан кутубхонага кириб қолишди. Котиб китоблар қаторини кўраркан, кўзи ойнага ёпиштирилган Сиёсий бюро аъзосининг портретига тушиб қолди:

– Бу расм ойнада нима қиляпти?

Колхоз парткоми ҳам суратга қараб, кўрқиб кетди.

– Яна сўрайман, бу расм ойнада нима қиляпти? – деди комсомол котиби менга қараб.

– Тешикни беркитиб, совуқни қайтариб турибди, – жавоб бердим парво қилмасдан.

– Эсингиз жойидами? Шундай одамни, политбюро аъзосининг расмини ойнага ёпиштириб қўясизми? – котиб қошларини чимирганча, кўрсаткич бармоғини ўйнатди. – Бу ишингиз учун Сталин даврида сизни нима қилишлари мумкинлигини биласизми? Энг камида Сибирга жўнатишарди! Ёки расстрел!

– Ҳозир қайта қуриш, плюрализм! – дедим мен ҳам бўш келмай. – Политбюро аъзолари халқнинг ғамини ейди. Биттаси мана, хона совуб кетмаслиги учун кўкси билан тешикни беркитиб турибди!

– Сиз ким ўзи? – баттар жаҳли чиқди саркотибнинг ва колхоз парткомига юзланди: – Бу ким ўзи?!

– Бу – шоир, – чайналди аросатда қолган партком. – Райком бобо билан қалинлиги бор.

– Ие, шахсан Мўминов биланми? – ажабланди саркотиб. – Уэр, мен ишга янги

Оллоёр БЕГАЛИЕВ – 1961 йилда туғилган. Тошкент давлат маданият институтининг (ҳозирги ЎзДСМИ) санъатшунослик факультетини тугатган. Унинг “Бир бўлоқ бор”, “Сехрли уйқу”, “Рангин қорлар”, “Ёлгонга ишонган дарахт” сингари шеърӣй ва эртаклар тўпламлари нашр этилган.

тайинланганман. Шунинг учун, қаттиқ гапирган бўлсам хафа бўлмайсиз! Ука, илтимос, бошқа нарса билан тешикни беркитинг. Сиз шу ишни назоратга олинг. Ойна синган экан, бошқасига алмаштиришсин. Сизнинг эса, ижодингизга барака! Яхши қолинг.

Партком эртаси куниёқ бошқа бутун ойна қўйдириб берди.

“Шеърят-86”

Горький номидаги Адабиёт институтида ўқиб келган шоир Шавкат Раҳмон Ғафур Ғулом номидаги обрўли нашриётнинг шеърят бўлимини бошқарганда, Москвада урф бўлган ҳар йиллик “Поэзия” альманахининг муқобили бўлган “Шеърят-86” тўпламини ташкил қилганди. Шеърларни саралаш “Ёшлик” журналидан Равшан Файз, “Шарқ юлдузи”дан Икром Отамуродовга юклатилган экан. Бу тўпламга менинг Рождественскийдан таржималарим ва “Кўҳна арғувонлар остида” адабий-танқидий мақолам ҳам киритилиб, каттагина қалам ҳақи олишим мумкинлиги аёнлашганди. (Афсуски, мазкур альманах фаолиятига Шавкат Раҳмон ишдан кетиши билан нукта қўйилди.)

Тошкентга доим келолмаганим учун, йўлим тушганида гонорарни сўроқлаб бордим. Шавкат ака бухгалтериядан хабар олиб, ҳали тўлиқ ҳисоботлар қилинмаганини билди. Кейин, вазиятни тушунтириб, олисдан келганим учун менинг қалам ҳақимни алоҳида чиқариб беришлари кераклигини ҳисобчи рус аёлга тушунтирди. Ҳисобчи аёл агар директор “йўқ” демаса қилиб беравераман, деб рози бўлди. Шавкат ака менга, сиз шошмаяпсизми, бирор жойда ишингиз бўлса, айланиб келинг, унганча директор келиб қолади, ўзим бу ёғини тўғрилаб қўяман, дедилар. Шавкат аканинг бунчалар камтарлигидан ҳайратда эдим. Шу куни тушдан кейин керакли қоғозлар расмийлаштирилиб, биринчи қаватдаги кассадан колхозда оладиган бешта ойлигимга яраша пул – 500 сўмни олиб, Тожикистонга қайтиб кетдим.

Мукофотга бир “кўк”и

2006 йили, Янги йилдан кейин Тошкентга йўлим тушиб, кўпинча бир кириб ўтадиганим, “Муштум” таҳририятига бош суқдим. Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Носиржон Тошматов ҳар галгидан бошқача хурсанд ҳолда кутиб олди.

– Бир кетсангиз, ҳеч топилмай қоласиз. Сизга бир хушхабарим бор, – деди Носиржон шошганча оғзи қулоққа етиб. – Сизга биров юз доллар ташлаб кетган.

– Йўғ-эй, – дедим ишонқирамай, аммо роса ишонгим келиб. – Ўзи роса пул зарур эди, ўғлим шифохонада, дорига пул керак.

– Жуда хурсандман, – деди Носиржон ва дарров узр сўрашга тушди. – Узр, ўғлингиз касал бўлганимас, шундай пайти ёрдам бера олаётганимиздан хурсандман, демокчийдим.

– У ким экан? – дедим ҳайрон бўлиб. – Мен танийманми?

– Энди ака, хабарингиз борми-йўқми, ўтган йили танлов эълон қилгандик, – деди Носиржон бафуржа изоҳ бериб. – Аммо, мукофотга пулни қаердан топамиз, деб бошимиз қотаётганда, ҳажвлари билан қатнашиб турадиган бир акаemiz ўзининг афғонистонлик корчалон дўстини бошлаб келиб қолди. Ўша афғон тадбиркори танлов ғолибига мукофот сифатида беш юз доллар берадиган, бунинг учун эса фақат ўша ҳажвчи ака биринчи ўринни ҳам, мукофотни ҳам олиши керак, бўлмаса бермайман, деб очиқ айтиб туриб олди. Биз биринчи ўринни сизга беришга

қарор қилиб юргандик. Ноилож биринчи ўринни ўша ҳомийни бошлаб келган ҳажвчи акага бериб, унга тўрт юз доллар, юз долларини эса сизга таксимлаймиз, деб келишдик. Бу таклифимизга тадбиркор ака анча оёқ тираб турди-да, охири рози бўлди. Ҳа, юз долларни тортиб олиш осон бўлмади. Икки ҳафталардан бери уни ўғирлатиб, ишлатиб қўймай, деб уйга кетсам ёнимда, ишхонада эса сейфимга кулфлаб юрибман. Ниҳоят уни сизга топшириб қутуламан.

Носиржон сейфга яшириб қўйган битта “кўк”ини қўлимга тутқазди. У ростакамми, дея худди фарқига борадигандек, ёруғликка тутиб, пайпаслаб кўрдим.

– Ҳеч ишанолмаёпман... – дедим охири. – Аммо ўша тадбиркорнинг ҳам, сизларнинг ҳам ишларингизга ривож берсин, илойим. Буни айтмасанглар, билмаган ҳам бўлардим.

“Ҳокиминг куда қозингга...”

Муҳаммад Юсуфнинг Дўрмондаги чорбоғчасида яшаган пайтим (1997 йили) “Дунё” деган янги шеърини ўқиб берди.

*“Отадан олдин болани
Жонини олган дунёсан.”
“Бола туғмаган хотиндай
Аллеси ёлгон дунёсан”.*

Шеърдаги: “Ҳокиминг куда қозингга” сатрини ўқиётиб, “Бу ерда шаҳар ҳокими билан Бош прокурорга ишора қилганман. Аммо, уни бошқа сатрга алмаштираман, ўта хавфли, дарров исини сезишади”, деб қўйди.

Кейин мендан нималар ёзганимни сўради. Мен арузий вазндаги ғазалларимни ўқий бошлашим билан, Муҳаммад аканинг юзи бужмайди: “Бўлди, ўқима! Содда ёзсанг бўлмайдимми? Мен зўрға тушуняпман-ку, халқ қандай қабул қилади? Содда ёз!” деди.

“Аруз соддаликини кўтармайди!” эътироз билдирдим.

“Унақада, Машраб-чи! Машраб содда ёзган-ку!”

Бирор ҳафталардан кейин ўзлари арузда ёзган ғазални (уни илгари ёзганми, яқиндами, билмайман) ўқиб берди:

*Богда бир гулзодага кўнгилни бердим, дўстларим,
Мен гариб, хонзодага кўнгилни бердим, дўстларим...*

Ғазални тугатиб, мақтанди:

– Мана шунақа ёзиш керак-да, сўпилтирик!

“Мактубларим”

Абдулла Орифона илҳом, шоир Мирзо Кенжабекнинг илк “Мактубларим” шеърлар тўпламида воқеъ бўлди. Ўзи жажжи китобча, аммо унинг ҳар бир саҳифсида тугалланган шеърлар ўрин олганди. Бундай мукамаллик шу пайтгача илк тўплами нашр қилинган бошқа бирор шоирда учрамаган. Иккинчи, “Қуёшга қараган уй” тўпламидаги шеърларни ҳам тезда ёдлаб олгандик. “Шуъла” тўғарагидан тунги ўн бирларда чиққан ёш ҳаваскорлардан иборат беш-олтита қиз-

йигит “Пахтакор” стадионидан Хадрагача бўлган бўшаб қолган кўчаларда пиёда кетарканмиз, ёзувчи Меҳри Қурбонова Мирза аканинг узундан-уzun шеърини завқ билан ўқирди:

*Шивирлашар менга дарс аро,
Курсдош қизлар, хуснобод қизлар:*

*“Бу кунларни шеър қилинг, Мирзо,
Қўшиқ қилиб айтайлик бизлар...”*

“Олтин бешикли” шоир

Эшқобил Шукур номи олдига “шоир” қўшимчасини қўймасанг ҳам бўладиган, туриш-турмуши, гап-сўзи билан шоир йигит. Унинг 1984 йили ўтказилган ёш ижодкорларнинг учинчи семинар кенгашида ўқиган шеърдаги савол биз – 90-йиллар авлоди учун шоир-лейтмотивга айланганди:

“Қани, сенинг овозинг?!”

Шунгача ва ундан кейин ҳам ҳар биримиз ўзимизнинг шахсий ва умумий “овозимиз”ни излаб ётибмиз...

Эшқобил Шукур ижодда ҳам, иш фаолиятида ҳам омадли йигит. У дипломли журналист бўлганидан кейин, фаолиятини Ўзбекистон телевидениеси билан боғлади. “Олтин бешик” кўрсатуви билан муаллифлик кўрсатувларга таъмал тоши қўйганлардан бири бўлди.

Эшқобил то ўз квартирасига эга бўлгунича Тошкент ва унинг атрофидаги туманларда турли ижараларда оиласи билан истиқомат қиларди. Эркин тарафларда, машҳур об-ҳаво башоратчиси Тоштемир Тойлоқовга тегишли ҳовлида яшаётганида шоир Равшан Файз билан йўқлаб борганмиз. Ўшанда, Эшқобил, гарчи у ерга мени Равшан бошлаб борган бўлсаям: “Яхшиям, Оллоёр бор, Тожикистондан келиб, бошимизни бирлаштириб юради!” деганди. Бу ҳовли шундоққина колхоз карамзорининг четида бўлиб, икки ёшли ўғли Меҳриддин, янги туғилган қизи Маҳкамтош бўлишига карамай, телевидениега қатнаб ишлайдиган Эшқобилнинг оиласига боқиш учун мажбуран ипак қуртиям беришган экан. Мезбонларга кечки тўққизларгача боғланган тут шоҳларни чопишда қарашворганмиз.

Орадан икки йиллар ўтиб, Эшқобил оиласи билан бу гал умуман қарама-қарши томон, Қозоғистоннинг Саригочига яқин жойда, Алишер Навоий номли колхоздаги бир хонадонда ижарада яшади. Эшқобил ижара уй излаб юрганини айтганида, бу ҳақда шоир Илҳом Аҳрорга етказдим ва у ўзига қўшни уй бўш турганини, эгасидан сўраб қўришини билдирганди. Илҳомникига борганимда, қўшни уйга янги кўчиб келган Эшқобилни “янги ижара муборак”лаб кирдим. Эшқобил уй эшигининг ички томонига тамба қоқётган экан. Гапга овора бўлиб, михни ураман деб бармоғига болға билан туширди ва оғриқдан инграб юборди:

– Эҳ-х-х, ёшлиги-и-ммм, тарк этма мени-и-и...

“Аввал хеш...”

Бу тарихни менга фантаст-ёзувчи Муҳаббат Йўлдошева айтиб берганди. Мен унга бир адибнинг романларини рус тилидан таржима қилганимни, унинг қаҳрамонлари ҳадеб хайрия қилаверишгани, топганларини етимхоналарга эҳсон қилиб, ўзлари қийналиб юришларидан ансам қотса-да, тирикчилик важҳидан уни

охирига етказганимни айтсам, ўз ёшлигидан мисол келтириб қолди.

Муҳаббат биз тенгилар қатори бир пайтлар “қип-қизил” пионер бўлган. Иттифоқ бўйлаб “Қизил яримой” жамияти учун, Африкадаги оч болалар учун, деб йиғиладиган хайрияларга уйдагилар мактаб тушлигига, деб берган пулларидан ҳам тежаб топширган. Мақолалари, ҳикояларини таҳриратларга йўллаганида ҳам, гонораримни хайрия фондига ўтказинглар, дея таъкидлаган.

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охирироғида, биринчи китоби чиққанида ҳам, у чинакам “ленинчи ёш-комсомол”часига иш тутиб, қалам ҳақини “Тинчлик фонди”га ўтказиш учун ариза ёзган. Фантаст ёзувчи Тоҳир Малик Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси маъсул котиби бўлиб ишлаганлари учун бу аризани кўриши керак экан. У киши Муҳаббатдан, ота-онангизни бундан хабари борми, дея сўрабди. Муҳаббат вояга етгани, бу нарсаларни ўзи мустақил ҳал қилиши, болаликдан хайрияга одатланиб келганини айтиб, сўзида туриб олибди.

“Сизни вояга етказган ота-онангиз бунга қанча маблағ, меҳнат сарфлаганини бир ўйланг. Аввал уларнинг олдидаги қарзингизни ўтанг. Ҳаёт масаласида фантастлигингизни бир четга суринг, атрофга ҳушёр кўз билан қаранг. Ҳали турмушга чиқмагансиз, сеп-сарпонгизга яна улар харажат қилишади, уларга зўр келади. Сизга маслаҳатим, гонорарингизни олиб, отангизнинг кўлига беринг. Улар буни қандай ишлатишни билишади”.

Муҳаббатнинг сал онги тиниқлашиб, қалам ҳақини олгач, уни отасига олиб бориб берибди. Отаси эса қизининг сарпоси учун “мебель” сотиб олган экан.

“Зўр демасанг, кўчага ҳайдайман!”

1994–1995 йилларда ҳамма ўзини бозорга уриб, савдо-сотик билан шуғуллана бошлаган, шеърга қизиқиш камайиб кетганди. Равшан Файзнинг Ал-Хоразмийдаги уч хонали квартирасига бориб турардим. Охири боришимда, бу вафотидан икки ойларча бурун эди, Жамила келин учала ёш боласи билан болалар хонасига кириб кетди, ёз кечаси, июнь ойлари эди. Кечаси ўн бирлар. Балконда ўтирволганмиз. Мени уйқу босяпти, Равшан бўлса каттакон шеър дафтарини очиб, янги ёзган шеърларини ўқиб беряпти. (Уч ой олдин келганимдаям йигирматача шеърини ўқиб, бошимни қотирганди. Ўзи Отчопар бозорида савдо қилар, тагин шеър ҳам ёзарди. Бунинг устига шеърларининг бари ишқ-муҳаббат ҳақида: “Сизни бир бор кўргим келганди” ёки “Бир бора келмадингиз” дегандай. “Бирортани яхши кўриб қолдингми? “Сиз”лаб ёзасан, ёши сендан шунчалар каттами?” деб сўрасам, кифтини қисиб: “Ўзимам ҳайронман. Хаёлимга “ёр жамоли”, “қачон учрашамиз?” деган гаплар айланаверади”, дерди. Энди тахминлашимча, у Аллоҳга ошиқ бўлиб қолгану, ўзи ҳам буни аниқ билмаган).

“Бўлди, ухлайлик! Ҳозир шеър ёзиш кимгаям керак. Гонорар тўлашмаса!” дедим охири. Равшан эса: “Яна тўртта шеър қолди. Агар эшитмасанг, кўчага чиқарвораман, қайда ётсанг ётовур”, деб таҳдид қилди.

Кейин ўқиган ўн бештача шеърлари қандай чиққанини сўради. Мен эснаганча, “Ҳа, чидаса бўлади”, дедим. Равшан шеър дафтари билан бошимга бир тушириб, “Булар зўр шеърлар! Чидаса бўладимиш! Ўзинг шеър ёзолмай, қисир қолганингга аламинг келяптими? Зўр де, зўр демасанг кўчага чиқарвораман! Зўрми, сендан сўраяпман, зўрми?” деб тепамда дафтари кўтарганча туриб олди. “Ҳа, зўр шеърлар ёзибсан! Қўлингга мана шу қалин дафтаринг бор пайти сенга тенг келадиган шоир йўқ!” дедим охири таслим бўлиб.



Тўлқин ЭШБЕК

Фақат ижод ва яна ижод!

Болаларча беғубор феъл-атвори билан дўстлари қалбидан жой олган шоир ва адиб Оллоёр Бегалиев – Хўжандий ҳақида ўйласам, беихтиёр америкалик фантаст ёзувчи Рэй Брэдберининг қуйидаги жумласи ёдга тушади: “Биз ҳаммамиз – болаликданмиз”. Бу билан адиб, биз қайси мамлакатда, қандай мавқе, эътиқод ва ирққа мансуб бўлган оилада дунёга келмайлик, дастлаб “Болалик” салтанатида яшаймиз, демоқчи бўлгани кўриниб турибди. Ўз оиламизда “бола – пошшо” бўлиб юриб, кўчага чиққач шу пошшоликдаги тенгқурларимиз билан бўйлашамиз: кўҳна дунёнинг жажжи ўқувчиларига айланамиз. Орамиздаги бўлғуси касб эгалари, казо-казолар ва ҳоказолар борлиги билан ишимиз йўқ, битта коптокни тенг баробар қувлаб, футбол ўйнаймиз. Шу тариқа олтмишнинг олтин остонасига етганимизни ҳам билмай қолар эканмиз.

Биздан бир-икки кўйлакни ортиқроқ йиртган дўстим Оллоёр ака адабиёт бўстонида биринчи устозларимдан бири бўлганини эҳтиром ила эслаб юраман.

Ўттиз йиллар бурун, бир ижодкор дўстимиз Оллоёр аканинг жуда кўп жанрларда ёзишидан куюниб, “Кучини биттасига қаратса яхши бўларди, кўзга кўринарли каттароқ нарса ёзарди”, деб қолди. Севимли адибимиз Шойим Бўтаев бунга жавобан: “Унинг битта пародияси бир хил бемаза шоирларнинг бутун бир тўпламига арзийди, изланаверсин”, деганди.

Бу воқеани бекорга келтирмадим. Ўзимнинг ҳам Оллоёр ака билан илк танишувим 1988 йилда республика болалар газетаси (ҳозирги “Тонг юлдузи”)да эълон қилинган шеъримга шоир ёзган пародияси ва ўша ҳажвнинг “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида чиққанидан кейин юз берган. “Ғалати туш” сарлавҳали шеъримга ёзилган бу беозоргина ҳажвда “Тушимда Йўлдош Эшбек акам бўлиб қолибди” каби сатрлар ҳам бор эди.

Ўша пайтлари шеърлари, ҳажвиялари, адабий эртаклари, адабий-танқидий мақолалари билан ном чиқарган, қалами найзадай ўткир шоир пародияси газет-хонлар эътиборини тортган бўлса ажабмас. Ишхонамдагилар табриклаган, мен эса

Тўлқин ЭШБЕК – филология фанлари номзоди, доцент. 1963 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини битирган. “Жигарбандлар”, “Шабада эсан кун”, “Қишлоқлик бола қиссаси”, “Жайдари ҳангомалар”, “Адашган қиз қисмати”, “Ҳаёт карвонлари”, “Қутлуг қадамлар” деб номланган қисса, ҳикоялар, эссе ва бадиъа тўплamlари чоп этилган.

бу шоир билан танишиб, суҳбатлашиш учун “Тулхан” журнали таҳририятига излаб борганман.

Оллоёр ака ўша таҳририят адабиёт бўлимида ишларкан. Тавба, дейман у кишининг одмигина кийиниши, юриш-туришини кузатар эканман, худди қишлоғимиздаги энг содда, дилкаш бир йигит кўз ўнгимда гавдаланиб. Шалдир-шулдир гапиришлари ҳам ўша-ўша. Ўшанда боғланган дўстлик риштаси йиллар давомида устоз-шогирдлик даражасига етди. Қисса ва ҳикоялардан иборат “Жигарбандлар” деб номланган илк тўпламимга ҳам Оллоёр ака муҳаррирлик қилди. Кези келганда айтиш жоизки, мазкур мукофот бир йўла тўрт ижодкор – Абдували Қутбиддин, Қўчқор Норқобил, Оллоёр Бегалиев ва каминага берилгани ҳаётим зарварақларидаги ўчмас битикларга айланди.

Оллоёр ака билан оғир бир даврда тобланганмиз. Собик мустабид тузум таназзулга учрай бошлаган, жамият алғов-далғов бўлиб ётган кезларда биз “Ўзбекистон матбуоти” журнали таҳририятида бирга фаолият кўрсатаётган эдик. Ўша пайтлари Шароф Рашидов номини сотганлар остига сув кетаётган, социализм “ғалаба қилган” салтанат чок-чокидан сўкилаётган, миллий истиқлол ҳаракати бош кўтараётган, етмиш йиллик шўро ақидалари шубҳа остига олинаётганди. Адиблар, журналистлар бу жабҳада четда турармиди?

Оллоёр ака билан истиқлол борасида жуда кўп баҳслашардик. Матбуотда эълон қилинаётган публицистик мақолалар, тўғридан-тўғри эфирга узатилаётган депутатларнинг фикрлари мушоҳадага чорларди. Оллоёр ака баъзи публицистик мақолаларимни таҳрир қилиб, назардан соқит қилган нуқталаримни кўштирарди.

Оллоёр Бегалиев ўзининг 1990 йили “Чўлпон” нашриётида 75 000 нусхада чоп этилган “Сехрли уйқу” тўпламига киритилган миллий-истиқлол руҳидаги эртақларининг ёзилишига хурфикрли муҳаррири Чори Аваз сабабчи бўлганини қайта-қайта таъкидларди. Ҳа, чинакам муҳаррирлар баъзан китобнинг иккинчи, кўзга кўринмас муаллифига айланиб қолишади! Ўша эртақлардан бирига Аъзам Ўктамнинг: “Алла айтсанг, болангни ухлатмаслик учун айт!” деган мисраларини эпиграф қилиб олинганди.

У пайтлар Шойим Бўтаев, Равшан Файз, Абдурашид Нурмуродов, Эшқобил Шуккур, Асқар Маҳкам, Абдували Қутбиддин, Зулфия Мўминова, Одил Иқром, Замира Эгамбердиева, Абдумажид Азим, Туроб Ниёз каби ёшлигига қарамай, забардаст ижодкорлар авлодининг дадил қадамлари сезилиб турарди. Улар умуммиллат манфаати йўлида бирдек қўш тортишарди. Бизга – адабиётимизнинг 90-йиллар бўғини бўлмиш ёш ижодкорларга бир қадам олдинда бораётган – Усмон Азим, Шавкат Раҳмон, Хуршид Даврон, Мурод Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзам каби адибларнинг яқдиллиги намуна эди. Ҳар бир авлод вакиллари ўзларидан кейин келадиганлар учун ибрат бўлишга лойиқ бўлмоғи зарурлигини ўшанда ҳис этганман.

Оллоёр Бегалиевнинг ана шу рекорд ададда чиққан адабий-эртақлар тўпамидан айримларини атокли адабиётшунос, бир қатор дарсликлар ҳаммуаллифи Сафо Матжонов бошланғич синфлар учун ўқиш китобларига киритиш учун танлаб олгани ҳам бежиз эмас.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, ҳажвчи Неъмат Аминов, адиб Мурод Муҳаммад Дўст, шоир Турсунбой Адашбоевдан Оллоёр Бегалиевнинг ҳажвий иқтидори ҳақида кўп илиқ фикрлар эшитганман. Эркин Аъзам бир гал: “Оллоёрнинг сўзини ҳам, ўзини ҳам яхши кўраман!” деганлари ҳам у кишининг салоҳиятига берилган ҳақли баҳодир.

Оллоёр Бегалиев шеъриятимиз хазинасига ҳам салмоқли ҳисса қўша олган. Жаъфар Рўдакийнинг содда, аммо шундай ёзиш қийин бўлган шеърий усули

бўлмиш “саҳли мумтанеъ” (осону мушкул, иложсиз) асосан халқ оғзаки ижоди-га яқинлигини биламиз. Оллоёр Бегалиев шеърлари ҳам халқона содда, аммо шу усулда ёзишни ҳамма ҳам муваффақият билан уддалай билмайди. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва Мухаммад Юсуфдан кейин бўшаб қолган бу йўл, бу усулни Оллоёр Бегалиев ўзлаштира бошлаганини кўриб қувонаман.

Оллоёр Бегалиев тинчгина ҳовузга тош отиб, ҳамма ёққа сув сачратишни яхши кўради. Ўзининг долзарб мавзудаги публицистик мақолалари тугул бошқалар мақолаларига раддия ёзиш билан ҳам сокингина турган матбуотни ҳаракатга солиб юборади.

Бир гал ундан “Нимага ноҳақлигингизни била туриб баҳс бошлаб юбордингиз? Бунинг ортидан қанча ҳақоратлар ҳам эшитиб олдингиз”, деб сўраганимда, берган жавобларидан лол қолганман: “Гапларимнинг ярми ҳақ эди, ярми ноҳақ. Аммо, шуни била туриб ҳам баҳсни бошлаганим – рақибларимни белгилаб, жамонатчиликни қўзғаб қўйиш эди. Ҳамма нарсаси жойидалиги, ҳамма нарсаси аён ва равшанлиги яхши эмас. Менга ўхшаб хато ўйлаётганлар бору, улар буни яширишади ёки шу хато қараш билан чиқишиб яшайверишади. Шубҳа қўзғаб туриш керак, шунда асл ҳақиқатни айтадиганларга баҳона топилади, ҳам каминадек “чаласаводни” яхшилаб ҳақорат қилиб олишади, ҳам ўзларига очко ишлаб олишади. Бунга мен имконият яратиб бераман, ҳам баҳсни бериб бораётган газета ютади – мухлислари давраси кенгайди. Билимдонларга ана шундай садақа қилиб туриш керак. “Чаласаводлигим”дан эса гонорар ишлаб оламан – менга энг кераклиси шу!”

Албатта, бу гапларнинг ярми ҳазил тариқасида айтилган. Ўзининг устидан кула оладиган ижодкорлар эса жуда камдан-камдир.

Оллоёр Бегалиевнинг гоҳида уйимизга меҳмон бўлиб келиши байрамга айланиб кетарди. Адабиёт ҳақида тўйиб гаплашардик. Газета-журналларда бу сермахсул ижодкорнинг теша тегмаган мавзудаги асарлари гурунгимиз бош мавзусига айлаларди. Оллоёр Бегалиев буюк истеъдод соҳиби бўлган Анвар Обиджон каби “олти жанрда” ёзадиган кам сонли адибларимиздан бири, десак хато қилмаймиз.

1991 йил апрель ойида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси мажлисида Оллоёр Бегалиев ҳақида мунаққид Иброҳим Ғафуров шундай деганди: “Оллоёрнинг таъби нозикмас – олтидан чиққан ҳамма нарсани ғажиб ташлайди. Адабиётимизга ана шундай ўткир жағли “қора ишчи”лар ҳам керак”. Шу мажлисда у уюшма аъзолигига қабул қилинган.

Ҳаётдаги асл олқишлар ҳамиша ҳам расмий нашрларда акс этавермайди. 2000 йиллардан кейин мамлакатимизда хусусий газеталар кўпайиб, рақобат кучайди. Яхши ёзувчилар талаш бўлди. Ўша пайтлари бундай матбуот турига нописанд қарашлар ҳам юзага келган. Уларнинг 200-300 минглик ададларда чоп қилинишига киноя билан ҳам қараганмиз. Энди эса баъзи газеталаримизнинг адади 10 мингга ҳам етмаётган бир пайтда ўша дамларни соғинч билан эслаймиз. Асосийси халқ мутолаага ташна эди. Ўша пайти Оллоёр Бегалиевнинг давомли қиссалари, ҳикоялари, ҳажвиялари, таржималари, публицистик мақолалари, сатирик шеърлари ҳар ҳафта уч-тўртта газетада олти-етти йил ёритилиб, қалам ҳақи ҳисобидан тирикчилик қиладиган ғарб ёзувчиларига тенглашиб олганди.

“Социалистик реализм”дан бир сакраб “бозор иқтисодиёти”га мос адабиёт “реализми”га ўтиб кетиш осон эмасди...

Сўнгги ўн йилликлар мобайнида Оллоёр Бегалиев қатор ҳажвий асарлар ёзди. Ўтиш даври ҳамиша парадокслар – қутилмаган тўқнашувлар, нотўғри талқинлар, “Кулгуга қоришган кўзёшлар”га бой бўлади. Айни ана шундай ўтиш даврларидан Ги де Мопассаннинг “Дўндик” каби сатирик ҳикоялари, Чеховнинг ҳажвиёти, Ильф

ва Петровнинг “Ўн икки стул”, “Олтин бузоқча” романлари, Михаил Булгаковнинг ўткир сатирадан иборат “Уста ва Маргарита” романи, Зошченконинг ҳикоялари, Абдулла Қодирийнинг “Калвак Махзум кундаликлари”, “Тошпўлат тажанг не дейди” силсилалари, Ғафур Ғуломнинг “луқма”лари, Азиз Несин ҳажвиёти, Михаил Жванецкий, Михаил Задоронов сатиралари бой мавзу топган.

Оллоёр Бегалиев иккимиз ҳам басма-басига бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги баъзи “жозибатор” воқеаларни ҳажвга олишда жонбозлик кўрсатганимиз ёдимда. Шу тариқа иккимиз ҳам Абдулла Қодирийнинг 100 йиллиги муносабати билан ўтказилган республика бўйича ҳажвчилар танловида яна устоз билан бирга ғолиблик шохсупасига чиқишга муваффақ бўлдик. Сермахсул адиб Оллоёр Бегалиев юртимиз мустақиллигининг 5 йиллигига бағишлаб ўтказилган танловда “Келажакка қайтган қуш” фантастик қиссаси учун ғолиблар каторидан ҳам жой олди.

Оллоёр Бегалиевнинг феъл-атворида бироз кувлик ҳам йўқ эмас. У баъзи муҳаррирларнинг устидан боплаб кулади. 2004 йили бир альманахда ёритилган “Кўзгунинг тушлари” сарлавҳали фантастик ҳикояси тагига ўйлаб топилган “аргентиналик ёзувчи” номини қўяди ва ўзини таржимон сифатида кўрсатиб, бир журналга тақдим этади. Муҳаррир уни диққат билан ўқиб чиққач, америкаликларга қойил қолади! “Мана чинакам проза! Бизникилар ёзишни билмайди! Кейинги сонгаёқ қўйиб юбораман!” дейди у.


Қизиғи, ўша муҳаррир Оллоёр Бегалиевнинг анча ҳикояларини қайтариб юрган экан... Бундан беҳабар адиб “сири”ни очгани ҳамано муҳаррир “портлаб” кетибди...

“Бош муҳаррирнинг шу қадар жаҳли чиқиб кетдики, қўлёзмани юзимга отди: “Бу қанақа масхарабозлик! Қандайдир “сарик матбуот”да чиққан нарсани, бир тийинга қиммат қоғозбознинг нарсасини тиқиштиргани уялмадингизми? На маъно бор, на мазмун!” деб ўшқирибди у ходимига.

“Хўрозқанд хорижники дейилса, ётиб ялашади”, деганлари шу-да, дея хотирлайди адиб. Беихтиёр, ёзувчи Антуан де Сент-Экзюперининг “Бола пошшо”сидаги гаплар ёдга келади. Унинг қайд этишича: “Биз катталар жуда ғаройибмиз. Агар олим туркча феска-ю, чопон кийган ҳолда минбарда “Бутун олам жозоба қонуни”ни кашф этганини айтса, ҳеч ким ишонмайди, аммо шу гапни овропча фрагу, капалак нусха галстук таққан ҳолда айтса, ҳаммамиз ўрнимиздан туриб қарсак чаламиз”.

Шу ўринда миллий кийим ҳақида ҳам бир-икки оғиз сўз. Устоз шоир Муҳаммад Юсуф: “Дўппи киймай қўйди одамлар”, дея шеър ёзган 1989 йиллари, Оллоёр ака ташаббус кўрсатиб, Тошкент кўчалари ва ишхонасида қора тўн, чуст дўппи кийиб юришни бошлаб берганди. Кейин шоирлар Аъзам Ўктам, Қадам Саидмурод ва бошқалар бу ҳаракатга қўшилишди. Шу тариқа Муҳаммад Юсуфнинг руҳини шод этиш ҳаракати давом этмокда.

Оллоёр аканинг 60 ёшга кириб қўйганини шунчаки статистик маълумот ўрнида кўраман. Инсоннинг ўртача ёши узайган айни даврда бу ёшни кўпам мухтарам, мункиллашга баҳона ёш ҳисобламайман ҳам. Бунинг тасдиғини шоир акаимизнинг ўзида ҳам кузатиб турибман. Публицистикаси, ҳажвлари, фалсафий-сатирик шеърляти булоқдек қайнаётган Оллоёр Хужандийни росмана 60 ёш билан қутлаб, бу сана қўл қовуштириш учун ҳеч қандай имтиёз бермаслигини яна бир бор таъкидлайман. Фақат ижод, ижод ва ижод!



Абдулла
УЛУГ'ОВ

Ҳаяжонга тўлиқ қалб манзараси

Шоир Абдулла Вахшнинг “Муҳаббат симфонияси” кичик сайланмасидаги (Тошкент: “Tamaddun” нашриёти, 2021. – 300 б.) аксарият шеърлар муаллифнинг тавба-тазаррусидай таассурот уйғотади. Чунки бу шеърларда дунёнинг ўткинчилиги, умр синов учун берилишини англаган инсоннинг ўз ожизлигини қай даражада идрок этиши, ўзининг кори бадлари, қинғир қилмишлари, кимларга нисбатан ноҳақлик қилгани, кимларни ранжитиб, дилига озор етказгани, табиатидаги такаббурлигини хаёлидан ўтказган кабидир. Шеърларнинг талайгинасидан шоир орзу-ҳаваслари, кўнгил истаклари йўлидаги интилишлари туфайли руҳан кўп изтироб чеккани, тушқунликдан қутулиш учун қўлига қалам олгани, диққати ошган кезларда доим китоблардан таскин-тасалли топгани англанади. Бу каби ички ҳиссиётлар очик баён қилингани боис шеърлардаги лирик қаҳрамон прототиби унинг ўзи экани аёнлашади. Қалб ва ақл ўртасидаги мурасасиз баҳсда ким ғолиблиги аниқ кўрсатилмаса-да, шоирнинг кўпроқ ўз қалбига қулоқ солгани, кўнгилнинг барибир ақл йўриғига мойиллиги ойдинлашади.

Бу шеърлардаги “Лабингни яралар синиқ табассум” (24-бет), “Қисмат суягингни янчса дўлида, // Тақдиринг мўнкиса дўстлар қўлида” (41-бет), “Яна куз.. // Дарахтлар чекмоқда аттанг, // Зил ер зир-р титраюр майса оҳидан!” (51-бет), “Номсиз бир туйғу ошиқ дилимда, // Суяк-суягимда ҳар лаҳза изғир” (52-бет), “Эски гиналарни юлдуз айласам, // Куйган юрагимни аршга бойласам, // Қачон тун келар деб интиқ пойласам –// Бағримни ёритган Ойёноқ бўлди!..” (54-бет), “Оҳимдан чўғ сачраб ёниб кетурман” (55-бет), “Кўзларинг милкидан Жайхун кўзгалар” (80-бет), “Гулларни ҳис этмоқ илоҳий гаштдир” (86-бет), “Синчков ақлимнинг ҳам кўзи тингандур” (122-бет), “Менинг шеърим сизга келмасин малол, // Шунчаки ҳапқириб ёздим-да, қўйдим...” (131-бет), “Одам туғилибди, танглайда

Абдулла УЛУГ'ОВ – филология фанлари номзоди, доцент. 1960 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “Қиссачилигимиз қирралари”, “Инсон ибратга интилади”, “Асл асарлар сеҳри”, “Қалб қандили” китоблари, “Адабиётишуносликка кириш”, “Туркий халқлар адабиёти” ўқув қўлланмалари, “Адабиётишунослик назарияси” дарслиги нашр этилган.

калом, // Ҳар битта ингаси – Тангрига салом” (133-бет) каби ўринлар ўқувчининг кўнглига чўкади ва руҳини қувватлантиради. Шоир фикри маърифий характер касб этганидан далолат беради. Чунки шоир ҳаёт абадийлиги, инсоннинг умри эса жуда қисқалиги, бу дунё эзгулик ва ёвузлик кураши сахнаси экани тўғрисида беихтиёр ўйлатиб қўяди, кишини хушёр торттиради. Кутилмаган тасодиф ва ғалвага тўла бу дунёда ҳар кимнинг ёлғиз эканини ҳис эттиради. Инсон шахсий турмушидаги муаммоларга унинг ўзи ва ижтимоий муҳит сабаб эканини таъкидлайди.

Муаллиф шеърларида ҳаётдан ўз ҳақини дадил туриб сўрайдиган истеъмолчи одам – замондошларимизнинг умумлашма образи қараб туради. Кечинма, ҳиссиётлар ҳар қанча пинҳон тутишга уринилмасин, шоирнинг ким ва нимани яхши кўриши, ким ва нимадан нафратланиши ошкор кўринади.

“Муҳаббат симфонияси”даги шеърлар кишида турли ҳиссиётлар уйғотиб, эзгуликка интилиш, ҳаётни кадрлаш, умрнинг ҳар лаҳзасини эъзозлаш истагини кучайтиради. Лирик қаҳрамон образида фаолиятдан қониқмаётган, ўзининг ички дунёсига қарама-қарши яшаётган, шу боис ўзи билан ўзи курашиб қийналаётган замондошларимизнинг маҳзун ҳолати акс этади. У: “Ҳар бир киши яшаш учун тинимсиз ҳаракат қилиши, шундагина ҳаёт неъматларидан баҳраманд бўлиши мумкин. Ҳаёт эса беҳад гўзал” деб огоҳлантиради. Шеърларда турмушнинг турли “кўча”ларида кириб чиққан, яхши-ёмонни кўриб, кўп тажриба орттирган, ҳаёт қадрини биладиган кишининг зиддиятли ўй-кечинмалари, тугёнли туйғулари ифодаланади. У замона ўзгаришларига лоқайд қарамаслиги, турмушдаги мавжуд воқеликдан, одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатлардан қаноатланмаслиги билан эътиборни тортади.

“Муҳаббат симфонияси”даги аксарият шеърларда тушқунлик, қаҳрамоннинг ўзидан қаноатланмаслик ҳисси устунлик қилади. Бу ҳасрат шоир дилидаги дард, ғамдан, ҳеч кимга айтмаган, айтолмайдиган мажҳул сирларидан келиб чиқади. У кўпинча замон ва заминдан узилиб ҳаёл суради, одамларнинг хулқи, табиатида худбинлик, манфаатпарастлик, шуҳратпарастлик мустаҳкам ўрин олгани тўғрисида ўз-ўзи билан муттасил мунозара қилади. Ана шу мунозара кескинлашганда шеър мисраларидаги қофиялар қовушмасдан, муносиб жуфтини тополмасдан қолади. Шоир бундай кемтикларни кўпинча пайқамай қўяди. Чунки у яхши ниятда йўл қўйилган хато, камчиликлар айб ёки гуноҳ саналмаслигини яхши билади. Ҳақсизликлардан азият чеккан қалб ҳаёт ҳодисаларига кўпинча шундай бағрикенглик билан қарайди. Негаки теран мулоҳазалар мантиқ мезонларидан, қонун қолипларидан, шеърнинг ўлчов қоидаларидан устун туради. Шоирнинг гоҳо сўзларига оро бермаслиги, мисраларнинг бепардоз, қофиялар эса жарангсиз қолиши ҳам шундан келиб чиқади. Бу ерда уни шеърга, сўзга кучли меҳргина ҳаёлини банд қилади. Чунки у дунё зулматлардан тўлғониши, бу олам ҳеч қачон ғалвасиз турмаслиги, чин сўз, асл шеър эса ҳаёт ҳақиқатини чирок бўлиб ёритиши, санъат ўзининг мана шу хусусияти билан қадрли эканини қалбан ҳис этади.

Шоирнинг сўзи кишилар дилига нур, ҳаётига маъно олиб кириши “Муҳаббат симфонияси”даги севги-муҳаббат мавзусидаги шеърларда янада ёркинрок ифодаланган.

“Дуоталаб қоқ ҳовучига // Томди тўрт-беш қайноқ ёшлари. // Хўрсиниқни ютди ичига, // Ютди тиш синдирган тошларни” (61-бет), “Аллоҳни таниган ҳар битта нафас – // Асли тупроқлигин дарров англайди” (91-бет), “Умр – бош чайқашга етмаган фасл” (123-бет), “Юрагидан ўтган эгри чизик, // Оёғини судраб тикади

ерга” (138-бет) каби мулоҳазалар шоир қалби, унинг муттасил ўйлари, безовта ҳиссиётларидан далолатдир. Бундай шеърлар юракдан куйиб, нола чекиб битилади.

Тўпламдаги аксарият шеърлар севги-муҳаббат мавзусида бўлса-да, улар турмушнинг бошқа муаммолари билан бевосита боғланиб кетган. Ажиб бир ҳаяжонла битилган бу шеърларда ҳар бир кишининг кўнгил мулки саналган қувонч ва қайғу, орзу-истак ва афсус-надомат ифодаланган. Кузатувчан шоирнинг аксарият шеърларида ўз қилмишлари тўғрисида ўйлаб, қайғуриши одамни кўп қийнайди, ҳаётини азобга айлантиради, деган тағмаёно бор. Киши бешармлик, қабихлик, зўравонликка дуч келганида унинг қалбида бундай ғайриинсоний иллатларга нисбатан норозилик аланга олиши, у ўзини бекордан-бекорга хафа қилдириб қўядиганлар тоифасидан эмаслиги, шундай бўлса-да, жанжал, можаролардан нарироқ юриши, барча нарсага қизиқиб қараши, аммо тушқунлик, афсусланиш ҳиссига берилиб, кўпинча оғир кечинмалар оғушида қолиши ва бошқа жиҳатлари ойдинлашади. Лирик қаҳрамоннинг ҳолати унинг кўнгли очик, дилкаш, ҳаётнинг ҳар бир ҳодисасидан ҳаяжонланадиган, кишилар бошига ташвиш тушган ёки қандайдир муаммога дуч келганда ҳатто буткул нотаниш одамларга ҳам беғараз далда, кўмак беришга тайёрлигига ишонтиради.

Тўпламдаги бошқа мавзудаги шеърларда ҳам ҳаётга катта талаблар қўйиб, муттасил руҳий безовталаниб юрадиган, ўз фаолияти, кундалик турмушидаги нохуш ҳодисалардан норозиланиб, ич-ичидан асабийлашадиган замондошларимизнинг умумлашма қиёфаси кўринади. Улар кўз ўнгимизда доим кимnidир кутаётгандай, тугатиши зарур қандайдир муҳим ишини тўхтатиб қўйишганидан безовта бир алпозда жонланади. Бундай одамлар бир нарсани астойдил хоҳласа, уни қандай бўлмасин амалга оширишга ҳаракат қилади, чекинмайди, қўрқмайди. Ана шундай қаҳрамонлар ҳиссиётлари “Муҳаббат симфонияси”да, шоирнинг ҳаяжонга тўла қалб дунёси манзарасида ўз ифодасини топган бўлиб, бу манзара чизгилари рангларини танлашда ижодкор маҳорати яна бир бор ёрқин намоён бўла олган.



*Шеърият кўёши,
музыкасининг сехрли куйлари, баҳор ша-
бадаси каби сизнинг қалбингизга энг гўзал ин-
сон хуснини беради, энг нафис забк бағишлайди.*

ОЙБЕК



“Шарқ юлдузи” мактаби ўқувчисиман



Нуруллоҳ Муҳаммад
РАУФХОН

Оллоҳга шукур, мен бир юрган одам сифатида ҳам, шогирд сифатида ҳам, ёзувчиликка орзуманд бир киши сифатида ҳам жуда бахтлиман. Яратган Эгам бу ҳаётда тақдиримга фақат яхши кишиларни менга ёндош этиб битган экан, кўп улуг инсонлар билан бир замонда яшадим ва яшайпман:

талабалигимда давримизнинг буюк устозларидан таълим олдим; биринчи иш бошлаганимда адабиёт соҳасининг энг олди шахсиятлари, касбининг энг фидойилари қўлларига тушдим ва то нафақага чиққунимча фақат яхши жойларда ишлаб келдим;

ёзишда ҳали тетапоя палламданоқ атоқли ва ардоқли ёзувчилар назарларига илиндим – илк машқларимни замонамизнинг кучли ёзувчиси раҳматли Шукур Холмирзаев маъқуллаб-мактаб бошимни силаган бўлса, халқимизнинг суюкли ёзувчиси Ўткир Ҳошимов “Оқ йўл” тилаб устозлик меҳрини кўрсатган.

Бу маънода менинг илк қадамим ҳам, илк ютуқларим ҳам севимли “Шарқ юлдузи” журналимиз билан боғлиқ. Тошкент давлат университетини битиришим арафасида (1981 йили) ўзимча ўхшади деб ўйлаган бир ҳикоямни кўтариб шу журнал таҳририятига келганман. Ўшанда наср бўлимини бошқарган Шукур Холмирзаевдай ҳикоя устаси оғзидан машқим ҳақида илиқ сўзларни эшитиш мен учун ниҳоятда мароқли ва ҳаяжонли бўлган.

Биз талабалар танишишга ва биттагина суҳбатини олишга қанчалар мушток бўлган, катта-ю кичик бирдай тан олган катта ёзувчи ёзишни эндигина бошлаётган, ҳали ҳеч ким танимаган ғўр талабанинг машқини эътибор билан ўқиб, яна мактаб турса! Ва: “Тайёрлаб қўйдим, кейинги сонлардан биттасига туширамиз”, деса!

Тақдир экан, орада Шукур ака бошқа ишга ўтиб кетди, ҳикоям бирмунча вақт навбат кутиб туриб қолди...

Нуруллоҳ Муҳаммад РАУФХОН – 1955 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎЗМУ) битирган. “Дунё кенг”, “Шу ерлик киши”, “Этакдаги қулба” сингари китоблари чоп этилган. Асарлари турк, инглиз ва рус тилларида эълон этилган. “Оқ бино оқшомлари” бадиий фильми сценарий муаллифи. Ўрис тили ўзбек ёзувчиси Темуралиевнинг “Завсегдатай” (“Шинаванда”) қиссаси, “Черепаша Тарази” (“Торозий тошбақаси”) романини, Аҳмад Лутфий Қозончининг олти жилдли “Саодат асри қиссалари”ни ўзбек тилига таржима қилган.

Кўп ўтмай мен ўқишни битирдим, сўнгра олис бир вилоятнинг олис бир чўл қишлоғида, ўқитувчи етишмайдиган бир тўлиқсиз мактабда болаларга саккизта фандан дарс бера бошладим. Шундай кунларнинг бирида ҳикоям ўша йили эндигина ташкил топган “Ёшлик” журнали саҳифаларида “Ютуқ” номида Ўткир Ҳошимов “Оқ йўл”и билан дунё юзини кўрди!

Кейинчалик “Оқ бино оқшомлари” ҳикоям “Шарқ юлдузи” журналида эълон қилиниб, “Йилнинг энг яхши ҳикояси” унвонига ва йиллик “Сурхон” мукофотига лойиқ қўрилганини, ундан кейинроқ Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонини кино тилига ўгириб ёзган сценарийим ҳам шу журналда чоп этилганини, яна кейинроқ ўзим ҳам шу журнал таҳририятида яхши инсонлар билан бирга ишлаганларимни ҳисобга олсак, “Шарқ юлдузи” менинг ҳаётимда қандай ўрин эгаллагани ойдин бўлади.

Ўртада (1990–2007 йиллари) турли сабаблар ила анча муддат ёзмай қўйганимдан кейин ниҳоят иккиланиш ва ҳадиксирашлар билан қўлимга қоғоз-қалам олиб ёзган ҳикояларимдан бирга (“Этакдаги кулба”) яна-тагин “Шарқ юлдузи” қайноқ бағридан ўрин берди.

Иккиланиб деганим қўнғлимда, қўлим ёзишдан чиқиб кетмадимикан, деган хавотир борлигидан, ҳадиксираб деганим эса, мени ёзувчи ўлароқ қарийб унутиб юбораёзган ўқувчи бу машқларимни қандай қабул қиларкин, деган андишадан эди.

Ҳартугул, хавотирим ўринсиз чиқди: “Чилла”ни устозим Эркин Аъзам “Тафаккур”га олиб, иккиланишларимни бир миқдор кетказган бўлса, “Этакдаги кулба”га Улуғбек Ҳамдам “Шарқ юлдузи”дан ўрин бериб, тамоман каминани қайтадан адабиётга рағбатлантирди. “Адабиётга қайтиш мана шунақа бўлса, биз ҳам уч-тўрт йил адабиётдан чиқиб турайликмикан!” деб қўнғлимни тоғдек кўтарди.

Бу суюкли журналимиз илк ташкил топган йилларидан бошлаб то шу кунларгача мана шунақа танти анъаналари билан жуда кўп ижодкорнинг бошини қовуштириб келди, жуда кўп яхши асарларни чоп этиб, дунё адабиётига майдон ўқиди. Не-не адиблар “Шарқ юлдузи” мактабини яратишди ва энг олдин ўзлари шу мактабда таълим олишди.

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бу мўътабар даргоҳда Ўткир Ҳошимов, Омон Мухтор, Тоҳир Малик, Муроджон Мансур, Асад Дилмурод, Икром Отамурод каби устоз адиблар билан бирга ишлаш менга ҳам насиб этди ва, Оллоҳга шукр, мен ҳам шу олий мактабнинг бир ўқувчисига айландим.

Айниқса, “Шарқ юлдузи”га садокатда ҳаммадан ўзиб кетган шоир акам Икром Отамурод билан олти йил муттасил битта хонада ўтириб ишлаганларимиз ва бу олти йил ичида қурган не-не суҳбатларимиз ҳеч эсимдан чиқмайди.

Бугун иккита космонавт чексиз-чегарасиз осмонда олти кун ёлғиз бирга қолса, бир-биридан зерика бошлайди, ораларида бирон қўнгилсиз ҳолат кечмасин деб бутун бошли руҳшунослар гуруҳи уларга олдиндан ердаёқ роса йўл-йўриқ беради, улар осмонда кезаётганида ҳам пастдан кузатиб-бошқариб туришади. Биз бўлсак, олти кунмас, олти оймас, нақ олти йил каталакдайгина бир хонада узлуксиз бирга ўтирдик. Бир-биримиздан зерикаш тугул, аксинча, бир-биримиздан маънавий озуқалар олиб, руҳшуносларнинг йўл-йўриғига эҳтиёж туймасдан, тинч-тотув ишлашдик. У кунларни ҳамон соғинч билан қўмсайман.

Бу йил севимли журналимиз кутлуғ тўқсон ёшга кирибди.

“Тўқсон” – одам боласи орзу қиладиган улуғ ёш, аммо узоқ туюлган бу йиллар маънавият йўлида хизматга бел боғлаган бир шоввоз учун балки эндигина болалик палласидир.

Тўқсон ёшинг кутлуғ бўлсин, Шарқнинг порлоқ юлдузи! Адабиётимизга хизматда асло толма, ҳеч қарима!

“Ёшлигим сирдоши, дардкаш устозим...”

Қозоғистондан мактуб



**Победахон
АБДАЗИМОВА**

Эндигина тўрт ёшга қадам қўйганимда отам, 3-синфдалигимда онам оламдан ўтган эди. 14 ёшли опам, 11 яшар акам ва 9 ёшлар чамасидаги мен, Абубакир исмли ўқитувчи акам қўлида қолдик. Акам 70 сўм маоши билан, ўзининг 4 нафар фарзандлари қаторида уччовимизни ҳам қанча қийинчиликлар билан бокди, вояга етказди.

Етимликнинг озорли йиллари бири бошқасини кувлаб ўтаверди. 7-синфга ўтиб, ўқиб юрган пайтимда она тили адабиёти ўқитувчимиз – Абдумалик Холтоев дарсларидан бирида биз ўқувчиларга "Шарқ юлдузи" деган журнални кўрсатиб, у ердаги бир ҳикояни ўқиб берди. Ҳикоядан шунчалик таъсирланган эдикки, устозимиздан бу салобатли журналдан яна қизиқроқ нимадирни бирга мутолаа этишни илтимос қила бошладик. Аммо ўқитувчимиз "Хоҳласанглар, журнални мактаб кутубхонасидан олиб ўқишларингиз мумкин", деди. Мактаб кутубхонаси энг қадрдон масканимга айланиб қолишига ҳам айнан шу журнал сабабчи бўлди, десам хато қилмайман. Ўқиш, мутолаа жону дилимга айланди. Аммо бу севимли машғулотнинг ўзига яраша ноҳуш томонлари ҳам бўлмади, дея олмайман.

* * *

Келинойим акам билан баб-баробар рўзғор аравасини тортишга ҳаракат қилардилар. Юқорида айтганимдак, ўзларининг фарзандлари ва биз етим опа-укаларни боқиш учун акамнинг урвоқдек ойлиги етмасди. Шунинг учун эмизикли боласи бўла туриб уйда қўл қовуштириб ўтирмас, мактабда фаррош бўлиб ишларди. Ўша пайт бир ярим ёшга тўлиб-тўлмаган жиян укамни боқиш менинг зиммамда эди. Келинойим ишдан келгунича хамир ийлаб, нон ёпиш учун ўчоққа ўтинни қалаб, тайёрлаб қўярдим. Бир куни ўша ишларни бажаришдан олдин болани бешикка белаб, тебратиб ўтириб ҳар доимгидек “Шарқ юлдузи”нинг кутубхонадан олган янги сонини ўқий-ўқий, чарчоқ енгди шекилли, бешикка суяниб, ухлаб қолибман. Бирдан бақир-чақир овоздан чўчиб, уйғониб кетдим. Келинойим

Победахон АБДАЗИМОВА – 1947 йилда туғилган. "Ҳаёт қарвони" назмий, "Тақдир тўҳфаси" номли насрий китоблари чоп этилган.

қўлимдаги журнални олиб бошимга бир уриб, "Мана шуни ўқийман деб ҳали бирор ишинг бажарилмабди", дея алам билан бақириб ташлади. Унинг овозидан бола ҳам чўчиб уйғониб, чиркираб йиғлашга тушди.

Ичкари уйда дарсларига режа ёзиб ўтирган муаллим акам:

– Нима шовқин? – деб, югуриб чиқди ва келинойимнинг алам устида бир-нечта варақларини йиртишга улгурган журнални тортиб олди ва ерда ётган йиртилган саҳифалар бўлақларини қўлига олиб:

– Буларни мана бундай қилиб ёпиштириб ол! – деб менга тутқазди. Кейин келинойимга юзланди:

– Нега сен бунга зулм қиласан? Энг асосийси, ҳам болангни боқиб, ҳам ўқиб ўтирибди-ку! Тегма бунга! Ўқисин, сенга ўхшаб саводсиз бўлиб қолмасин, – деб уришиб берди.

Ўшанда акам мени шу даражада қўллаб-қувватлаган бўлса-да, барибир энди "Шарқ юлдузи" журнаlines яшириб ўқийдиган бўлдим. Ўша куни панага ўтиб, келинойим журнал билан бошимга урганига эмас, мен учун азиз саҳифаларни йиртмоқчи бўлганига йиғладим. Энди ҳар ой мактаб кутубхонасидан олиб келадиган севимли журналнимни тунда, ҳамма ухлаганда қўлга олардим.

Кундузи ўқиш, бунинг устига рўзгор ишлари кўп бўларди. Шунинг учун лампа ёруғида мутолаа қилсам, "керосини тугайди" деб, кеннойим лампани ўчириб кириб кетарди. У ухлагач, қайта ёқиб, ўқийверардим. Шундай тунлардан бирида, ҳовлида оёқ дупури эшитилиб қолди. Кеч куз эди. Мен эшикни қия очиб ташқарига қарадим. Биргина сигиримиз ва унинг бир ёшли бузоғини ҳовлимиз этагидаги дарахтга боғлаб қўяр эдик. Ўша бузоқни биров кўча томонга етаклаб кетаётган экан, қаттиқ қўрқиб:

– Ҳой, кимсан? – деб бақирдим. Ўғри бузоқни ташлаб қочиб кетди. Овозимдан уйғонган акам жудаям хурсанд бўлди. Келинойимга:

– Мана, сен арзимас керосинни қизғанасан. Агар синглим бизга ўхшаб ухлаб ётганда бузоқдан айрилардинг, – деб мени мактаб қўйди. Шу воқеадан кейин лампа ўчмайдиган бўлди.

* * *

Баҳорда синфдош қизлар мени лола сайрига таклиф этишди. Акамнинг рухсати билан, далага чиқиб, ўйнаб-кулиб хурсанд бўлиб келсам, келинойим мактаб кутубхонасидан олиб келган китобимни олдига қўйиб ўтирган экан. Мен қўрқиб, энгашиб китобга қўл узатган пайтим, келинойим бошимга темир чўмич билан бир урди, китобнинг устига муккамдан йиқилиб тушдим. Қанча муддат ўтганини билмайман, акам келибди, мени чўмичда урганини укачаларим айтиб беришибди. Ўша куни келинойимни мулла акам қаттиқ уришди.

Ҳа, бундай ишлар тез-тез такрорланар, аммо тиришиб илм олишдан эринмас, мактабда "аъло" баҳоларга ўқир, "Мақтов ёрлиқ" лари билан ҳам тақдирланардим.

* * *

Бир куни она тили адабиёти ўқитувчимиз: "Яқинда 8 март – оналар байрами. Барчангиз шу байрамга она ҳақида шеър ёзиб келинглар", деб уйга вазифа берди. Кўпдан ҳаёлимда ва юрагимда оғир тош бўлиб ётган дардимни билганимча шеърга солиб ёздим. Эртасига дарсда бу шеъримни ўқиётганимда йиғлаб юборганман. Менга қўшилиб синфдош қизлар ҳам йиғлашган. Ўша шеърим ҳали ҳам бор. 7-синфни битирганлигим ҳақидаги гувоҳномам билан кутичада турибди. Шеър куйида:

Қайдасиз, она?

*Бедор кўзим киприк қоқмади,
Ҳеч ким менга қиё боқмади.
Мурғак кўнглим ҳузур топмади,
Сиз қайдасиз, соғиндим, она?*

*Мўъжаз қалбим меҳрга ташина,
Амма-хола янгамга ошина.
Мен кечалар юлдузга ошина,
Юлдузингиз изладим, она.*

*Митти қўлим кафтда тутдингиз,
Дардларингиз ичга ютдингиз.
Бошим силаб ухлатардингиз,
Қўлларингиз соғиндим, она.*

*Ҳалол ишлаб нон едирдингиз,
Сочим ювиб ўрар эдингиз.
Бошим силаб, суяр эдингиз,
Меҳрингизни соғиндим, она.*

*Сўзларингиз қўмсадим, она,
Дард-аламлар ичимда ёна.
Ён-атрофда ҳамма бегона,
Кўзларингиз соғиндим, она.*

*Қирда лола очилди яна,
Райҳон шохлаб барқ урди, ана.
Фақат сиз йўқ, ушбу дунёда,
Ҳидларингиз соғиндим, она,
Бўйларингиз соғиндим, она.*

Шундай қилиб, 7-синфни тугатгач, келинойимнинг ўрнига ишга чиқишга мажбур бўлдим. Кечки мактабда ўқидим. Ўша даврларда колхоз кутубхонасидан "Шарқ юлдузи" журналини олиб ўқир, сўнг қайтариб берардим. Кечки мактабга қатнаб, 10-синфни битирдим. Шундан кейин совхозга аъзо бўлиб, ишлай бошладим. Ҳисобчимиз далага чиқиб, ишчиларни обунага ташвиқот қилди. Агар биз яшаётган Қозоғистоннинг Сайрам районидан чиқадиган "Меҳнат байроғи", Ўзбекистондан олиб келинадиган "Фан ва турмуш", "Шарқ юлдузи" журналларига обуна бўлсак, ойлик маошимиздан олиб қолишини тушунтирди. Биринчи бўлиб, "Шарқ юлдузи"га обуна бўлдим. Хуллас, 1961 йилдан бошлаб, охириг сониди муқаддас "Қуръони Карим"нинг ўзбек тилидаги илк таржимаси чиққунига қадар бу журналнинг барча сонларини қолдирмай ўқиб боришга муяссар бўлдим. Қозоғистонда яшаб, ризку насибасини ҳалол меҳнати билан топиб, ўзига яраша машаққатлар кўриб яшаган бир содда қизнинг юрагида доим ёруғлик бўлган, адабиётнинг улуг, ижоднинг сирли оламига етаклаган ва дардкаш устозлик қилган ҳам "Шарқ юлдузи" журнали бўлди.



**Абдурахмон
ПИРИМҚУЛОВ**

Зикрилла Неъмат зикрида

Зикрилла Неъматнинг ўзбек шеърияти бўстонида кириб келганига қирқ йилдан ошди. Уни бадий ижодда катта тажрибага эга шоир сифатида тан оламиз. Вафойининг сермахсул ижоди адабиётшунослигимизда алоҳида поэтик ҳодиса сифатида юқори баҳоланган. Академик Азиз Қаюмов, профессор Ҳамидулла Болтабоев ва профессор Нусратулла Жумахўжа шоир шеъриятининг баъзи фазилатларини намоён этувчи мақолалар эълон қилганлар. Бинобарин, уни устоз-шоир десак, заррача муболаға бўлмайди. Шоир шеъриятини шакл ва маъно эътибори ила уч гуруҳга бўлиш мумкин: замонавий – бармоқ вазнидаги шеърлар, анъанавий – мумтоз лирик жанрлардаги шеърлар ва болаларга бағишлаб ёзилган шеърлар.

Аввало шуни таъкидлашни истардимки, шоир мумтоз жанрларда қалам тебратганда, сўзни топиб, чертиб ишлатиш лаёқатини тўла намоён этади. Унинг сўз бойлиги бениҳоя кўп. Шоир бирор мақсад ё муаммони шеърга солар экан, оҳангини аниқ белгилайди. Бу ҳол ўз-ўзидан жанрлар ранг-баранглигини тақозо қилади. Дейлик, шоир одамзотнинг ўз нафсини ирода қилолмаслиги хунук оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тубандагича тасвирлайди:

*Бир парча қотган нон, бир пиёла сув,
Етар-ку аслида инсон зотиға.
Лек, икки дунёга солар у гулув,
Бойлик деб минса гар нафс отига.*

Зикрилла Неъмат башар хайлининг яхши яшаши учун зомин бўладиган нафс қутқуларини ҳақида катта манзума, дейлик, ўн ё йигирма бандли эпик шеър ёзиши

Абдурахмон ПИРИМҚУЛОВ – филология фанлари номзоди. 1969 йилда туғилган. 1993 йилда Тошкент вилоят давлат педагогика институтини тамомлаган. Унинг “Моҳият ва маҳорат”, “Изтироб инкишофи”, “Навоийни севган нозанин”, “Етти довон ҳайрати”, “Шеър ўқиб уққанларим” каби китоблари чоп этилган.

ҳам мумкин эди. Йўқ, шоир нафс иллатларини бирма-бир тавсифлаш фикридан анча йироқ. У “парча нон ё културм сув”га қаноат қилиш ғоясини илгари сурмоқчи. Шу ғояни қоғозга тушириш учун “нафс оти” ёрдамга келади. Натижада шоир бойликка ружу қўйишнинг салбий оқибатларини бор-йўғи тўрт мисра бағрига жо қилади.

Шоир ғазалларини ўқиганда, ўзгача оҳанг, мазмун ва фусункорликни илғаш мумкин. Унинг лирик қаҳрамони гоҳо ёрнинг жабру жафосидан озурда, гоҳо рашк ўтида қовурилган, гоҳида маъшуқасини пардоз берувчи ранглардан ҳам қизганувчи сертуғён ошиқ, баъзида эса манзурнинг ўз хаёлида яшаётганидан руҳий қониқиш ҳосил қилади. Шоир ғазалларидан бирида сочини сарикқа бўяган маҳбубасидан гина қилади. Энди уни ўз рангига қайтариш учун ўзининг кўз қорасини – қорачигини беришга тайёригини, ёр учун ҳатто жонини фидо қилиши мумкинлигини жуда гўзал ифодалайди:

*Қаро қошинг каби, эй ёр, сочинг қоп-қора эрди-ку,
Зулм айлаб анинг рангин нечун кўздин ниҳон қилдинг?*

*Менинг кўзим қаросини олу, сочингга суртгил, ёр, –
Десам сўзим гумон айлаб, юрак-бағримни қон қилдинг.*

Бироқ шоирнинг лирик қаҳрамони ҳамиша ҳам ҳажр ўтида куйган, рашкдан юрак-бағри қон бўлган, бевафо қиздан озурда ё озурда эмас. Бошқа бир ғазалдаги ошиқ-маъшуқларнинг бир-бирига бўлган интилиши, ўзаро самимий муносабати, севги, садоқатини кўрсангиз, уларнинг анъанавий ҳижрон мотивларидан тубдан фарқланишига амин бўласиз:

*Бу кун мани сўроқлаб дилбари жонон келди,
Димоққинамни чоғлаб шўх сарви равон келди.*

Маъшуқанинг ташрифи висол онларидан дарак. Аммо висол бир лаҳзаликми ё бир умрликми? Буни кейинроқ билиб оламиз. Ҳозир эса ошиқнинг маъшуқа ташрифидан кейинги руҳий ҳолати билан танишайлик:

*Дилдан ғамим аритиб, кўздан ёшларим артиб,
Кўнглим уйин ёритиб, бир моҳи тобон келди.*

Анъанавий ишқий ғазалларда кўпинча ёр жафосидан толиққан ошиқнинг афтодаҳол киёфаси кўзга ташланади. Зикрилла Неъматнинг лирик қаҳрамони эса ёр ташрифидан бениҳоя мамнун. Шу боис унинг барча сифат-белгиларини мадҳ этиш воситасида ўзининг ҳам беҳад бахтиёрлигини аён этмоқда. Шу сабабдан бўлса керак маҳбубасининг бекиёс гўзаллиги ва латофатини кўтаринки руҳда мадҳ этади:

*Янги келинчак мисол ва ё кўкдаги ҳилол,
Юзи гул, лаблари бол, тишлари маржон келди.*

Маъшуқанинг ташрифи, табиийки, ошиқ учун ёқимлидир. Аммо ағёр-чи? Бу ўринда шоир ағёрни тилга олмайди. Аммо унинг ўрнини босувчи “куёш” образидан моҳирона фойдаланади. Яъни манзурнинг ўз ошиғи ёнига келиши, нафақат рақибни, ҳатто кўкдаги куёшни ҳам баттар куйдиради, оқибатда у пастга нур эмас, кўзёш тўкади:

*Рашик ичра ёниб қуёш, ёздумас, тўқар кўзёш,
Таъзимига эгиб бош гўёки осмон келди.*

Сўнгги байтдан маълум бўладики, ёр ташрифи бир лаҳзалик эмас, балки бир умр экан:

*Айлаб оҳу вовайло, этгандинг жонинг фидо,
Қувон энди Зикрилло, жисминг аро жон келди.*

Ҳазалнинг ўзга ҳазаллардан фарқланиб турувчи муҳим белгиларидан бири у бошдан-оёқ ички қофия билан зийнатланган. Ҳам ошиқ, ҳам маъшук феъли, аъмолини атрофлича очишда шоирнинг сўз бойлиги ниҳоятда қўл келган. Тўғри, ҳазалда такрор, ташбеҳ, истиора, таносиб, таъдил, муболаға ва бошқа шу сингари бадий тасвир воситалари ҳам маҳорат ила қўлланган. Бироқ ҳазал тузилишида ички қофиянинг тўла таъминланиши шеърга ички мусиқийлик бағишлайди. Бундай қофиянинг юзага келишида одатда алоҳида байтлар кесимида биргина товуш оҳангдорликни ҳал қилиб беради. Масалан, қуйидаги байтнинг ички қофиясини “л” товуши таъминлаган. Қофия илмида бу ҳодисани “равий” деб атайдилар:

*Қаранг, ноз-жилвасига, раҳм айлаб телбасига,
Ғарибин кулбасига қомати ларзон келди.*

Шоирнинг “Мастона-мастона”, “Хуш келдинг”, “Олтин куз” ҳамда “Кўринмайдур” номли ҳазаллари ҳам зебоқофия асосида яратилган. Бири ишқий мавзуда, яна бири куз, бошқаси эса фасллар келинчаги баҳорни мадҳ этиш ниятида ёзилган. Зикрилло Неъмат барча фаслларнинг ўзига хос зийнати тан олиш қаторида куз, айникса, баҳорнинг ўзига хос тароватини, у келса, аёз кетишини, заминнинг яшил либосга бурканишини, гулларнинг ранг-баранг очилиши ва эзгулик элчиси бўлмиш қалдирғочнинг учиб келишини ниҳоятда гўзал ташбеҳлар орқали ифодалайди:

*Эй қароқош, қаросоч, эрка қушим – қалдирғоч,
Кўкда ёйиб кенг қулоч уч, ўйнаб кул, хуш келдинг.*

Шоир ҳазалларини бошдан-оёқ некбин кайфият ҳосиласи деёлмаймиз. У баъзи ҳазалларида замон ва аҳли замон кирдикорларидан кескин шикоят қилади. Одамзотни ғийбат, бўҳтон, ҳасад ва бошқа шу каби иллатлар абгор қилишини сўзлайди. Айрим шеърларда юмористик оҳанг аниқ эшитилади. Уларда муаллиф ўзбекнинг соддалиги, кўпхаржлиги, боққан молини тўёна қилиб, ўзи курук нон ейиши ва бошқа шу каби иллатларини юмористик пафос билан фош этади.

Зикрилло Неъматнинг мумтоз жанрларга ўзгача меҳри, садоқатини кўрсатувчи далиллар қаторида унинг мухаммасчилик анъанасига қўшган ўзига хос ҳиссаси ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Профессор Ҳамидулла Болтабоев айтмоқчи: “тахмисчилик шунчаки ҳазалга мос уч мисра топиб, вазну қофиясини келиштириб, унинг ҳар байтининг олдида қўйиб чиқиш эмас. Муҳаммасда шоир тахмис қилинаётган шеър руҳига кира олиши, унинг фикру туйғуларини ҳофизасида қайта жонлантириб, аини ўша мумтоз ҳазал даражасида асар битиши лозим”¹. Агар тахмисчи ўша ҳазал савияси даражасида сатр қўшолмаса, нафақат ўз мисраларининг,

¹ Болтабоев Х. Кўҳна оҳанглар саси. “Қалбим қалъаси” китобига кириш сўз. Тошкент. “Мумтоз сўз” нашриёти 2015. 3-бет.

балки тахмисга замин бўлган ғазалнинг нафосатига ҳам соя тушириши мумкин. Гап шундаки, Зикрилла Неъмат Ҳофиз Шерозий, Атойи, Саккокий, Навоий, Бобур шох, Комрон Мирзо ва Огаҳий сингари ўтмиш алломалари қаторида Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Мухтор, Шуккур Қурбон ва Сироҷиддин Саййид каби давримизнинг пешқадам шоирларининг тематик жиҳатдан ғоят долзарб мавзудаги ғазалларига тахмис боғлайди. Тўғри, мухаммасларнинг ҳам асосий мавзусини ишқ ва у билан боғлиқ инсоний дард-кечинмалар ташкил этади. Бироқ шунинг ҳам унутмаслик лозимки, классик шоирлар ишқ мавзуси доирасида инсоният маънавий-руҳий оламнинг турли қирраларини инкишоф этиш баробарида, одам авлоди учун сув ва ҳаводек зарур бўлган ахлоқий нормаларни ҳам дарж этганлар. Шоир ушбу муаммоларни тўла ҳис этиб, шарқ шоирлари қаламга олган турли мавзуларни давом эттириш, уларни поэтик такомилга етказишга эришади. Масалан, Зикрилла Неъмат улуғ Навоийнинг машҳур “Келмади”, “Ўртадин” ва “Топмадим”, Бобур мирзонинг “Қолдимۇ?”, “Яхшилиғ”, Огаҳий ҳазратларининг “Ўлтурди”, “Бўлмаса бўлмасун нетай” радибли ғазалларини бешлик ҳолига келтиради. Нима демоқчимиз? Бу шоирлар, биринчидан, Шарқ дунёсида жуда катта мавқега эга. Иккинчидан, улар турли даврнинг фарзандлари. Давр турли бўлгач, улар ўртага қўйган ғоя ҳам бир хил бўлмайди. Яшаш ва сўзлаш тарзи турлича бўлган шоирлар умуминсоний қадриятларни қоғозга тушириш нуқтаи назаридан ижоднинг кенг майдонида бирлашадилар. Айни шу ҳодиса, инсон турфа замон ва макон фарзанди бўлса-да, унинг ахлоқий нормалари, шахсий кечинмалари, ишқий изтироблари, висолдан лаззатланишлари унчалик фарқланмайди. Худди шу ҳолат, боз устига мумтоз шоирларнинг лирик кечинмасини тўла ҳис қилиш, оний лаҳзага бўлса-да, фикр ва ғоя жиҳатдан улар билан бир нуқтада бирлашиш Зикрилла Неъматга алоҳида ижодий журъат бағишлайди. Ўзгача айтганда, шоирнинг шахсий иқтидори, билим ва заковати ҳамда унча-мунча шоирда учрайвермайдиган қуввайи ҳофизаси йирик шоирлар ижодига мурожаат қилишига замин ҳозирлайди. Масалан, Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг “Ўлтурмай ўлтурди” радибли ғазали маъшуқа жафожўлигининг турли шакллари баён қилиши жиҳатдан шоирнинг ўзга ғазалларидан тубдан фарқланади. Шоир манзурни ёнимда бир сония бўлса ҳам ўлтирмай ўлдирди, яъни руҳий азоб берди демоқчи. Анъанавий шикоят мазмунини ифодаловчи мазкур ғазални Зикрилла Неъмат мухаммас шаклига айлантирар экан, гўё ёрнинг “ўлтирмай, ўлдириш” сабабларини кенг миқёсда шарҳлашга эришади:

*Чидолмай ул паривашнинг алам бирла фироқига,
Бўлиб парвонадек бордим гўзал ҳуснин чироқига,
Вале бир боқмади ул ёр, менигдек гўл, саёқига,
Ман ўлтурмоқ тилаб, илкин тутиб тушдим аёқига,
Ул истиғно қилиб зоҳир манго, ўлтирмай ўлтурди.*

Зикрилла Неъмат Ўзбекистон халқ шоири Сироҷиддин Саййиднинг машҳур “Чамандирсан” ғазалига ғоят гўзал тахмис боғлайди. Ушбу мухаммас шакли, вазни, мазмуни, оҳанги ва бадиий тасвир усуллариининг умумий ғояга йўналтирилиши жиҳатдан ўқувчи эътиборини жалб этиш хусусиятига эга. Сироҷиддин Саййид ғазалида маъшуқа малоҳати жуда кўтаринки руҳда мадҳ этилади. Лирик қаҳрамон ўзини ошиқ билан бирга бўлса, бахтли ҳисоблайди, бошқа дамларни эса мазмунсиз деб билади. Яъни, ошиқ маъшуқага мурожаат қилиб, “лабу холу хатинг бер” деб ундан бўса олиш илинжини билдиради. Зотан ошиқ, маъшуқ билан бирга бўлганда, ўзини байрамда – анжуманда деб ҳис қилади. Тахмисчи эса шу хилдаги маънолар силсиласини узвий давом эттиради ва бунинг сабабини бадиий жиҳатдан ғоят пухта далиллайди:

*Кўзингга термулиб ноз-ғамза топғум,
Узун киприкларингдин найза топғум,
Гўзал васлинг мулкидин ғазна топғум,
Лабу холу хатинг берким, на топғум,
Юриб бу анжумандан ташқарида.*

“Чамандирсан” ғазалини ва демак мухаммасни ҳам фақат ишқ мавзуси билан чегаралай олмаймиз. Унда ишқий ғоялар тараннуми паноҳида эрк, эзгулик, меҳнатсеварлик ва бошқа инсоний ғазилатлар улуғланади. Охирги банд эса юксак ватанпарлик туйғуларини акс эттириши билан диққатни тортади:

*Ватандан хушхабарлар сўйла, эй дил,
Ватансиз ким эурсан, ўйла, эй дил,
Ватансиздан ҳазарлар айла, эй дил,
Ватан ичра сафарлар айла, эй дил,
Ватан бўлмас ватандан ташқарида.*

Кўринадики, Зикрилла Неъмат фикр, дунёқараш ва ташқи олам найрангларига муносабат билдириши, ноҳақликка мурасасиз бўлиши жиҳатдан мумтоз ва замондош шоирлар билан бир позицияда тургани учун улар ўртага қўйган ғоявий муддаоларни такомил босқичига чиқаришда ўзига хос маҳорат намоиш этган.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, Зикрилла Неъмат шарқнинг юздан ортиқ катта-кичик шоирлари ғазалларига тахмис боғлаб, ушбу жанр тақомилига бениҳоя улкан ҳисса қўшди.

Шарқ шеъриятида фаол ҳаракатда қўлланадиган санъатлардан бири ташбеҳ ўхшатишдир:

*Қирда куйган лола янглиғ қовжирар қалбим бу дам,
Энди мен қайга борай, жабру жафонинг дастидан.*

Ушбу байтда ошиқнинг рухий кайфияти аниқ тасвирланган. Ошиқнинг маҳбубаси учрашувга келмай, адоқсиз жабр, зулм қилмоқда. Оқибатда ошиқнинг қалби кунда қолган лола сингари қовжираб, қуриб қолган. Тўғри, қалб қуримайди. Аммо шоир ўз қалбини қуриган лолага ўхшатиш воситасида, маъшуқасидан хафалигини, озурдалигини тасвирламоқчи. Бунинг учун ўхшатиш санъати ёрдамга келган.

Мумтоз шеърятда яна шундай тасвир усули ҳам мавжудки, унга кўра шоир нарса ёки предметнинг шакли ё хусусиятини унинг ўзига нисбатан бир неча бор кичрайтириб тасвирлайди. Буни мумтоз шеърят тадқиқотчилари тафрит, Европа олимлари эса литота деб юритадилар. Қуйидаги байтда қуёшнинг шамга ўхшателиши литотанинг ёрқин намунаси бўла олади:

*Ўртаниб куйгай юрагим ул париваш ҳажрида,
Ўтли қалбим олдида офтоб ҳам шамдур манга.*

Зикрилла Неъмат Вафойи ижоди ҳозирги миллий истиқлол шеърятининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Шоир ижодида адабий-эстетик унсурлар ниҳоятда бисёр ва у бир эмас, бир неча тадқиқотларга асосий манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

"Эмас осон бу майдон ичра турмоқ..."



Дилнавоз
ЮСУПОВА

Ўзбек мумтоз адабиётига доир тадқиқотлар адабиётшунослик учун барча даврларда муҳим ҳисобланган. Чунки адабий анъаналар, асрлар давомида сақланиб келаётган адабий фикрлар санъаткорона ифодасини ўрганиш, таҳлил қилиш келажак адабиёти пойдевори ҳамдир.

Биргина 2020 йил давомида республикамызда мумтоз матнлар тадқиқига бағишланган ўнлаб монография ва рисоалар, кўплаб мақолалар чоп этилди. Ушбу тадқиқотларни мавзу йўналишига кўра: қиёсий адабиётшунослик йўналишида яратилган илмий ишлар; муайян ижодкор ёки адабий асар доирасида яратилган тадқиқотлар; мумтоз адабиёт ва халқ оғзаки ижоди муносабатлари акс этган рисоалар; мумтоз матнлар нашри билан боғлиқ китоблар; ўқув адабиёти доирасида яратилган ишлар каби гуруҳларга бўлиш мумкин.

1. Қиёсий адабиётшунослик йўналишида яратилган илмий ишлар йўналишга Муслихиддин Муҳиддиновнинг “Форс-тожик шоирлари ижодида комил инсон талкини”, Қахрамон Тўхсановнинг “Маснавийи маънавий” таржималарининг қиёсий таҳлили”, Собиржон Тоҳировнинг “Темурийлар даврида ҳамсанавислик” тадқиқотларини киритиш мумкин.

Муслихиддин Муҳиддинов тадқиқотидаги комил инсон ғояси Низомий Ганжавийнинг “Махзан ул-асрор”, Амир Хусрав Деҳлавийнинг “Матлаъ ул-анвор”, Абдураҳмон Жомийнинг “Тухфат ул-ахрор” дostonлари мисолида тадқиқ этилган бўлиб, унда муаллиф қиёсий метод асосида тасаввуф таълимотининг бош ғояси ҳисобланган комил инсон масаласини ўрганаркан, “Комил инсон тасаввуфнинг ҳам, адабиётнинг ҳам идеали эди, шоирларнинг кўп гуманистик ғоялари шу тушунча воситасидан бадиий суратланган. Аммо комил инсон бутунлай мавҳум тушунча ҳам бўлмаган. Улуғ шоирларимиз ҳазрати Пайғамбарни, кейин

Дилнавоз ЮСУПОВА – филология фанлари доктори. 1976 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетини тамомлаган. “Алишер Навоий “Хамса”сида мазмун ва ритмнинг бадиий уйғунлиги”, “Темурийлар давридаги арузга доир рисоаларнинг қиёсий таҳлили” монографиялари, “Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи” (Алишер Навоий даври), “Аруз алифбоси”, “Ўзбек мумтоз ва миллий уйғониш даври адабиёти”, “Аруз вазни қоидалари ва мумтоз поэтика асослари”, “Навоийшунослик”, “Аруз ва мумтоз поэтикага кириш” каби ўқув қўлланма ва дарсликлар муаллифи.

валиюллохзотларни комил инсон намуналари ҳисоблаб, уларнинг сиймоларини зўр муҳаббат билан тасвирлаганлар. Амир Хусравда Низомиддин Авлиё, Жомийда ҳазрати Баҳоваддин Нақшбанд билан Хожа Аҳрори Вали образлари лирик-тавсифий тусда гавдалантирилади” (132-бет).

Қаҳрамон Тўхсановнинг “Маснавийи маънавий” таржималарининг қиёсий таҳлили” монографиясида Жалолиддин Румий маснавийи асли истеъдодли шоир ва таржимон Жамол Камол томонидан амалга оширилган ўзбек тилидаги илк шеърий таржимаси билан қиёслаб ўрганиларкан, мазкур асарнинг бошқа мутаржимлар томонидан муайян тарзда амалга оширилган таржималари ҳам таҳлилга тортилган. Бу таржималар жараёнидаги тил ҳодисалари, вазн, қофия, радиф имкониятларига алоҳида тўхталиб ўтилган.

Аммо тадқиқот сўнгида монографияга хос бўлган хулоса қисми кўринмайди. Ваҳоланки монография соф илмий йўналиш бўлиб, унда кириш, асосий қисм ва албатта хулоса бўлиши зарур.

Собиржон Тоҳировнинг ҳамсанавислик аънаси тадқиқига бағишланган “Темурийлар даврида ҳамсанавислик” тадқиқоти мусулмон Шарқи эпик поэзиясининг муҳим адабий ҳодисаларидан бири бўлган ҳамсачилик, темурийлар даврида мазкур аъна тараққиёти билан боғлиқ тарихий, назарий ва таҳлилий материалларга асосланган. Мазкур тадқиқот ишида Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий, Хожа Кирмоний ҳамда Навоийдан сўнг ҳамсанавислик тараққиётига ҳисса қўшган шоирлар ҳақида ҳам маълумот берилганлиги илмий аҳамиятга молик жиҳатлардан бўла олган. Муаллиф ўз монографиясида Низомийга эргашган ҳолда турли шакл ва мазмунда, турли ҳажмда “Хамса” ёзган шоирларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиб тасниф қилади:

1. Тўлиқ беш дostonдан иборат “Хамса” ёзганлар;
2. Сабъанавислар, яъни етти дostonдан иборат туркум яратганлар;
3. “Хамса”ни тўлиқ ёзиб тугата олмаган шоирлар.

Ушбу таснифни инкор этмаган ҳолда 2-гуруҳдаги айрим дostonлар, хусусан, Бадриддин Кашмирийнинг “Мотамсарой”, “Зухра ва Хуршид” каби дostonлари Низомий эмас, балки Фариддин Аттор ва Ҳаким Санойи дostonлари таъсирида яратилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Худди шу фикр мазкур гуруҳга киритилган яна бир ижодкор – Зулолийнинг “Сулаймоннома” ва “Маҳмуд ва Аёз” дostonларига нисбатан ҳам тегишли.

2. Муайян ижодкор ёки адабий асар доирасида яратилган тадқиқотлар йўналишида Иқболой Адизованинг “Увайсий шеъриятида поэтик тафаккурнинг янгиланиши”, Қаҳрамон Тўхсановнинг “Бобораҳим Машраб “Мабдаи нур” асарининг манбалари ва мавзулар олами”, Илёс Исмоиловнинг “Навоий ижодида Искандар образи талқинлари”, Озода Тожибоеванинг “Алишер Навоий “Хамса”сининг насрий баёнлари: тамойил, мезон ва услуб” каби монография ва рисолаларини кўриш мумкин.

Филология фанлари доктори Иқболой Адизова “Увайсий шеъриятида поэтик тафаккурнинг янгиланиши” монографик тадқиқотида ижодкор индивидуаллигини белгилаб берувчи асосий омиллардан бири бу поэтик мазмуннинг янгиланиши деб ҳисоблар экан, Жаҳон отин Увайсий ижодий тақомилига доир шоиранинг улуғ салафлар асарларидан ўрганган сабоқлари; устозлари ғоялари, тимсоллар олами, бадий тасвир воситаларига муносабати, ёндашув тарзи; уларга қайта, янгича ҳаёт бағишлаш тамойиллари каби масалаларга аҳамият қаратган ҳолда ушбу масалалар атрофлича қамраб олингани билан илмий аҳамиятга эга.

Қаҳрамон Тўхсановнинг “Бобораҳим Машраб “Мабдаи нур” асарининг манбалари ва мавзулар олами” монографиясида “Мабдаи нур” асарининг Жалолиддин Румий “Маснавийи маънавий” асари билан қиёсан тадқиқ этилиши ҳам долзарб мавзулардан бўлиб, унда “Мабдаи нур”даги олами ўрганилиб, махсус

жадвал ёрдамида асарнинг манбаларига ишора қилинганига қарамай, “Мабдаи нур” муаллифлиги масаласида фақат Фитрат, Исматуллоҳ Абдуллоҳга таяниб, уни Бобораҳим Машраб қаламига мансуб деган узил-кесил ва қатъий хулосани берилган. Бу эса, назаримизда, баҳсталаб маълумот бўлиб, тадқиқотда мазкур муаммо етарлича далилланмаган.

Ўзбек адабиётшунослигида илк марта Алишер Навоий ижодида Искандар образининг умумлашма талқинига бағишланганлиги билан илмий аҳамиятга эга бўлган Илёс Исмоиловнинг “Навоий ижодида Искандар образи талқинлари” рисоласи Искандар образининг Навоийгача эволюцияси, Навоий ижоди, шеърляти, тарихий асарларида, “Ҳайрат ул-аброр” достонида, “Садди Искандарий” достонидаги талқинларига тўхталиб ўтилади. Искандарнинг насаби, ёши, васияти, Искандар ва оби ҳаёт, ойна, девор, Искандар ва яъжуж-маъжужлар билан боғлиқ масалаларга илмий нуқтаи назардан ёндашиб, муайян хулосалар чиқарилади. Аммо рисолада тадқиқотчининг Искандар – асранди фарзанд эмас, балки Файлақуснинг ҳақиқий ўғли деган баҳсталаб фикри ҳам мавжудки, бу масалага Навоийнинг ўзидан жавоб излаш мақсадга мувофиқ, назаримизда:

*Сикандар атаб, ўғли билди ани,
Ўларда валиаҳд қилди ани...
Сикандарни топти малик Файлақус
Ясаб мулкин андоққи зебо арус.*

“Хамса” дostonларини насрий баён қилиш билан боғлиқ жараёнлар бирламчи манбалар асосида ўрганилганлиги, мумтоз дostonларни насрийлаштиришнинг ички қонуниятлари, назмни насрда ифодалаш имкониятлари назарий жиҳатдан асослаб берилганлиги билан аҳамиятли яна бир тадқиқот Озода Тожибоевнинг “Алишер Навоий “Хамса”сининг насрий баёнлари: тамойил, мезон ва услуб” монографияси ўзига хос аҳамиятга эга илмий ишлардан бири бўла олган.

3. Мумтоз адабиёт ва халқ оғзаки ижоди муносабатлари акс этган рисоаларда ёзма манбалар орқали сақланиб қолган оғзаки ижод намуналарининг жанрий табиати, образлар таркиби, асосий ғоя ва мотивларини тадқиқ этиш ҳамда ўша манбалар мансуб миллатнинг бадиий тафаккур тадрижини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода филология фанлари бўйича фалсафа доктори Зилола Шукурованинг “Мумтоз насрда оғзаки ижод анъанаси” монографияси фольклор намуналарининг “Қисаси Рабғузий” асари мисолидаги таҳлиliga бағишланганлиги билан долзарблик касб этади. Муаллиф асарнинг турли даврларда турли котиблар томонидан кўчирилган бир қанча нусхаларини қиёсан тадқиқ қиларкан, бу жараёнда асар сюжетида жиддий ўзгаришлар, жумладан, ёдгорлик тилининг кўчирилган даврга мослаштириб борилиши, Рабғузий қаламига мансуб аксарият шеърый парчаларнинг ўзгартирилиши ёхуд матнга янги шеърлар киритилиши билан боғлиқ ҳолатларни аниқлай олган. Тадқиқотчи асар таркибидаги тарихий ривоятлар, мифологик сюжетлар, фитоморфик образлар, туш мотиви ва ҳоказоларни таҳлил қилиш асносида Рабғузийнинг дунё фольклоридан яхши хабардор адиб эканлигини таъкидлар экан, ушбу унсурлардан фойдаланиш Рабғузий ижодий ниятининг тугал бадиий ифодаланишига, воқеа ва ҳодисалар талқинининг таъсирчан чиқишига хизмат қилганлигига диққат қаратади.

4. Мумтоз поэтика йўналишида яратилган тадқиқотлар сирасида Мақсуд Асадовнинг “Соқийнома: тарих ва поэтика” монографияси билан ҳам танишар эканмиз, унда Шарқ шеърлятидаги ўзига хос лирик жанрлардан бири бўлган соқийноманинг вужудга келиш тарихи, тараққиёт босқичлари ва ғоявий-бадиий хусусиятлари ҳақида маълумотларга эга бўламиз. Маълумки, соқийномалар умуминсоний ҳис-туйғулар ва рухий ҳолатларнинг нисбатан кенг ва эркин

ифодаланиши билан Шарқ адабиётининг бошқа жанрларидан ажралиб туради. Мумтоз соқийномаларда Ҳақ ва ҳақиқатга ташна, эрксевар, ҳурфикр рух соҳибининг ҳаётий кузатишлари, хулосалари акс этади. Муаллифнинг фикрича, туркий адабиётда соқийномаларнинг илк намуналари XII – XIII асрларда вужудга келган бўлиб, XV асрда Алишер Навоий ижодида мустақил шеърӣ жанр сифатида тараққий этган. Илк соқийномаларда шод-хуррамлик кайфияти улуғланган бўлса, аста-секин уларга ахлоқӣ ва маърифӣ мазмунлар ҳам кириб келган. XIX аср ўзбек адабиётда яратилган соқийномаларда эса диний, тасаввуфӣ фикр-қарашлар ва ижтимоӣ воқелик тасвирининг ўзаро уйғунлашиб кетгани кўзга ташланиши каби хулосалар соқийнома жанрининг тараққийёт босқичлари ва умумий мундарижаси ҳақида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради.

5. Мумтоз матнлар нашри билан боғлиқ китоблар орасида филология фанлари доктори Афтондил Эркинов ва филология фанлари бўйича фалсафа доктори Рустам Жабборов томонидан нашрга тайёрланган “Оққўюнли мухлислар девони” алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унда Алишер Навоийнинг 1378–1501 йилларда ҳукмронлик қилган оққўюнлилар салтанатида (бу салтанат ҳозирги Туркиянинг шарқӣ қисми, Арманистон, Озарбайжон, шимолий Ироқ ва Эрон ҳудудини ўз ичига олган) кўчирилган шеърларидан иборат девони ҳақида сўз боради. Мазкур девон Навоий шеърӣяти ихлосмандлари томонидан 870/1465–1466 йили тузилган “Илк девон”дан кейинги мухлислар девони сифатида навоийшунослик учун муҳим аҳамиятга эга. Девоннинг ягона қўлёзма нусхаси ҳозирда Миср миллий кутубхонасида сақланади. “Оққўюнли мухлислар девони”га Навоийнинг 30 ёшгача ёзган шеърлари (жами 229 шеър) киритилган бўлиб, бу шеърларнинг тили оққўюнлилар салтанатида ёйилган ўғуз туркчасига мослаштирилган. Мазкур нашр орқали энди Навоий муҳиблари Алишер Навоийнинг ушбу салтанатда кенг тарқалган шеърларини жорий ёзувда ўқиш имконига эга бўлишди.

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори Ҳафиза Асланованинг “Девони Гадо” китоби ушбу асарнинг олим Ҳамид Сулаймонов томонидан Париж Миллий кутубхонасидаги ягона қўлёзманинг фотонусхаси асосида амалга оширилган. Мазкур нашр таркибида 238 та шеър мавжуд бўлиб, улар ғазал, мустазод, қитъа, қасида каби жанрлардан иборат. Китоб сўнгида қўлёзма фотокопияси ҳам илова қилинганлиги нашр илмӣ аҳамиятини оширган. Шунингдек, атоқли олим Сайфиддин Рафиддинов томонидан Мажзуб Намангонийнинг “Соқийнома” асари насрий баён ва шарҳлар билан эълон қилинганлиги мутасаввиф шоир ижодини ўрганишда муҳим қадам бўла олган, деб айтиш мумкин.

Истеъдодли шоир Абдуҳамид Пардаев томонидан амалга оширилган “Қутадғу билиг” ҳамда “Лисон ут-тайр” дostonларининг табдили ҳам мумтоз матнларни халқ оmmasига яқинлаштиришда ўзига хос дадил қадамлардан бири бўла олган.

6. Ўқув адабиёти доирасида яратилган ишлар сирасига филология фанлари доктори, профессор Нафас Шодмоновнинг “Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи” ўқув қўлланмасини киритиш мумкин. Мазкур қўлланма ўз ичига ўзбек мумтоз адабиёти тарихининг энг қадимги адабий ёдгорликларидан тортиб, то XIV асргача бўлган даврни қамраган. Унда ўзбек адабиётини даврлаштириш ва адабий меросни миллий мафкура асосида ўрганишнинг ўзига хос тамойиллари ишлаб чиқилганлиги, қадимги адабий осори-атикаларга бадий тафаккурнинг шаклланишига хизмат қилганлиги нуқтаи назаридан баҳо берилганлиги эътиборга молик жиҳатлардан бўлиб, бундай ёндашув келажак авлоднинг маънавий ва руҳӣ тарбиясида муҳим аҳамиятга эгадир.

Филология фанлари докторлари Нусратулло Жумаҳўжа ва Иқболой Адизованинг “Ўзбек адабиёти тарихи” (XVI–XIX асрлар I ярми) дарслиги мумтоз адабиётимизнинг нисбатан кам ўрганилган даври таҳлилига бағишланган. Дарсликда XVI–XIX аср I ярмидаги адабий жараён, маданий муҳит, ундаги ижодкорлар ҳақидаги муҳим

маълумотлар қамраб олинган. Мазкур маълумотлар янги қарашлар, тушунчалар билан бойитилиб, мавжуд матнларнинг янгича талқинлари ҳавола этилганлиги, давр адабиёти ҳақида яратилган илмий асарлар, монография, рисола, сўнгги йилларда амалга оширилган тадқиқотлардаги илмий янгиликлардан фойдаланилганлиги дарсликнинг муҳим ютуқларидандир. Шунингдек, дарсликка илк бор Кул Убайдий, Амирий, Сўфи Оллоёр каби алломалар ижодига бағишланган боблар киритилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Энди бевосита даврий нашрлар: “ёритилган ишлар билан танишиб чиқсак.

“Ўзбек тили ва адабиёти” журнаlining 2020 йилдаги илк сонларида юртимиз ва қардош ўлкаларда фаолият юритаётган етук навоийшунос олимларнинг ҳазрат Алишер Навоий таваллудига бағишланган туркум мақолалари ёритилгани нашр илмий салмоғини оширганини қайд этиш жоиз. Бу йўналишдаги илк мақола таниқли олим, профессор Бокижон Тўхлиев қаламига мансуб бўлиб, “Туёқ жанри ривожига Навоий ижодининг ўрни” деб номланади. Мақолада тарихий поэтика қонуниятлари асосида туёқ жанрига хос муҳим хусусиятлар: вужудга келиши, эволюцияси, вазни, қофияланиш тизими, тажнисга асосланиши билан боғлиқ жиҳатларга тўхталиб ўтилиб, мазкур жанрнинг Навоий шеъриятидаги ўрни мисоллар асосида очиб берилади. Олим Навоийнинг “Бадойеъ ул-васат” девонидан ўрин олган деярли барча туёқларини шакл ва мазмун жиҳатдан таҳлил қилади, улардаги тажнисни бирма-бир изоҳлайди. Мақоланинг Навоий туёқларини тўғри таҳлил қилиш ва англашдаги амалий аҳамиятини алоҳида эътироф этган ҳолда “бу тун” тажниси туёқнинг сўнгги мисрасидаги “бу Тун” жумласи олим таъкидлаганидек, туннинг бағрини” (6-бет) эмас, балки жанубий Хуросоннинг қадимий шаҳарларидан бўлган “Тун” шаҳри, яъни жуғрофий ҳудудни ифодалаб келганлигини қайд этган.

Навбатдаги мақола хўжандлик марҳум олим Абдусалом Абдуқодиоровнинг “Навоийнинг бир татаббу ғазали ҳақида”дир. Мақола муаллифи тўғри таъкидлаганидек, навоийшуносликда Алишер Навоийнинг Абдурахмон Жомий ғазалларига боғлаган форсий тилдаги татаббулари муайян тарзда тадқиқ қилингани ҳолда ўзбекча татаббулари ҳанузгача таҳлилга тортилмаган. Мақолада Навоийнинг тасаввуфий мазмундаги “Бировга мусаллам тариқи тасаввуф” деб бошланувчи ғазали Жомийнинг “Чанд савол, эй писар, ки чист тасаввуф” мисрали ғазалига татаббу тарзида битилганлиги таъкидланади ва ҳар икки ғазалдаги шаклий жиҳатлар, умумий мазмун муқояса қилинади. Муаллифнинг фикрича, Жомий ғазалида тасаввуфни эгаллаш амалиёти кўрсатиб берилган бўлса, Навоий татаббусида тасаввуф назарий жиҳатдан шарҳланган; Жомий ғазалида тасаввуф Ҳаққа ошиқлик ва унга етиш йўли сифатида кўрсатилган бўлса, Навоий татаббусида тасаввуф поклик, яхши ахлоқ ва комиллик даражаси тарзида берилган. Мулоҳаза сифатида ушбу икки ғазал орасидаги муносабатни татаббу деб аташ масаласини ўйлаб кўриш зарурлигини таъкидламоқчимиз, чунки, фикри ожизимизча, одатда, бир асар иккинчисига татаббу бўлиши учун уларда қўлланилган шеърӣ ўлчов бир хил бўлиши талаб қилинади, мазкур ғазалларда эса турли баҳрлар: мунсариҳ ва мутақориб баҳрлари истифода этилган.

Филология фанлари доктори Сувон Мелининг “Назм ул-жавоҳир” интерматнлик ва маънолар мулоқоти” мақоласи муаммога янгича методлар асосида ёндашилганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Муаллиф интерматнликни М.Лотман фикри асосида “матн ичидаги матн” муаммоси сифатида талқин қилар экан, “Назм ул-жавоҳир”даги рубойларни матнлараро интерматнлик асосида ҳазрат Али ҳикматлари билан ўзаро жуфтликда таҳлил қилиш зарурлигини уқтиради. Мақолада асос сифатида шоирнинг уч рубойиси (“Муқбиллар ишида кўп латофат билгил...”, “Ҳар кимки ўлум сўзун демак фан айлар...”, “Ножинс ила лутфу инбисот оз айла...” деб бошланувчи рубойлар) танланиб, уларнинг таҳлили ҳазрат Али ҳикматлари билан жуфтликда амалга оширилган. Биринчи рубой таҳлилида интерматнлик асосида ҳазрат Али ва

эранлар муносабатининг асл ва терс маъно асосида талқин қилиниши китобхонда кизиқиш уйғотиши ва тафаккурга чорлашини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Атоқли навоийшунос олим Султонмурод Олимнинг “Ишқ: ҳақиқат ва мажоз”, “Лисон ут-тайр”: ҳақиқат ва мажоз синтези” деб номланган туркум мақолалари Навоий ижодида ишқ концепцияси талқинига бағишланган бўлиб, олим буюк мутафаккирнинг “Лисон ут-тайр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” дostonлари таҳлили орқали Навоий ижодига баҳо беришда уни дунёвий шоир эмас, балки тасаввуфий адабиёт вакили сифатида ўрганиш керак деган фикрларни илгари суради ва 8 қисмдан иборат бандларда ўз қарашларини баён қилади.

Мазкур мақолалардаги тадқиқотчи фикрлари аҳамиятини таъкидлаган ҳолда айрим мулоҳазаларимизни ҳам баён қилишни жоиз деб топдик. Султонмурод Олим фикрича, “Фарҳод ва Ширин” ҳамда “Садди Искандарий” дostonларида хавос ишқи тасвирланган. Бизнингча, бу тўғри эмас, чунки Фарҳоднинг ишқи билан Искандарнинг ишқини қиёслаб бўлмайди, улар тамоман бошқа-бошқа ҳодисалардир. Фарҳоднинг ишқини фақат Мажнун ишқи билан қиёслаш мумкин, бу икки қаҳрамон ишқи фақат улар тутган сулукда фарқланади, яъни бири солиқи мажзуб бўлса, иккинчиси мажзуби солиқдир. Шунингдек, олимнинг “Лайли ва Мажнун” ҳамда “Лисон ут-тайр”да сиддиқлар ишқи тасвирланган” деган фикрига ҳам қўшилиб бўлмайди. Чунки Навоий “Маҳбуб ул-қулуб”да биринчидан, Мажнуннинг ишқини ишқи хавосга киритади, бунини шу қисмда келтирилган ҳикоят ҳам асослаб турибди. Иккинчидан, сиддиқлар “Ҳақнинг тажаллиёти жамолига мазохир воситасидан айру вола...” дирлар, яъни уларнинг ишқида ўртада восита йўқ. Уларнинг даражаси пайғамбарлардан қуйи, авлиёлардан юқоридир. Мажнун эса Лайли, яъни илоҳий мазҳар воситасида Ҳаққа интилган ошиқдир.

Афғонистонлик олима Муниса Содотнинг “Яна “Гул ва Наврўз” дostonи ҳақида” номли мақоласи қиёсий таҳлил йўналишида бўлиб, унда форсий шоир Жалол Табиб ва туркигўй ижодкор Ҳайдар Хоразмийнинг айни номдаги дostonлари тадқиқ объекти сифатида олинган. Муаллиф ҳар икки дostonдаги ўзаро муштарак ва фарқли жиҳатларни қиёслаш асосида туркий тилдаги дoston Жалол Табибнинг дostonи таъсирида ёзилганлигини таъкидлар экан, асос сифатида ҳар икки дoston аруз тизимининг ҳазажи мусаддаси маҳзур (мақсур) вазнида ёзилганлигини, улардаги мавзу, характерлар ва қаҳрамонлар, жойлар номи ва умумий мазмун деярли ўхшаш эканлигини келтиради. Ушбу ўхшашликларга қарамай, икки дostonнинг якунида фарқлар борлиги ва бу фарқлар шоирларнинг бадиий-ғоявий тафаккурини намоён этишини айтиб, “Ҳайдар Хоразмий дostonи ёзилган пайтда темурийлар салтанати парчаланиб, ҳар минтақада бир ҳукмдор пайдо бўлган ва улар ўртасидаги ўзаро урушлар халқ ҳаётини оғирлаштирган эди, шунинг учун шоир мазкур ҳукмдорлар ўртасидаги тортишувларга қарши фикр билдиради ва марказлашган давлатни орзу қилади”, деган хулосани билдиради. Мақоланинг қиёсий адабиётшуносликдаги аҳамиятини эътироф этган ҳолда, Ҳайдар Хоразмий дostonининг Жалол Табиб дostonига алоқадорлиги тўғрисида дoston муаллифининг ўзитомида келтирилган ишораларга ҳам тўхталиб ўтилса, мақсадга мувофиқ бўларди деган мулоҳазани келтирмоқчимиз. Чунки тадқиқотчининг ўзи таъкидлаганидек, форсийда яна бир “Гул ва Наврўз” (Хожу Кирмоний) дostonи мавжуд бўлиб, Ҳайдар Хоразмий ўз дostonини Кирмоний дostonи таъсирида ёзган бўлиши ҳам мумкин. Шу маънода мақоланинг кириш қисмида ҳар иккала дostonнинг ўзаро алоқадорлиги ҳақидаги фикрни Ҳайдар Хоразмий байтлари билан асослаш зарур, назаримизда.

Шунингдек, журнал саҳифаларида эълон қилинган Эргаш Очиловнинг “Шайбоний ижодида Навоий анъаналари”, Буробия Ражабованинг “Бобурнома”да мураббий ва муқаввий талқини”, Гулбаҳор Ашурованинг “Адабий-эстетик идеал тимсоли ва Навоий образи”, Рустам Жабборовнинг “Навоий таърифидаги Саййид Асил ҳақида”, Нигора Шарипованинг “Ҳайрат ул-аброр”нинг ўрганилишига

доир каби мақолаларида ҳам Навоий ва Бобур ижодининг муайян қиррасига доир масалалар таҳлилини кўриш мумкин.

2020 йилда “Шарқ юлдузи” журналида Аҳадхон Муҳаммадиевнинг “Ҳамд ва наътларда комил инсон ғояси”, Ҳамидулла Болтабоевнинг “Ҳазрат Навоий ижодидан руҳ олиб”, Икболой Адизованинг “Ноёб жанр”, Исмат Санаевнинг “Равзаи асрор – пок муҳаббат қиссаси”, Шермуҳаммад Амоновнинг “Аҳмад Табибийнинг туркий девонлари”, Шерхон Қораевнинг “Алишер Навоий хузуридаги мажлислар”, Абдурасул Эшонбобоевнинг “Тасаввуф ва ўзбек адабиёти”, Баҳриддин Умрзоқнинг “Мутасаввиф олим”, Аъзам Қозихўжанинг “Жисм уйи чунким эрур фоний...”, Муяссар Иброҳимованинг “Фано ва бақо орасидаги дор ёхуд биз Румий денгизининг ғаввосларимиз” каби мақолалари эълон қилинди. Мазкур изланишларнинг асосий жиҳати – уларда масалага янгича нигоҳ ва услублар билан ёндашишга уриниш кузатилади. Шунингдек, баъзи мулоҳазали ўринлар ҳам учрайдики, илмий таҳлил қонунларига кўра, бу баҳсли ҳолатлар тўғрисида сўз юритиши табиий зарурат деб ўйлаймиз.

“Шарқюлдузи”нинг 3-сонида Абдурахим Эркаевнинг “Ҳазрат Навоий ғазалларида ўзлик масаласи” деб номланган мақоласи кўтарилган муаммо долзарблиги ва салмоғи билан алоҳида эътиборга молик. Аҳамиятли жиҳати шуки, муаллиф Алишер Навоий ижодини жаҳон фалсафаси контекстида таҳлил қилишга уринган. Аммо мақола матнидаги айрим мулоҳаза уйғотувчи жиҳатларни ҳам таъкидлаб ўтмоқчимиз. Хусусан, мақолада Алишер Навоий байтларининг айримларига нотўғри маъно юклаш кузатилади. Масалан, “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги илк ғазалнинг дастлабки мисраси “Ашрақат мин акси шамс ил-каъси анвор ул-ҳудо” – “Қуёш акси жом мавжларида жилोलаниб йўлни ёритди” ўлароқ тушунтирилган. Ҳолбуки, арабча бўлган ушбу мисра “Ҳидоят нурлари коса қуёшининг аксидан порлади” дея таржима қилиниши кўпчиликка маълум. Шунингдек, муаллиф ёзади: “Олам Илоҳнинг тажаллиси эканлиги тўғрисидаги сўфиёна ғоянинг манбаи ҳам Плотиннинг эманация назариясига бориб боғланади”. Ушбу хулоса ёки фикр ҳам муайян тадқиқотга муҳтож. Назаримизда, муаллиф мазкур даъвонинг ҳақлигини исботлайдиган манбага, албатта, ҳавола бериши керак эди.

Ёки яна ўқиймиз: “...Айнан шу даврда, “Наводир уш-шабоб” ёзилаётган йилларда, Навоий бенаволарга наво бериб, мамлакатни обод қилишга, истеъдодли кишиларни қўллаб-қувватлашга, ҳомийлик қилишга астойдил киришган эди”. Навоийшунослик тадқиқотлари орқали яхши маълумки, “Хазойин ул-маоний” мажмуаси 1492–1498 йилларда тартибланган. Унинг таркибий қисми саналган “Наводир уш-шабоб” девони ҳам шу даврнинг маҳсули ҳисобланади. Шоир эски шеърларини йиғиш баробарида янгиларини ҳам ижод қилган. Қолаверса, девон ёзилмайди, балки у йиллар давомида битилган шеърларни жамлаш орқали тузилади. Муаллифнинг “Наводир уш-шабоб” ёзилаётган йиллар” жумласи баҳсли ва бу девон тузилаётган вақтда шоир бетоброқ ҳолда, балки оғир касалликдан энди тузалиб оёққа тургани “Ғаройиб ус-сиғар” муқаддимасидан ҳам маълум. Умуман олганда, Абдурахим Эркаевнинг мақоласида кўтарилган муаммо ниҳоятда аҳамиятли ва жиддий, бироқ илмий ва таҳлилий мезонлар орқали ёндашганда, ҳали кўп ўринларини аниқлаштиришга эҳтиёж бордек, назаримизда.

Аҳадхон Муҳаммадиевнинг “Ҳамд ва наътларда комил инсон ғояси” номли мақоласида шоир Муҳйининг сарлавҳада қайд этилган мавзудаги ғазаллари таҳлилга тортилган. Мақоланинг эътиборли жиҳати мумтоз адабиётимизда кам ўрганилган шоирнинг асарлари тадқиқ этилганидир. Олим шоир Муҳйининг бир қанча шеърларини ўрганади, улардан намуналар келтиради. Қўйилган масалага мувофиқ шаклда ҳамд ва наътларнинг моҳиятида комил инсонни тарбиялайдиган омиллар мавжудлиги ҳақида сўз юритади. Тадқиқотчининг таҳлиллари умумийликка асосланганига диққат қаратиб шуни айтиш мумкинки, байтларнинг ички маъносини

ёритиш масаланинг янада кенгрок тушунилишига имкон берган бўларди.

Исмат Санаевнинг “Равзаи асрор – пок муҳаббат қиссаси” мақоласи кўтарилган мавзунинг бир қадар янгилиги, изчиллиги билан бошқа чиқишлардан ажралиб туради. Яна бир муҳим томони – муаллиф қўлёзма матн билан ишлаган ҳамда 1799 ва 1338-рақамли қўлёзмалар матнларида учрайдиган фарқларни қайд этган. Бугунги кунда бевосита қўлёзма матнлар билан ишлаш масаласида оқсоқлик борлигини ҳисобга олиб, тадқиқотчининг бу услубини олқишлаш мумкин.

Шермуҳаммад Амоновнинг “Аҳмад Табибийнинг туркий девонлари” мақоласи форс ва туркий тилда салмоқли мерос қолдирган шоир Аҳмад Табибий ижодига бағишланган бўлиб, бу адабиётшунослигимизда ҳали чуқур ўрганилмаган мавзулардан бири бўлиб қолаётганди. Шу маънода Шермуҳаммад Амонов тадқиқотини адабиётшуносликдаги бир мунча янги мавзулардан деб ҳисоблаш мумкин. Бунини муаллифнинг ўзи алоҳида қайд этган: “...илм аҳли Табибий шахсияти, ижоди ҳақида айрим тасаввурларга эга бўлса-да... фаолияти ва ижодий меросига оид манбалар тўла тадқиқ этилгани йўқ”. Муаллиф Аҳмад Табибийнинг Фатхулла Ғанихўжаев томонидан тақдим қилинган таржимаи ҳолига диққат қаратиб, ундаги маълумотларни текширади ва қайси манбадан олингани ҳақида ўз хулосасини келтирган. Унга кўра, Аҳмад Табибий ҳақида маълумотлар Лаффасий тазкирасига таянади. Шоирнинг девонлари сони, уларнинг таркиби тўғрисида тўхталган муаллиф Табибийнинг туркий шеърлари девони “Мунис ул-ушшоқ” ҳақида гапирди, сақланиш жойи ва рақамларини келтириб, унда жами 753 та шеър ўрин олганини маълум қилган. Эътиборли жиҳати, Шермуҳаммад Амонов қўлёзма матнни тадқиқ қилади, қўлёзманинг ҳолати, саҳифаларидаги чалкашлик ва бошқа ҳолатларни батафсил ёритади.

Абдурашул Эшонбобоевнинг “Тасаввуф ва ўзбек адабиёти” номли мақоласи “Маълумки, адабиётшунослигимизда ўзбек тасаввуф адабиёти “Девони ҳикмат”дан бошланади деган императив тарзда ҳукм чиқарилган” жумласи билан бошланади. Муаллиф дарҳол масаланинг марказига диққат қаратар экан, муаммога тарихий принцип нуқтаи назари билан ёндашиб, бу қарашни савол остига қўяди. Ҳикмат жанрининг XV асргача бошқа шоирлар ижодида учрамаслиги, қайд этилган манба тили ҳам XV асрдан кейинги тил эканлиги ҳақидаги ҳужжатларга таянган муаллиф бу муаммони қайта кўриб чиқишга эҳтиёж борлигини таъкидлаб, “классик шеърятимиздаги лирик жанрларнинг қатъий шаклланган иерархияси мавжудлиги” масалани ойдинлаштиришда ўзига хос роль ўйнашини айтади. Навоийгача бўлган даврни умумий таҳлил қилган тадқиқотчи бу давр шеърятида тасаввуф ақидалари етакчи бўлмагани ҳақида хулоса қилади. Алишер Навоий шеърлари тадқиқ қилинган китобларда ҳам масалани тасаввуфга боғлаб талқин қилиш жараёнида ҳаволалар йўқлиги, манба ва бошқа илмий таҳлилларга муносабатлар мавжуд эмаслигини таъкидлайди. Абдурашул Эшонбобоевнинг мазкур мақоласи бу йўналишида 2020 йил ёзилган мақолалар ичида дадиллиги ва қатъийлиги билан ажралиб турибди. Муаллифнинг хулосалари ҳали яна бир қанча далиллар, илмий таҳлиллар талаб қилишини ҳисобга олиб, бу тўлдирилиши, янада кенгрок изоҳланиши шарт бўлган мавзу эканлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Баҳриддин Умрзоқовнинг “Мутасаввуф олим” мақоласида “Алишер Навоий замондоши (...) Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ўғли, олим ва шоир Фаҳруддин Али Сафий” ҳақида сўз юритилади. Фаҳруддин Али Сафий Ҳиравий, унинг оиласи, таҳсил олиши, фаолияти ва “Рашаҳоту айнил ҳаёт” асари тўғрисида маълумот берган ушбу мақола автобиографик характерда бўлиб, таҳлилий нуқталар деярли кўзга ташланмайди. Бироқ муаллиф мавжуд маълумотларни тизимлаштиришда, тартибли тақдим қилишда меҳнат қилгани кўриниб турибди. Хулосада Фаҳруддин Али Сафий асарларининг қўлёзмаларини ўрганиш долзарб вазифалардан экани таъкидланган. Биз бу фикрни қўллаб-қувватлаймиз ва таъкидламоқчимизки,

мақолада киёсий ёки таҳлилий усуллардан фойдаланилганда, унинг илмий қиймати янада ошган бўлади.

Мархум атоқли олимлардан бири Аъзам Қозихўжа мумтоз матнлар билан ишлашнинг янгича услубини тақдим қилди. Бу услуб муаллифнинг ўзи қайд қилиб ўтганидек, “илми балоға” ва “илми маоний” қоидаларига таянади. У “Жисм уйи чунким эрур фоний” деб номланган мақоласида Алишер Навоий ғазалларини Юсуф Саккокийнинг “Мифтоҳ ул-улум”, Абдурахмон Қазвинийнинг “Талхис” асарларида таълим берилган балоғат илмининг илми маоний деб аталган қисмидаги қоидалари билан шарҳлашга ҳаракат қилади. Бу борада у муқтазойи ҳол, мутакаллим, мухотоб каби лисоний атамаларни келтиради.

Муқтазойи ҳол – ҳолат тақозоси, яъни сўзлашга мажбур қилган, тақозо қилган ҳолат; мутакаллим – сўзловчи, яъни биринчи шахс, мухотоб эса хитоб қилинувчи, иккинчи шахсдир. Ғазалда юзага чиқаётган тасвир – ғазал воқелиги деб аталади. Ғазал ичида, содда айтсак, икки одам ўртасида суҳбат боради. Бу суҳбатни мулоқот деб аташ ҳам мумкин. Аъзам Қозихўжа мулоқотдаги биринчи шахсни “лирик қаҳрамон”, у мурожаат қилаётган томонни эса “ғазал воқелигидаги биров” номи билан келтиради. Тадқиқотчи фикрича, мулоқот савол, инкор ва тасдиқлардан иборат бўлади. Шу маънода ғазалнинг илк байтида савол қўйилиб, унга кейинги байтларда жавоб берилади. Бу мулоқот сезилмаслиги мумкин, бироқ сўзлар замирида уни илғаш, топиш имкони бор. Олим бу назарияни исботлаш учун “Эй кўнгил, ер, кўк асосин асру бебунёд бил” деб бошланадиган ғазални таҳлилга тортади. Муаллифнинг фикрига кўра, ғазалнинг насрий баёни “...шеърнинг жонини суғуриб олади. Унинг миқёсларини, мақом ва даражаларини соддалаштириб, ҳатто, айтиш мумкинки, йўққа чиқаради. Шунинг учун ҳам шеър мазмунини қайта ҳикоя қилиб берувчи шарҳлар порлаб турган гўзалликка соя ташлайди, холос”. Олимнинг мулоҳазаларини рад этмаган ҳолда, шуни қўшимча қилиш мумкинки, насрий баён ўқувчини ғазал матнига яқинлашиб, унинг “иъжоз мақоми”ни англашида, ҳис қилишида бир босқич вазифасини ўтайди, шу маънода унга эҳтиёж бор. “Жаҳон адабиёти” журналида йил давомида чоп этилган мумтоз адабиётга доир тадқиқотлар нисбатан камроқ бўлиб, бу йўналишдаги мақолалар асосан Алишер Навоий ғазаллари шарҳидан иборат. Ушбу шарҳларни таҳлилга тортмаган ҳолда, айрим мақолалар таҳлиliga тўхталиб ўтамиз. Профессор Насимхон Раҳмоновнинг “Бертельс – навоийшунос” мақоласида атоқли шарқшунос олим Е.Э.Бертельснинг Алишер Навоий ижодини тадқиқ қилишдаги хизматлари батафсил ёритилган. Муаллиф Бертельснинг “Навоий ва Аттор”, “Навоий ва Жомий” монографияларини таҳлил қилар экан, ушбу асарларни яратишда шарқшунос қўлёрмалар фондида сақланаётган 60 дан ортиқ манбани ўрганиб чиқиб, кейин муаммони ёритишга киришгани, олимнинг ҳар бир мақоласида Навоий шахсиятига муҳаббат ва эҳтиром кўриниб туришини алоҳида эътироф этади. Умуман олганда, ушбу мақола билан танишган ҳар бир ёш изланувчи Бертельснинг тадқиқотчилик маҳорати ва методлари ҳақида ҳам муайян тасаввурларга эга бўлади.

Шунингдек, журналнинг 8-сониди Шерхон Қораевнинг “Самоъ йиғинлари ва Алишер Навоий” мақоласи мавзунинг янгилиги билан эътиборни тортади. Муаллиф бир неча манбалардан олинган иқтибослар асосида Алишер Навоий даврида самоъ мажлислари ва рақслар уюштирилганига далиллар излайди, буюк шоирнинг ғазаллари сўфийларнинг мажлисларида ўқилган деган мулоҳазаларни келтиради. Хулосада эса “Бобурнома”даги маълумотларга таяниб, қуйидаги тахминга келади: “...Навоийнинг самоъ йиғинларида шеър ўқиб, зикрга тушган бўлиши эҳтимолдан холи эмас, деб тахмин қилиш мумкин”. Албатта, Шерхон Қораевнинг бу каби дадил хулосалари баҳсалаб ва муаллифнинг ўзи айтганидек, бу масала ҳали тадқиқ этилиши лозим. Мазкур масаланинг бевосита Алишер Навоий таржимаи ҳолига алоқадорлиги унга илмий далил ва катта масъулият билан ёндашиш зарурлигини

тақозо қилади.

Мумтоз адабиётга доир тадқиқотлар “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасидан ҳам ўрин олган. Аммо афсус билан қайд этиш лозимки, зиёлиларнинг асосий минбари бўлган ушбу газетада мумтоз адабиётга доир тадқиқотларнинг сони у қадар кўп эмас. Мавжудларини ҳам икки йўналишда таҳлил қилиш мумкин: “Танқид. Адабиётшунослик” ва “Бир ғазал шарҳи” рукни остида эълон қилинган мақолалар. Биринчи рукнда Шухрат Сирожиддиновнинг “Ишқ фалсафаси”, Афтондил Эркиновнинг “Канадалик навоийшунос”, Ровияжон Абдуллаеванинг “Қора хол қисмати”, Бокижон Тўхлиевнинг “Адиблар адиби, фозиллар боши”, Ваҳоб Раҳмоновнинг “Узоқ кутилган луғат” каби мақолалари эълон қилинган бўлса, ғазал шарҳига доир рукн Бобомурод Эралининг “Ишқ қасрига йўл”, Манзар Абдулхайровнинг “Сабр тоғи бирла”, Олимжон Давлатовнинг “Жаҳдим андоқдур...” сингари мақола-шарҳларидан иборат бўлиб қолган. Филология фанлари доктори, профессор Шухрат Сирожиддиновнинг “Ишқ фалсафаси” номли мақоласи Алишер Навоий талқинидаги ишқ концепциясига бағишланган бўлиб, олим ушбу мақоласида Навоийнинг ишқ тушунчасига илоҳиёт нуқтаи назаридан ёндашади ва тасаввуф таълимотида борлик, ундаги моддий ва руҳоний олам бир-бирига ишқ орқали боғланиши, Ориф, Ишқ, Парвардигор учбурчагининг қайси тарафидан қарасак ҳам, Ориф ва Парвардигор ўртасида Ишқ туради, деган фикрларни баён қилади. Мақоланинг хулосасида ишқ фалсафасининг ўзагида инсон номига муносиб бўлиш ғояси етакчи эканлиги уқтирилади. Мазкур мақола теран таҳлилларга эғалиги, мисолларга бойлиги, тасаввуфнинг илдиз тушунчаларини қамраб олгани билан характерлидир.

Газетада филология фанлари доктори Афтондил Эркиновнинг “Канадалик навоийшунос” номли мақоласи ҳам чоп этилган бўлиб, мақолада Канаданинг Торонто шаҳрида яшаган туркийшунос олим Элизар Бирнбаум (1930–2019)нинг Навоий ижоди ва асарлари кўлғемалари устидаги тадқиқотлари, “шамс ул-миллат”нинг Усмонли турклар муҳитидаги кўлғемаларига оид тафсилотлар баён қилинган. Афтондил.Эркинов ўз мақоласига Бирнбаум билан бўлиб ўтган ёзишмалари ҳамда мулоқотини илова қилгани мақоланинг илмий қийматини оширган.

Устоз олим Ваҳоб Раҳмоновнинг “Узоқ кутилган луғат” сарлавҳали мақоласида Бердақ Юсуфнинг 5 жилдлик “Навоий тили луғати” ҳақида сўз боради. Мақолада Бердақ Юсуф тартиб берган луғатнинг олдин нашр этилган Навоий луғатларидан қуйидаги фарқли жиҳатлари санаб ўтилган: 1) бош сўз; 2) сўзнинг кўплик ёки бирликдаги шакли; 3) сўзнинг араб ёзувидаги ифодаси; 4) сўзнинг аслида қайси тилга мансублиги; 5) сўзнинг илмий транскрипцияси; 6) сўзнинг луғати, изоҳи. Олим ўз мақоласида китобнинг номи ҳақида яна бир қарра ўйлаб кўришга чорлайди ҳамда луғатни янги давр навоийшунослигига қўшилган муҳим ва жиддий ҳисса деб баҳолайди.

Бобомурод Эралининг “Ишқ қасрига йўл” номли мақоласи олимнинг ўз эътирофи билан айтганда, “Хамса”нинг чўққиси ва ҳадди аълоси бўлган “Лайли ва Мажнун” достони ҳақида бўлиб, унда дoston матни қатига моҳирона жойланган хослар ишқи билан боғлиқ ҳолатлар таҳлилига урғу қаратилган.

Умуман олганда, 2020 йил давомида чоп этилган мумтоз адабиёт тадқиқиға доир мақолалар мисолида кўриш мумкинки, адабиётшунослик тадқиқотларининг дадил бир тарзда давом этиши, янги мавзуларга мурожаат қилиниши, изланувчилар орасида ёшлар овози борлиги, шунингдек, янгича ёндашувлар учун ҳаракатлар кишида умид уйғотиши баробарида янги давр талабларидан келиб чиқиб, таҳлилниң замонавий методларини қўллаш эҳтиёжи, фикр ва хулосаларни баён қилишда илмийлик, аниқлик, қатъий метод ва принципларга риоя қилиш шартлигини ҳам намоён қилмоқда.

Фаслларни кафтимга ёғдир



Рашид ХЎЖАМОВ

ЁМҒИР ҚЎШИҚЛАРИ

1

Бизлар ёмғир эдик ўшанда,
Равишимиз сиғмас ақлга.
Бизлар ёмғир эдик ўшанда
Ва сиғмасдик бошқа шаклга.

Бизлар ёмғир эдик ўшанда,
Сен чиройли ёғдинг шунда ҳам.
Сочларингдан тўкилди оҳанг,
Кўзларингдан томди оби зам.

Бизлар ёмғир эдик ўшанда,
Унутганман ундан нарини.
Балки, ҳамон кезиб юрибмиз:
Ҳинду Хитой кўчаларини.

Бизлар ёмғир эдик ўшанда,
Ўзни бўлак не ҳам дер эдик?
Нари борсак, икки ютим май,
Битмай қолган икки шеър эдик.

Бизлар ёмғир эдик ўшанда,
Бу боғларни таниб турибман.
Онда-сонда ёғиб тур, мен ҳам,
Гоҳ-гоҳида тиниб турибман.

Бизлар ёмғир эдик ўшанда.

Рашид ХЎЖАМОВ – 1997 йилда туғилган. Гулистон давлат университетининг филология факультети ўзбек тили йўналишини битирган. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети магистранти.

Хотирамни йўқотаяпман,
Эслат, холинг ўнгми, чап юзда?
Киндигимни узмасдан ҳаёт,
Бунча мажхул жумбоқлар тузди?

Сендан бошқа кимим бор, фақат,
Бироз муддат керак танишга.
Хур исмингла маним қулотим,
Қай нуроний кунда танишган?

Рост,
Билмайман,
Чизиб бер,
Билсанг –
Фаслларни кафтимга ёғдир.
Нима билан қорилади қор,
Қайси рангда ёғади ёмғир?

Фақат бита таниш оҳанг, лек,
Рўё бўлса, дунём беш ондир.
Таниганим гарчи чин бўлса,
Ёмғирман деб, мени ишонтир,

Ёмғирман деб, мени ишонтир.

* * *

Ёлворишинг шартмас,
Шартим тугаган,
Аразимни қарздай ўчираман, мен.
Осмонни ўртага олиб,
Олмаган –
Ерга қарасанг ҳам кечираман, мен.

Кўз ёшми,
Қўйсангчи, Кимга керак у –
Далли одамларнинг суйган маслагини.
Йиғлагиммас,
Ўшал эсим еган ҳу-ув
Қунларни эслагим келар, эслагим.

Қўнгил сўрасанг ҳам
Кечираман, мен.

Зикри зиёратлар бўларми қабул,
Токи, қовушмасак ўксимиз мулки.
Ой-ёрдан гумона билан қолган тул,
Унинг нимасига сиғиниш мумкин.

Ўлим тиласанг ҳам кечираман, мен.

Тушун, ёдинг тушиб, маним ёдимга,
Синдирар еттинчи кўкдаги курсим.
Чап елкамда сенинг гар бошинг турса,
(Майли, ўнг елкамда Тянь-Шан турсин.)

Кечир демасанг ҳам
Кечираман, мен.

Ака

Ака, мени юрагингга бос,
Юрагингдай мард бўлсин руҳим.
Бошингни тош айлаган дунё,
Нега менга қилмайди раҳим?

Қўлимдан тут,
Тут олдингидай,
Сенга ўхшаб ташлай қадамни.
Ёш боладай соғиндим бу тун,
Оҳ, соғиниб бўлмас одамни.

Инсон зоти бунчалар малол
Дунёсига,
Билолмаяпман.
Ака, юзимга тарсаки сол –
Мен ўзимга келолмаяпман.

Сен ҳам мендай ҳаётдан ноли,
Сен ҳам одам –
Кунинг кун кўрсин.
Акамга деб мисра битмаган,
Укангни ўз қарғиши урсин.

Сенинг ниманг кам, айт, отамдан,
Манглайимга борлигинг тортиқ.
Кел, бошимни юрагингга қўй,
Меҳрингга дош беролмам ортиқ.

Ака, мени юрагингга бос,
Юрагингдай мард бўлсин руҳим.

Аслида

Аслида, поклигинг бош айб,
Аслида, рафиқинг бош ғайир,
Бир умр,
Кўксингга бош қўйиб,
Сеники бўлмайди одамлар.

Бир сариқ чақанинг ҳунари –
Кун кетар чақалар ўмариб,
Хулёга енгини шимариб,
Ҳаддини билмайди одамлар.

Иродамдай заиф далдалар,
Пардани бузарлар пардалаб,
Сўнггиси дер, сўнгсиз марталаб,
Ох, одам бўлмайди одамлар.

Бу қадар ўлим қай санада:
Туғилган,
Тугилдим,
Санодай¹.
Сарғайсам, пойингда
Паноҳдай,
Бошимни силама –
Худодай,
Каромат қилмайди одамлар.

Парвонгга сиғмайди ҳасратим,
Исматим, шу қаро қисматим,
Кетаман, келимсиз бу кетим,
Қадамлар,
Оёксиз
Қадамлар.

Аслида, поклигинг бош айб,
Аслида, рафиқинг бош ғайир,
Бир умр,
Кўксингга бош қўйиб,
Сеники бўлмайди одамлар.

Ҳад

Бизни қай шамоллар этди юзма-юз,
Қайси сукутларла қилдик аҳд-паймон,
Рост бўлса, осмондан умидингни уз –
Лек, ерда яшаш ҳам бўлмайди осон.

Энди, ўзингники эмассан, эссиз,
Сочдан тирноқ қадар ишққа товунсан.
Ёмонсиз, деб яхши кўрасан, сўзсиз,
Шеъримни ўқийсан,
Мени соғинсанг.

Айро, бўлмоқликдан айромиз, шояд,
Шукурким, тоқдунда тоқ эмасман мен,
Сенсиз бахтиқаро эдим бағоят,
Ва, ҳалиям бахти
Оқ эмасман, мен.

Ҳали улгурамиз ёниб-куйишга,
Бедорлик бахтини кўрамиз баҳам.
Ҳаддим йўқ Худодан ортиқ суйишга,
Ҳақким йўқ, ортиқроқ суйдиришга ҳам.

1 Сано – Сарик рангда гуллайдиган доривор ўсимлик.

Muslimbek ertaklari

Turkumdan



**Shukurjon
JABBOROVA**

Alimbekning sarguzashti

Salom sizga, azizlar,
Chehrasi oy, yulduzlar.
Men Muslimbek bo'laman,
Ertaksevar bolaman.

G'amxo'rdir bog'cha opam,
Bizga deydi: Gulg'uncham.
Besh tashabbus bir olam,
O'rgan o'g'lim, ham qizcham.

Baxtli farzand bo'lamiz,
Ta'lim olgan bolamiz.
Bizniki yeru osmon,
Kelajakmiz navqiron!

Biz boshlagan bu ertak
Bo'lgan, bo'lmagan cho'pchak.
To'g'rilikka o'rgatar
Quloq soling, ey do'stlar!

Шукуржон ЖАББОРОВА – 1959 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тамомлаган. "Кўнгилдаги дунё", "Қизил гул ва алвон хотиралар", "Чумоли Тўттининг саргузаштлари", "Барди ферма эл фарзанди бўлиб яшади" каби китоблари чоп этилган.

Bir bor ekan, bir yo'q ekan, bo'rida bormish katta sandiq, tulkida yolg'on aniq, qo'rqqoq quyonda borchaqimchilik, echkning qulog'i uzun, toshbaqaning toshi tiniq, ola qarg'a qag'illab, chumchuqchalar chirqillab, qirq yolg'onni to'qigan, hamma gapni o'qigan, zag'cha bilan ukkixon qolishibdi yolg'izlanib...

Shunday olis va yaqin zamonlarda, Shohobod degan tomonlarda bog'chalarni maktabgacha ta'lim dargohi deb nomlashgan bir davrlarda 4-sonli maktabgacha ta'lim muassasasida to'g'ri so'zli, ammo o'zini aqlli, qo'rqmas deb biladigan, bebosh Alibek degan bir bola bo'lgan ekan. Alibek istiqomat qilayotgan bu shaharning atrofi o'rmonzoru ekinzorlardan iborat bo'lib, juda go'zal, mahobatli joylar ekan. Shunday qilib, gapning qisqasi, Alibek o'rmonga qo'ziqorin tergani chiqibdi. Unga bir gala g'ozlar yo'liqib qolibdi. G'ozlarning kattasi, balki shohidir, boshida toji bori uni xavfdan ogoh etibdi.

– O'rmon ichiga borma, bir yalmog'iz, dilozor, so'yloq tishli kampir bor, – deyishibdi. G'ozlar bolani o'rab olishibdi. Shu paytning o'zida ko'zlari anoyi, kiyinishi juldur, yurishi dahshatli, og'zida tishlari bo'rtib turgan yalmog'iz shu yerda paydo bo'libdi va tishlarini g'ijirlatib, g'azablanib, g'ozlar shohiga baqiribdi:

– Hoy g'oz, so'zing buncha betuz! Har kim rizqini yeydi. Sen bolani menga ber, men uni yeyman! – debdi.

– Uni yema, hali u juda ozg'in, – debdi g'ozlar shohi.

U shunday desam bolani tashlab ketadi, deb o'ylabdi.

– Shundaymi? Unda sen bolani olib ket, uyingda boq. Uni sendan olib yeyman! Bo'lmasa urug'-aymog'ing bilan o'zingni qo'shib yutib yuboraman! – debdi qo'rqitib, bo'kirganicha Yalmog'iz.

Noiloj qolgan g'ozlar Alibekni ko'tarib uchishibdi. Uchaverib-uchaverib juda baland bir tepalikka – g'ozlar makoniga kelib qo'nishibdi. Bu yer Alibek yashayotgan o'lkalardan juda olisda, hech kim bormas joylarda ekan. Atrof go'zal, balandlikdan pastda katta anhor oqib turar, burgutlar, turli qushlar makon qilgan so'lim go'sha ekan.

Bola g'ozlar bilan yashay boshlabdi. Bo'yni uzun, ko'rkli G'ozoyimning ipak qanotlari oppoq, o'zi nafis va chiroyli ekan. U Alibekka shunday debdi:

– Ertalab yuz-qo'llaringni sovun bilan yuvishni kanda qilma! Biz bu mitti sovunlarni uzoq o'lkalardan olib kelamiz. Hozir o'lkamizda Chin Mochin degan yurtdan kelgan Korona degan maxluq tarqatgan kasallik bor. U faqat sovundan qo'rqadi, sovun uning kushandasi...

Shunday qilib, bir yilu to'rt oy vaqt bir zumda o'tib ketibdi. Bolani unutmagan Yalmog'iz kampir Alibekni topib kelibdi va baqira boshlabdi:

– Hoy, quloqsiz, menga qara, chiq bu yoqqa, seni olib ketishga keldim, – debdi. Alibek unga qarashga qo'rqibdi.

– Senga uni bermayman! – debdi G'ozoyim.

– Men sen bilan ketmayman! – debdi Alibek ham bo'sh kelmay.

– Nima deding? Ho'v, ahmoq, landovur bola, seni boqtirib qo'yganim esingdan chiqdimi? Endi seni yeyman! – baqira boshlabdi Yalmog'iz va qo'lini cho'zib, yaqinlasha boshlabdi.

– Biz ahilmiz. Virusni sovun bilan daf qildik. Seni ham yo'qotaman! – debdi

Alibek va suvli sovunni Yalmog'iz kelayotgan tomonga to'kib, sochib yuboribdi.

Yalmog'izni ham ajal sudrab kelgan ekanmi, u sovunga toyilib, qattiq yiqilibdi va shu zahoti joni tanidan chiqib, xirillab o'lib qolibdi. G'ozlar va bola ahillik va hamjihatlik bilan Yalmog'izdan qutulibdi.

Shu kuni G'ozlar shohi Yalmog'iz degan baloni daf qilganlari uchun bayram uyushtiribdi. Yalmog'iz bilan birga yurtga kelgan Koronavirus ham yo'qolib, tinchlik hukm suribdi. Axir u ham yovvoyi Yalmog'iz kampirning o'ylab chiqqan rejasi bo'lgan ekan-da!

Ertasiga g'ozlar o'z shohining buyrug'iga asosan Alibekni o'z yurtiga – Shohobodga olib kelib, xayrlashib yana uchib ketibdilar. Alibek ko'zlarida yosh bilan xayrlashib, o'zi yashayotgan uy tomonga yuribdi. Shu vaqti uydan otasi, onasi, ukalari yugurib chiqibdilar.

– Qayerlarda qolding, bolam? Seni tirik kelishingdan umidimizni uzgandik, – debdi otasi-onasi. U bo'lgan voqealarni hikoya qilib beribdi.

– Endi yolg'iz o'rmonga chiqma bolam! – deya quvongan ota-onaning bag'ri to'lib, elga ehson beribdi.

Ozod Vatan bag'rida

Ahil-inoq bolamiz.

Endi olam sahnida

Ezgulik yaratamiz!

Shunday qilib, azizlarim, bo'rivoyning sandig'iga yana bir ertak to'qilib, to'kilib tushibdi. Tulkivoy unga yana qo'shib-chatibdi. Quyon qo'rqinchli joylarini bo'rttiribdi. Echki uzun qulog'ini yana cho'zibdi, ingichkalashib ketibdi. Toshbaqa esa imillasa-da, yo'l bosib, o'zga joylarga borib, so'ylab berib, xumordan chiqibdi. Qarg'axonim har joyidan bir tutam olib, har yerlarda so'ylab yurgani ham rost ekan. Faqat ezgulik, to'g'rilik, ahillik sizga hamroh bo'lsin!



Изламасанг шеър қайда?

Пародиялар



Абдураззоқ ОБРҮЙ

Етти қадам кетсанг

*Магар ўлсам, о, бағрингда ўлгим келар,
Олис кетма, сенсиз бўзлаб қолмасин дил.*

Садоқат ҚУРБОНОВА, "Олис кетма"

Олис кетма, мен сигарет чекаман,
Олис кетма, мен ҳаттоки ичаман.
Олис кетма, сенсиз қандай учаман,
Олис кетма, бошқасини қучаман.
Олис кетма, чин юракдан уфлайман,
Олис кетма, сенсиз қандай ухлайман.
Олис кетма, менчи кимни топаман,
Олис кетма, менчи кимни ўпаман.
Олис кетма, нима бўлсам бўлайин,
Олис кетма, шеър ёзмайин ўлайин.

Ахборотбон қоралама

*Ўқийман деб олийгоҳда,
Техникумни битирдим.
Тақдир дедим, бу даргоҳда
Насиб бўлса ўқирдим.*

САНЖАРБЕК, "Оқ кабутар"

Абдураззоқ ОБРҮЙ – 1956 йилда туғилган. Москва давлат университетида ўқиган. “Тўплам-ҳўплам”, “Бўйдоқ аскар”, “Ҳиринг-ҳиринг”, “Ади-бади” каби китоблари ва кўплаб асарлари чоп этилган.

Анаву заковатку,
Анаву маҳоратку,
Менда йўқ адоватку,
Ёзганинг “Ахборот”ку.

Мерос бўлса, васият,
Қариядан насиҳат,
Фойдаси йўқ маслаҳат,
Ёзганинг “Ахборот”ку.

Ишламасанг тер қайда,
Қарамасанг ер қайда,
Изламасанг шеър қайда,
Ёзганинг “Ахборот”ку.

Қанақа шоирсан?

Бир бола булбулдай сайраб турибди.

Намоз ҲАМРОЕВ, "Тўртлик"

Адашдинг, болакай яйраб юрибди,
Тилини яхшилаб, қайраб юрибди.
Яхшилаб қара, хурсанд, шод болакай,
Чунончи булбули уйгоқ турибди.

Ўзи билмайди

*Ҳушни чумолилар чақиб нетади,
Ичимда нимадир ўтиб кетади.
Зино қилмасликка қучим етмайди,
Менинг нуқсоним шу.*

Барака БОҶИЙ, "Иқрори рух"

Ўнг томондан сира юрмайди,
У бекорга лабин чўзмайди.
Биттагина нуқсони шуда:
Бузилганин ўзи сезмайди.

Бу каллага нима келмайди,
Ёзмасангчи ҳеч ким билмайди.
Эвоҳ, мана шоир акамиз,
Яп-ялангоч, ўзи билмайди.

Енгиш

*Мағлуб этса мени ноҳақлар жангда,
Қарши чиқмоққа куч қолмаса танда.
Барчасини ичга ютиб ўшанда,
Мен дардимни кулгу билан енгаман.*

САМЕЖОН, "Кулгу билан енгаман"

Мен пиккани ошиқ билан енганман,
Терларимни сочиқ билан енганман,
Мен овқатни қошиқ билан еганман,
Шапалокни кулгу билан енгаман.

Кўзим юммай енгилади уйқу ҳам,
Ҳеч иш қилмай енгилади туйғу ҳам,
Қўлга олсам, синиб қолар чолғу ҳам,
Чақалокни кулгу билан енгаман.

Йиғласам йиғлабман, чидайманда,
Кўнмасам кўнмабман, чидайманда,
Урганни урмайман, чидайманда,
Бақалокни кулгу билан енгаман.

Пешанамни иккига бўлсин, майли,
Суякларим қарсиллаб синсин, майли,
Хоҳлаганлар келиб ҳўб кўрсин, майли,
Абдураззоқни ғўр шеърла енгаман.

Узрхонлик

*Майли, уйсин қобогин,
Узатсин табогин.
Учириб кўнгил догин,
“Битта узр сўраб қўй...”*

Зоҳида МАЛИКОВА, “Битта узр сўраб қўй...”

Тишинг нечта? Санасин,
Тухумларинг донасин,
Уйларингнинг хонасин,
“Битта узр сўраб қўй”.

Ҳар кун келиб қошингга,
Пашша бўлсин ошингга,
Соч экинлар бошингга,
“Битта узр сўраб қўй”.

Қулоғинг чўзиб олсин,
Майлига, узиб олсин,
Юзта қуй, қизиб олсин,
“Битта узр сўраб қўй”.

Дехқоннинг ери бўлсин,
Аёлнинг эри бўлсин,
Шоирнинг шеъри бўлсин,
“Битта узр сўраб қўй”.

Ўхшатишнинг устаси

*Шамол ўйнаб кетган кокилинг,
Мажнунтолга қиламан қиёс.
Кўзларинг тим қоралигини
Осу кўзга қиламан қиёс.*

МАҒЗУНИЙ, "Ўхшатаман"

Ёниб турган кўзларингни мен,
Прожекторга қиламан қиёс.
Адоғи йўқ сўзларингни мен,
Зўр дикторга қиламан қиёс.

Хумдан катта каллангни рости,
Откаллага қиламан қиёс.
Бўялган сочларингни рости,
Шўх маллага қиламан қиёс.

Шеър газетда чикқанда, мен шод,
Зўр йўлбарсга ўхшайман, жоним.
Уни ўқиб, сен дея: “Вой-дод”,
Ҳеч кўркмасга ўхшайсан, жоним.

Эчкида қасам борми?

*Муҳаббат деган туйғу, бора-бора ўлганди,
Севмайман деб қасд қилсам, оёғимдан йиқитдинг.*

Мусурмонқул СУВОНҚУЛОВ, "Муҳаббат яна менга йўлиқдинг"

Мен кимларни сизлаб юрибман, биласанми,
Тутуруқни хўб излаб юрибман, биласанми?

Ҳаммасидан кечгандим, бўлди ғалати,
Излаб топди Алвасти деган лаънати.

Илмим оширай деб ўқийман кечкида,
Сўзидан қайтган одам, мен ҳам эчкида!

Билмадим...

*Билмадим...
Нафсгами,
Орзугами,
Восвосгами,
Девоналикками,
Хуллас, бир нарсага эргашиб юрибман.*

Барака БОҚИЙ, "Ғурур"

Билмадим...
Аллам борми,
Яллам борми,
Саллам борми,
Каллам борми,
Хуллас, думалоқ нарсани кўтариб юрибман!

Билмадим...
Сўзим борми,
Кўзим борми,
Тузим борми,
Ўзим борми,
Хуллас, бақалоқ нарсани кўтариб юрибман!

Билмадим...
Изим борми,
Безим борми,
Сезим борми,
Эсим борми,
Хуллас, шунақа нарсани кўтариб юрибман!

Билмадим...
Торим борми,
Орим борми,
Қорин борми,
Борим борми,
Хуллас, анақа нарсани кўтариб юрибман!

Шоир босиб кетар

*Бир кунлар келади, Худо хоҳласа,
Мен ҳам имкон қадар савоб қиламан.*

Шерзод МУСТАФО, "Бир кунлар келади".

Зоминда шундай шеър бир киз ўкиди,
Қулоғим тагида жаранглаб турар.
Нахотки Шерзод ҳам шундай тўкиди,
Шоирмас, бу ахир Авлиё бўлар.

Телевизорни яхшилаб кўр, майли,
Яна бир шеър ёзасан у туфайли,
Кўчириш ҳам ахир бўлсин чиройли,
Шоирмас, бу ахир Авлиё бўлар.

Бир кунлар келади бир кунларда,
Ҳамма кўчирар албат шу кунларда,
Ҳамма шоирман дейди у кунларда,
Шоирмас, бу ахир Авлиё бўлар!

Бировнинг ёрига жон берма

*Балки у кимнингдир париси,
Сўраса, жонимни бераман.*

Ҳасан АЛМАТ, “Сўраса, жонимнинг бераман”

Сенга бирор фойдами,
Сенга шу қоидами,
Шоир эсинг жойдами,
Ёт парига жон берма!

Ўлибсан, ўлсанг дейди,
Бўлибсан, бўлсанг дейди,
Шу ишни кўйгил энди,
Ёт парига жон берма!

Топиб олиб парингни,
Сарфла неки борингни,
Маҳкам ушлаб орингни,
Ёт парига жон берма!

Чўзмақулоқ

*Мен бир сўзни йўқотиб қўйдим,
Пайдо бўлди эсимда тешиқ.*

Оллаёр ХЎЖАНДИЙ, “Бир сўз...”

Мен бир қизни йўқотиб қўйдим,
Пайдо бўлди юракда дарча.
Шунда мен-ай, тўлғандим, куйдим,
Қарсак чалиб туришди барча.
Мен бир кўзни йўқотиб қўйдим,
Иккинчиси сал-пал кўради.
Учқўрғонда холамини кўрдим,
Бир кўз қани дея сўради!
Бир қулоғим йўқотиб қўйдим,
Биттасини чўзса бўлади.
Эшитмоқни ёқтирмай қўйдим,
Бунисин ҳам узса бўлади!

Адабий ҳаёт

* * *

1-3 декабрь. Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорликда “Адабиёт кунлари” байрамини ташкил қилди. Мазкур катта байрамда бир гуруҳ адабиётшунос олим, ёзувчи-шоирлар иштирок этдилар.

* * *

2 декабрь. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Маданият вазирлиги томонидан маърифатпарвар аллома ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Бехбудий таваллудининг 145 йиллигига бағишланган тантанали адабий-бадий кеча ташкил қилинди.

* * *

6 декабрь. Адабиётшунос олим Нурбой Жабборнинг “Маоний аҳлининг соҳибқирони” монографияси ва шоира Мунаввара Усмонованинг “Ҳаёт тумори” шеърӣ китоблари чоп этилди.

* * *

8 декабрь. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Конституция куни муносабати билан байрам табриги ўқиб эшиттирилди. Бош қомусимизнинг 29 йиллиги жойларда кенг нишонланди.

* * *

9-10 декабрь. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигига бағишлаб “Абдулла Орипов – ўзбек ва тожик халқлари дўстлиги куйчиси” деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Тожикистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Тожикистон халқ шоири Низом Қосим, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Халқ дипломатияси маркази раҳбари Қобилжон Собиров, “Ўзбекистон – Тожикистон” дўстлик жамияти раиси ўринбосари Қурбон Ражабов ва бошқалар иштирок этишди. Тантанали адабий-бадий кеча – Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси қабул қилинган куни муносабати билан Алишер Навоӣ номидаги давлат академик катта театрида давом этди.

* * *

14 декабрь. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг анжуманлар залида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Исмат Хушевнинг “Оқланмаган ишонч қиссаси” номли китоби тақдироти бўлиб ўтди.

* * *

15 декабрь. Қозоғистонда ҳам Навоӣ асарларини ўрганиш, таржима қилиш, нашр эттириш борасида сўнгги йилларда муҳим ишлар амалга оширилди. Хусусан, “Ҳамса” асаридаги “Лайли ва Мажнун” ҳамда “Садди Искандарӣ” дostonларини

Қозоғистон давлат мукофоти совриндори, таниқли қозоқ шоири Несипбек Аитули қозоқ тилига таржима қилди ҳамда ушбу асарлар кўркем китоб ҳолатида қозоқ ва ўзбек тилларида нашр этилди.

* * *

16 декабрь. Адиба Галина Долгаянинг "Югурик сувлар қўшиғи" номли тарихий романи таниқли ёзувчи Рисолат Ҳайдарова томонидан таржима қилинди ва чоп этилди.

* * *

23 декабрь. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан адабий-бадий кеча уюштирилди ва жойларда кенг нишонланди.

* * *

24 декабрь. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, "Жаҳон адабиёти" журнали бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоевнинг "Эркин Воҳидовнинг имзоси" номли китоби чоп этилди.

* * *

27 декабрь. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, давлат мукофоти лауреати, профессор Муҳаммад Али Халқаро Туркий академиянинг "Навоий олтин медали" юксак мукофоти билан тақдирланди.

* * *

28 декабрь. Эркин Воҳидов таваллудининг 85 йиллиги муносабати билан Фарғона вилоят ҳамда Марғилон шаҳар ҳокимлиги, Эркин Воҳидов номидаги ижод мактаби ҳамкорлигида Марғилон шаҳар Ижодкорлар боғида тантанали тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда Фарғона вилоят ҳокими ўринбосари Файзулло Қосимов, Марғилон шаҳар ҳокими Адҳамжон Зиявитдинов, ёзувчи ва шоирлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

* * *

Таниқли ёзувчи Баҳодир Қобулнинг Жиззах вилоятининг Бахмал туманида "Ойқорнинг оҳорли хотиралари" китоби тақдими бўлиб ўтди.

* * *

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Алишер Навоийнинг "Хамса" асарининг озар тилидаги таржима китоблари тақдими бўлиб ўтди. Асарни таниқли олим ва таржимон Рамиз Аскар озар тилига ўгириб, "Фейзият" нашриётида чоп эттиргани мутаффақирнинг 580 йиллигига катта тухфа бўлди.

МУНДАРИЖА	
БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР	
Эркин ВОҲИДОВ. Ватан маъноси бокий хотира.	4
НАЗМ	
Абдужалил АСИРИЙ. Хаёлингда ястанар олис.	14
Захро ШАМСИЕВА. Соғинч кўздан тўкилмоқда.	19
Баходир ИСО. Ҳорғин руҳим, қанотларинг ҳўл.	31
Носиржон ТОШМАТОВ. Умр асли энг катта имкон.	39
Шухрат РУСТАМОВ. Унинг вужудида қолсайдим кошки.	43
Маҳбуба СОҶИЕВА. Демак яшаяпман қалбингда мангу.	46
НАСР	
Нормурод НОРҚОБИЛОВ. Ёзнинг биринчи кун. <i>Ҳикоя</i> . 23	
Рисолат ҲАЙДАРОВА. Себзор. <i>Эссе</i>	49
Хурсанд АЛИ. Овчи. <i>Ҳикоя</i>	86
ВАТАНДОШ	
Шаҳодат УЛУҒ, Дилфуза ҚЎЗИЕВА.	
“Адабиёт – инсоният даври қадар давом этади”.....	111
БИЗНИНГ МУЛОҚОТ	
Жовли ХУШБОҚ, Мирзапўлат ТОШПЎЛАТОВ.	
“Тириклик шамидай милтирар ҳавас...”	121
АДАБИЁТ ВА ШАХС	
Анвар НАМОЗОВ. Тоҳир Маликнинг сўнгги кунлари.	116
УНУТИЛМАС ХОТИРАЛАР	
Оллоёр БЕГАЛИЕВ. “Политбюро аъзоси”.....	129
ДИЛ СЎЗИ	
Тўлқин ЭШБЕК Фақат ижод ва яна ижод.	134
МУТОЛАА	
Абдулла УЛУҒОВ. Ҳаяжонга тўлиқ қалб манзараси	138
“ШАРҚ ЮЛДУЗИ”	
ЖУРНАЛИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИГА	
Нуруллоҳ Муҳаммад РАУФХОН.	
“Шарқ юлдузи” мактаби ўқувчисиман.	141
Победахон АБДАЗИМОВА.	
“Ёшлигим сирдоши, дардкаш устозим...”	143
ТАҲЛИЛ	
Абдурахмон ПИРИМҚУЛОВ. Зикрилла Неъмат зикрида.	146
ИЖОДИЙ КЕНГАШЛАРДА	
Дилнавоз ЮСУПОВА. “Эмас осон бу майдон ичра турмоқ...” ...	151
ТАДҚИҚОТ	
Оролмирзо САФАРОВ.	
Катта йўл олдидаги “Катта ашула”чилик санъати.....	109
ЁШЛАР ДАФТАРИ	
Орифжон КОМИЛ. Висолинг васфинг сўйлаб сирлашар.	104
БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ	
Рашид ХЎЖАМОВ. Фаслларни кафтимга ёғдир.	161
ГУЛҚАЙЧИ	
Абдураззоқ ОБРЎЙ. Изламасанг шеър қайда?. <i>Пародиялар</i>	168
BOLALAR DUNYOSI	
Shukurjon JABBOROVA. Muslimbek ertaklari.	165
Адабий ҳаёт.	174

Шарқ юлдузи

2021

12-сон

Муассис:

**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ**

* Муаллифлар фикри таҳририят ижодий жамоаси нуктаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятта юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 “Ўзбек адабиёти” ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

* Журналга обуна даврий нашрларни етказиб бериш билан шугулланувчи барча ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилимиз:

100066, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўча, Адиллар хиёбони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси.

Телефонлар:

71231-23-65, 71231-23-66, 903721438

www.sharqyulduzi.uz

e-mail: sharqyulduzi@mail.ru

sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди:

12.01.2022

Қоғоз бичими 70x108 1/16
Офсет босма усулида офсет қоғозида босилди. Босма табоғи 11,0.
Шартли босма табоғи 15,4.
Нашриёт ҳисоб табоғи 17,2.
Адади нусха. 11050
Буюртма №1

Эслатма: Журнал пандемия шароитида танаффуслар билан чоп этилганини эътиборга олиб, маълумотлар аниқлигини текшириш учун журналнинг босмаҳонага топширилган санасига қаралсин.

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 05.02.2016 й. 0562-рақам билан рўйхатга олинган.

“PRINT REBEL” МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Ўрозбоев кўчаси, 35-уй

Журнал ойда бир марта чоп этилади.

Мусахҳишлар:

*Дилфуза Маҳмудова
Моҳира Хусанова*

Саҳифаловчи-дизайнер:
Муҳаммадсодиқ Сайфуллаев

Copyright © “Шарқ юлдузи”